

Одамовилар хиёбонидаги 4- уй соҳиблари мистер ва миссис Дурсллар: - Худога шукурлар бўлсинки, хонадонимиздаги хаёт мутлако меъерий тарзда кечмоқда, - деб мактана олишлари билан жуда ғурурланишади. Шундай кишилар бирор-бир ғайриоддий, айникса, сирли ҳодисага араллашиб қолишларини тасаввур қилиб ҳам бўлмайди. Зеро улар ҳар қандай бемаънигарчиликни тоқат қила олмайдилар.

Жуссаси йирик, ортик даражада семизлигидан бўйни деярли кўринмайдиган, бурни остидан узун мўйлов ўсиб чиққан Мистер Дурслъ парма ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Груннингс» фирмасининг директори бўлиб ишлайди. Қотмадан келган сарғиш сочли миссис Дурслнинг бўйни эса аксинча, ҳаддан ташқари қизиқувчан табиати учун айти муддао бўлиб, оддий аёлнинг бўйнига нисбатан икки чандон узун. Негаки, хоним биронинг деворидан мўралаб қараш, қўшнилари кузатиб, уларнинг сир-асрорларидан бохабар бўлиб юришни ўларча ёқтиради. Бундан ташқари, эр-хотиннинг кичкинтой, Дудли исмли ўғли бўлиб, ота-онанинг фикрича, ушбу ёруғ оламга ҳали бундай ажойиб бола келмаган эмиш.

Дурсллар бисотида ҳамма нарса бор. Бироқ яна шундай бир мудҳиш сир борки, у ҳам бўлса, Поттерларнинг Дурслларга қариндошлигидир. Бу гапнинг бирор-бир кишига ошкор бўлиши Дурсллар учун бардош бериб бўлмас андиша бўлиб, ундан бирор-бир кимса воқиф бўлиб қолиши ҳақидаги ўй эр-хотинни қаттиқ ғазабга келтиради. Гап шундаки, миссис Поттер миссис Дурслнинг туғишган синглиси бўлади. Бироқ опа-сингил кўп йиллардан буён юз кўришмаган. Очиғини айтганда, миссис Дурслъ ўзини гўё синглиси йўқ кишидай тутади. Бунинг боиси сингил ҳам, унинг тўпори эри ҳам, Дурслларга имкон қадар ўхшамасликка ҳаракат қилишидир. Мабодо Поттерлар Дурсллар кўчасига кириб қолишса-ю, қўшнилари бу ҳақдаги фикс-фасодларини ўйлашса, эр-хотиннинг аъзойи баданини титроқ босади. Дурсллар ўз кўзлари билан кўришмаган бўлса-да, Поттерларнинг жажжи ўғилчаси борлигидан хабардор. Умуман айтганда, айти шу боланинг борлиги Дурслларни Поттерлардан янада узокроқ бўлишга мажбур қилди. Дудлининг ҳар хил безориларга илашиб юриши етмай турган эди!

Деразадан кўриниб турган булутли осмонда, яъни ҳикоямиз бошланадиган, ҳавоси бузуқ зерикарли сешанбанинг мистер ва миссис Дурсллар уйғонган эрта тонгида, кўп ўтмай жуда сирли, жумбокли воқеалар бўлиб ўтишидан далолат берадиган бирор-бир аломат ҳали кўринмайди. Мистер Дурслъ алланарса ғўнғиллаганча, ишга тақиб юрадиган кўримсиз бўйинбоғларидан бирини қидирар, миссис Дурслъ эса бақалок Дудлини баландгина болалар курсисига сукиб киритишга ҳаракат қилиб, кечаги миш-миш гапларнинг чаласини эрига шоша-пиша охиригача сўзлаб беришга ошиқар эди.

Ўзи билан ўзи овора эр-хотин айти пайтда дераза ёнидан учиб ўтган малла-жигар ранг бойқушни пайкамади.

Соат саккиз яримда мистер Дурслъ портфелини қўлига олди-да, хотинининг юзидан чўқиб олди. Айти фурсатда жанжал кўтариб, курсида типирчилаганча, атрофга жон-жаҳди билан сули бўтқа улоқтираётган Дудлини ҳам ўпмоқчи бўлди-ю, ҳаракати хато кетди.

- Қуёнчам мени, - қурқураб қўйди Дурслъ, уйдан чиқиб кетар экан.

Бир илож қилиб машинасига кириб олган мистер Дурслъ 4- уйдан нари кетди. Чорраҳага чикқач, илк бор ғалати бир ҳолат гувоҳи бўлиб қолди. Ногаҳон унинг нигоҳи синчковлик билан харита ўрганиб турган мушукка тушди. Мистер Дурслъ, ушбу ҳолатга дастлаб эътибор қаратишга ҳам улгурмади, нимани кўрганини идрок

этгач эса бошини кескин буриб, ортга каради. Одамовилар хиёбони бурчагида юнги йўл-йўл мушук турибди-ю, ёнида ҳеч қандай харита кўринмайди.

- Қандай бемаънилик?! Тонг ёруғлигининг ўйини бўлса керак бу.

Мистер Дурслъ кўзини пирпиратиб олдида, мушукка бақрайтирди. Мушук ҳам унга тик қараб турибди. Харақатини давом эттирар экан, токи бурилиб, катта йўлга чиққунга қадар дўнг пешонасининг рўпарасидаги орқа томонни кузатиш кўзгусидан мушук харақатини кузатиб борди. Бу сафар мушук кўча номи ёзилган тахтадаги «Одамовилар хиёбони» ёзувини ўқимоқда. Йўк, аниқроғи у тахтага қараб турибди. Ахир мушук харитани ҳам, тахтадаги ёзувни ҳам ўқий олмаслиги муқаррар-ку! Мистер Дурслъ бир силкиниб олди-да, хаёлини мушукдан чалғитди. Шаҳарга элтадиган йўл давомида эса шу бугун ишда бир дунё пармаларга йирик буюртма олиши ҳақидаги ўйга чўмиб кетди.

Шунга қарамай, шаҳарга яқинлашган мистер Дурслнинг пармалар билан боғлиқ орзу-ҳавасини яна бир ҳолат қувиб юборди. Ҳар куни эрталаб рўй бергани каби бугунги йўл тирбандлигида ўтирар экан, ҳамма ёқда ғалати кийиниб олган одамлар юрганани сезиб қолди. Мистер Дурслъ кишининг жиғига тегадиган одамларни тоқат қила олмайди. Бу одамлар эса ҳаммаси бирдай ридо кийиб олган.

- Баъзан ёшларнинг беўхшов кийиниб олишганини ўйласанг, ваҳиманг келади! Ридо – бирор-бир сўнги чиққан аҳмоқона мода бўлса керак-да, - хаёлдан ўтказди у.

Машинасининг рулини бармоқлари билан чертиб ўтирар экан, ёнгинасида йиғилиб олган, нималардир ҳақида кайфи чоғлиқ билан шивирлашиб турган ақли норасолар томон қараб, улар орасида икки-уч киши унчалик ёш эмаслиги, анави киши эса кекса бўлиб, зумрад-зангори ридо кийиб олганлигини ғзаб билан пайқаб қолди!

- Қандай андишасиз киши экан!

Бирдан мистер Дурслнинг хаёлига:

- Буларнинг бари навбатдаги реклама ёки бирор-бир ўхшаш тадбир бўлиб, мана бу одамлар хайр-эхсон йиғиб юрган бўлса керак, - деган ўй келди, - Ҳа, энди тушунарли.

Нихоят машиналар кўзғалиб, икки дақиқадан сўнг, мистер Дурслъ яна ўз пармалари ҳақида ўйлаганча, «Груннингс» идорасининг биноси ёнидаги машиналар турадиган майдончага кириб борди.

Тўққизинчи қаватда жойлашган хизмат хонасида мистер Дурслъ доимо деразага орқа ўгириб ўтиради. Агар бундай ўтирмаганида бугун эрталаб у ўз хаёлларини пармаларга жалб этишга анча қийналган бўлар эди. Негаки у, куппа-кундуз куни деразаси ёнидан бойқушлар тинмай учиб ўтишаётганини пайқамасди. Аммо кўчадаги одамлар оғзиларини очиб, лол қолишганларича, йирик ўрмон қушларининг кетма-кет учиб юришганини томоша қилишди. Тўпланиб олган меровларнинг аксарияти бойқушларни, ҳатто тунда бўлсин, муқаддам кўришмаган. Мистер Дурслъ куннинг биринчи ярмини шу аснода, ўз маромида, бўлар-бўлмас бемаъни бойқушларсиз ўтказди. У беш нафар бўйсунувчининг таъзирини бериб, муҳим жойларга қўнғироқ қилиб бўлгач, яна икки кишини қойиб беришга улгурди. Тушлиқдан сўнг, аъло кайфият ила кўчага чиқиб, қўл-оёқларининг чигилини ёзиб келиш ва бир йўла нон дўконига кириб, ёғда кўпчитиб пиширилган бир жуфт қулча харид қилишга аҳд қилди.

Дўконга олиб борадиган йўлакда турган одамлар тўдасига дуч келмаганида, мистер Дурслъ эрталаб учратган анави ридо кийган кишиларни эсига ҳам олмаган бўлар эди. Тўда ёнидан ўтар экан, дарғазаб нигоҳ-ла, ушбу одамларга бошдан-оёқ разм солиб, қараб чиқди. Сабабини англаш қийин бўлса-да, бу каслар негадир мистер Дурслни асабийлашишга мажбур қилишди. Булар ҳам, тўлқинланиб шивирлашмоқда. Бироқ қўлларида хайр-эхсон йиғиб юриш учун бирон-бир идиш

кўринмайди. Мистер Дурслъ кулчага тўла қоғоз халтани катта қорнига босиб олганча, дўкандан қайтар экан яна шуларнинг ёнидан ўтиб, қулоғига чала-ярим гаплари эшитилиб қолди:

- Поттерлар, аниқ, менга айнан шундай дейишди...

- ... ха-ха, уларнинг ўғли, Гарри...

Мистер Дурслъ яшин ургандай тўхтаб, саросимага тушиб қолди. Шивирлашиб турган одамлар томон ўгирилиб, ниманидир сўраб билмоқчи бўлди-ю, фикридан қайтди.

Дахшатдан ранги бўздай оқариб, идора томон ғизиллаганча, хонасига югуриб етиб олди-да, котибага бўкириб, уни ҳеч ким безовта қилмаслигини буюрди. Уй телефонининг рақамини энди териб бўлган эди ҳам-ки, бирдан ўзини тўхтатди.

Гўшакни жойига қўйиб, мўйловини силаганча ўйга чўмди...

- Йўқ. Бу қандайдир бемаънилик. Ахир Поттер фамилияси у қадар ғайриоддий фамилия эмас. Фамилияси Поттер, ўғлининг исми Гарри бўлган одамлар эса бир талай бўлиши мумкин-ку, - хаёлдан ўтказди мистер Дурслъ, жиянининг исми чиндан ҳам Гарри эканлигига шубҳа қилиб, - Эҳтимол унинг исми Гарви ёки Гарольддир. Миссис Дурслни безовта қилишга ҳеч қандай сабаб йўқ. Бояқиш, синглиси тўғрисида гап очилиши билан таъби хира бўлади. Уни бирор нарсада айблаб ҳам бўлмайди. Агар менинг шундай синглим бўлганида-чи... Бирок... ридо кийиб олганлар...

Тушлиқдан сўнг ўтган вақт давомида мистер Дурслнинг хаёли жамлаб, пармалар ҳақида ўйлаши анча қийин кечди. Идорани кечки соат бешга яқин тарк этар экан, ҳалигача ўзини идора қила олмаганидан бир ўткинчи кишини туртиб, қулатиб юборишига сал қолди.

- Кечирасиз, - тўнғиллаб қўйди у, турткидан тебраниб ерга юз тубан йиқилиб тушишдан ўзини аранг тўхтатиб қолган муштдай кишига қараб.

Бу киши ҳам бинафша ранг ридо кийиб олганини мистер Дурслъ бирдан фахмлаб олмади. Ҳозиргина лой билан битта бўлиб кетишига бир баҳя етмаган, бўйи ўсмай қолган киши эса мутлақо эсанкирамади. Аксинча, чехраси табассумдан очилиб, шундай ғайриоддий хирилдоқ овоз билан гапирдики, бир неча ўткинчи одам таажжуб-ла ўгирилиб қўйишди.

- Узр сўраманг сэр, узр билдирманг, кадрдоним. Хаётимнинг энг бахтли, энг чароғон кунини ҳеч нарса қоронғилаштира олмайди. Қувонинг, чунки Ўзингиз-Биласиз-Ким ниҳоят ғойиб бўлди! Бугун ҳатто сизга ўхшаган мағллар учун ҳам катта, эшитяпсиз-ми, ниҳоятда катта байрам бўлиши даркор.

Мўйсафид мистер Дурслнинг белидан маҳкам қучиб олдида, чопганча нари кетди. Серрайиб қолган мистер Дурслнинг оёғи асфальтга ёпишиб қолди. Ҳозиргина уни мутлақо нотаниш киши қучиб олиб, устига устак мағл деб атади. Бу аҳмоқона сўзнинг қандай маъно аңлатиши ҳақида эса ўйлашни ҳам хоҳламайди. Эсини бироз йиғиб олгач, машинаси томон ошиқиб, тез уйга жўнади. Бўлиб ўтган ҳодисани ўзига ўзи муқаддам эп кўрмаган, ҳаддан ортиқ қизишиб кетган тасаввур, деб тушунтиришга уриниб кўрди. Зеро у йўқ нарсани тасаввур этишни ҳеч қачон оқламаган.

Уйга яқинлашган Дурслнинг нигоҳи ҳовли боғининг тош тўсиғи устидаги, кайфиятини мутлақо кўтармаган юнги йўл-йўл мушукка тушди. Кўзи атрофидаги белгиларини кўриб, бу айни эрталаб учраган мушук эканлигига шубҳа қилмади.

- Пишт! - қичқирди мистер Дурслъ, - Бу нима, мушукларнинг одатий хулқими? - ўзига ўзи савол берди у, мушук жойидан кўзгалмай, жиддий қараб қўйганини кўриб.

Имкон қадар ўзини қўлга олиб, бўлиб ўтган ишларга хотинини аралаштирмаслик

аҳдидан қайтмаган мистер Дурслъ уйга кирди.

Миссис Дурслъ эса кунни осойишта ўтказди. Кечки дастурхон устида кўшни аёлнинг терс кизи ҳақида эрига батафсил сўзлаб берди. Бундан ташқари, Дудли янги «Хохламайман» деган сўз гапиришни ўрганиб олганини эълон қилди. Мистер Дурслъ ўзини имкон қадар одатдагидек тутишга уринмоқда. Дудли ўрнига ётқизилгач, кечки янгиликларни эшитиш учун меҳмонхонага кириб кетди.

- Энди бугунги янгиликларга яқун ясайдиган хабар. Юртимиз орнитологларининг берган маълумотларига қараганда, бугун ҳамма жойда бойқушларнинг таажжубли ҳаракати кузатилди. Улар овга, одатда, тунда чиқиб, кун ёруғида кўринмайди. Бирок бугун кундузи, ушбу қушлар учиб юрган минглаб ҳолатлар қайд этилди. Улар эрта тонгдан ҳар томон учиб юришди. Экспертлар бундай фавқулодда ҳолатнинг мантикий сабабини ханузгача тушунтира олмаптилар, - мухбир истехзоли кулиб қўйди, - Бу, қандайдир жумбокли ходиса аломати. Энди, ҳурматли телетомошабинлар об-ҳаво янгиликлари билан Жим Мак Гаффин. Хўш, Жим, бойқушлар ёғини бўладими?

- Бу ҳақда, Тед, - жавоб қайтарди метеоролог, - Мен бирор бир янгилик айта олмайман-у, бироқ бугун бойқушларгина ўзини ғалати тутмаганлигини аниқ биламан. Кент, Йоркшир ва Дандилик телемухлислар, кеча мен ваъда қилган жала ўрнига метеорит ёмғири ёғаётганлиги ҳақида куни билан кўнғироқ қилиб, мени хабардор қилиб турдилар! Халқимиз аллақачон Порохли Фитна байрамини нишонлашга киришиб кетганга ўхшайди. Жаноблар ҳали эрта. Бу байрам келаси ҳафта нишонланади! Ҳа, мавриди келганда айтиб қўяй, бугун тунда ёмғир ёғиши аниқ.

Мистер Дурслъ креслода ўтирган жойида қотиб қолди. Бутун Британияда метеорит ёмғири? Куппа-кундуз куни учиб юрган бойқушлар? Ҳамма жойда ридо кийиб юрган одамлар? Бунинг устига анави Поттерлар ҳақидаги миш-миш гаплар... Меҳмонхонага иккита чашка чой кўтарган миссис Дурслъ кириб келди. Йўқ, айтмаса бўлмайди, қарор қилди у ва томоғини кириб олгач:

- М-м-м... Петунья, азизам... синглинг ҳақида бирор-бир хабар эшитмадинг-ми? Қутгандай бўлди. Саволни эшитган миссис Дурслъ серрайиб, ғазаби қайнади. Умуман айтганда, иккаласи, шу кунга қадар сингил ҳақида гап очмай, унинг йўқлигини англатадиган кўриниш бериб яшаб келишмоқда.

- Йўқ, - кескин жавоб қайтарди хотини, - Ҳа, нима қилди?

- Ҳар хил бемаъни янгиликлар тўғрисида гапиришди, - мужмал гапирди мистер Дурслъ, - Аллақандай бойқушлар... метеорит ёмғирими-ей... Шаҳарда эса ғалати одамлар юришибди...

- Хўш? - гапни шартта кесди миссис Дурслъ.

- Мен... айтмоқчиман-ки... ҳаёлимга... эҳтимол... эҳтимол, буларнинг бари... синглинг атрофидаги анави ғалати одамлар билан боғлиқми... ўзинг тушунасан-ку. Петунья маҳкам қисиб олган лаблари орасидан чашкадаги чойни аранг ўтказди.

Кўчада, Поттерлар ҳақида эшитиб қолганлигини гапиришга эса мистер Дурслнинг юраги дов бермади. Қанчалик уринмасин, оғиз очишга журъат эта олмади. Бунинг ўрнига, бепарво оҳанг-ла гапиришга уриниб:

- Уларнинг ўғли-чи, ёши Дудли билан тенг шекилли, а?

- Эҳтимол, - гижиниб жавоб қайтарди хотини.

- Исми нима уни? Говард-ми?

- Гарри. Авомга хос, жирканч исм, агар менинг фикрим кимгадир қизиқ бўлса.

Боланинг исмини эшитган мистер Дурслнинг юраги қорин бўшлиғи томон юмалаб тушди.

- Ҳа, ҳа... албатта, - деди у, - Фикрингга юз фоиз қўшиламан...

Шундан сўнг у, бошқа бирор бир сўз айтмади. Хотини ванна қабул қилар экан, мистер Дурслъ оёқ учида дераза ёнига бориб, ташқарига, боғ томон қаради. Мушук ҳалигача тўсиқ устида, гўё ниманидир қутаётган каби Одамовилар хиёбонига диққат билан термилиб ўтирибди.

Йўқ, нима қилганда ҳам тасаввурига зўр бериб юборганга чоғи. Буларнинг бари Поттерларга нима дахли бор? Борди-ю дахли бўлса-чи... Агар... улар билан қариндош эканлиги маълум бўлиб қолса-чи... Йўқ, бунга бардош бериш ниҳоятда қийин.

Эр-хотин ўринларига ётиши ҳамоно миссис Дурслъ уйқуга кетиб, тарашадай қотиб қолди. Мистер Дурслъ эса кўзини катта очиб зимистонга қараганча, ўйлаб ўйига етмаяпти. Уйқуга кетар экан, атрофда юз бераётган ходисаларга Поттерларнинг алоқаси бўлган тақдирда ҳам, уни ва Петуньяни бу ишларга аралаштиришлари мутлақо шарт эмаслиги Дурслни тинчлантирган сўнгги фикр бўлди. Поттерлар Дурслларнинг ўзлари ва уларга ўхшаган одамларга бўлган муносабатларини жуда яхши билади. Атрофда бўлаётган ходисаларга Петунья ёки Дурслнинг ўзи, агар бирор нарса бўлаётган бўлса, албатта, дахлдор бўлишларини тасаввур қила олмайди. Мистер Дурслъ чуқур эснаб, ёнбошлаб олди.

- Буларнинг бизга дахли йўқ...

Қандай янглишганини билса эди у.

Мистер Дурслъ нотинч уйқуга кетган маҳалда тош девор устидаги ҳайкалдай қотган мушук Одамовилар хиёбонининг муюлишига узок тикилиб ўтирганча, ҳатто уйқусираган ҳам эмас. Кўшни кўчадаги машинанинг эшиги гумбурлаб ёпилганида ҳам, устидан бир жуфт давангирдай бойкуш учиб ўтганида ҳам кимир этмади.

Мушук илк бор кимирлаганида эса тун деярли яримлаб қолди.

Мушук кузатиб турган кўча муюлишида худди ер остидан чиқиб келгандай, дафъатан бир киши пайдо бўлди. Уни кўрган мушук думини ликиллатиб, кўзини қисиб олди.

Мовий кўзлари узун бурни устидаги ярим ой шаклига эга шиша кўзойнак ортидан ёрқин нурдай ярқираётган, илмоқсимон қайрилма бурни гўё кам деганда икки жойидан сингандай кўринаётган, оёғига пошнаси баланд, тўқали бошмоқ кийиб олган, қумуш тусли соч-соқоли белбоққа қисиб олгудай даражада узун, новча бўйли, озғин, эгнидаги узун жубба устидан кийган тўқ кизил ридоси ергача тушган ушбу кишига ўхшаш бирор-бир кимса Одамовилар хиёбонига ҳали кирмаган бўлса керак.. Унинг исми Альбус Дамблдор.

Одамовилар хиёбонида истиқомат қиладиган жойлик одамлар уни олқишлар билан қарши олишларига ишониб қийин, бироқ Альбус Дамблдорнинг ўзи бу ҳақда ўйлаб кўрмаган чамаси. Гарангсиб, ридосининг тахларида нимадир қидирар экан, айна пайтда уни кимдир кузатиб турганини хис этди. Кўчанинг нариги бошида қараб турган мушук томон ўгирилган Дамблдорнинг сабабини англаш қийин-у, қулгиси кистади.

- Фаҳмлашим керак эди, - деди у истехзоли қулиб.

Ниҳоят у, ички чўнтақларидан бирининг ичидан боядан бери қидирган қумуш зажигалкага ўхшаш нарсани топди. Уни чақди-да, бир оздан сўнг шик этиб ўчирди. Яқин орадаги кўча фонуси дарз кетгандай ўчиб қолди. У зажигалкасини яна бир бор чақди. Кейинги фонус ҳам, бир оз милтиллаб, ўчди. Мўйсафид кўча бошида анави мушукнинг бир жуфт митти чирокка ўхшаш кўзи қолгунга қадар чирок ўчиргичини ўн икки бор шикқилатди. Ана энди ўткир кўзли миссис Дурслъ деразадан кўчага қараганда ҳам, ҳеч нарсани кўра олмайди. Дамблдор чирок ўчиргичини ридосининг чўнтагига қайтариб солди-да, кўча бўйлаб 4- уй томон йўл олди. Уй ёнига етиб келгач, тош тўсиқ устига, мушук ёнига ўтириб, бирон маротаба

бўлсин киё бокмай, гап бошлади.

- Сизни бу ерда учратганимдан таажжубдаман, профессор Макгонагалл.

Дамблдор йўл-йўл мушукка илжайиб кўймоқчи бўлиб бошини бурган эди ҳам-ки, дарғазаб аёлга жилмайишга тўғри келди. Эгнига зумрад ранг ридо кийган, худди мушукнинг кўзи атрофидаги белги шаклига ўхшаш квадрат кўзойнак тақиб олган, қора сочларини бир тутам қилиб йиғиб олган аёл нимадандир безовта бўлаётганлиги кўриниб турибди.

- Мени қандай танидингиз?

- Азизам, бир жойда бундай қотиб турган мушукка хали бирор маротаба бўлсин, дуч келганим йўқ.

- Кунни бўйи совуқ тош устида ўтиргандан кейин қотмай бўладими, - вайсади профессор Макгонагалл.

- Кунни бўйи? Байрам қилмадингиз-ми? Йўл-йўлакай базм уюштирилган ўнлаб жойларни кўрдим.

Профессор Минерва Макгонагалл жаҳл-ла кулиб қўйди.

- Ҳа, албатта, ҳамма байрам қиляпти. Эҳтиёткорона иш тутиш ўрнига, аксинча... Ҳатто маглар ҳам нималардир бўлаётганлигини сезиб қолишди. Бу ҳақда уларнинг янгиликларида ҳам таъкидлаб ўтилди, - гап бошлади у, норози оҳангда, Дурсллар хонадони меҳмонхонасининг қоронғи деразаси томон бош силкиб, - Эшитдим. Бойқушлар галаси, метеорит ёмғир... Ахир маглар батамом овсар эмас-ку, хар қалай. Улар сезмай қолишмайди. Кентда метеорит ёмғири! Онт ичиб айтаман-ки, бу иш эси йўқ Дедал Дигглнинг хунари бўлган. Кўнглига келган бемаънигарчиликни қилаверадиган тентак!

- Дарғазаб бўлманг, - мулойимлик билан тана қилди Дамблдор, - Сўнгги ўн бир йил ичида биз камдан-кам қувонганмиз.

- Биламан, - зарда қилди профессор Макгонагалл, - Бироқ бу ақлдан озиш мумкинлигини англамайди-ку. Ҳамма оғохлигини осонликча йўқотди-қўйди!

Куппа-кундуз кунни, лоақал магларга ўхшаб кийиниб олмасдан, сайр қилиб юришганини қаранг-а! Ахир қанча миш-миш гаплар таркаб кетади!

Профессор Макгонагалл эътироз кутиб, Дамблдорга еб юборгудай бўлиб қаради. Ундан эса бирор сўз эшитмагач, давом этди:

- Бундан ақллироқ нарса ўйлаб топиш қийин. Айни Ўзингиз-Биласиз-Ким ниҳоят ғойиб бўлган кунни, маглар, биздай одамлар борлиги ҳақида билиб олишса. Умид қиламан-ки, у чиндан ҳам ғойиб бўлди, нима деб ўйлайсиз, Дамблдор?

- Шунга ўхшайди, - жавоб қайтарди Дамблдор, - Миннатдор бўлсак арзийди. Лимонли обакидандон берай-ми?

- Нима?

- Лимонли обакидандон. Бу магларнинг мевали конфетларидан бири. Жуда хуш кўраман.

- Йўқ, раҳмат, ош бўлсин, - деди профессор Макгонагалл, ҳозир лимонли обакидандон сўриб ўтиришнинг мавриди эмаслигини таъкидлаган мағрур оҳангда, - Ҳозир айтиб ўтганимдай, Ўзингиз-Биласиз-Ким ғойиб бўлганлигига қарамай...

- Азизам Минерва, ишончим комилки, ақл-идрок билан мулоҳаза юритадиган сиздай бону уни ўз исми билан аташни ўзига эп кўради. Бундай бўлмағур «Ўзингиз-Биласиз-Ким»га ўхшаш гаплар сафсатадан бошқа нарса эмас... Ўн бир йилдан буён уни ўз исми: Вольдеморт, деб аташга одамларни мажбур қилиш билан овораман. Обакидандоннинг ёпишиб қолган жилдини ажратиш билан овора Дамблдор Вольдеморт исмини эшитган профессор Макгонагаллнинг сесканиб кетганини пайқамади.

- Биз уни «Ўзингиз-Биласиз-Ким» деб атаганимиз сари ҳамма нарса баттар

чигаллашиб бораверади. Вольдеморт исмини талаффуз этишга тўскинлик қиладиган бирор-бир сабаб кўрмайман.

- Тушунаман, - деди Дамблдорнинг жасурлигидан бир вақтнинг ўзида ҳам ваҳимага қилган, ҳам қойил қолган профессор Макгонагалл, - Бироқ Сиз бошқалардан фарқ қиласиз, Ўзингиз-Била... Хўп яхши, Вольдеморт фақат Сиздангина кўрқиши ҳаммага маълум.

- Сиз менга хушомад қиялпсиз, - деди Дамблдор вазминлик билан, - Вольдемортнинг менда ҳеч қачон бўлмайдиган имкониятлари бор.

- Чунки сиз... м-м-м... бундай имкониятларни қўллашга ҳаддан ортиқ олижаноблик қиласиз.

- Яхши ҳам-ки атроф қоронғи. Помфри хоним менинг бошмоқчаларимни жуда ёқтиришини айтган кундан бери ҳали қизармаган эдим.

Профессор Минерва Макгонагалл Дамблдор томон ўткир нигоҳ ташлади.

- Бойқушлар ҳамма жойда тарқаган миш-миш гаплар олдида ҳеч гап эмас.

Атрофдагилар нималар деб юришганидан хабарингиз борми? Нима учун у ғойиб бўлганлиги, уни пировардида нима тўхтатиб қолганлиги ҳақида қандай фикр билдиришмоқда?

Профессор Макгонагалл ниҳоят уни ҳаяжонга солаётган, куни билан тош тўсик устида ўтириб чиқишга мажбур қилган мавзунини очганлиги аён сезилар, мушук қиёфасида ҳам, аёл сифатида ҳам, у ҳали Дамблдорга бу қадар синчковлик билан разм солиб қарамаган эди. «Атрофдагилар» нималар деб юришганидан катъи назар, токи Дамблдор тасдиғини эшитмас экан, бу миш-миш гапларнинг бирортасига ишонишни ҳаёлига ҳам келтирмаганлиги яққол кўриниб турибди. Дамблдор эса навбатдаги обақидандон жилдини очиш билан машғул.

- Одамларнинг айтишларига қараганда, - қатъият-ла давом этди профессор Макгонагалл, - Ўтган кеча, Вольдеморт, Годрик жарлигида, Поттерларни ўлдириш мақсадида пайдо бўлган эмиш. Миш-миш гапларга кўра, Лили ва Жеймс Поттер... улар... улар ҳалок бўлган эмиш.

Дамблдор маъқулаб, бош ирғиди. Профессор Макгонагалл оҳ уриб юборди.

- Лили, Жеймс... ишонгим... мен бунга ишонгим келмаган эди... Оҳ, Альбус...

Дамблдор қўлини узатиб, аёлнинг елкасига аста уриб-уриб қўйди.

- Тушунаман... тушунаман... - деди бўғиқ овоз билан.

Профессор Макгонагалл титраган овоз билан гапини давом этди:

- Бу ҳали ҳаммаси эмас. Айтишларига қараганида, у, Поттерларнинг ўғли Гаррини ҳам ўлдиришга уринган эмиш. Бироқ қўлидан келмабди. Қаранг-а, кичкинагина болақайни ўлдира олмабди. Қандай қилиб ва нима сабабдан эканлигини ҳеч ким билмайди-ю, лекин миш-миш гапларга кўра Вольдеморт Гаррини ўлдира олмаган, бироқ унинг сеҳри қандайдир йўсинда йўқ бўлиб, барҳам топган ва шу сабабдан ҳам у ғойиб бўлган.

Дамблдор ғамгин бош ирғиди.

- Шу гап... ростми? - қалтироқ оҳангда сўради профессор Макгонагалл, - Шунча қилмишларни қилган... шунча одамларнинг ёстиғини қуритган... кичкинагина болақайни ўлдира олмабдими? Унинг сеҳр-жодуси айни шу йўсинда барҳам топиши... бўлиши мумкин эмас. Қандай қилиб, Муқаддас фалак ҳақи, Гарри омон қолган?

- Тахмин қилишдан бошқа чора йўқ, - жавоб қайтарди Дамблдор, - Буни биз ҳеч қачон била олмаймиз.

Профессор Макгонагалл тўқима рўмолчасини олиб, кўзойнак ортидан кўз ёшини артиб олди. Дамблдор қаттиқ хўрсиниб, чўнтагидан чиқарган тилла соатига қараб қўйди. Ўн иккита милли, бирорта ҳам рақам кўринмайдиган ғалати соат. Рақамлар

ўрнига айлана бўйлаб ўн иккита сайёра тасвири айланади. Шундай бўлса-да, Дамблдор ўз соатини яхши тушунади шекилли, уни чўнтагига қайтариб солиб қўйди.

- Хагрид кечикяпти, - деди у, - Мени бу ерга келишимни ўша айтган бўлса керак Сизга?

- Ҳа, - жавоб қайтарди профессор Макгонагалл, - Ишончим комилки, нима учун айни шу ерга келишингиз сабабини айтмайсиз.

- Мен Гаррини, унинг ягона қариндошлари бўлмиш амакиси ва холасига топширгани келдим.

- Ҳар қалай... Ҳар қалай мана бу уйда яшаётган одамлар бўлмаса керак? - кичкирганча сакраб туриб, 4- уй томон ишора қилди профессор Макгонагалл, - Дамблдор... ҳакингиз йўқ. Мен қуни билан уларни кузатиб ўтирдим. Бундай оилага ўхшаган бошқа оилани топиш қийин. Конфет талаб қилиб, онасини кўчани бошидан охиригача тепиб келган ўғли-чи! Гарри Поттер шулар билан яшайди-ми?!

- Гаррига ҳар қаердан кўра шу ер яхши, - гапни чўрт кесди Дамблдор, - Бир оз улғайгач, амакиси билан холаси ҳамма нарсани тушунтириб беришади унга. Мен уларнинг номига хат тайёрлаб қўйдим.

- Хат? - тўсиқ устига қайтиб ўтирганча, паст овозда сўради профессор Макгонагалл,

- Нималар деяпсиз Дамблдор, бўлиб ўтган нарсаларни хат оркали тушунтириб бўлади деб ўйлайсиз-ми? Бу одамлар хат мазмунини ҳаётда тушунишмайди! Гарри машҳур бўлиб, афсонага айланади, келажақда бугунги кунни Гарри Поттер номи билан аташса, асло ҳайрон бўлмайман. У ҳақда китоблар ёзишади. Ҳар қандай бола борки, Гаррининг исмини яхши биладиган бўлади!

- Мутлақо ҳақсиз, - деди Дамблдор, кўзойнак тепасидан жиддий нигоҳ ташлаб, - Шу гапнинг ўзи ҳар қандай кишининг бошини айлантириб қўйиш учун етарли бўлади. Ҳали юриш ва гапиришни билмай туриб, ном чиқариш! Ўзинг ҳеч нарсани эслай олмайсан-у донгдор бўлсанг! Ундан кўра ўхшаш шов-шувлардан нарида улғайгани, ҳамма нарсани ўз ақли билан идрок этадиган ёшга етгач, ҳақиқатни келгусида ўзи мустақил англаб етгани ва айни шу боис ҳам Дурсллар оиласида улғайгани Гарри учун маъқул эканлигини ўзингиз тушунмаяпсиз-ми?

Профессор Макгонагалл эътироз билдирмоқчи бўлди-ю, фикридан қайтди.

- Ҳа, албатта, Дамблдор, айттайлик Сиз ҳақсиз, - деди у, бир оз сукут сақлагач, - Аммо айтингчи, бола қандай қилиб келиб қолади бу ерга?

Аёл бола қиёфасини кўриш ниятида Дамблдорнинг ридосига шубҳа билан кўз югуртириб чиқди.

- Уни Хагрид олиб келади.

- Бундай муҳим топширикни Хагридга ишониб, оқилона иш тутдим, деб ўйлайсиз-ми?

- Керак бўлса, Хагридга мен ўз ҳаётимни ишониб топшираман, - деди Дамблдор.

- Уни тошбағир демоқчи эмасман, - истар-истамас тушунтира кетди профессор Макгонагалл, - Аммо жуда эҳтиётсиз эканлигига кўзингизни юма олмайсиз-ку, ҳар қалай. У доимо... Бу қандай шовкин бўлди?

Дафъатан паст гумбурлаб эшитилаётган товуш кўча сукунатини бузди. Дамблдор билан профессор Макгонагалл фара нуруни кўриш илинжида атрофга назар солишар экан, товуш борган сари баланд эшитилди. Тез орада у ҳақиқий гуриллаган товушга айланди. Шундагина уларнинг ақли юкорига қарашга етди. Бу орада осмон-у фалақдан ерга улкан мотоцикл келиб қўнди.

Мотоцикл чиндан ҳам ниҳоятда улкан бўлишига қарамай, уни эгарлаб келган, бўйи оддий одам бўйидан икки баробар баланд, эни беш чандон энлироқ бўлиб, одам учун йўл қўйса бўладиган ўлчамлардан анчагина йирик, устига-устак, тўзғиган тим



кора қуюк соч тилимлари ва пахмайган соқоли юзини тўла-тўқис яшириб қўйганлиги боис ёввойига ўхшаб кўринаётган бахайбат одам олдида ўйинчоқдай кўринмоқда. Унинг қўл кафтлари сал нарида турган чиқинди ташлаш бакининг копқоғидай келиб, чарм этик кийиб олган оёқларининг катталиги вояга етишига оз қолган дельфин болаларини эслатмоқда. Мушаклари чиқиб кетган ўта катта бақувват қўлларида аделга ўралган алланима ушлаб олган.

- Хагрид, - енгил тортди Дамблдор, - Ниҳоят. Мотоциклни қаердан олдинг?

- Вактинча олиб турибман, профессор Дамблдор, сэр, - жавоб қайтарди гигант, - Ёш Сириус Блэк бериб турди, сэр.

- Муаммо бўлмади-ми?

- Йўқ, сэр. Уй деярли батамом вайрон бўлган, бироқ маглар у ёқ бу ёқ зир югуришни бошлаганларига қадар йигитчани олиб чиқишга улгурдим. Ишлар жойида! Бристоль графлиги устида ухлаб қолди.

Дамблдор билан профессор Макгонагалл ичида базўр кўриниб турган чакалоқ донг қотиб ухлаётган тугунча устига энгашишди. Боланинг кўмирдай қоп-қора сочи остидан яшин зигзагига ўхшаш ғайриоддий тиртиқ кўриниб турибди.

- Мана шу ерига... - пичирлади профессор Макгонагалл.

- Ҳа, - жавоб қайтарди Дамблдор, - Бу чандик умрининг охиригача сақланиб қолади.

- Бирор чора кўриб бўлмади-ми, профессор?

- Кўриб бўлган тақдирда ҳам, қўлламаган бўлар эдим. Баъзи чандиклар фойдали бўлиши мумкин. Мисол учун, чап тизамда Лондоннинг ер ости йўллари чизмасига ўхшаш чандик бор. Хўш, Хагрид, уни менга бер, ишни охирига етказишимиз даркор.

Дамблдор Гаррини қўлига олиб, Дурсллар уйи томон ўтирилди.

- Мумкинми... У билан хайрлашиб олишга рухсат беринг, сэр? - ижозат сўради Хагрид.

У йирик, пахмоқ бошини энгаштириб, тикандек ботадиган ва афтидан виски хиди уриб кетган лаби билан чакалоқнинг пешонасидан ўпиб қўйди-да, кутилмаганда яраланган итга ўхшаб, инграб юборди.

- Жим! - дўнғиллаб берди профессор Макгонагалл, - Магларни уйғотиб юборасан!

- К-к-кечирасиз, - хўнграб юборди Хагрид, киссасидан ўта кир бўлиб кетган катта дастрўмолини чиқариб, башарасини яширар экан, - Бар-бар-бардош бера олмайман! Лили билан Жеймс халок бўлишди... Кичкинтой Гаррини эса магларга ташлаб кетяпмиз...

- Бу жуда ғам-андухга тўла ҳолат, албатта. Аммо ўзингни қўлга ол, йўқса бизни сезиб қолишади, - шивирлади профессор Макгонагалл, Хагридни юпатганича, қўлига уриб-уриб.

Бу вақтда Дамблдор боғнинг паст бўйли тош тўсиғи устидан ҳатлаб ўтиб, уйнинг кириш эшиги томон йўл олди. Гаррини остона устига аста ётқизиб, ридосининг чўнтагидан хат чиқарди-да, уни адел орасига жойлаб қўйиб, шерикларининг ёнига қайтди.

Улар бутун бир дақиқа сукут сақлаб, тугунчага қараб қолишди. Овоз чиқармай йиғлаётган Хагриднинг елкалари титрар, профессор Макгонагалл юрак ютиб, кўзларини пирпиратар, Дамблдорнинг кўзидаги, одатда, ёркин ёғилиб турадиган нур эса гўё сўниб қолгандай эди.

- Нима ҳам қилар эдик, бажарилиши керак бўлган ишни бажардик, - ниҳоят овоз чиқарди Дамблдор, - Бу ерда ортиқ қолишга ҳожат йўқ. Яхшиси юринглар, биз ҳам байрам тантаналарига бориб қўшилалик.

- Ҳа, - Хагриднинг овози йиғига тўла чиқди, - Мен анави аравани Сириусга

кайтаришим керак. Хайр профессор Макгонагалл, профессор Дамблдор, сэр. Хагрид, кўз ёшларининг жилғаларини чарм енги билан артганча, мотоциклни эгарлади ва бир тепиб двигателни ишга туширди. Мотоцикл гуриллаганча осмонга кўтарилиб, зимистон қаърига кириб кетди.

- Умид қиламан-ки, тез орада кўришамиз, профессор Макгонагалл, - таъзим қилди Дамблдор.

Профессор Макгонагалл эса бунга жавобан қўлидаги дастрўмолига бурун қокиб кўйди.

Дамблдор ўгирилиб, кўча бўйлаб нари кетди. Муюлишга етиб боргач, тўхтади. Чўнтагидан кумуш ўчиргичини олиб, бир маротабагина шиқиллатиб кўйган эди ҳам-ки, ичидан ўн иккита шарсимон ёғду чиқиб, бир онда кўча фонусларининг колбалари ичига кириб кетди. Одамовилар хиёбони тўқ сарик нурга тўлгач, юнги йўл-йўл мушук кўчанинг нариги бошидаги муюлиш ортига кириб кетгани, 4- уй остонасида эса кичкинагина тугунча тургани кўринди.

- Омад сенга, Гарри, - пўнғиллади Дамблдор ва пошнасига туриб гир айланди. Ридо ҳавода бир шувиллади-да, ғойиб бўлди.

Енгил эсган шабада осмоннинг сиёх ранг гумбази остидаги саранжом-саришта Одамовилар хиёбонида ўсаётган батартиб буталарни кўзгатиб юборди. Хар қандай жойда бўлса, бўлиши мумкин-у, аммо бу ерда ғаройиб ва жумбокли воқеаларни ҳеч ким кутмайди. Гарри Поттер адел ичида бир ағанаб олди-ю, уйғонмади. У жажжигина кафти билан ёнида ётган хатни маҳкам сиқиб олганча, донг қотиб ухлар, ўзини бошқача бола эканлигини, ниҳоятда машхур бўлиб кетганлигини, бир неча соатдан сўнг, қўлида сут идиши билан пиллапояга чиққан миссис Дурслнинг кичкиригидан уйғониб кетишини, келаси бир неча ҳафта давомида уни холаваччаси Дудли тинимсиз туртиши, чимчилашини билмас эди. Айни дамда бутун мамлакат худудидаги яширин байрам дастурхонлари атрофидаги одамлар унинг шарафига паст овоз билан:

- Омон қолган бола – Гарри Поттер учун, - деб қадах кўтаришаётганини ҳам билмас эди.

## **II БОБ.**

## **ҒОЙИБ БЎЛГАН ОЙНА ДЕВОР**

Эр-хотин Дурсллар эрталаб уйғониб, хонадонларининг остонасида жиян топиб олишган кундан сал кам ўн йил ўтган бўлса ҳам-ки, Одамовилар хиёбони мутлақо ўзгаргани йўқ. Тонгда чиққан куёш ўша батартиб боғни ҳам, Дурсллар уйига кираверишдаги деворга қоқилган бронза рангли «4» рақами ёзилган тахтачани ҳам ёритиб, нурлари бир вақтлар мистер Дурслъ бойкушлар ҳақидаги хабарни эшитган мехмонхонага қадар кириб боради.

Мехмонхонадаги камин тоқчасига батартиб терилган фотосуратларгина орадан анча вақт ўтиб кетганлигидан далолат беради. Ўн йил олдин бу тоқчада ранг-баранг бош кийим кийдириб қўйилган пушти коптоқларга ўхшаш кичкинтойнинг расмлари турар эди. Энди эса суратларда гўдак эмас, балки илк бор велосипедга ўтираётган, дадаси билан компьютер ўйнаб ўтирган, онаси кучиб ўпаётган оқ-сарик сочли семиз ўспирин Дудли Дурслъ акс эттирилган. Аммо ушбу оилада яна бир нафар бола яшашидан далолат берадиган бирор-бир аломат кўринмайди.

Шундай бўлса-да, хикоямиз қахрамони Гарри Поттер айни шу уйда, Дурсллар оиласида истиқомат қилади. Ҳозир у ухлаяпти, бироқ ороми бузилишига атиги бир неча дақиқа қолди холос. Петунья хола уйғониб бўлган, унинг ёқимсиз овози янги кун кириб келганлигини англатадиган биринчи аломатдир.

- Тур ўрнингдан! Тезроқ! Бўл тез! - чийиллади холаси, эшикни гурсиллатиб, - Тур!

Гарри ётган ўрнида бир сапчиб тушди. Холаси ошхонага ўтиб, товани газ плитасига тақиллатганча уриб жойлаганини эшитди. Бола белига ағанаб, хозиргина кўрган тушини эшлашга уринди. Гўё у мотоциклда, осмон-у фалақда учиб юрган экан. Яхши туш эди-я. Назарида бу тушни бир вақтлар кўрган-у, бугун такрор кўргандай бўлди.

- Ҳой, турдинг-ми? - пўписа оҳангида кичқирди яна эшик олдига келиб олган холаси.

- Деярли турдим, - жавоб қайтарди Гарри.

- Қимирла, чўчка боласининг нимтасини товага жойлаб қўйдим, караб тур, куйдириб қўйма яна, ўғилчам Дудлининг туғилган кунида-я. Бугун ҳамма нарса рисоладагидан ҳам аъло бўлиши шарт.

Гарри англаб бўлмас алланарса деди.

- Нима дединг? - кескин сўради эшик ортидаги Петунья хола.

- Ҳеч нарса деганим йўқ.

Дудлининг туғилган куни. Ёдидан чиқариб қўйибди-ку! Гарри уйқусираганча, ўрнидан туриб, пайпоғини қидира кетди. Пайпокни каравоти остидан топиб, устидаги ўргимчакни хайдаб юборди-да, оёғига кийиб олди. Пиллапоя остидаги буфет ичига жиҳозланган ётоқхонада ухлайдиган Гарри ўргимчаклардан кўркмайди. Уларга аллақачон кўникиб бўлган. Бу ерда ўргимчакларнинг каттагина оиласи яшайди.

Бола кийиниб олгач, дахлиз орқали ошхона томон йўл олди. Хонадаги стол устига кути ва тугунчалар уйиб ташланган. Афтидан, Дудли ўзи талаб қилиб олган янги компьютерга эга бўлибди. Иккинчи телевизор билан пойга велосипеди ҳақида гапирмаса ҳам бўлаверади. Ўта семиз Дудлига пойга велосипеди нимага кераклигини Гарри ақлига сиғдира олмайди. Бунинг устига у, агар кимнидир таъзирини бериш учун муштлашинини ҳисобга олмаганда, спортни ўларча ёмон кўради. Дудли ёқтирадиган ягона нарса, унга бокс грушаси саналадиган Гарридир. Бироқ груша сифатида фойдаланиши учун даставвал у Гаррини кувиб тутиши керак бўлади. Ташқи кўринишига кўра Гаррини тез югуради, деб айтиш кийин бўлса-да, унга етиб олиш Дудли ва унинг тўдасига осон кечмайди.

Боиси нима эканлиги номаълум-у, эҳтимол буфет ичида яшагани учун бўлса керак, Гарри доимо озгин, жуссаси ёшига нисбатан кичик бўлиб ўсди. Дудлининг эски кийимларини кийиб катта бўлаётгани учун у боридан баттар кичик ва озгин кўринади. Негаки, Дудлининг танаси барча кўрсаткичлар бўйича Гарриникига нисбатан тўрт баробар катта. Гаррининг юзи озгин, тиззалари бўртиб чиққан, сочлари коп-қора, фирузакўзи эса ярқирок бўлиб, ўртасига калин изоляция тасмаси ўралган юмалоқ кўзойнак тақиб юради. Дудли ҳар доим Гаррининг бурнига қарата зарб беришга урингани учун ҳам кўзойнакнинг гардиши тез-тез синиб туради. Гарри ўзининг ташқи қиёфасида ёқтирадиган ягона нарса – ғайриоддий шаклдаги яшин зигзагига ўхшаш чандиқдир. Эсини танибдики, пешонасидаги ушбу тиртиқ ҳеч битиб кетмайди. Петунья холасига берган биринчи саволи ҳам айни шу чандиқ ҳақида бўлган.

- Бу, ота-онангни ҳалок қилган авариядан қолган чандиқ, тушундинг-ми? Бас, ортиқча савол берма.

«Ортиқча савол берма» қоидаси – бир маромда кечаётган Дурслар ҳаётининг энг асосий қоидаси саналади.

Гарри товадаги ёш чўчка нимтасини айлантриб турган фурсатда ошхонага Вернон амаки кириб келди.

- Сочингни тараб ол! - эрталабки салом ўрнида ўқирди у.

Вернон амаки ҳафтада кам деганда бир маротаба газета устидан Гаррига қараганча,

боланинг сочини олиш вақти бўлганлиги ҳақида бақиради. Гаррининг сочи синфдошларига нисбатан тез-тез олиб турилади. Аммо сочи ниҳоятда тез ўсгани учун ҳам бу иш фойда бермайди.

Гарри товага тухум чакиб турганида ошхонага она-бола кириб келди. Дудли қуйиб қўйгандай Вернон амакига ўхшайди. Зеро, унинг ҳам йирик башараси қизғиш бўлиб, бўйни кўринмайди, кичик мовий кўзи серсув, оч-сарик қалин сочлари катта семиз бошида текис ётади. Петунья хола уни фариштагинам деб чақирса, Гарри «парик кийган йирик» деб чақиради.

Гарри ковурилган тухум солинган ликопларни стол устига қўйиб чиқишга уринди. Стол усти совғаларга тўлиб тошгани учун ҳам бу ишни бажариш осон бўлмади. Айни вақтда совға санаётган Дудлининг авзои бузилганлиги туркидан маълум бўлиб қолди.

- Ўттиз олтига, - ота-онасига тик қараганича, айблов оҳангида эълон қилди у, - Ўтган йилдагига нисбатан иккитага кам.

- Ёқимтойгинам, Маржори амманг юборган совғани санаманг. Ана у, совғамиз солинган катта кути остида.

- Хўп яхши, ўттиз еттита дейлик, - Дудлининг юзи ғазабдан қизара бошлади.

Яқинлашиб келаётган жазава хуружининг аломатларини сезган Гарри, дастурхон ер билан битта бўлмасидан олдин кўпроқ еб улгуришга ҳаракат қилганча тухумни бўридай ямлаб, юта бошлади.

Шубҳа йўқ-ки, Петунья хола ҳам яқинлашаётган хавфли вазиятни сезиб, бидирлай кетди:

- Сайрга чиқсак, биз сенга яна иккита совға олиб берамиз, хўпми кулчагинам?

Қалай таклифим ёқди-ми? Яна иккита совға! Яхшими?

Дудли ўйланиб қолди. Узоқ ўй сурди ва ниҳоят қойиш оҳангида:

- Шунда менинг совғаларим сони ўттиз... ўттиз...

- Ўттиз тўққизга бўлади, қандгинам, - санашга ёрдам бериб юборди Петунья хола.

- Ҳа, - деди ниҳоят курсига ўтирган Дудли, яқин орадаги тугунчани чангаллаб, - Ундай бўлса, майли.

Вернон амаки хиринглаб юборди.

- Митти енотимиз ўз кадрилини билади. Худди ўзим-а. Яша ота-ўғил, - деди у,

Дудлининг сочларини қўли билан хурпайтириб қўйиб.

Телефон жиринглади. Петунья хола қўнғироққа жавоб берар экан, Гарри билан

Вернон амаки Дудлининг пойга велосипеди, видеомагнитофон, видеокамера,

масофадан бошқариладиган планер қадокларини очаётганини, кутидан янги

компьютер ўйинларининг ўн олтига дискини чиқараётганини кузатиб ўтиришди.

Тилла соат қутиси эндигина очилаётган фурсатда холага юзи ташвишли киефа касб этган Петунья хола дарғазаб кириб келди.

- Ёмон хабар, Вернон. Миссис Фигг оёғини синдириб олибди. Энди у анави билан ўтира олмас экан, - деди у, Гарри томон бош ирғиб.

Даҳшатга тушган Дудлининг оғзи очилиб қолди. Аммо Гаррининг юраги қувончдан

бир сапчиди. Ҳар йили Дудлининг ота-онаси ўғлининг туғилган кунини байрам

қилишар, ўртоқларидан биттасини олиб шаҳар боғига боришар, гамбургер билан

сийлашиб, кинога олиб киришар эди. Гарри эса ҳар йилнинг шу куни, Дурслардан

икки кўча нарида яшайдиган, қариб ақлини еган миссис Фигг билан қолади.

Кампирнинг уйига карамнинг қўланса хиди ўтириб қолган бўлиб, устига устак

узундан-узоқ ҳаётининг ҳар хил даврларида яшаб, битта ҳам қолмай кирилиб

кетган кўп сонли мушукларининг фотосуратлари билан тўлган фотоальбомни

томоша қилишга мажбур қилади.

- Хўш, энди нима қиламиз? - деди Петунья хола, гўё миссис Фиггнинг оёғини Гарри

бориб синдириб келгандай болага нафрат-ла юзланиб.

Гарри миссис Фиггнинг жони оғриётганлигини тушунади, албатта. Бирок Оппоқойим, Пуфик, Панжа амаки, Туфти каби мушукларининг расмларини яна бир йил кўрмаслигини ўйлаб қувонди.

- Маржорига кўнғироқ қилайлик, - таклиф киритди Вернон амаки.

- Бемаъни гапни кўйсанг-чи, Вернон. Опанг бу етимни кўргани кўзи йўклигини жуда яхши биласан.

Холаси билан амакиси Гарри ҳақида худди шу тарзда, аниқроқ айтилса, худди жирканч бир нарса ҳақида гапиришгандай, гўё у ёнларида йўқ ёки гап мавзусини идрок этишга ақли етмайдиган ландавурдай билиб, кадр-қимматини менсимай гапиришлари одатий ҳол.

- Анави дугонанг-чи, исми нима эди, Ивонна-ми?

- Таътил ўтказгани Ўрта денгизга, Майорка оролига кетган, - шартга чакиб олди Петунья хола.

- Мени уйда қолдириб кетишларинг мумкин, - умид-ла гапга аралашди Гарри.

У телевизорда ўзи ёқтирган кўрсатувни томоша қилиши, ҳатто компьютер ўйнаши ҳам мумкинлигини ўйлади. Бундай таклифни эшитган Петунья холанинг башараси эса худди лимон чайнаб олган одам туркидай буришиб кетди.

- Кейин-чи, кейин нима бўлади? Мен сайрдан қайтиб келсам-у, уйим портлаб кетган бўлса, а? - ўшқириб берди у.

- Ҳеч нарсани портлатмайман, - ваъда берди Гарри.

Аммо унинг гапини ҳеч ким писанд қилмади.

- Ўйлашимча уни ҳайвонот боғигача олиб борамиз-да, - аста гапини давом эттирди Петунья хола, - Машинада қолдирамиз...

- Машина, эътиборингиз учун, ҳали янги. Мен уни машинада ёлғиз қолдирмайман... Муғомбир ва муттаҳам башарасини сал қийшайтирса бас, онаси ҳар нарсага тайёр бўлишини жуда яхши биладиган Дудли овози борича ўкира бошлади.

Йиғламаганига кўп йил бўлганлиги, аниқроқ айтганда, бу хонадонда йиғлашига йўл қўйилмаслиги боис фарёди ёлғондакамлиги яққол билиниб турибди. Петунья хола арзандасининг бўйин бўлиши керак бўлган жойидан қучиб олди.

- Йиғлама, Динки-дуди-дум, онанг сени хафа қилдириб қўймайди! - юпата бошлади у.

- Уни... биз... биз... биз билан бирга юришини... хохламайман! - бақира кетди Дудли сохта ўкириш учун кучанишлар орасида, - У доимо... доимо ишқал қилиб юради! Дудли онасининг қўллари орасидан Гаррига қараб, ичиқоралик билан иршайиб қўйди. Айни шу фурсатда эшик кўнғироғи жиринглади.

- Э Худойим, улар келишди! - хитоб қилди Петунья хола, хижолат чекиб.

Остонада Дудлининг яқин дўсти Пьерс Полукис ва унинг онаси кўринди. Пьерс турки каламушга ўхшаш, бичими бесўнақай чўп-устухон бола. Дудли қайси болани уриб, адабини беришни истаб қолса, ўша бечоранинг қўлини айни шу Пьерс қайириб, ушлаб туради.

Дудли шу заҳоти унини ўчирди.

Ярим соат ўтгач, Гарри машинанинг орқа ўриндиғида, Дудли ва Пьерс билан бирга ўтириб, ҳаётида биринчи бор ҳайвонот боғи томон, ўз бахтига ҳалигача ишонмай йўл олди. Қанча уринишмасин, холаси билан амакиси Гарридан қутулиш йўлини топа олишмади. Йўлга чиқишдан олдин Вернон амаки Гаррини четга тортиб, қизғиш башарасини Гаррининг юзига яқин келтирганча вишиллади:

- Огоҳлантириб қўяй болақай, огоҳлантириб қўяй, бирор-бир найранг кўрсатадиган бўлсанг, анави ҳунарларингдан бирортасини сезиб қолгудай бўлсам, Рождествога қадар буфетдан чикмай ўтирасан, тушундинг-ми?

- Мен ҳеч қандай ҳунар кўрсатмоқчи эмасман, - ишонтирди Гарри, - Чин сўзим... Бироқ Вернон амаки унинг ваъдасига ишонмади. Бу уйда унга ҳеч ким, ҳеч қачон ишонмаган.

Гап шундаки, Гарри доим қандайдир таажжуб ҳолатларга тушиб қолади. Бунга унинг дахли йўқ эканлигини тушунтиришдан эса фойда йўқ эди.

Чунончи, кунлардан бир куни, Петунья хола, ҳозиргина сартарошхонада соч олдирган Гарри гўё умуман сартарошхона кўрмаган бола сингари уйга қайтганидан ғазоби қайнаб, ошхона қайчиси билан Гаррининг сочини, пешонасидаги жирканч тиртигини тўсиб турган бир тутамидан ташқари, сал кам илдизигача қийиб чиқди. Гаррининг ахволини кўрган Дудли кулиб кучанганидан иштониға сийиб қўйишиға бир баҳя қолди. Гарри эса эртасига мактабга қай аҳволда боришини ўйлаб, туни билан ухламай чиқди. Мактабда уни шундоқ ҳам эғнидаги беўхшов кийими ва улама кўзойнаги учун мазах қилишади. Бироқ эрталаб, Гаррининг сочлари Петунья холанинг сартарошлик тажрибасига қадар қандоқ бўлган бўлса, шундоқ эканлиги аён бўлди. Сочи бу қадар тез ўсиб кетишининг сабабини тушунтира олмаслигини исбот қилишга харчанд уринмасин, Гаррини буфетга қамаб қўйишиб, бир ҳафта чиқаришмади.

Яна бир сафар, Петунья хола, Дудлининг тўк сарик тусли ёмғир кўзиқоринларининг расми солинган, эскириб кетган жирканч жигар ранг свитери билан Гаррини «ясантириб» қўйишга аҳд қилди. У свитер ёқасини Гаррининг бошидан ўтказишга қанчалик уринса, свитер шунчалик кичрайиб, ҳатто ўйинчоққа ҳам сиғмайдиган бўлиб қолди. Ҳеч нарсанинг фаҳмиға етмаган Петунья хола:

- Свитер кўп ювилгандан кичрайиб кетибди, - деган ҳулоса чиқаргани учун ҳам Гарри жазосиз қолди.

Мактаб ошхонасининг томиға қандай чиқиб олганини тушунтира олмаган Гарри янада мушқул аҳволға тушди. Ҳамма бало шундаки, Дудли ўзига ўхшаган безорилар тўдаси билан бирға, деярли ҳар куни Гаррини қувиш билан кун ўтказади. Бу сафар эса улардан қочиб, мўри устиға чиқиб олгани Гаррининг ўзи учун ҳам қутилмаган жумбоқ бўлди. Шу куни Дурслар оиласи синф раҳбаридан Гаррининг мактаб томиға билдираётган носоғлом қизиқишларидан норози оҳангда битилиб, эътирозға тўлиб тошган ёзма ҳабар олди. Буфетға қамаб қўйилган бола Вернон амакисига айбсиз эканлиги, фақат Дудли ва унинг ўртоқларидан қочиб, мактаб ошхонасининг олдидаги чиқинди ташлаш баки устиға сакраб чиқмоқчи бўлганини тушунтиришға уринди, сакраган фурсатда кучли эсган шамол уни томға қадар кўтариб юборганини тахмин қилди.

Бугун эса у бирор-бир ўхшаш ходиса рўй беришини кутмайди. Бир кун мактабға бормаи, буфетға қамалмай, қарам хидидан сасиб кетган миссис Фиггнинг меҳмонхонасида ўтирмаи ҳузур-ҳаловатда бўлиш учун ҳам, ёнида Дудли билан Пьерс борлигиға бардош берса арзийди.

Фурсат келган захоти ҳаётдан нолишни ҳуш кўрадиган Вернон амаки машинани бошқариб кетар экан, ҳозир ҳам Петунья холаға арз қилиб кетяпти.

Дангаса бўйсунувчилар, Гарри, маҳаллий кенгаш, Гарри, банк муассасаси, Гарри – буларнинг ҳаммаси Вернон амаки шикоятларининг энг долзарб мавзулари саналади.

- ... савдойидай юришади-я бу шайтон урган безорилар, - норози оҳангда ириллади у, ёнидан бир байкер ўқдай учиб ўтганини кўриб.

- Мен эса бугун тушимда ҳавода учиб юрган мотоциклини кўрдим, - бирдан эслаб қолди Гарри.

Боланинг гапини эшитган Вернон амаки рўпарадан келаётган машинаға урилиб кетишиға бир баҳя қолди. У бир парча жун ёпишиб қолган баҳайбат лавлагига ўхшаш юзи билан кескин ортға бурилди-да:

- МОТОЦИКЛЛАР УЧМАЙДИ! - деб, бўкириб юборди.

Дудли билан Пьерс чўчка болаларидай хурхурлаб кўйишди.

- Учмаслигини биламан, - рози бўлди Гарри, - Мен ахир бор-йўқ тушимга кирган нарсани айтдим холос.

Гарри туши ҳақида оғиз очганидан афсусланди. Қариндошлар учун Гаррининг саволларидан ҳам жирканч нарса – боланинг ғайриоддий нарсаларга доир билдирган фикр-мулоҳазалари. Туш бўлсин ёки мультфильм қаҳрамонининг хатти-ҳаракати бўлсин, фарқи йўқ, бари-бир жирканч эшитилиб, хавfli ниятдай кўринади.

Шанба кўёшли бўлди. Хайвонот боғи одамга тўла. Дудли билан Пьерсга биттадан шоколадли музқаймоқ харид қилинди. Сотувчи дўкондан нари тортиб олинмай қолган Гарридан нима исташини сўраб улгургани учун эр-хотин Дурслар болага арзонроқ лимонли обакидандон олиб беришга мажбур бўлди. Обакидандонга қаноат қилган Гарри бошини қашиб турган гориллани кузатар экан, маймуннинг Дудлига жуда ўхшаб кетишини, Дудлининг сочи оқ-сарик тусда бўлганлиги иккаласининг ўртасидаги ягона тафовут эканлигини пайқади.

Бу тонг Гаррининг ҳаётидаги унутилмас тонг бўлди. Тушликка яқин Дудли билан Пьерснинг кўнглига хайвонот боғида санқиш ёқмай қолиб, ўзлари ёқтирадиган иш – Гаррини қувиб уриш найрангини бошламасликлари учун ҳам, у, қолганлардан сал нарида юрди. Тушлик хайвонот боғидаги ресторанда ўтди. «Ола пайпоқ» деб номланадиган десерт устидаги музқаймоқ жуда озлигидан норози бўлиб, тўполон бошлаган Дудлига Вернон амаки бошқа порция олиб берди. Гаррига эса Дудлининг биринчи порциясини еб тугатишга рухсат берилди (*Десерт – овқатдан кейин ейладиган мева ёки ширинлик*). Негадир Гаррининг ҳаёлига ҳамма ишлар яхши маромда кечаётганлиги, бу ҳолат узоқ чўзилмаслиги муқаррар, деган ўй келди.

Тушлиқдан сўнг, террариум томон йўл олинди. Бу ер коронғи, хавоси салқин, деворлар бўйлаб ичи ёритилган витриналар жойлашган. Ойна девор ортидаги тош ва ходалар орасида ўралиб олган ёки ўрмалаб юрган турли-туман илон ва калтакесаклар кўринади. Дудли билан Пьерс инсонни ямлаб ютишга қодир йирик бўғма илонлар ва захарли кобраларни томоша қилишга ошиқишди. Тез орада Дудли энг катта илонни излаб топишга муваффақ бўлди. Бу илон Вернон амакининг машинасига икки маротаба ўралиб олса борми, уни кулча шаклига келтириб кўйиши аниқ. Фақат ҳозир илоннинг кайфияти йўқ, умуман айтганда, у ухлаб ётибди.

Дудли тумшугини ойна деворга босганча, илоннинг ялтироқ жигар ранг халқаларини томоша қилиб турди-да, Вернон амакига:

- Ўрмаласин, - деб буйруқ берди.

Вернон амаки ойнани тақиллатди, лекин илон қилт этмади.

- Яна тақиллат, - буюрди Дудли.

Отаси бармоғининг бўғин суяги билан ойна деворни янада қаттикроқ тақиллатди. Илон уйғонмади.

- Қандай зе-ри-кар-ли, - нолиди иккаласи ва оёқларини судраб витринадан нари кетишди.

Гарри витрина олдида келиб, илонни синчковлик билан томоша қилди. Судралувчи хайвон зерикканидан ўлиб қолганлигини билса, асло хайрон бўлмайди. Уйқудан уйғотишга ҳаракат қилиб куни бўйи ойна тақиллатишган аҳмоқ одамлардан бошқа ҳеч қандай шерик йўқ. Гаррининг буфетдаги ҳаётидан ҳам зерикарли. Гарри хар қалай уй ичида юришга ҳақли бўлиб, уни фақат Петунья холагина уйғотади холос. Қутилмаганда илон юмалоқ кўзини катта очиб, бошини Гаррининг кўзига тенг келиб қолгунга қадар, аста кўтарди-да, бир кўзини қисиб кўйди.

Даставвал Гарри кўзини илоннинг кўзидан уза олмади. Сўнг, ҳеч ким қараб турмаганлигига ишонч ҳосил қилиш учун атрофга тез қараб олди-да, у ҳам кўз қисиб қўйди.

Илон бошини Вернон амаки билан Дудли томон силтаб қўйди-да, нигоҳини шифтга қаратди. Сўнг Гаррига «Худонинг берган куни шу аҳвол!» деган маънони аниқ уқиб олса бўладиган нигоҳ-ла қараб қўйди.

- Ахволингни тушуниб турибман, - ғулдиради Гарри ва гарчи илон унинг сўзларини эшитаётганлигига шубҳа қилса-да, кўшиб қўйди: - Ўларча жонингга теккан бўлса керак.

Илон розилик билдиргандай, бошини бир-икки бор ирғиб қўйди.

- Сен умуман қаерликсан? - қизиқиб сўради Гарри.

Илон думини қафас ёнига қоқиб қўйилган тахтача томон узатиб, тақиллатди. Гарри «Боа-констриктор, Бразилия» сўзларини ўқиди.

- Бразилиядаги ҳаётинг яхши кечганми-ди?

Боа-констриктор думи билан такрор тахтачани тақиллатиб кўрсатди. Гарри ёзувнинг давомини ўқиди «Ушбу намуна ҳайвонот боғида етиштирилган».

- Ие, ҳали шундайми? Демак сен Бразилияда умуман бўлмагансан?

Илон рад жавобини қайтаргандай бош силкиди. Шу дамда орка томондан Пьерснинг илонни ҳам, Гаррини ҳам чўчитиб, бир силкитиб туширган, кар қилиб юборгудай кичқириғи эшитилди:

- ДУДЛИ! МИСТЕР ДУРСЛЬ! БУ ЁҚҚА КЕЛИНГЛАР! МАНА БУ ИЛОНГА ҚАРАНГ! УНИНГ ҲАРАКАТЛАРИНИ КЎРИБ ИШОНМАЙСИЗ.

- Йўлдан қоч, - бақирди лапанглаганича югуриб келган Дудли, Гаррининг қовурғаси остига зарб бериб.

Гарри кутилмаганда берилган зарбадан бетон полга қулаб тушди. Кейинги ҳодиса шу қадар тез бўлиб ўтдики, атрофдаги одамлар нима бўлганини идрок қилишга улгурмай қолишди. Ҳозиргина бурунлари билан девор ойнага суяниб олган Пьерс билан Дудли дахшатдан дод-вой солиб нари қочишди.

Гап шундаки, Гарри полда, оғзи билан ҳаво ютиб нафас ростлаганча, ҳансираб ўтирган пайтда, боа-констриктор қамалган витринанинг ойна девори ўзидан ўзи ғойиб бўлди. Каттакон илон танасининг йирик халқаларини шиддат билан ёзиб ўрмалаганча, полга тушди. Одамлар бутун террариумни бошга кўтариб, дод-вой қилишганча, эшик излаб қолишди.

Ёнидан тез ва шовқинсиз ўрмалаб ўтаётган илон Гаррига эшитилар-эшитилмас вишвишлаб:

- Раҳмат, амиго. Энди Браз-з-зилияга, - дегани эшитилди.

Гарри онт ичишга тайёрки, илон айнан шундай деди.

- Ойна, ойна, қани ойна? - такрор ва такрор қайтарди турган жойида қотиб, шокка тушганча, серрайиб қолган террариум назоратчиси.

Кўрқиб кетганидан омонатини топшириб қўйишига сал қолган Петунья холага ҳайвонот боғининг директори шахсан ўзи куюқ кофе дамлаб, узр сўрашини қўймади. Тиллари қотиб, аъзойи-баданлари дағ-дағ титраётган Дудли билан Пьерс базўр гапиришмоқда. Боа-констриктор думи билан уларнинг товонларига ўйноқилик билан сал туртиб кетганини Гарри ўз кўзи билан кўрган бўлса-да, вақт ўтиб, машинада ўзига келиб қолган Дудли, баҳайбат илон оёғининг бир бўлагини еб қўйишига бир баҳя қолганлигини нафаси оғзига тикилиб қолгудай бўлиб гапириб берди. Пьерс эса илон уни бўғишга уринганлиги ҳақида онт ичиб кетди. Аммо Гарри учун энг ёмони ўпкасини босиб олган Пьерснинг чақимчилиги бўлди.

- Гарри эса илон билан илон тилида суҳбатлашди. Иқрор бўласанми, Гарри?

Базўр сабр қилиб келган Вернон амаки Пьерсни олиб кетишлари билан Гаррига





тушади ва шу боис ҳам тўда боши саналади. Улар ҳам Дудли хуш кўрган «Гаррини кувиб уриш» спорт турини ёктириб, тўда бошига бажонидил шерик бўлишади. Гарри бўш вақтини имкон қадар уйдан нарида ўтказишга ҳаракат қилди. Теварак-атрофда айланиб, ёш қалбида умид учқунини ёккан янги ўқув йили ҳақида ўйлаб юрди. Гап шундаки, сентябрь ойида Гарри бошланғич мактабга эмас, ўрта мактабга ва энди, ҳаётида биринчи бор, Дудлисиз боради. Дудлини қачонлардир Вернон амаки тамомлаган «Смелтинг» хусусий мактабига қабул қилишди. Пьерс Полуқис ҳам шу мактабга йўлланди. Гаррини эса «Бетон деворлар» туман умумтаълим мактабига ёздириб қўйишди. Дудлининг фикрича бу жуда қулғили эмиш.

- «Бетон деворлар»да ўқиш бошланадиган биринчи куни ҳар бир ўқувчининг бошини унитазга ботириб чиқишар экан, - деди у Гаррига, - Истасанг юр тепага чиқиб, машқ қиламиз?

- Йўқ, раҳмат. Бечора унитазимизга сенинг бошингдан ҳам баттар жирканч нарса тушгани йўқ ҳали. Тиқилиб қолади-ку, - жавоб қайтарди Гарри ва бефаҳм Дудли гап маъзини идрок этгунга қадар қочиб қолди.

Июль кунларининг бирида Петунья хола билан Дудли Лондонга, «Смелтинг» ўқувчилари кийиб юрадиган кийим харид қилишга кетишди. Гарри эса миссис Фигг билан қолди. Кампирнинг уйи олдингидай даҳшатли эмас. Аниқланишича, миссис Фигг оёғини уй ҳайвонларидан бирига қоқилиб йиқилганидан синдириб олган экан. Айни шу кундан эътиборан кампирнинг ҳайвонларга бўлган оташин муҳаббати бир оз сўнган эмиш. У Гаррига телевизор кўришга рухсат бериб, бир бўлак шоколад синдириб берди. Шоколадни татиб кўрган Гарри, ушбу плитка миссис Фиггнинг уйига келтирилганига бир неча йил бўлганлигига шубҳа қилмади.

\*\*\*

Кечқурун меҳмонхонада Дудли ўзининг янги либосини кийиб, ҳаммага намоёиш қилди. «Смелтинг»да таҳсил кўрадиган ўғил болалар тўқ қизил куртка, тўқ сарик қалта шим ва «Канотье» деб аталадиган ясси похол шляпа кийиб юришади. Бундан ташқари, ҳар бир ўқувчида, ўқитувчи ўгирилиб турган фурсатда шерикларини туртиб туриши учун ғадир-будур таёқча бўлиши керак экан. Эътироф этилишича, бундай турткилар келгуси ҳаёт учун фойдали саналадиган кўникмалар шаклланишига омил бўлар эмиш.

Вернон амаки ўғлининг қалта шимига қараб, ушбу фурсат оила ҳаётидаги энг тантанали, жиддий аҳамиятга эга фурсат эканлигини йиғламсираган оҳанг-ла таъкидлаб қўйди. Петунья хола эса хўнграб, йиғи орасида, ёқимтой Сичқонча-Дудли улғайиб қолганига ҳеч ишонгиси келмаётганини базўр айта олди. Гарри бирор-бир ўринсиз сўз айтиб қўйишдан ўзини тийди. У шундоқ ҳам Дудлининг кепатасига қараб қаҳқаҳлаб юборишдан ўзини тийиш учун кучангидан қовурғасини оғритиб олган.

\*\*\*

Эртасига эрталаб, нонуштага чиққан Гарри ошхонани қўланса хид босиб кетгани, ошхона чаноғига ўрнатилган рух тоғора ушбу хид манбаси эканлигини пайқади. Яқин келиб, тоғорадаги лойка сув ичида ифлос пояндозларга ўхшаш латталарни кўрди.

- Нима бу? - сўради у Петунья холасидан.

- Сенинг янги мактаб кийиминг, - жавоб қайтарди холаси Гарри савол берганида ҳар сафаргидай жаҳли чиқиб, лабини қимтиб олганча.

- Ие, кийим бунақанги нам бўлиши керак эканлигини билмас эканман, - деб қўйди

Гарри яна бир бор тоғора ичига қараб қўйиб.

- Тентакланма, - жаҳл қилди Петунья хола, - Сен учун ҳаракат қиляпман. Кийиминг одам кийимига ўхшаб, эл қатори юришинг учун Дудлигинаминг нарсаларини кул рангга бўяпман.

Гарри одам қиядиган кийим айна шундай бўлишига шубҳа қилса-да, баслашишни ортиқча билди. У нонушта қилишга ўтириб, биринчи сентябрь куни «Бетон деворлар»га қайси киефада боришини ўйламасликка ҳаракат қилди. Эҳтимол, филнинг эскириб кетган терисидан тайёрланган кийим кийиб олгандай кўринса керак.

Ошхонага Гаррининг янги мактаб кийимидан чиқаётган ҳиддан ҳазар қилиб, бурун буриштирган Дудли билан Вернон амаки кириб келди. Вернон амаки ҳар сафаргидай қўлига газета олди, Дудли эса кўтариб юришни одат қилиб олган смелтинг таёқчасини столга уриб ўтирди.

Шу пайт кириш эшигида, почтачи почта ташлаб кетиши учун очилган туйнук копкағининг шилқ этган товуши, сал ўтиб, гиламча устига хат тушгани эшитилди.

- Дудли, хатни олиб кел, - буюрди Вернон амаки.

- Гарри олиб келсин.

- Гарри, почтани олиб кел.

- Дудли олиб келсин.

- Дудли, кўлингдаги таёғинг билан бир тушир.

Гарри таёққа чап бериб, эшик томон кетди. Гиламчада Вернон амакининг Ла-Манш бўғозидаги Уайт оролида дам олаётган Маржори опаси йўллаган открытка, жигар ранг конверт, ҳақ тўлаш ҳисоблари бўлса керак ва Гарри номига ёзилган хат ётибди. Гарри хатни қўлига олиб, ундан кўзини уза олмади. Боланинг юраги кўкрак кафасининг ичида резинанинг бир учига боғлаб қўйилган коптокдек сакрай бошлади. Ҳаёти давомида унга ҳеч ким, ҳеч қачон хат йўлламаган. Ахир ким унга хат юбориши мумкин? На дўстлари, на қариндошлари бўлса. Кутубхонага ҳам аъзо бўлмаган. Шу боис, китобни қайтаришга доир қўпол талабнома келишини кутмайди. Нима қилганда ҳам мана хат, қўлида ушлаб турибди. Хато бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки манзил жуда аниқ ёзилган:

*Сюррей графлиги,  
Литтл Уингинг шаҳарчаси,  
Одамовилар кўчаси, 4- уй,  
Пиллапоя остидаги буфет,  
Мистер Г. Поттерга*

Сарғиш пергаментдан тайёрланган конверт қалин, вазмингина. Сиртидаги манзил эса зумрад тусли яшил сиёҳ билан битилган. Марка йўқ (**Пергамент – сув, ёғни ўзига шиммайдиган қилиб ишланган қоғоз**). Хаяжондан титраётган қўли билан конвертнинг орқа томонини ўтириб қараган Гарри: катта «Х» харфини ўраб олган шер, бургут, бўрсик ва илон тасвири туширилган қирмизи сургуч муҳрни кўрди.

- Қаерда қолдинг? - эшитилди Вернон амакининг овози, - Хат ичида бомба бор-йўқлигини текширяпсан-ми? - сўради у, ўзининг ҳазилидан ўзи қулиб.

Гарри, хатдан кўзини узмай ошхонага қайтиб кирди. У Вернон амакига открытка билан ҳақ тўлаш ҳисобларини узатди-да, ўтириб сариқ конвертни аста очишга киришди.

Вернон амаки ҳақ тўлаш ҳисобларини шартта очиб, пишкириб қўйди-да, открытка ўқишга киришди.

- Маржори касал бўлиб қолибди, - деди у, хотинига, - Ниманидир еб...

- Дада! - бирдан бакириб юборди Дудли, - Дада, кара, Гаррининг қўлига кара, нима у?

Гарри, конверт пергаментига ўхшаш қаттиқ пергаментга битилган хатни эндигина очишга улгурган эди ҳам-ки, Вернон амаки уни қўполлик билан қўлидан тортиб олди.

- Бу менга келган хат! - қайтариб олишга интилганча бакириб юборди Гарри.

- Ким ҳам сенга ёзарди? - деди Вернон амаки қўлидаги хатни очилиб кетиши учун силтаганча, ҳақоратомуз оҳангда.

Бироқ хат матнига караши билан башарасининг қизил ранги яшил тусга, светофорнинг ранги алмашганидан ҳам тез алмашиб кетди. Яшил тус билан ҳам иш битмади. Сония ўтар-ўтмас унинг турки куриб қолган сули бўтқанинг кул рангини касб этди.

- П-п-петунья! - нафаси қайтиб, шивирлади у.

Дудли хатни чангаллаб олишга уриниб кўрди. Аммо Вернон амаки хатни шу қадар баланд кўтариб олган эдики, Дудлининг бўйи етмади. Пергаментни қизиксиниб қўлига олган Петунья хола хатнинг биринчи сатрини ўқиди-ю, худди хушини йўқотиб қўядигандай бир дақиқага яқин тебраниб турди.

- Вернон! Э марҳаматли Худо! Вернон! - хириллай кетди у, бўғзини ушлаб олиб.

Дудли билан Гарри ханузгача ошхонада эканлигини унутиб қўйган эр-хотин бири-бирига тикилиб қолди. Шахсини бу қадар писанд қилмасликларига қўнмаган Дудли қўлидаги таёк билан кучи борича отасининг бошига қараб қўйиб юборди.

- Хатни ўқимокчиман! - баланд овозда баёнот қилди у.

- Йўк, уни мен ўқимокчиман, - нафрат ила Дудлининг гапини бўлди Гарри, - У менинг номимга келган!

- Йўқолларинг бу ердан. Иккаланг! - жони оғриб хириллади Вернон амаки, хатни конверт ичига солар экан.

- ХАТИМНИ ҚАЙТАРИБ БЕРИНГ! - кичкирди Гарри килт этмай турганча.

- Хатни менга беринг! - талаб қилди Дудли.

- ЙЎҚОЛЛАРИНГ!

Вернон амаки иккала болани ёқасидан ушлаганча ошхонадан қўшни хонага улоқтириб юбориб, эшикни ичкаридан бекитиб қўйди. Шу заҳоти Гарри билан Дудли калит тешиги учун кураша кетишди. Табиийки, барзанги Дудли ғолиб чиқди. Шу боис кўзойнаги битта кулоғига осилиб қолган Гарри ерга ётиб, ичкарида бўлаётган гапни эшик остидан эшитишга мажбур бўлди.

- Вернон, - эшитилди Петунья холанинг титроқ овози, - Манзилга эътибор қаратдинг-ми? Улар бола ухлайдиган жойни қаердан билиши мумкин? Бизни зимдан кузатиб юришмаган бўлса керак, а?

- Кузатишади ҳам, жосуслик ҳам қилишади, ҳатто баъзан ичкарига қараб ҳам туришади, - вайсади Вернон амаки.

- Энди нима қиламиз, Вернон? Жавоб йўллайлик-ми? Биз умуман хохламаймиз...

Гарри, Вернон амакининг яркироқ қора туфлиси билан ошхонанинг у бурчагидан бу бурчагига бориб келаётганини кўриб ётибди.

- Йўк, - ниҳоят қарор қилди Вернон амаки, - Биз бунга эътибор қаратмаймиз. Агар улар биздан жавоб олишмаса... Ҳа, шу йўл энг мақбул йўл... Биз ҳеч нарса қилмаймиз...

- Бирок...

- Менинг уйимда ўхшаш нарсалар бўлишини истамайман, Петунья! Уни оиламизда қолдираётганимизда бундай хавфли бидъатни таг-туғи билан йўқ қилиб, қуритишга онт ичмаган эдик-ми?

Кечқурун, ишдан қайтгач, Вернон амаки ҳаётида ҳеч қилмаган ишни қилди. У

Гаррининг буфет ичида жиҳозланган ётоқхонасига ташриф буюрди.

- Қани менинг хатим? - тўрсиллаб сўради Гарри эшикчадан базўр сукилиб кирган амакидан, - Менга ким, қаердан хат йўллабди?

- Ҳеч ким ва ҳеч қаердан. Бу хат сенга янглиш келган экан, - қиска қилди Вернон амаки, - Мен уни ёқиб юбордим.

- Ҳеч қандай англашилмовчилик бўлмаган, - аччиқланиб тўнғиллади Гарри, - Унда буфетим аниқ кўрсатилган.

- ЖИМ! - ҳайкириб берди Вернон амаки.

Шифтдан бир жуфт ўргимчак тушди. Амаки бир неча бор чуқур нафас олгач, ўзини иршайишга мажбур қилди-ю, ўхшата олмади.

- Ҳа, айтгандай, Гарри... буфет хусусида. Холанг билан... Қисқаси сен анча улғайиб қолдинг... ўйлаймиз-ки... сенга бу ер энди ноқулай... фикримизча, Дудлининг иккинчи ётоқхонасига кўчиб ўтсанг маъқул бўлади.

- Нега? - сўради Гарри.

- Ортиқча савол берма! Бўлди, бисот-нарсаларингни йиғиштир, тез бўл!

Дурслар уйида тўртта ётоқхона бор: бири Вернон амаки билан Петунья холага тегишли, иккинчиси меҳмонлар учун хона вазифасини ўтайди (унда асосан Вернон амакининг опаси Маржори тез-тез тунаб туради), учинчисида Дудли ётади, тўртинчи кичик ётоқхонага эса Дудлининг хонасига сиғмаган лаш-луш ва ўйинчоқлар киритиб қўйилган.

Гарри нарсаларини олиб, кўчиб ўтиши учун ўрнидан туриб, иккинчи қаватга кўтарилиши кифоя бўлди. У кроватга ўтириб, хонага разм солди. Хонадаги нарсаларнинг деяри барчаси бузук, синган ёки батамом пачоқ бўлган. Қунлардан бир кун Дудли қўшнининг итини босиб ўтган ўйинчоқ танк устида атиги бир ой олдин харид қилинган видеокамера бузилиб ётибди. Бурчақда, Дудли ёқтирган телекўрсатув бекор қилинган куни тепиб синдирилган, чанг босган телевизор, ёнида эса қачонлардир тўти қуш яшаган катта қафас турибди. Дудли ўша қушни ҳақиқий помпа милтиғига алиштирган эди. Ҳеч қанча вақт ўтмай, қўпол танасининг бор юки билан устига ўтириб, стволени эгиб юборди. Мана энди ўша милтик юқори тоқчада қийшайиб ётибди. Қолган тоқчалар хонадаги ягона соғ буюмлар – китоблар билан тўлган. Уларни ҳали ҳеч ким қўлига ҳам олмаган, яп-янгидай турибди.

Пастдан Дудлининг:

- Гаррининг у ерда яшашини истамайман... хона ўзимга керак... қувиб чиқаринглар уни... - деган бақириклари эшитилмоқда.

Гарри хўрсиниб каравотга чўзилди. Кечагина у, ушбу хонада яшашни орзу қилган. Бугун эса... хатни қайтариб беришса, яна ўша буфетга кўчиб ўтишга тайёр.

Эртаси куни нонушта вақтида Вернон амаки билан Петунья хола жим, бир-бирига ғамгин қараб, Гарри эса хатни кеча дахлизда ўқиб олмаганлиги учун ўзини ўзи ичида қойиб ўтиришди. Фақат Дудлигина бақирар, ўқирар, дам отасини калтаклар, дам онасини тепар, ўзини кўнгли айниётган қўйга солар, бироқ қанча уринмасин, хатто тошбақа билан парник ойнасини уриб синдирса ҳам хонасини қайтариб олишга муваффақ бўлмади.

Тонгги почта келганида Вернон амаки Гаррининг кўнглини топишга очиқдан-очиқ уринганча, дахлизга Дудлини йўллади. Смелтинг таёқчаси билан кўзига кўринган нарсани уриб борган Дудлининг хатти-ҳаракатларига ҳамма қулоқ тутиб ўтирди.

Бирдан Дудлининг:

- Мана. Яна битта хат! Одамовилар хиёбони, 4- уй, кичик ётоқхона, мистер Г.

Поттерга... - деган хитоби эшитилди.

Вернон амаки худди бўғилиб қолгандай хириллаганча, ўрнидан ирғиб туриб,

Гаррининг таъқиби остида ўзини дахлизга урди. Дудлининг қўлидаги хатни куч билан тортиб олиш учун уни ерга йикитиб, босиб олишга мажбур бўлди. Гарри эса Дудлининг устидаги амакисини бор кучи билан тортишга уринди. Бир неча дақиқа давом этган, иштирокчиларнинг ҳар бири бир неча бор зарба еган тартибсиз ёқалашишдан сўнг, зафар қозонган Вернон амаки оғзи билан ҳаво ютганча, қўлидаги хатни маҳкам ғижимлаб тик турди.

- Бор, буфетингга, йўғе хонангга кириб кет, - буюрди у Гаррига бўғилганидан чийиллаб чиққан овози билан, - Дудли, қоч дедим сенга, қоч.

Гарри хонасида гир айланди. Кимдир нафақат унинг янги хонага кўчиб ўтгани, балки биринчи мактуб унга тегмаганидан ҳам бохабар. Оббаҳолам, улар яна бир бор хат юборишга уриниб кўришса керак? Ана шунда у ҳар қандай қилиб бўлса ҳам, хатни қўлга киритишга ҳаракат қилади. Бу борада у режа ҳам тузиб қўйди.

Яқиндагина таъмирдан чиқарилган соат тонг сахар олтида жиринглади. Гарри соатни ўчириб, шовкин солмай кийинди. Энг асосийси ҳеч кимни уйғотиб юбормаслик. Бола чироқни ёқмай, пастга тушди.

Юраги шиддат билан ураётган Гарри қоронғи дахлиз орқали ташқарига чиқиш ва 4-уй почтасини шахсан ўзи олиши учун Одамовилар кўчасининг муюлишига бориб, почтачини кутиб ўтиришга аҳд қилган...

- АААААААА!

Кўрқиб кетган Гарри сапчиб кетиб, эшик ёнидаги гиламча устида ётган қандайдир йирик, силлик, жонли бир нарса устига тушди.

Юқорида чироқ ёнғач, Гарри, йирик, силлик, жонли нарса амакисининг башараси эканлигини англаб, роса хижолат чекди. Вернон амаки боланинг бундай йўл тутишини олдиндан фахмлаган шекилли, тунни эшик ёнида, қопкўрпа ичига кириб ўтказибди. Тахминан ярим соат бақир-чақир қилган амаки чой келтиришни буюрди. Қайғу-ҳасрат ила ошхона томон йўл олган Гарри хонага қайтгач, амакисининг тиззаси устида, юзасидаги манзил зумрад сиёҳ билан ёзилган учта конвертни кўриб, эрталабки почта етиб келганини тушунди.

- Бу менга...

Гарри оғиз жуфтлаган ҳамоно, Вернон амаки хатларни намоийшқорона равишда йиртиб, майда-майда бўлақларга бўлиб ташлади.

Шу бугун Вернон амаки ишга бормади. Уйда қолиб, кириш эшигидаги хат ташлаш туйнугининг қопқоғини михлаб қўйди.

- Мана кўрасан, - деди амаки оғзидаги михни тишлаб олганча, қилган ишининг маъносини хотинига тушунтириб, - Улар хат етказа олмас эканлар, демек ёзишни ҳам бас қиладилар.

- Бунга ишончим комил эмас, Вернон!

- Э, сен билмайсан уларнинг хулқини, Петунья. Ўша одамларнинг тафаккури бизнинг тафаккуримиздан тамомила фарқ қилади.

Қизишиб кетган Вернон амаки болға қолиб, ҳозиргина хотини қўлига ушлатиб қўйган торт бўлаги билан кучининг борица михга қарата зарб берди.

Жума куни оз эмас-кўп эмас ўн иккита хат келди. Хат ташлаш туйнуғи ёпиқ бўлганлиги учун почтачи хатларни эшик остига, ён тирқишларига сукиб, бир нечтасини қуйи қаватдаги ванна хонанинг очиқ деразасидан ташлаб кетибди. Вернон амаки яна ишга бормади, уйда қолди. Хатларни каминда ёкиб бўлгач, қўлига болғани олиб, кириш эшиги ва орқа эшикнинг барча тирқишларини, ҳеч ким ташқарига чиқа олмайдиган даражада қокиб чиқди. Сал эшитилган шовқиндан сесканганча, иш давомида «душман қочар, ёв қочар»ни хиргойи қилди.

Шанба куни вазият назорат остидан чиқа бошлади. Петунья хола аҳволни кўриб анграйиб қолган сут сотувчининг қўлидан меҳмонхона деразаси орқали олган

йигирма тўртта тухумнинг ичидан чиққан йигирма тўртта хат уйга кирди. Жаҳли чиққан Вернон амаки айбдорларни қидириб, почта идораси ва сут дўконига қўнғироқ қилиб, шовқин солди. Петунья хола эса хатларни, бирорта ҳам қолдирмай, гўштқиймалагичдан ўтказди.

- Кимнинг сен билан мулоқот қилиш истаги бу қадар кистаб қолибди? - сўради лол қолган Дудли.

Якшанба куни эрталаб Вернон амаки чарчаган, юзи касал кишининг кийёфасини касб этган бўлса ҳам бахтиёр кайфият-ла нонуштага тушди.

- Якшанба куни почта ишламайди, - деди қувнок оҳангда, мармеладни нон қолиб газетага суртганича, - Шундай экан офат-бало хатлар...

Айни шу фурсатда аллақандай жисм камин қувуридан шувиллаб чиқиб, фикрини охиригача айтиб улгурмаган амакининг бошига тегди. Яна ўттизта, эхтимол қирқта хат камин ичидан ўқдай учиб чиқди. Ҳамма энкайиб олди. Фақат Гарригина хатлардан бирортасини ушлаб олишга уринди.

- ЙЎҚОЛ! ЙЎҚОЛ!

Вернон амаки Гаррини тутиб олиб, дахлизга улоқтириб юборди. Петунья хола билан Дудли юзларини бекитиб олганча ошхонадан отилиб чиқишди. Вернон амаки эса эшикни ичкаридан бекитиб олди. Қувурдан учиб чиқаётган хатлар девор ва полга урилаётгани ҳамон эшитилмоқда.

- Гап бундай, - деди Вернон амаки мўйлов қилини юлганича, ўзини идора қилишга уриниб, - Беш дақиқадан сўнг ҳамма сафарга отланган бўлиши шарт. Йўлга чиқамиз. Фақат зарур нарсаларгина олинсин. Эътирозга ўрин йўк!

Чала юлинган мўйлови билан у шундай дахшатли кийёфа касб этган эдики, ҳеч ким эътироз билдиришга журъат эта олмади. Ўн дақиқадан сўнг оила аъзолари қоқиб ташланган эшикнинг уриб тешилган туйнуги орқали уйни тарк этиб, машинада катта йўлга чиқиб олганча, елдек учиб кетди.

Улар тўхтамай узоқ йўл босишди. Хатто Петунья хола ҳам эридан қаёққа кетишаётганини сўрашга журъат эта олмади. Баъзан Вернон амаки машинани дафъатан орқага бурарди-да, акс йўналишда ҳаракатланиб:

- Шундай қилсак, таъкибдан халос бўламиз, - деб валдирар, сўнг яна ўз йўлига қайтар эди.

Куни бўйи, хатто тамадди қилиб олиш учун ҳам тўхтамай йўл юрилди. Кечга яқин қорни оч, яхши кўрган телекўрсатувларининг бештасини ўтказиб юборган, умуман айтганда, ҳали ҳеч қачон компьютер келгиндиларининг учиш аппаратларини портлатмай, бирорта бўлсин келгинди ўлдирмай бунчалик кўп вақт ўтказмаган Дудли ростакамига ўқира бошлади. Бу кун унинг ҳаётида энг расво кун бўлди.

Нихоят, Вернон амаки машинани аллақандай шаҳардан чекка жойдаги хувиллаган меҳмонхона ёнида тўхтатди. Дудли билан Гаррига ёнма-ён ўрнатилган, устига нам чойшаб ташланган каравотлар билан жиҳозланган битта хона ажратилди.

Дудли тарашадек котиб хуррак отди, Гарри эса дераза токчаси устида ўйга толганча, кўчадаги ўткинчи машиналарнинг фараларини томоша қилиб, ўтирди...

Туриб қолган бодрок ва маринадланган помидордан тайёрланган бутерброд эрталабки нонушта бўлди. Овқатни еб тугатишга улгурмай, хонага меҳмонхона соҳибаси кириб келиб, қўлидаги мактубни, зумрад рангли сиёҳ билан ёзилган манзилни ўқиб олиш мумкин бўлган ҳолатда тутиб қўрсатди.

- Маъзур сананг, қайси бирингиз мистер Г. Поттер бўласиз? Бизга юзга яқин мана бундай хат келди

*Коксворт*

*«Ўлик жимжитлик» меҳмонхонаси*

17- хона

Мистер Г. Поттерга

- Мен қабул қилиб оламан уларни, - деди Вернон амаки, хатга эндигина узатилган Гаррининг кўлига зарб берилганлигини бефарқ кузатиб турган аёлга қараб.

\*\*\*

- Эҳтимол уйга қайтганимиз маъқулдир? - аста сўради Петунья хола бир неча соатдан сўнг.

Бироқ Вернон амакининг қулоғига гап кирмас бўлиб қолган чамаси. Нимага эришмоқчи бўлаётганини тушуниб бўлмади. Дам ўрмон ичига кириб кетади, дам ташқарига чиқиб, атрофга қарайди-да, бошини сарак-сарак чайкаганича, машинага қайтиб кириб, йўлни давом эттиради. Йўл давомида учраган шудгор ўртасида ҳам, осма кўприк остида ҳам, машиналар сакланадиган кўп қаватли бинонинг томи устида ҳам шу ҳолат такрорланди.

- Дадам ақлдан озди-ми? - зерикиб сўради Дудли шу куни кечга яқин.

Вернон амаки денгиз соҳилига келиб, оилани машинага камаб қўйди-да, ўзи номаълум томон гум бўлди. Бир томондан йирик томчилари машина томига урилган кучли ёмғир, иккинчи томондан Дудлининг бурни пишиллаб йиғлаган инжиклиги бошланди.

- Бугун душанба, - огохлантирди у, - «Буюк Умберто» бўлади. Борадиган жойимизда телевизор бўлишини истайман.

Душанба. Дудлининг ушбу талаби Гаррининг ёдига муҳим санани солди. Кўп нарсаларга ақли етмаса ҳам, ҳафта кунларини Дудли яхши билади. Акс ҳолда хуш кўрган телекўрсатувларини томоша қила олармиди? Модомики, бугун душанба экан, демак эртага сешанба. Сешанба куни эса Гарри ўн бир ёшга тўлади. Туғилган кун Гарри учун қолган кунлардан кўп фарқ қилмайди. Чунончи, ўтган йили Гаррига пальто учун илгак билан Вернон амаки кийиб эскиртган бир жуфт пайпоқ ҳада этилди. Нима қилганда ҳам ҳар куни ўн бирга кирмайсанку, ҳар қалай.

Кўлида узун ясси қоғоз ҳалта ушлаб, тишининг оқини кўрсатган Вернон амаки топилиб келди. Нима харид қилганини сўраган Петунья холанинг саволи жавобсиз қолди.

- Мен ажойиб жой топдим! - эълон қилди у, - Тушинглар! Кетдик!

Кўча жуда совук. Вернон амаки денгиз хавзасининг узоқ нуқтасида қояга ўхшаб қад кўтарган, чўққисида ғарибона кулбача кўришиб турган алланимани кўрсатди. Ишонч билан айтиш мумкинки, у ерда телевизор йўқ.

- Бугун кечаси кучли пўртана бўлиши эълон қилинди! - хитоб қилди юзи, ақлдан озган киши кулгисининг кулгисига ўхшаб қотиб қолган Вернон амаки қарс уриб. - Мана бу жентльмен эса қайиғини ижарага бериб туришга лутфан рози бўлди! Уларнинг олдида, оғзида бирорта ҳам тиши қолмаган бир чол яккакифт юрганча яқинлашиб, бехосият иршайди-да, денгизнинг кул-пўлат тусли тўлқини устида чайқалиб турган, эскириб омонат ҳолатга келиб қолган қайиқчани кўрсатди.

- Мен қуруқ егулик олдим, - хотинининг боя берган саволига жавоб қайтарди Вернон амаки, - Хўш, қани энди – ҳамма бортга! - команда берди у.

Ҳаво ўларча совук. Денгиз сувининг муздай қатралари билан уйғунлашиб кетган ёмғир ёқа орасидан сингиб кирмоқда. Баданни тешиб ўтадиган даражада эсаётган шамол эса қайиқда ўтирганларнинг юзларини қамчидай саваламоқда. Қояга етиб боргунга қадар бир неча соат ўтиб кетгандай бўлди. Етиб келгач, Вернон амаки олдинда, қоқилиб-сирпанганча, деярли вайронага айланиб қолган бошпана томон йўл бошлаб борди.



Уй ичида борки нарса киши кўнглини бузади. Ҳамма ёққа сув ўтларининг ириган хиди уриб кетган. Атиги иккита хоначадан иборат кулбанинг тахта деворларидаги йирик тирқишлар орқали елвизак шамол чийиллаб эсар, нам тортган камин эса бўм-бўш.

Вернон амаки олиб келган куруқ егулик жон бошига биттадан банан ва бир пакетдан чипси бўлди. Вернон амаки бўшаган қоғоз халталарни каминга жойлаб ёқишга уриниб кўрди. Халталар ёнмасдан фақат буруқсаб, бужмайиб қолди. - Ҳозир ўша хатлар жуда асқатган бўлар эди-я! - қувноқ кайфият-ла ҳазил қилди у. Амакининг руҳи ниҳоятда кўтаринки. Афтидан, бу ерга ҳеч қандай почта, айниқса кучли пўртана вақтида етиб келмаслигига ишончи комил. Гарчи, бу ҳолат Гаррини қувонтирмаса-да, амакисининг фикрига қўшилишдан бошқа иложи йўқ. Қоронғи тушди. Ваъда қилинган пўртана бошланди. Баланд кўтарилган тўлқиннинг атрофга сачраган катралари кулба деворига келиб урилиб, шиддатли шамол деразаларнинг лиқиллаб қолган ромларини титратди. Петунья хола қўшни хонадан бир нечта моғорлаб кетган адёл топиб чиқиб, куя еб емирилган кичик диванга Дудли учун ётар жой тайёрлади. Ўзи эса Вернон амаки билан қўшни хонадаги эгилиб кетган каравотга жойлашди. Гарри эса полнинг энг юмшоқ жойини топиб, дабдаласи чиққан, жикка хўл адёлга ўраниб ётишдан бошқа илож топмади. Пўртана борган сари кучаяр, Гаррининг уйқуси келмас, қулайроқ жойлашиш учун бир ёнбошидан бошқасига қалтираганча ағанар, қорни очлигидан қийналар эди. Ярим тунга яқин Дудлининг хурраги узокдан янграган момақалдирикнинг паст эшитилаётган овозини босиб юборди. Унинг дивандан осилиб тушган йўғон қўлидаги ёришувчи соати яна ўн дақиқадан сўнг Гарри ўн бир ёшга тўлишини кўрсатиб турибди. Туғилган кунини борган сари яқинлаштираётган соат милларининг юришини томоша қилиб ётган бола, бу кун холаси билан амакисининг эсига келиш-келмаслиги, номаълум хат муаллифи айни дамда қаерда эканлигини ўйлаб ётди.

Яна беш дақиқа. Нимадир қарсиллагани эшитилди. Гарри кулбанинг томи ўпирилиб кетмаслигига умид қилди. Эхтимол, том ўпирилса, уй исир. Тўрт дақиқа қолди. Эртага Одамовилар хиёбонидаги уйларига қайтса-ю, уй хатга тўлиб-тошган бўлса, лоақал бирортасини олиб ўқишга улгуриб қолар, а?

Уч дақиқа. Қизик нима қарсилляпти, денгиз тўлкини қоя тошларига шу қадар қаттиқ уриляпти-ми? Икки дақиқа қолди. Ниманинг товуши экан? Нимадир тўкилиб тушяпти шекилли. Нахотки қоя ёрилиб, ғарқ бўлаётган бўлса?

Яна бир дақиқа ва у ўн бир ёшга тўлади. Ўттиз сония... йигирма... ўн... тўққиз... - Дудлини уйғотай-ми, бир жаҳли чиксин, уч... икки... бир...

ГУМ!

Эшикка берилган зарбадан кулба титраб кетди. Гарри ётган ўрnidан туриб, тўғри ўтириб олди. Кимдир ичкарига киришга уриниб, эшик тақиллатмоқда.

#### **IV БОБ.**

#### **МАКТАБ ҚОРОВУЛИ**

ГУМ! Эшик яна бир бор қарсиллади.

- Ким ўқ узди? - аҳмоқона савол берди ўтақаси ёрилиб кетган Дудли ўрnidан ирғиб туриб.

Орка томондан кўлига милтиқ ушлаб, бесўнақай сакраб чиққан Вернон амакининг шовқини эшитилди. Ҳа, ана энди узун ясси қоғоз халтада нима бўлганлиги аён бўлди.

- Ким у? - бақирди амаки, - Огоҳлантириб қўяй, қуролланганман!

Орага бир оз сукунат чўқди. Сўнг бирдан ҚА-А-АРС-С!

Қаттиқ зарба берилган эшик ошиқ-мошиғидан узилиб, гумбурлаганча ерга тушди. Остонада чигаллашиб кетган қалин ёли ва узун искирт соколи остидаги йирик башараси деярли кўринмаётган, бироқ бундай тартибсизлик орасида катта-ката кўзлари бир жуфт қора кўнғиздай ярқираётган девқомат киши пайдо бўлди. Баҳайбат киши ичкарига анча букилиб кирган бўлса ҳам, сочи билан шифтдаги ўргимчак уяларини супуриб юборди. Девқомат ерда ётган эшикни ҳеч ҳам зўрикмай кўтариб, жойига ўрнатиб қўйганидан сўнг, денгиз бўронининг ғувуллаган товуши анча пасайди.

- Итдай чарчаганман, чой беринг, - илтимос қилди у, дахшатдан эси чиқиб кетган Дудлига яқинлашиб, - Нарилжил, бўрдоқи.

Дудли чийиллаганча қочиб қолиб, Вернон амакининг белига ёпишиб олган онасининг орқасига бекинди.

- Ҳа-а, мана Гарри! - хитоб қилди чақирилмаган меҳмон.

Гарри рўпарасидаги кишининг баджаҳл, ёввойи, қорайиб кетган юзига тикилиб, табассум ёғилиб турган кўнғиз кўзлари атрофини ажин қамраб олганини пайқади.

- Мен сени мана бу-у-у-ундай бўлганинда кўрганман, - деди давангир бармоғини кўрсатиб, - Қаранг-а, отасининг худди ўзи-я, кўзлари-чи, онасининг кўзларига ўхшабди-қопди.

- Бу уйни зудлик билан тарк этишингизни талаб қиламан, сэр! - овоз берди Вернон амаки ғижирлаб нафас ютганча, - Сиз бостириб... зўрлик билан бузиб...

- Тинч қўй мени, ландавур, - қўл силтади давангир.

Қутилмаган меҳмон диван суянчиғи орқали энқайиб, Вернон амакининг қўлидаги милтиқни шартта тортиб олди-да, ундан осонликча тугун тугиб, кулба бурчагига улоқтирди. Амаки эса думи босиб олинган сичқондай чийиллаб қўйди.

- Қисқаси, Гарри, - деди давангир Дурслларга орқа ўгириб, - Туғилган кунинг билан табриклайман! Мана, сенга совға олиб келдим. Фақат, чамаси, йўл-йўлакай андак эзиб қўйганга ўхшайман. Ҳеч қиси йўк, бари-бир жуда мазали.

У қора плашининг ички чўнтагидан бир оз эзилган қутини чиқариб, Гаррига узатди. Бола совуқдан қалтираётган бармоқлари билан қутини очиб, устига яшил шакар-қиём билан «Туғилган кунинг билан, Гарри!» сўзлари ёзилган катта шоколад тортни кўрди.

Болакай бошини орқага ташлаб, рўпарасидаги баҳайбат кишининг меҳр товланиб турган юзига қаради. Самимий миннатдорлик билдирмоқчи бўлди-ю, юрагидан чиққан сўзлар бўғзига келганда тикилиб қолиб, «Раҳмат» ўрнига беихтиёр:

- Сиз кимсиз? - деб пичирлади.

Давангир қаҳқаҳлаб юборди.

- Ҳақиқатан ҳам ўзимни таништирганим йўк, а, хали? Рубеус Хагрид, «Хогварц» қоровули ва хизматқори, - эълон қилди давангир.

У боланинг қўлини мисли кўрилмаган йирик кафти билан бутунлигича ўраб олиб, кучсиз силтаб қўйган бўлди.

- Чой масаласи нима бўлди? - эслатди Хагрид, қўлини ишқалаб, - Ҳа айтгандай, ўткирроқ ичимлик бўлса, рад этмаган бўлар эдим.

Унинг нигоҳи чипсдан бўшаб, бужмайиб қолган қоғоз халталар ётган бўм-бўш каминга тушгач, мийиғида қулиб қўйиб, энгашди. Нима иш қилганини ҳеч ким кўрмади-ю, қаддини ростлаганида, камин панжараси ортида ловуллаб ёнаётган гулхан кўринди. Нам тортган совуқ кулба ичига жон бахшида илиқлик таралди. Гарри ўзини гўё иссиққина, хушбўй ваннада ётгандай ҳис этди.

Девқомат ялпайганча ўтириб олган бечора диван ғарчиллаб эгилиб. У катта плашининг чўнтақларидан мис чойнак, силлиқ қадоққа ўралган сосискалар, темир косов, чой дамлаш чойнаги, бир нечта сири кўчган кружка, қаҳрабо ранг суюклик

куйилган шиша каби ҳар хил нарсалар чиқарди. Кечки овқат тайёрлашга киришар экан, шишадаги суюқликни тез-тез сўриб борди. Тез орада кулбани чўғда тарс-тарс ёрила бошлаган сосискаларнинг мазали ҳиди қамраб олди. Хагринд камин каршисида ивирсиб ўтирганида ҳеч ким овоз чиқармади. Темир косов устидан бир оз куйиб, иштаҳани кўзгатадиган хушбўй сосискаларнинг дастлабки олти донасини олиши билан Дудли сал қимирлаб қўйди.

Буни сезган Вернон амаки дархол ўғлини тўхтатди:

- Тўхта Дудли, уни қўлидан ҳеч нарса олма!

- Дурслъ, сени кўпчиб пишган бакалоқ кулчагинангга баттар ёғ босишнинг ҳеч ҳам хожати йўқ, - деди мехмон нафрат-ла кулимсираб, - Шундай экан, ортиқ чиранма. Хагринд сосискалардан бирини Гаррига узатди. Бола ниҳоятда оч бўлиб, ҳаётида бундай мазали овқат емаган гўё. Кўзини девқоматдан узмай тановул қилди. Ҳеч ким ҳеч қандай тушунтириш бермагач, ўзи сўраб билишга аҳд қилди:

- Маъзур сананг-у, кимлигингизни бари-бир тушунмадим.

Девқомат кружкага куйилган суюқликдан хўплаб олди-да, кафтининг орқа томони билан оғзини артиб:

- Мени эл қатори Хагринд деб чакиравер. Айтдим-ку сенга «Хогварц» қоровулиман деб. «Хогварц» ҳақида эшитгансан-ку, ахир.

- М-м-м... йўқ, - иқрор бўлди бола ва Хагринднинг рухий ларзага келаётганини пайқаб, - Узр, - деб қўшиб қўйди.

- Узр? - бўкириб юборди Хагринд, шу топда ер тезроқ ютиб юборишини истаб қолган эр-хотин Дурсллар томон ўгирилиб, - Анави нусхалар узр сўрашлари керак! Хўп майли, хатлар сенга берилмади, лекин «Хогварц»дан беҳабар бўлиб ўсишинг! Буниси энди ҳаддан ортиқ! Ўзинг-чи, ота-онанг ўз маҳоратларини қаерда ўқиб ўрганишганини ҳеч сўрамадинг-ми?

- Қандай маҳорат ҳақида гапиряпсиз? - сўради Гарри.

- ҚАНДАЙ МАҲОРАТ? - момақалди роқ гумбурлаган сингари ўқирди Хагринд, - Қани сен нари тур-чи!

Баджаҳл ҳолатда ирғиб турган давангир танаси билан кулбани тўлдирди-қўйди. Эр-хотин Дурсллар деворга ёпишиб олишди.

- Буни қандай тушуниш керак?! - бақирди Хагринд, - Мана бу болакай ҲЕЧ НАРСАДАН ХАБАРИ ЙЎҚМИ?!

Гарри бир оз ошириб-бўктириб юборгандай хис этди ўзини. Ҳар қалай у мактабда таҳсил кўрган, бахолари ҳам ёмон эмас.

- Нега энди, - гапга аралашди у, - Мен санаш, ёзишни биламан.

- Мен ўз дунёмиз тўғрисида гапиряпман, - қўл силтади Хагринд, - Сенинг дунёнг. Менинг дунём. Ота-онанг дунёси ҳақида сўрапман.

- Қанақанги дунё?

Хагринд портлаб кетгудай бўлгани аён кўриниб турар эди.

- Сени-ми, Дурслъ! - гумбурлаб давом этди у.

Ранг-қути ўчиб, мурдадек оқариб қолган Вернон амаки минғир-минғир қилиб алланима пичирлаган бўлди. Хагринд изтироб ила Гаррига қараб қолди.

- Бу қанақаси! Ота-онанг ҳақида ҳеч нарса билмайсан-ми?! Ахир улар ном чиқарган! Ўзинг ҳам жуда машҳурсан!

- Нима? Ростдан ҳам мен... менинг... ота-онам машҳур-ми?

- Билмайди... ҳеч нарсани билмайди...

Хагринд қўлларини сочларига сукиб, бошини маҳкам сиқиб олганча, Гаррига чинакамига ачиниб тикилди ва узоқ танаффусдан сўнг:

- Сен ким эканлигингни сенга айтишмади-ми?

- Жим бўлинг! - талаб қилди қутилмаганда мардлиги тутиб қолган Вернон амаки, -

Овозингизни ўчиринг, сэр! Болага гапиришни ман этаман!  
Хагринд Вернон амакига шундай қараб қўйди-ки, ўзини Вернон Дурслдан ҳам мард деб билган ҳар қандай кишининг юраги, бундай нигоҳга рўбару бўлгач, товонига тушиб кетган бўлар эди.

- Сен унга бирор-бир нарсани сўзлаб бермабсан, - ҳар бир ҳарфи ғазабга тўлиб-тошган сўзлар ила жавоб қайтарди давангир, - Дамблдорнинг хатини болага ўқиб бермабсан! Бор гапни ундан сир тутиб юрибсан! Сўзларимнинг маъносини уқяпсан-ми, Дурсль?

- Нима сир тutilган? - ҳаяжонланиб сўради Гарри.

- ЖИМ! МАН ЭТАМАН! - ваҳимага ичра чинқириб юборди Вернон амаки.

Петунья хола даҳшатга тушганидан нафаси бўғилиб қолди.

- Ҳа, ҳозирок овозимни ўчираман, аҳмоқлар! Гарри, сен – сеҳргарсан!

Кулбага сукунат чўқди. Фақат денгизнинг ўкираётгани ва шамолнинг чийиллаётгани эшитилмоқда.

- Мен, кимман? - сўради Гарри, оғзи ланг очилиб.

- Сеҳргарсан, тушундинг-ми? Сеҳргар! - деди давангир диванга, уни янада баттар эзиб жойлашиб, - Энг муҳими ниҳоятда зўр сеҳргарсан, машқ қилсанг, албатта. Ота-онаси зўр сеҳргар бўлган бола ёмон бўлармиди? Хўп, керакли гап гапирилди... Ана энди мана буни ўқийдиган фурсат етди, - деди Хагринд болага сарғиш конверт узатиб.

*Денгиз, Қоядаги кулба, пол тахта.*

*Мистер Г. Поттерга*

*Гарри зориқиб юрган хатни қўлига олиб ўқиди:*

**«ХОГВАРЦ»**

**СЕХРГАРЛИК ВА АФСУНГАРЛИК САНЪАТИ МАКТАБИ**

*Директор: Биринчи даражали Мерлин ордени соҳиби, Буюк Афсунгар, Бош Сеҳргар, Нуфузли Зот, Бутун жаҳон Сеҳр-жоду Конфедерацияси аъзоси АЛЬБУС ДАМБЛДОР*

*Хурматли мистер Поттер!*

*Сиз «Хогварц» Сеҳргарлик ва афсунгарлик санъати мактабига қабул қилингансиз. Сизни бу ҳақда хабардор қилиш бизга ниҳоятда катта қувонч бахш этади. Ўзингиз билан олиб келадиган зарурий адабиёт ва буюмлар рўйхати хатга илова қилинган. Машғулотлар 1 сентябрь кuni бошланади. Жавоб тариқасида йўллайдиган бойқушингизни 31 июлдан кечиктирмасликни сўраймиз.*

*Самимий эҳтиром ила,*

*директор ўринбосари*

*Минерва Макгонагалл*

Гаррининг ҳаёлида лоп-лоп этиб ёрилган мушаклар каби ҳар хил саволлар туғила бошлади, бироқ уларни қай изчилликда беришга боши қотди. Бир оз ўйлангач, ниҳоят:

- «Жавоб тариқасида йўллайдиган бойқушингиз» деганини қандай тушуниш керак?

- ғўлдиради у.

- Э, ҳа, эсим курсин, сал бўлса унутиб қўйибман-ку! - хитоб қилди Хагринд юк ортилган от аравани урса ағдариб юборгудай куч билан пешонасига бир уриб.

У чўнтагини титкилаб, хақиқий, тирик, хурпайиб кетган бойқуш, узун пат-қалам ва

пергамент ўрамини чиқарди. Тиришганидан тилини чиқариб олганча, Гарри тескарисига ўқиб турган ажи-бужи хат ёзди:

*Ҳурматли профессор Дамблдор!  
Хатни Гаррига топширдим.  
Эртага бозорга чиқамиз.  
Об-ҳаво даҳшат.  
Умид қиламан-ки, Сиз соғ-саломатсиз.  
Хагрид.*

Хагрид номани ўраб, бойқушга узатди ва ўрнидан туриб, эшик олдига яқинлашди-да, тумшуғига хат сиқиб олган қушни пўртанага қарата улоқтириб юборди. Шундан сўнг, худди дахлизда турган телефон орқали ким биландир гаплашиб олган киши каби ортга, диванга қайтиб ўтирди.

Гарри эса Хагриднинг ҳаракатларига қараб оғзи катта очилиб қолганини пайқагач, ёпиб олди.

- Ҳўш, биз нима ҳақида гаплашиб турган эдик?

Хагрид энди гап бошлаган эди ҳам-ки, бўзарган юзига ҳалигача қон келмаган Вернон амаки жаҳл ила камин ёритиб турган жойга чиқиб овоз кўтаргандай бўлди:

- У бормайди.

Хагрид чангитиб сўкиниб олди-да, писанд қилмай:

- Ким тўсқинлик қилса ҳам, ҳар қалай сендай магл тўсқинлик қила олмайди.

- Ким? - кизиқиб сўради Гарри.

- Магл. Сехргар бўлмаган ҳар қандай кишини биз шундай деб атаймиз, - тушунтирган бўлди Хагрид, - Ҳа, дўстим, омадинг чопмади, магллар қўлида ўсдинг. Мана бунга ўхшаганларини эса кундуз куни чирок ёқиб қидирсанг ҳам топа олмайсан.

- Уни оиламизга қабул қилиб олганимизда, бундай бемаънигарчиликка чек қўямиз, деб онт ичганмиз. Қаранг-а, сехргар эмиш!

- Билардингиз-ми? - хайрон бўлиб сўради бола, - Сехргарлигимни билардингиз-ми?

- Билардингиз-ми?! - қутилмаганда чийиллаб қолди Петунья хола, - Билмай бўладими! Албатта, билардик! Уч қарра лаънати сингилчам тукқан сендай бола ким ҳам бўлар эди! У ҳам, бир вақтлар шундай хат олиб, ўша мактабга йўл олган. Уйга фақат таътилга келиб юрган! Доимо чўнтагида бақанинг увулдиригини олиб юрар, чашкаларимиз ҳамиша каламушга айланиб қолар эди! Уни қандайдир... телба эканлигини фақат менгина билар эдим! Ота-онамиз-чи, мафтун! Лилимиз ундай, Лилимиз бундай. Оилада, қаранг-ки, жодугар туғилибди!

Хола бир оз нафасини ростлаб олиб, давом этди. Кўп йиллардан буён гапириб, ичини бўшатиб олиш истагида юргани аён сезилиб турибди.

- Вақт ўтиб, анави мудҳиш Поттер билан танишиб олди-да, гум бўлди. Турмуш қуришди. Ҳеч қанча ўтмай сен туғилдинг. Бирор-бир шубҳа йўқ-ки, сен ҳам худди... ўшаларга ўхшаб... ғалати... телба бўлиб ўсасан. Кейин-чи, марҳамат, сингилчам ўзини ўлдиришларига йўл қўйиб ўтирибди. Бизга эса олинг-марҳамат – сехргарча!

- Ўлдиришларига йўл қўйди? - ўзини базўр қўлга олди ранги оқарган Гарри, - Сиз уларни автомобиль ҳалокатига дучор бўлишган, деган эдингиз-ку?!

- АВТОМОБИЛЬ ҲАЛОКАТИ?!

Ғазабининг чеки кўринмаётган Хагриднинг нафрати шундоқ ҳам ўтакаси ёрилар даражага келиб қолган Дурслларни кулба бурчагига биқиниб олишга мажбур қилди.

- Лили билан Жеймсни қанақанги автомобиль ҳалокати ўлдира олишини билишни истар эдим! Қандай аблаҳлик! Бемазагарчилик! Гарри Поттер ўзи ҳақида ўзи

билмаса-я! Ахир бизда эндигина тухумдан чиққан ҳар қандай болакай унинг тарихини ёддан айтиб бера олади-ку!

- Нима?... Қаердан?... Нега? - сўрай бошлади Гарри.

Оғзидан чиқиб кетган гапидан хижолат чеккан Хагриднинг юзидаги ғазабдан асар ҳам қолмай, безовталана бошлади.

- Бунақа бўлишини кутмаган эдим, - деди у паст овоз билан, нима қилишини билмай боши қотиб, - Дамблдор огохлантирган эди-я мени... сен билан мулоқот... бир оз қийин кечишини. Ҳақиқатан ҳам ҳеч нарса билмас экансан-ку. Эҳ Гарри, Гарри... Нима қилишни ҳам билмай қолдим. Сенга бор гапни айтиб бериб, яхши иш қилган бўламанми, ёмонлик қилиб қўяман-ми, бошим қотди. Кимдир айтиб бериши керак-ку сенга. Ахир «Хогварц»га дунё беҳабар сўтакка ўхшаб бормайсан-ку, хар қалай.

У Дурсллар томон ниҳоятда хунук қараб қўйди.

- Сизлар ҳам эшитиб қўйсаларинг фойдадан холи бўлмайди... Тўғриси айтганда ўзим ҳам бор гапнинг ҳаммасини билмайман. Жуда қоронғи ҳикоя...

У ўтириб олди-да, гулханга тикилиб қолди, сўнгра:

- Чамаси гапни исми... ҳа, йўқ... сизлар бундай исмни ҳаётда эшитмагансизлар-ку, дахшат, бизда эса ҳамма билади...

- Кимни?

- Э... исмини тилга олишни истамайман. Ҳеч ким истамайди.

- Нега?

- Балоба, нега бўларди! Турки хунук махлукка ўхшаш эди. Қўрқишади ундан, ўшанга! Ҳозиргача қўрқишади. Жин урсин уни, қийин... Эшит Гарри, қачонлардир бир сеҳргар бўлган. Хуллас у ёмон... ёвуз бўлган. Шундай ёвуз бўлганки, ундан ўтадигани бўлмаган. Унинг исми... - Хагрид ютиниб қўйди, исмни айтишга тили айланмади.

- Балки ёзиб берарсиз? - таклиф киритди Гарри.

- Йўғе, ёзсанг янада ёмон бўлади. Хўп, майли, Вольдеморт, - Хагрид сесканиб кетди, - Бўлди бу исмни такрорлашга мажбур қилма мени... Хуллас, ана ўша... сеҳргар, тахминан йигирма йил муқаддам ўз атрофига тарафдор ўқувчиларни тўплай бошлаган. Топиб тўплаган ҳам. Баъзи ўқувчилар қўрқишганидан тарафдор бўлса, айримлари унинг ҳукми зўрлигидан суйкалишган. Ҳукми эса етарлича қудратли бўлган. Ола-ғовур давр эди, Гарри. Ким кимга ишониши кераклигини ҳеч ким билмайди. Мусофирлар билан дўст тутинишга ҳеч кимнинг юраги бетламайди... Ҳар хил қўрқинчли воқеалар бўлиб турар эди. Аста-секин унинг қўли баланд келиб, ғалаба кетидан ғалаба қозона бошлади. Шуниси аёнки, ким унга қаршилиқ кўрсатса ёки бош кўтаришга уринса, ўлдирар эди. Ўлдирганда ҳам, жуда мудҳиш ўлдирар эди. Ҳукми ўтмайдиган биттагина хавфсиз жой қолган, у ҳам бўлса, «Хогварц». Чамаси, Ўзингиз-Биласиз-Ким фақат Дамблдордан қўрқар эди. Мактабни забт этишга, жила бўлмаса ўша даврда, журъати етмади.

- Хўш... энди ота-онанг ҳақида... Ота-онанг мен билган энг зўр сеҳргар ва афсунгарлар сирасига киради. Улар «Хогварц»нинг сара ўқувчилари бўлишган. Нима учун Ўзингиз-Биласиз-Ким уларни бирор маротаба бўлсин, ўз томонига оғдиришга уриниб кўрмаган?... Чамаси у, ота-онанг ёвуз қучлар томонга ўтишмаслигини фаҳмлаган. Ота-онанг Дамблдор тарафдорлари бўлишган, тушуняпсан-ми? Эҳтимол ўша сафар уларни кўндирмоқчи... балки... йўлидаги ғов сифатида баргараф этмоқчи бўлгандир, ким билади... Ўн йил олдин, Хэллоуин куни, ўша аблаҳ сизлар яшаган кишлокка қадам ранжида қилган. Сен эндигина бир ёшга тўлган увоккина гўдак эдинг. У уйларингга кирди-да...

Бирдан Хагриднинг дами ичига тушиб кетди. Чўнтагидан кир дастрўмол чиқариб,

кувурдан чиққан товуш каби товуш чиқариб, бурун коқди.

- Маъзур сананг, - деди манқаланиб, - Ҳалигача ғам-андух чекаман. Ота-онангни жуда яхши кўрар эдим. Уларни жуда хушхулқ кишилар бўлишган. Ўша мараз, Ўзинг-Биласан-Ким ота-онангни нобуд қилди. Кейин эса эҳтимол гувоҳ қолмаслиги учундир, балки одам ўлдириш унга ёқиб қолгани учунми, сени ҳам ўлдирмоқчи бўлди, аблах. Масаланинг жумбоқлиги ҳам шундаки, сени ўлдириш қўлидан келмади! Пешонангдаги чандик нима сабабдан пайдо бўлганини биласанми? Бу қандайдир арзимас яра эмас. Бундай чандик кучли ёвуз афсун текканларда қолади. Афсун кучи шу қадар қудратли эдики, на ота-онанг, на уйланинг омон қолди. Сенга эса бундай кучли афсун қор қилмади. Айни шунинг учун ҳам жуда машҳурсан, Гарри. У кимга қасд қилган бўлса, омон қолмаган. Ахир, ўша даврдаги қудрати Маккинлар, Боунслар, Преветлар каби энг сара сеҳргар ва афсунгарларни ўлдириб юборишга етди. Сен эса истисно, улардан фарқли ўларок, омон қолдинг. Гаррининг ҳаёлида оғриқ билан кечган қандайдир хотира тикланиб ўтди. Хагринг ҳикоясини тамомлар экан, боланинг кўз ўнгида яшил рангли, кўзни қамаштирадиган чакмоқ олдингидан ҳам аниқ кўринди ва ҳаётида илк бор кучли, этни жунжитган тарзда янграган шафқатсиз қулги эшитганини эслади.

- Сени вайрона уйдан шахсан ўзим олиб чиқиб, мана буларникига олиб келганман, - деди Хагринг, маънос термилиб.

- Бари бехуда гап! - хитоб қилди Вернон амаки.

Унинг овозини эшитган Гарри сесканиб кетди. Дурсларнинг шу ерда эканлигини у умуман унутиб қўйган экан. Вернон амакининг одатий манманлиги қайтган шекилли, Хагрингга таҳдид солгандай қўлини мушт қилиб олди.

- Энди гапларимга қулоқ сол, йигитча, - ғазаб-ла гап бошлади Вернон амаки, - Табиатингда қандайдир ғайриоддийлик борлигини яхши биламан. Яна шуни биламан-ки, яхшигина таёқ есанг, буларнинг барини жуда тез унутасан. Ота-онанг масаласига келсак, улар савдойи бўлганликлари аниқ. Фикримча, уларсиз бу ҳаёт енгил ўтади. Ота-онанг ўз қилмишларига яраша жазо олишди. Улар апоқ-чапоқ бўлиб олишган жамики жодугарлардан нимани ҳам кутиш мумкин. Огоҳлантирган эдим, уларни. Эртами-кечми, шу кўйга тушишларини айтган эдим. Ажаб иш бўлибди...

Вернон амакининг сўнгги сўзларини эшитган Хагринг бардош бера олмай, ўрнидан ирғиб турди. Плаши остидан эскириб кетган пушти соябонини қўлига олди-да, Вернон амакига ўқтаганча дона-дона қилиб:

- Огоҳлантириб қўяй, Дурслар, огоҳлантириб қўяй, яна бир оғиз ортиқча сўз айтадиган бўлсанг...

Соябон тиғига кийдириб қўйилиш хавфи билан юзма-юз келган Вернон амакининг мардлиги шу захоти барҳам топди. У аста секин деворга қапишиб олиб, унини ўчирди.

- Шундоқ бўлсин, - деганча, оғир нафас олган Хагринг диванга қайтиб ўтирди. Бу сафар бечора диван ергача эгилиб кетди.

Гарри эса янги ва янги саволларни тайёрлаб қўйган.

- Вольде... яъни Ўзингиз-Биласиз-Кимга нима қилди?

- Яхши савол бўлди-ю, Гарри, бироқ жавоби қийин. Унга нима бўлганлигини билмайман. Гум бўлди. Сени ўлдиришга уринган ўша кечанинг ўзида ер ютгандай йўқ бўлиб кетди. Айни шу сабабли ҳам сен янада машҳур бўлиб кетдинг. Уқдингми, жумбоқлар ичра жумбоқ айни шунда... Ахир у ўша кезларда борган сари қудратли бўлиб, ҳукми зўрайиб бораётган эди. Нега энди шундай пайтда йўқолиб қолиши керак?

Хагринг бир оз ўйланиб қолди.

- Баъзилар уни ўлганга чиқаришган, - давом этди у, - Бўлмагур гап! Киши ўлиши учун кам деганда одам бўлиши керак. У эса одам-подам эмас эди. Айримлар уни шу атрофда кезиб, қандайдир пайт пойлаб юрибди, дейишади. Бундай миш-миш гапларга ҳам бовар қилмайман. Унинг собиқ тарафдорлари орамизга қайтишди. Эмишки, ақл-хушлари хиралашиб қолибди. Агар унинг ҳаётга қайтишини аниқ билишганларида, бундай каслар орамизга қайтмаган бўлар эдилар.

- Фикримча, у тирик, қаергадир бекиниб олган. Сеҳри барҳам топган бўлиб, кураша олмайдиган жуда заиф ҳолатга тушиб қолган... Сенда нимадир борки, Гарри, уни яксон қилиб юборгансан. Ўша тунда, ким билади дейсан, умуман кутилмаган ходиса содир бўлган-у, табиатингдаги аллақандай тилсим уни янчиб ташлаган. Хагрид Гаррига ўзгача иликлик ва эҳтиром ила қараб қўйди. Гарри эса ўзини мамнун ҳис этиш ўрнига, мана бу ҳолат, эшитаётган сўзлари қандайдир дахшатли англашилмовчилик эканлигига ишонч ҳосил қила бошлади. У сеҳргар?! Бўлиши мумкин эмас! Дудли уни бир умр қийнаб келган, холаси билан амакиси эса зулм ўтказишини қўймаган бўлса, қанақа сеҳргар бўлсин? Агар сеҳргар бўлса, нега ҳар сафар буфетга қамаб қўйишган Дурслларни қурбақага айлантириб қўймади? Агар у қачонлардир жаҳондаги энг қудратли сеҳргарни енгишга муваффақ бўла олган бўлса, нега унда Дудли уни футбол коптоги сингари ҳанузгача тепиб юради?

- Хагрид, - ниҳоят гап бошлади у, - Менимча Сиз янглишяпсиз. Мен сеҳргар эмасман.

- Сеҳргар эмасман дегин? - хиринглаб қўйди Хагрид, Гаррини хайрон қолдириб, - Сени истакинг билан, айттайлик жаҳлинг чиққан ёки қаттиқ чўчиганингда, ҳеч нарса рўй бермаган демоқчимисан?

Гарри каминда ёнаётган оловга қаради. Қизиқ савол... Ҳақиқатан ҳам барча ғалати ходисалар айнан нимадандир хафа бўлган ёки жаҳли чиққан ҳолларда рўй берган эди-ку... Дудлининг оғайнилари қувиб, таъкиб қилишганда киши етмас жойда пайдо бўлиб қолиши-чи... Дахшатли киёфага келиб қолган даражада олиб ташланган сочи шу заҳоти ўсиб, ўз ҳолатига келиб қолган эмас-ми. Сўнгги воқеани олайлик.

Хайвонот боғида жонини оғритиб урган Дудлидан шу оннинг ўзида қасос олмади-ми? Ойна девор ортидаги боа-констрикторни Гаррининг ўзи, нима қилаётганини идрок этмаган ҳолда чиқариб юборган эмас-ми?

Гарри Хагридга қараб, қувончдан яшнаб кетаётганини кўрди.

- Хўш? Энди ҳис этдинг-ми? - деди кўзини қисиб қўйган Хагрид, - Гарри Поттер сеҳргар эмас эмиш! Ҳа! Шошмай тур, сен ҳали «Хогварц»нинг фаҳрига айланасан. Бироқ Вернон амаки осонликча таслим бўладиганлардан эмас.

- «Хогварц»га бормади дедим шекилли? - вишиллади у, - Бола «Бетон деворлар»га боради ва бунинг учун вақти келиб мендан миннатдор ҳам бўлади. Ўқиганман хатларингни. Буни қаранг-а, унга аллақандай афсунлар китобими, сеҳрли таёқча керак эканми-ей, яна...

- Агар унга бирор нарса керак бўлса, сенга ўхшаш магл нусха халал бера олмаслиги муқаррар, - хайқирди Хагрид, - Лили билан Жеймс Поттерларнинг ўғлини «Хогварц»га юбормас эмиш! Ақлингни еб қўйибсан Дурслъ. Ахир бу бола туғилиши билан мактаб ўқувчиларининг рўйхатига киритиб қўйилган-ку, тентак. У дунёдаги сеҳргарлик ва афсунгарлик санъати мактаблари орасидаги энг сара мактабга боради. Етти йилдан сўнг ўзини ўзи танимамай қолади. Ўзига ўхшаган болалар билан таҳсил кўради. Энг машхур сеҳргарнинг қўлида, кимсан – Альбус Дамбл...

- АЛЛАҚАНДАЙ МИЯСИНИ ЕГАН ҚАРИ АҲМОҚ ҲАР ҚАНДАЙ БЕМАЪНИ ЖОДУГАРЛИК ҚИЛИҚЛАРИГА ЎҚИТИШИ УЧУН МЕН БИР ТИЙИН БЎЛСИН, ТЎЛАМАЙМАН! - ханграб юборди Вернон амаки.



Бирок у хаддан ошириб юборди. Хагринд соябонини кўлига олиб, унинг боши узра айлантира кетди.

- МЕНИ ОЛДИМДА АЛЬБУС ДАМБЛДОРНИ ҲАҚОРАТ ҚИЛИШГА ҚАНДАЙ ЖУРЪАТ ЭТДИНГ?

Хагринд кулочкашлаганча соябонини қуйи солиб, учини Дудлига қаратган эди ҳам-ки, лоп этиб бинафша ёғду кўринди. Шундан сўнг, портлаган мушак билан металлнинг ғижирлаши аралаш товуш эшитилиб, бир сония ўтгач, Дудли, жони оғриганидан, кўлини ёғ босган йўғон думбасига сиқиб олганича, турган жойида сакрай кетди. Орқа ўриганида иштонининг йиртигидан бўртиб чиққан чўчка думининг гажаги кўринди.

Вернон амаки додлаб юборди. У Петунья хола билан Дудлини бошқа хонага судраб, Хагриндга ўқрайганча, эшикни ичкаридан ёпиб қўйди.

Хагринд соябонга қараб, соқолини силади.

- Ўзимни кўлга олишим керак, - тўнғиллаб қўйди у, макрли қиёфа ясаб, - Э, барибир иш бермади. Чўчкага айлантириб қўймоқчи эдим уни, бирок шундок ҳам чўчка экан, ортиқча уринишга ҳожат бўлмади. Бу ҳақда «Хогварц»да гапириб юрмагин, хўпми, - шунчаки айтиб қўйгандай бўлди у, пахмоқ қошлари остидан Гаррига қараб, - Мен... менга... нима десам бўлар экан... Сехр-жоду билан шуғулланиш мумкин эмас, тушуняпсан-ми. Тўғри, сени қидириб топиш, хабар етказиш каби баъзи ишлар учун айрим нарсаларга рухсат берилган, бирок... Бир оз қизишиб кетдим шекилли...

- Нима учун сизга сехр-жоду билан шуғулланиш мумкин эмас?

- Сен сўрама, мен айтмай. Мен ҳам бир вақтлар «Хогварц»да ўқиганман, аммо ростини айтсам мени... Мени учинчи синфда ўқиётганимда мактаб ўқувчиларининг рўйхатидан четлатишган. Сехрли таёқчамни эса икки бўлиб юборишган. Хуллас, ишлар жойида.

## **V БОБ.**

## **ДИАГОН ХИЁБОНИ**

Эртасига эрталаб барвақт уйғонган Гарри кун ёришганини идрок этган бўлса ҳам, кўз очишни истамади.

- Кўринган нарсаларнинг бари туш, - инонтитар эди у, ўзини ўзи, - Тушимга сехрлар болалар мактабига қабул қилинганим ҳақидаги хабарни етказиш учун келган Хагринд исмли қандайдир давангир кирибди. Ҳозир кўзимни очаман-да, яна ўз буфетимда уйғонаман.

Шу пайтда қаердандир каттиқ тақир-туқур эшитилди.

- Ана, Петунья хола ҳам эрталабки тўполонини бошлади, - хаёлдан ўтказди кўзини очмай, туш давомини кўришни истаб ётган Гарри, кўнгли чўкиб.

Так-так-так.

- Ҳозир тураман хола,- ғиншиди у, - Мана турдим.

У шартга туриб, ётган ўрнига ўтирган эди ҳам-ки, устидан гуп этиб Хагринднинг плаши тушди. Кулба нурга тўлган, пўргана ўтиб, денгиз тинчиб қолган. Хагринд «қийноқлардан» ниҳоят синиб қутулган диван устида хуррак отиб ётибди. Деразани эса кечаги бойқуш, тумшуғига аллақандай газетани тутиб олганча, ўткир тирноқларини уриб тақиллатаётган экан.

Қалби чексиз қувончга тўлган бола ўтирган ўрнидан ирғиб туриб, ўзини ниҳоятда бахтиёр, ичида гўё каттакон ҳаво шари бордай енгил ҳис этди. Дераза ёнига югуриб бориб, куч билан очиб юборди. Ичкарига отилиб кирган бойқуш Хагринднинг устига газетани ташласа-да, давангир уйғонишни хаёлига ҳам келтирмади. Қуш қанотларини хилпиратган-ча, пастга тушиб, Хагринднинг плашига хужум қила

бошлади.

- Бас қил! Бас қил дедим сенга!

Гарри бойқушни плашдан нари хайдашга уринди, куш эса унга тахдид қилгандай тумшуғини шақиллатиб, плаш титкилашни давом этди.

- Хагрид! - баланд овоз чиқарди Гарри, - Мана бу куш...

- Ҳақини тўла, - пўнғиллаб қўйди Хагрид дивандан бош кўтармай.

- Нима?

- Почта олиб келгани учун унга ҳақ тўлаш керак. Чўнтақларимни титкилаб кўр, топасан.

Хагриднинг плаши одамнинг жонидан бошқа ҳар хил майда-чуйда нарсаларга тўлиб-тошган чўнтақлардан иборат бўлиб, даста-даста калит, аллақандай ўқлар, йўғон-ингичка ип калавалари, ялпизтаъм обакидандонлар, чой халтачалари... ва ниҳоят қандайдир ғалати тангалар чиқди.

- Беш нут берсанг бўлади, - уйқусираб пўнғиллади Хагрид.

- Нут?

- Ҳа, майда бронза тангалар, топдинг-ми?

Гарри беш дона танга санади ҳам-ки, бойқуш чарм ҳамёнча боғланган оёғини узатиб, тангаларни солдирди-да, учиб кетди.

- Кетдик Гарри, - баланд овоз чиқариб эснади Хагрид, ўрнидан туриб, керишиб олгач, - Бугун қиладиган ишларимиз ниҳоятда кўп. Лондонга бориб, мактабинг учун ҳар хил лаш-луш харид қилишимиз керак.

Гарри сеҳргарлар тангасини кўлида айлангириб ўйнар экан, хаёлига келган фикр ичидаги ҳаво шарини тешиб қўйгандай бўлди.

- М-м-м... Хагрид?

- Ҳмм? - жавоб қайтарди улкан ботинкасини кияётган Хагрид.

- Мактаб лаш-лушларини олиш учун пулим йўқ... Кеча Вернон амакининг гапини эшитдингиз-ку... У сеҳргарликка ўқишим учун пул тўламайди.

- Бу ҳақда умуман қайғурмасанг ҳам бўлаверади, - деди қаддини ростлаган Хагрид сочини тараб, - Ота-онанг сенга ҳеч нарса қолдириб кетмаган деб ўйлайсан, чамаси?

- Уларнинг уйи вайрон бўлиб кетган, деддингиз-ку...

- Фикрингча, ота-онанг ўз олтинларини пайпоққа бекитиб сақлашган-ми? Йўқ. Биз дастлаб сеҳрли банк «Гринготтс»га борамиз. Сосискадан еб ол. Совуқ бўлса ҳам жуда мазали... Бир бўлак тортдан ҳам бош тортмайман.

- Сеҳрли банклар ҳам бўладими?

- Фақат битта – «Гринготтс». Уни гоблинлар бошқаради.

- Гоблинлар?

- Ҳа гоблинлар. Яна шуни айтишим мумкинки, бу банкни ўмаришни хаёлига келтирган савдойи ҳозирча йўқ. Гоблинлар билан ҳазил харом, Гарри. Борди-ю бирор нарсани яширмоқчи бўлсанг, Ер қуррасида энг ишончли жой «Гринготтс» саналади... Эҳтимол «Хогварц»ни ҳам ишончли деб айтиш мумкиндир. Мен шундоқ ҳам «Гринготтс»га кириб, Дамблдорнинг амрини бажаришим керак. Мактаб ишлари, - виқор-ла кўкрак керди Хагрид, - Директор муҳим ишларни, одатда, фақат менга ишониб топширади. Мана мисол учун сени қидириб топиш ёки «Гринготтс»дан бирор-бир муҳим нарсани олиб келишдек топшириқларни менинг зиммамга юклайди, тушундинг? Ҳўш, тайёрмисан? Кетдик.

Гарри Хагриднинг ортидан ташқарига, қоя чўққисига чиқди. Осмон ёришиб кетган, денгиз эса қуёш нурларида жилваланмоқда. Вернон амаки ижарага олган қайик пастда, жойида турибди-ю, фақат пўртана уни сувга тўлдириб қўйибди.

- Сиз бу ерга қандай келиб қолдингиз? - сўради Гарри, кўзи билан иккинчи қайикни

кидириб.

- Учиб келдим, - жавоб қайтарди Хагрід.

- Учиб келдингиз?

- Ҳа, учиб келдим, фақат энди сузиб кетамиз. Сен ёнимда бўлганингда сеҳр-жодунинг айрим турлари билан шуғулланиш мумкин эмас менга.

Икковлон қайиққа жойлашар экан, Гарри Хагрідга қараб, училишни тасаввур қилишга уринди.

- Денгизда шалолаб юриб, бир дунё вақтни беҳуда сарф этишни ҳам хохламайман,

- деди иккиланиб Хагрід, болага зимдан қараб, - Агар, жараённи сал жадаллаштираман, бу ҳақда «Хогварц»да вайсаб юрмайсан-ку, шундайми?

- Албатта вайсамайман, - самимий ишонтирди Гарри, яна бирор-бир сеҳр кўришга ошиқиб.

Хагрід қўлига пушти соябонини олиб, бортга икки бор урди ҳам-ки, қайиқ қирғоқ томон жадал суза кетди.

- Нега энди «Гринготтс»ни фақат савдойи ўмариши мумкин? - сўради Гарри.

- Банкда қўлланилган сеҳр-жоду сабабли, - қиска қилди Хагрід, қўлидаги газетани очар экан, - Айтишларига қараганда, унинг ўта махфий сейфларини аждарлар кўриқлар эмиш. Бунинг устига ичкарида йўл топиб юриш жуда қийин экан.

«Гринготтс» Лондон остидаги ер қаърида, юзлаб милья чуқурликда жойлашган, уқдинг? Жуда чуқурда. Агар киши бирор нарсани ўмаришга муваққат бўлган тақдирда ҳам, бари-бир юқорига чиқа олмай, очликдан ўлиб кетади.

Хагрід «Башорат-у, каромат газетаси»ни ўқиётганида Гарри жим ўтириб, хаёл суриб кетди. Газета мутолаа қилаётган одамни тинч қўйиш кераклигини Вернон амаки яхшигина уқтириб қўйган унга. Бироқ ўзини тийиб ўтириши ниҳоятда қийин кечди. Боланинг миясида бир олам саволлар ўзидан ўзи туғилиб борди.

- Сеҳргарлик вазирлигида одатдагидай яна аҳмоқлик, - вайсади Хагрід, газета саҳифасини алмаштирар экан.

- Шунақа вазирлик борми? - сўраб юборди Гарри, жим ўтиришга ҳарчанд уринмасин ҳайратдан оғзи очилиб.

- Бор, албатта, - жавоб қайтарди Хагрід, - Бир вақтлар Дамблдорни вазир этиб сайлашмоқчи ҳам бўлишди. У эса «Хогварц»ни ҳаётда тарк этмайди. Шундан сўнг, қария Корнелиус Фуж сайланди. Вазир эмас қосиб, агар фикримни билмоқчи бўлсанг. Худо берган кунни Дамблдорга бойқуш кетидан бойқуш йўллайди, маслаҳат сўрайди.

- Сеҳргарлик вазирлигидагилар нима билан шуғулланади?

- Уларнинг асосий вазифаси – мамлакатимизда сеҳргар ва афсунгарлар қадимдан жуда кўп эканлигини мағллардан сир тутиш саналади.

- Нега энди сир тутиш керак?

- Нега?! Бу қанақа савол бўлди, Гарри?! Агар мағллар бохабар бўлиб қолишса, ўзларининг барча муаммоларини ҳеч қийналмай сеҳр-жоду воситасида ҳал этишни хоҳлаб қолишади-ку. Кечирасиз, улар ўз ёғларида ўзлари ковурилишсин-у, бизни тинч қўйишсин.

Шу фурсатда қайиқ аста қирғоққа урилди. Хагрід газетани таҳлагач, тош зинадан кўтарилиб, кўчага чиқишди.

Кичик шаҳарча кўчалари орқали темир йўл станцияси томон боришар экан, ўткинчиларнинг барчаси таажжубланиб, Хагрідга қараб ўтишди. Гарри эса уларнинг бундай хулқини айбга буюра олмайди. Негаки, Хагрід ҳар қандай оддий одамга нисбатан икки баробар йирик бўлишидан ташқари, юрган йўлида газ сув автоматига ўхшаш нарсаларга бармоқ ўқтаганча, балаңд овоз билан:

- Қара, Гарри! Мағлнинг орзуси! Кўрдинг-ми? - деб хайратомуз масҳара қилиб

борар эди.

- Хагрид, «Гринготтс»да аждарлар бор дедингиз-ми? - сўради Хагрид билан тенг юриш учун деярли югуриб бораётган Гарри, халлослаб.

- Айтишларига караганда бор. Жин урсин, кани энди ўзимнинг аждарим бўлса!

- Аждарли бўлишни хоҳлар эдингизми?

- Болалик йилларимдан буён бир умр орзу қилиб келаман. Бу томон юрамиз.

Улар станцияга етиб келишганида Лондонга борадиган поезднинг жўнашига беш дақиқа қолган экан. Магларнинг пулига тушунмайдиган Хагрид купюраларни Гаррига бериб, чипта олиб келишни тайинлади.

Хагрид бир ўзи иккита ўринни эгаллаб олиб, цирк чодирига ўхшаш аллақандай сарик буюм тўқиш билан машғул бўлиб кетгани учун поезддаги одамлар уларга янада кўпроқ қизиксиниб қарашмоқда.

- Хат ёнингдами, Гарри? - сўради Хагрид, тўқима халқаларни санашдан тўхтамай. Гарри киссасидан пергамент конвертни чиқарди.

- Жуда яхши, - деди Хагрид, - Хатга керакли нарсаларнинг рўйхати илова қилинган. Гарри хатнинг кеча тунда пайкамаган иккинчи қисмини очиб, ўқиди:

### «ХОГВАРЦ». СЕХРГАРЛИК ВА АФСУНГАРЛИК САНЪАТИ МАКТАБИ

#### МАКТАБ КИЙИМИ

Биринчи йил таҳсил кўрадиган ўқувчилар қуйидаги кийимга эга бўлишлари зарур:

1. Оддий коржома (қора рангли) – 3 дона.

2. Кундалик чўққидор шляпа (қора рангли) – 1 дона.

3. Ҳимоя қўлқопи (аждар ёки ўхшаш ҳайвон терисидан) – 1 жуфт.

4. Қишки ридо (қора рангли, кумуш илгакли) – 1 дона.

Мактаб кийимига ўқувчининг фамилияси ёзилган ямоқ тикиб қўйилиши ўтиниб сўралади.

#### ЗАРУРИЙ ДАРСЛИКЛАР РЎЙХАТИ:

Ҳар бир ўқувчи қуйидаги китобларга эга бўлиши даркор:

Миранда Гошок «Афсунлар тўплами (биринчи қисм)»;

Батильда Жукпук «Сеҳргарлик тарихи»;

Адальберт Вафлинг «Сеҳргарлик назарияси»;

Эмерик Свитч «Бошқа нарсага айланиш ва айлантириш усуллари. Ўрганувчилар учун қўлланма»;

Филлида Спора «Мингта сеҳрли алаф ва кўзикоринлар»;

Арсениус Жиггер «Сеҳрли қайнатма ва дамламалар»;

Ньют Скамандер «Афсонавий махлуқлар ва уларнинг маконлари»;

Квентин Трясль «Ёвуз кучлар: ўзини ўзи ҳимоя қилиш бўйича қўлланма».

#### БОШҚА БУЮМЛАР:

сеҳрли таёқча – 1 дона;

қозон (қалай қуймасидан тайёрланган, 2- ўлчамли) – 1 дона;

шиша идишлар тўплами (шиша ёки биллур) – 1 тўплам;

телескоп – 1 дона;

мис тарози – 1 дона.

Ўқувчилар ўзи билан бойқуш ёки мушук ёхуд қурбақа олиб келишлари мумкин.

*ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА: БИРИНЧИ ЙИЛ ТАҲСИЛ КЎРАДИГАН  
ЎҚУВЧИЛАР ЎЗЛАРИ БИЛАН СУПУРГИ ОЛИБ КЕЛИШЛАРИГА ИЖОЗАТ  
БЕРИЛМАЙДИ*

- Буларнинг бари Лондонда харид қилинадими? - сўради Гарри хайратомуз.

- Жойини билиш керак.

Гарри ҳеч қачон Лондонда бўлмаган. Хагрид ўзи ташриф буюрадиган жойларни яхши билса-да, у ерларга одатий тарзда, яъни магллар борадиган йўсинда бориб ўрганмаган кўринади. Даставвал у метро турникетида тутилиб қолди, сўнгра ўриндиклар тор, поездлар эса ниҳоятда секин юриши ҳақида баланд овозда арз қилди.

- Магллар ўз юмушларини сеҳр-жодусиз қандай бажарар экан, хайронман, - вайсади у, иккала томони дўконлардан иборат гавжум торкўчага олиб чиқадиган эскалаторга тирмашганча.

Хагрид шундай баҳайбат-ки, Гарри давангир ортида бориб, орқада қолиб кетмаса бас, одамлар билан тўлиб-тошган тирбанд кўчада туртинмай бемалол юра олади. Иковлон китоб расталари, чолғу асбоби дўконлари, газаклар билан тамадди қилиш муассасалари, кинотеатр ёнидан ўтиб, бирорта ҳам сеҳрли таёкчалар дўкони кўринмайдиган, оддий одамлар юрадиган одатий кўчада боришмоқда. Нахотки оёк остидаги ер қаърида сеҳргарларга қарашли олтинлар сақланса? Ҳўш, қани ўша афсунлар тўплами-ю, супургилар сотиладиган дўконлар? Эхтимол буларнинг ҳаммаси холаси билан амакиси уюштирган аҳмоқона ҳазилдир? Агар Гарри Дурсллар оиласида ҳазил-мутойиба туйғуси умуман йўқ эканлигини билмаганда, буларнинг бари найранг эканлигига шубҳа қилмаган бўлар эди. Бироқ Хагриднинг сўзлари ҳақиқатдан қанчалик узок бўлмасин, унга ишонмасликка асос йўқ.

- Етиб келдик, - эълон қилди Хагрид, кичкинагина, кўримсизгина бинога имо қилиб, - Мана, Гарри, машҳур «Тешик қозон».

Агар Хагрид кўрсатмаганида Гарри ушбу бинони пайқамай, ёнидан ўтиб кетиши мумкин экан. Кўчада шошиб кетаётган ўткинчи одамлар мана бу каталакка мутлақо эътибор қаратмай ўтишмоқда. Уларнинг нигоҳи кўчанинг бир томонидаги қатта китоб дўконидан, нариги томонидаги пластинкалар дўконига тушмоқда. «Тешик қозон»га эса қарашгани ҳам йўқ. Гаррининг ҳаёлига бу бинони фақат Хагрид иккаласи кўриши мумкин деган ғалати ўй келди. Хагрид бирон сўз айтишга улгурмаган болани ичкарига туртиб киритди.

Қоронғи, ғарибона макон Гаррининг назарида машҳурликдан анча йироқ кўринди. Бурчакда уч-тўрт нафар кекса аёл митти қадахларга қуйилган олча виносини қултумлаб ўтирибди. Улардан бири сархонали узун трубка чекмоқда. Цилиндр шляпа кийиб олган паст бўйли яна бир киши эса кекса, боши ёнғоққа ўхшаб кетадиган тепа кал май сотувчи билан суҳбат қуриб турибди. Янги мижозлар кириб келишганида, хонада қарор топган паст ғала-ғовур бир неча сонияга тинди. Хагрид бу ерга биринчи бор келган одамга ўхшамади. Уни кўрганлар қўл силтаб, табассумла қарши олди. Май сотувчи эса дарҳол стаканга қўл узатди.

- Одатдагидай-ми, Хагрид?

- Ҳозир эмас, Том, бандман. «Хогварц», - тушунтирган бўлди Хагрид, қўлини Гаррининг елкасига ташлаб.

Қўл вазнидан боланинг тиззаси букилиб кетди.

- Э Худойим, - хитоб қилиб юборди май сотувчи, Гаррининг юзига тикилиб, - Ахир бу бола... Ақл бовар қилмайди...

«Тешик қозон»га яна сукунат чўқди.

- Э Худо асраганинг рост бўлсин, - пичирлади растани шошилганича айланиб ўтаётган қария, - Гарри Поттер... Қандай шараф!

У боланинг олдига тез келди-да, кўзига ёш олганча, қўлини маҳкам ушлаб олди.

- Орамизга қайтганингиз билан, мистер Поттер, қайтганингиз билан.

Гарри нима деб жавоб қайтаришни билмай, боши котди. Одамлар унга бакрайиб қолган. Сархонали трубка чекаётган аёл эса тамакиси куйиб битганлигини идрок эта олмай, маҳкам тишлаб олганча, зўр бериб сўрмоқда. Хагрид эса тишининг оқини кўрсатиб, гўё шуъла сочаётган каби атрофга қаради.

Хаёл ўтмай атрофдан сурилаётган курсилар товуши эшитилди. Яна бир оздан сўнг, «Тешик қозон»даги жамики мижозлар Гарри билан қўл бериб саломлашишга киришиб кетди.

- Дорис Крокфорд, мистер Поттер, кўзларимга ишонмайман. Сизни кўрганимдан бениҳоя бахтиёрман.

- Иззат-икромимни қабул айлагайсиз, мистер Поттер, қабул айлагайсиз.

- Сизга қўл беришни бир умр орзикиб кутган эдим, фавқулудда мамнунман.

- Тасанно, мистер Поттер, бахтиёрлигимни ифодалашга сўз ожиз. Исми Диггл, Дедал Диггл.

- Мен сизни кўрганман! - деди Гарри, таҳсин айтаётган Дигглинг шляпаси тушиб кетгач, - Қайсидир куни дўконда таъзим қилиб ўтдингиз.

- Эсида экан! - хитоб килди Диггл, атрофдагиларга қараб, - Эшитдингиз-ми? У мени эслади!

Гарри одамлар билан қўл сиқиб кўришишни давом этди. Дорис Крокфорд эса такрор ва такрор навбатга туриб саломлашмоқда.

Олдинга рангпар, жуда асабий ҳолатдаги бир йигит базўр ўтиб олди. Унинг бир кўзи тик касалига дучор бўлган чамаси, муттасил пирпирамоқда.

- Профессор Белка! - таништирди уни Хагрид,- Гарри, профессор Белка «Хогварц»да сенга мураббийлик қилади.

- П-п-п-поттер, - дудукланди профессор Белка, Гаррининг қўлини тутар экан, - С-с-сизни кў-ў-ўрганимдан қа-а-а-анчалик ба-а-а-хтиёр эк-к-к-канлигимни тас-с-с-свирлаб бера о-о-о-олмайман.

- Қайси фандан дарс берасиз, мухтарам профессор?

- Ёвуз-злик к-кучидан ҳим-моя, - базўр айта олди профессор, гўё буни эсга олишни ҳам истамаган бўлиб, - Бир-рок, бу ф-фанни ўқ-қиш сиз-зга ш-шарт бўл-лмаса к-керак, ш-шундайми П-поттер? - у асабий қулиб қўйди, - Фик-кримча с-сиз мак-к-таб буюм-млари боз-зорига йўл ол-лдингиз? М-мен эса қ-қонхўрлар ҳ-ҳақида ян-нги кит-тоб қид-дириб к-кўришим к-к-к-керак, - шу ишни қилиш керак эканлиги ҳақидаги хаёлнинг ўзи уни эзаётгандай кўринди.

Қолганлар профессор Белкага Гаррининг эътиборини батамом ўзига жалб этиб олишга имкон бермади. Бола билан мулоқот қилишни истаган одамлардан халос бўлишга ўн дақиқадан ортиқ вақт керак бўлди. Нихоят Хагрид бакириб, ола-ғовурни тинчлатишга эришди:

- Вақт бўлди. Ишимиз кўп. Кетдик, Гарри.

Дорис Крокфорд боланинг қўлини сўнгги бор сиқиб олишга улгурди. Гарри билан Хагрид раста орқали ўтиб, чиқинди баки турган, онда-сонда ёввойи ўт ўсган, атрофи баланд девор билан тўсилган кичик ҳовлига чиқишди.

Баланд бўйли Хагрид табассум-ла пастга, болага қаради.

- Айтдим-ку сенга Гарри, жуда машхурсан деб. Профессор Белка гарчи, доим қалтираб юрса ҳам сени кўриб, багтар титраб кетди.

- У доим шундай асабийлашиб юрадими?

- Ҳа. Бечора йигит. Назарий ўкиб юрган кезларда туппа-тузук эди. Кейин бир йилга

амалиётга кетди... Айтишларига қараганда у Қора ўрмонларда қонхўр арвоҳларга дуч келган эмиш. Сехргар аёл билан боғлиқ аллақандай тушуниб бўлмас гаплар бўлган дейишади. Ўшандан буён шу аҳволга тушиб қолган. Ўқувчилар ва ҳатто ўз дарсидан ўлгудай кўрқади. Хўш, соябоним қани эди?

Қонхўр арвоҳлар? Сехргар аёл? Гаррининг боши гаранг бўлиб қолди. Хагрид эса чиқинди баки ёнидаги девор ғиштларини санай кетди.

- Учта тепага... Иккита диагональ бўйича... - ғулдиради у, - Ҳа, мана. Хўш, нари турчи, Гарри.

Хагрид соябонининг тиғи билан деворга уч маротаба тақиллатди.

Бирдан девор титраб, тўлғана бошлади. Унинг ўртасида кичик туйнук пайдо бўлиб, аста-секин кенгая бошлади. Бир неча сония ўтгач, ҳатто Хагрид ҳам бемалол сиғадиган даражада кенгайиб кетиб, узун илон изи тош кўчага олиб чиқадиган йўл кўринди.

- Диагон хиёбонига хуш келибсан, - деди Хагрид, хайрат-ла бақрайиб турган Гаррига мулойим кулиб қараб.

Икковлон аркадан тош кўчага ўтди. Гарри елкаси узра орқага қараб, ҳозиргина очилган йўлак аста-секин деворга айланаётганини кўриб қолди.

Энг биринчи дўкон ёнига териб қўйилган қозонлардан қуёш акс этиб турибди.

Пештоққа осиб қўйилган эълонда эса «*Ҳар хил ўлчамли жез, мис, қалай куймаси ва қумушдан тайёрланган, ўзи аралаштирадиган, йиғиладиган қозонлар!*» ёзуви битилган.

- Ҳа, бизга айнан шу нарса керак, - деди Хагрид, - Бироқ олдин банкка бориб пул олайлик.

Гарри яна кам деганда саккиз жуфт кўзи йўқлигига ачинди. Улар кўча бўйлаб юришар экан бошини гир айлантирганча, ҳамма нарсани: дўконлар, уларнинг қаршисига териб қўйилган моллар, мол харид қилаётган одамларни кўриб, томоша қилишга ҳаракат қилиб борди. Дорихона ёнидан ўтар экан тўладан келган аёл бошини чайқаб айтган эътирози эшитилди:

- Аждар жигарининг бир унциясига ўн етти склат бераманми! Ақлдан озиш мумкин-ку!...

Пештоғига «*Уккикўзнинг Бойқушлар Империяси – малла ранг, жигар ранг, гурсиллаган овоз чиқарадиган омбор ва қутб бойқушлари!*» ёзуви битилган қоронғи дўкон ичидан бойқушларнинг бўғиқ товушлари эшитилмоқда.

Ёши Гарри билан тенг тўрт-беш нафар болалар супургилар териб қўйилган дўконнинг ойна деворига ёпишиб олиб, чуғуллашмоқда:

- Қаранглар! «Нимбус-2000». Энг сўнги, тезучар модель...

Хагрид иккаласи коржома, ридо, телескоп ва Гарри муқаддам кўрмаган ғалати қумуш асбоблар сотиладиган дўконлар, кўршапалак жигари ва илонбалиқ кўзи билан тўлатилган бочкалар териб қўйилган майдон, даста-даста қилиб боғланган афсун китоблари, ғоз патлари, пергамент ўрамлари, сирли дорилар учун шиша идишлар, Ой глобуслари ва яна бир олам ғалати моллар билан тўлиб-тошган расталар ёнидан ўтиб боришди.

- «Гринготтс», - эълон қилди Хагрид.

Улар қўшни дўконлар ёнида юксалиб турган, кўзни қамаштириб юборгудай оппоқ бино ёнига келиб қолишди. Сайқаланган бронза эшик ёнида қирмизи-тилла ранг уқали кийим кийган...

- Ҳа, бу гоблин, - деди паст овоз билан Хагрид.

Икковлон дарбон ёнидан ўтиб, оппоқ мрамар зинапоядан юкорига кўтарилди.

Гоблиннинг бўйи Гаррига нисбатан бир бош паст. Унинг ақл-идрок ифода этадиган юзида ўткир учли соқол бўлиб, мағлларнинг юзига ўхшаб кетади. Фақат, бўйи

пастлигидан ташқари, товони баландлиги, бармоқларининг хаддан ортик узунлиги билан мағлдан фарқ қилади. Хагрід иккаласи ичкарига кираётганида гоблин эҳтиром-ла таъзим қилиб қўйди. Шундан сўнг, банк мижозлари иккинчи, ички кумуш эшикка рўбару бўлишди. Унга қуйидаги сўзлар ўйиб битилган экан:

*Хуш келибсан эй мижоз, шуни ёдда тут ва бил:  
Ушалмас хаёлдан сен имкон қадар тез тийил,  
Бой бўлмоқ илинжида ёмон ният бандани  
Жаҳаннам кутиб олар, қолар буткул ёнгани.  
Ер қаърида хазина, машаққат-ла тўпланган  
Ўғрилар қисматига олий жазо ёзилган.*

- Айтдим-ку, бу ерга фақат жонидан кечган савдойи ўғри киради деб, - шархлаб ўтди Хагрід.

Икки нафар гоблин таъзим қилганча, янги мижозларни кумуш эшиқдан ичкарига, ғоят катта мрамар залга кузатиб қўйишди. Узун пештахта ортидаги баланд курсиларда юзлаб гоблинлар ўтириб, ёнларидаги гроссбухларга аллақандай ёзувлар киритишар, мис тарозиларида танга тортишар, махсус кўзойнак орқали хар бир тангани ўрганиб чиқишар эди. Дахлизда эса сон-саноксиз эшиклар бўлиб, хар бир эшик ёнида мижозларни жиддий қиёфада қарши олиб, кузатиб қўяётган бир-икки нафар гоблин турибди. Хагрід билан Гарри пештахтага яқин келишди.

- Салом, - деди Хагрід гоблинлардан бирига, - Биз мистер Гарри Поттернинг пулини олгани келдик.

- Калитингиз борми, сэр?

- Бор эди шекилли.

Хагрід чўнтақларидаги бор нарсани чиқариб, гоблиннинг қаршисига тера бошлади. Ёнидаги гроссбух устига итга бериладиган кулча ушоқлари тўкилганини кўрган гоблин бурнини буриштириб қўйди. Гарри эса ўнг томонда ўтирган гоблин катталиги кўмирдек келадиган ёқутларни тарозида тортаётганини томоша қилиб турди.

- Мана у! - деди ниҳоят Хагрід.

У миттигина тилла калитни топиб, тантана билан баланд кўтариб олди.

- Ҳаммаси жойида, - хулоса чиқарди калитни диққат билан ўрганиб чиққан гоблин.

- Бундан ташқари, - деди Хагрід кўкрагини кериб, - Профессор Дамблдор етти юз ўн учинчи бўлмадаги Ўзингиз-Биласиз-Нима юзасидан хат бериб юборди.

Гоблин узатилган хатни ҳам диққат билан ўрганиб, ўкиб чиқди.

- Жуда яхши, - деди гоблин бош ирғиганча хатни Хагрідга қайтариб, - Сизни пастга, ғазнага кузатиб боришади. Цапкрюк!

Мижозлар олдига бошқа бир гоблин келди. Хагрід пештахта устига қалаб ташлаган нарсаларини чўнтақларига жойлаб чиққач, Гарри иккаласи Цапкрюк ортидан дахлиздаги эшиклардан бири томон йўл олишди.

- Етти юз ўн учинчи бўлмадаги Ўзингиз-Биласиз-Нима деганингиз қанақа нарса экан? - сўради Гарри.

- Айтолмайман сенга, - жавоб қайтарди Хагрід, юзи сирли қиёфа касб этиб, - Ғоят муҳим сир бу. «Хогварц» ишлари. Дамблдор фақат менга ишонади. Умуман айтганда, менинг фаолиятим нуқул махфий ишлардан иборат.

Цапкрюк иккала мижоз рўбару келган эшикни очди. Навбатдаги мрамар залга кириш илинжидаги мижозлар ичкарига қараб хайрон қолишди. Негаки, бу сафар уларнинг қаршисида машғалалар билан ёритилган тор тош йўлак очилди. Бу ерда тикка пастга қараб кетган рельс ётқизилган. Цапкрюк хуштак чалиши билан



кандайдир кичик арава гумбурлаганча рельсда сирпаниб етиб келди. Улар бир оз кийнаиб, аравага жойлашгач, йўлга тушишди.

Дастлаб ер ости йўлининг чигал лабиринти бўйлаб йўл босишди. Гарри йўлни эслаб қолишга уриниб кўрди: чапга, ўнгга, яна ўнгга, йўлнинг айрилиш жойида тўғрига, ўнгга, чапга... бироқ вақт ўтиб, буларнинг барини ёдда сақлаш қийин бўлиб қолди. Зириллаб сирпанаётган арава чамаси қаёққа боришни ўзи билади. Негаки, гоблин уни бошқараётгани йўқ.

Гарри қарши эсаётган муздай ҳавонинг қаттиқ зарбидан оғриётган кўзини юммай ўтирди. Йўл давомида пастдан юқорига кўтарилган олов дастасини кўриб қолиб, аждар ёки аждар эмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун ортга қаради-ю, кеч бўлди. Энди улар ер қаърига кириб борганча, атрофини пастдан тепага ва тепадан пастга қараб ўсаётган сталактитлар билан сталагмитлар ўраб олган кўл ёнидан ўтишди.

- Ҳеч фарқига бора олмайман, - кичқирди Гарри, овози билан араванинг тақир-туқурини босишга уринганча Хагрідга қараб, - Сталактит билан сталагмит ўртасида нима фарқ бор?

- Сталагмит сўзининг «м» ҳарфи бор, - жавоб қайтарди Хагрід, - Бўлди, ортик савол берма, акс ҳолда кўнглим айниб кетади.

Унинг рангги-рўйи ҳақиқатан ҳам батамом яшил бўлиб қолган. Ниҳоят арава митти эшик ёнида тўхтагач, Хагрід тиззаларининг қалтираши тўхтагунига қадар бир оз деворга суяниб турди.

Цапкрюк эшикчани очиб, ичкаридан чиққан паға-паға яшил тутун таркагач, кўз ўнгида пайдо бўлган бўлмалардаги олтин тангалар уюми, қумуш танга устунлари, майда-майда бронза нут тўпларини кўрган Гарри беихтиёр хитоб қилиб юборди.

- Буларнинг бари сеники, - кулиб қўйди Хагрід.

Ҳаммаси ўзиники! Зўр-ку! Дурсллар бу ҳақда беҳабар бўлишган чамаси. Йўкса битта ҳам қолдирмай олиб қўйишар эди. Гаррини боқиш жуда қимматга тушаётгани ҳақида Дурсллар оиласи бир умр нолиб келган. Мана энди маълум бўлишича, Гарри, шунча вақтдан буён, ўзи билмаган ҳолда, ер қаърига яшириб қўйилган бутун бошли бойлик соҳиби экан.

Хагрід Гаррига пулларнинг муайян миқдорини ҳамёнга жойлашга ёрдамлашиб юборди.

- Тилла тангалар галлеонлар деб аталади, - тушунтира кетди у, - Бир галлеон ўн етти қумуш склатга тенг, битта склатда йигирма тўққизга нут бўлади. Санаш жуда осон. Олган мана бу пулинг иккита семестрга етиб ортади. Қолгани турсин. Шундай қилсанг, пулинг бут сақланади, - у Цапкрюк томон ўгирилиб, - Энди етти юз ўн учинчи бўлмага борамиз. Эҳтимол бунчалик тез юрмассан?

- Тезлик бир хил, - чўрт кесди Цапкрюк.

Улар тезлик олганча, ер қаърига йўл олишди. Ҳаво борган сари совиб, кескин бурилишларда арава янада кучли силтана борди. Гумбур-гумбурлаб ер ости жарлиги четидан ўтишди. Гарри жарлик тубини кўришга ошиқиб, арава бортидан эгилиб пастга қараган эди ҳам-ки, Хагрід унинг ёқасидан тортиб, аравага киритиб қўйди.

Етти юз ўн учинчи бўлма эшигида калит сукиладиган тешик йўқ экан.

- Четга тулинг, - буюрди Цапкрюк такаббурланиб.

Гоблин узун тирноғи билан эшик юзасига сал тегиб қўйган эди ҳам-ки, эшик ўзидан ўзи йўқ бўлиб қолди.

- Агар бу ишни бошқа биров қилса, ичкарига тортилиб кетиб, қамалиб қолади, - тушунтирган бўлди Цапкрюк.

- Ичкарида биров бор-йўқлигини тез-тез текшириб турасизми? - сўради Гарри.

- Тахминан ҳар ўн йилда бир маротаба, - жавоб қайтарди Цапкрюк захархандалик

билан.

Бундай махфий бўлмада ниҳоятда муҳим нарса сакланишига шубҳа қилмаган Гарри ич-этини еб қўяётган қизиқувчанлик билан, кам деганда олмос тоғларини кўришга ошиққанча ичкарига талпинди. Бироқ бўлма, жигар ранг қоғоздан тугилган бўғча инобатга олинмаса, бўм-бўш. Хагрид бўғчани қўлига олиб, плашининг ички чўнтақларидан бирига солди. Гарри бўғча ичида нима борлигини билишни жуда хохлади-ю, қизиқувчанлигини идора қилиб, савол бермай қўя қолди.

- Хўш, юр энди, яна ўша дўзах аравасига чиқайлик. Йўлда мен билан гаплашма, оғзимни маҳкам ёпиб кетишим керак, - уқтирди Хагрид.

Қайтиш йўлининг азобларига базўр бардош беришгач, икковлон «Гринготтс» эшигидан чиқиб, остонада, ёрқин куёш нуридан камашиб кетган кўзларини қисиб бир оз турди. Ҳамёни пулга тўлган Гарри қай томонга боришга боши қотди. Дурслар оиласида кечган ҳаёти давомида ёнида бўлган пули бугунгига нисбатан оз ёки кўп бўлганлигини таққослаб билиш учун галлеоннинг фунтга нисбатан алмаштириш курсини билиш талаб этилмади. Негаки, унинг ёнида ҳеч қачон бирор чақа бўлмаган.

Хагрид «*Хоним Малкин – ҳаётнинг ҳар хил ҳолатлари учун кийимлар!*» ёзуви битилган томон имо қилди.

- Мактаб кийимидан бошлашинг керак. Менга қара, Гарри, мен «Тешик қозон»га ғиз этиб ўтиб келай, қарши эмасмисан? Бундай аравадан сўнг, бир стакан уриб келмасам бўлмайди. Жин урсин уни, кўргани кўзим йўқ.

Хагриднинг оппоқ юзига ҳалигача қон келмаган. Гарри ёлғиз ўзи, хоним Малкин дўкони томон кучли ҳаяжон-ла йўл олди.

Хоним Малкин гардигумгина, жилмайиб турадиган, нафармон қўйлак кийган афсунгар аёл экан.

- «Хогварц»га борасанми ёқимтойгинам? - сўради у, Гаррининг англаб бўлмас гапини бўлиб, - Мана бу ерда сенга керакли ҳамма нарса бор. Ҳа айтгандай, бизда яна бир болакай ўзига кийим ўлчаяпти.

Дўкон ичкарасида рангпар юзи бир оз чўзиқ бола курси устида турган, бошқа бир афсунгар аёл эса нина тўғнағичлар воситасида бола эғнидаги узун коржомо этагини букиб қадаётган экан. Малкин хоним Гаррини бола ёнидаги курси устига чиқариб, боши узра узун қўйлак кийдирди-да, зарурий узунликни аниқлашга киришиб кетди.

- Салом, - деди болакай, - Сен ҳам «Хогварц»гами?

- Ҳа, - бош ирғиди Гарри.

- Дадам қўшни дўконда, дарслик харид қиляпти, ойим эса кўчанинг нариги бошида, менга сеҳрли таёқча танляпти, - маълум қилди бола, - Кейин эса уларни учар супургилар дўконига етаклайман. Нима учун биринчи синф ўқувчилари ўзлари билан супурги олиб боришлари мумкин эмаслигини ҳеч тушунмайман. Нима қилганда ҳам, дадамни супурги харид қилишга мажбур қиламан. Мактабга олиб кириш чорасини ҳам амаллайман.

Гарри беихтиёр Дудлини ёдга олди.

- Супургинг борми? - сўради болакай, хиралигини қўймай.

- Йўқ.

- Умуман қвидиш ўйнайсан-ми?

- Йўқ, - такрорлади Гарри, қвидиш дегани нима эканлигини тахмин қилиб, ўй сурганча.

- Мен эса ўйнайман. Дадамнинг айтишича, коллеж биринчилиги учун ўйналадиган ўйинга мени олишмаса, жиноят бўлар эмиш. Унинг фикрига тўла-тўқис қўшиламан. Қайси коллежга боришингни биласанми?

- Йўқ, - деди Гарри, ҳар дақиқа ўтган сари ўзини нодон эканлигини ҳис этиб.

- Умуман айтганда, қайси коллежда ўқишини ҳеч ким аниқ айта олмайди. Бирок ишончим комилки, мен «Слизерин»да ўқийман. Оиламизнинг ҳаммаси шу коллежни тамомлашган. «Хуффльпуфф»да ўқишни тасаввур қилиб кўр. Э, ундан кўра ўқимаган яхши эмас-ми, нима дейсан?

- М-м-м, - деди Гарри, бирор-бир маънили жавоб қайтара олмаслигига ачиниб.

- Анави амакига қара, - хитоб қилди болақай, ойна деворга имо қилиб. Ойна ортида қўлида иккита қатта музқаймоқ ушлаб олган ва шу сабабли ҳам ичкарига қара олмаслигини кўрсатаётган Хагрид турибди.

- Бу Хагрид, - деди Гарри, лоқал шуни билганлигидан мамнун бўлиб, - У «Хогварц»да ишлайди.

- Ҳа-а-а, - чўзди болақай, - У ҳақда эшитганман. У қандайдир малай, шундай эмасми?

- Мактаб қоровули, - тўғрилаб қўйди Гарри, болақайнинг Хагрид ҳақида билдирган мулоҳазасини.

Бола Гаррига хуш келмай қолди.

- Ҳа, ўша. Эшитишимга қараганда у қандайдир ёввойи. Мактаб ҳовлисидаги кулбада яшайди. Баъзан бўкиб ичиб олади-да, сеҳргарлиги тутиб қолади. Натижада хар сафар кулбасига ўт тушади.

- Назаримда эса у жуда яхши одам, - совуққина эътироз билдирди Гарри.

- Наҳотки? - деди бола димоғдорлик билан, - Нега энди сен у билан? Ота-онанг қани?

- Ўлиб кетишган, - қиска қилди Гарри.

Мавзуни, айниқса, мана бундай мақтанчоқ билан муҳокама қилишни умуман истамади.

- Қандай даҳшат, - эҳтироссиз жавоб қайтарди бола, - Улар ўзимизникилардан бўлган бўлса керак, а?

- Улар сеҳргар ва афсунгар эдилар, агар сен шуни назарда тутаётган бўлсанг.

- Фикримча, тоифамизга мансуб бўлмаган бегоналарни умуман мактабга қабул қилмаслик керак, тўғрими? Ахир улар бизга ўхшамайдилар. Тарбияси ҳам ўзгача уларнинг. Тасаввур қилиб кўр, айримлари, хабарнома келгунга қадар «Хогварц»дан умуман беҳабар бўлишар экан. Мактабга фақат уруғ-аждоди қадимдан сеҳргар бўлган оилаларнинг фарзандларини олиш керак. Ҳа, айтгандай, сени фамилиянг нима?

- Мана, коржоманг тайёр бўлди, ёқимтойгинам! - деди Малкин хоним, Гарри оғиз жуфтлашга улгурмасидан.

Гарри суҳбат якун топишига баҳона топилганидан суюниб, курсидан сакраб тушди.

- Ҳўп, майли. «Хогварц»да кўришгунча, - деб қолди сулукатли бола.

Гарри Хагрид олиб келган ёнғок аралаш малина-шоколадли музқаймоқни еб тугатгунга қадар жим юрди.

- Сенга нима қилди? - сўради қандайдир нохушликни сезган Хагрид.

- Ҳеч нарса, - алдади Гарри.

Улар пергамент ва пат-қалам харид қилишга тўхташди. Ёзув жараёнида ранги ўзгартириб борадиган сиёҳни кўргач, Гаррининг кўнгли бир оз очилди.

- Хагрид, қвидиш дегани нима? - деб сўраб қолди Гарри дўқондан чикқач.

- Э Худо, Гарри. Жаҳолатда ўсганингни унутиб қўйибман-ку! Ҳатто қвидиш нималигини билмайсан-а!

- Кераги йўқ, шундоқ ҳам ўзимни ёмон ҳис этяпман! - хафа бўлди Гарри.

У Хагридга Малкин хоним дўқонида учратган рангпар бола ҳақида гапириб берди.

- ... у яна шуни айтдики, мағллар оиласига мансуб болаларни мактабга қабул қилиш мумкин эмас экан...

- Сен маглардан эмассан. Ўша тентакча сенинг кимлигингни билганда эди. Агар у чиндан ҳам сеҳргарлар оиласида ўсган бўлса, сен ҳақингда чақалоқлигидан эшитиб келган. «Тешик қозон»га кириб келганигда нима бўлганини ўз кўзинг билан кўрдинг-ку. Умуман, ўша гўдак бундай ишлар борасида нимани ҳам билар эди! Мен учратган сеҳргарлар орасида энг саралари азалдан маглар оилаларига мансуб бўлишган. Сеҳргарлик уларнинг қалбида бўлади. Мана мисол учун онангни олайлик! Опаси билан солиштириб кўр-чи уни, а?!

- Ҳўп, квидиш дегани нима?

- Спорт ўйинларидан бири. Сеҳрли ўйин. Маглар ўйнайдиган чим устидаги хоккейга ўхшаб кетади. Фақат бу ўйин ҳавода, супургиларда учиб ўйналади. Тўп ҳам бир эмас тўртта бўлади. Хуллас, ўйин қоидасини бирданига тушунтириб бериш қийин.

- «Слизерин» билан «Хуффльпуфф» дегани нимани англатади?

- Коллеж номлари. Мактабимизда жами тўртта коллеж бор. Айтишларича, «Хуффльпуфф»да фақат нодонлар ўқир эмиш, бироқ...

- Гаров боғлашим мумкинки, ўқийдиган бўлсам ҳам «Хуффльпуфф»да таҳсил кўрсам керак, - деди Гарри оғир хўрсиниб.

- «Слизерин»да ўқишдан кўра ўша «Хуффльпуфф»да ўқиган афзал. - қийналиб айтди Хагрид, - Ёмон йўлга юрган сеҳргар ва афсунгарларнинг ҳаммаси «Слизерин»да ўқишган. Ўша Ўзинг-Биласан-Ким ҳам «Слизерин»ни тамомлаган.

- Вольд... яъни Ўзингиз-Биласиз-Ким ҳам «Хогварц»да ўқиганми?

- Жуда кўп йиллар олдин, - жавоб қайтарди Хагрид.

Улар «Жимжимадор ва сиёҳ доғи» дўконидан дарсликлар харид қилишди. Дўкон тоқчалари турли ўлчамли китоблар жумладан, кўприк плитасидай келадиган йирик ва почта маркасидай келадиган миттигина шойи муқова, тушуниб бўлмайдиган белгилар битилган ва саҳифалари бўм-бўш китоблар билан қарийб шифтга қадар тўлиб-тошган. Ҳаётида бирорта китоб ўқимаган Дудли ҳам, ушбу китобларнинг айримларини томоша қилиш учун бор нарсасини беришга тайёр бўлиши муқаррар. Хагрид Гаррини профессор Мститтус Вирусианнинг «Сеҳрлаш ва сеҳр таъсирини бекор қилиш. Рақибларнинг бошини гангитиб, дўстларни мафтун қилиш йўллари. Суқи киритишнинг замонавий усуллари, жумладан: киши сочини тўкиш, оёқларини бўшаштириш, тилини танглайига ёпиштириш ва ҳ.»», деб номланган маълумотнома мазмунидаги қўлланмасидан куч билан узиб олди.

- Дудлини қандай қилиб қарғаш кераклигини билиб олмоқчи эдим.

- Фикринг чакки эмас, бироқ айрим фавқулодда ҳолатлардан ташқари, маглар оламида сеҳр-жоду билан шуғулланиш мумкин эмас, - деди Хагрид. - Умуман айтганда, одам сеҳрлашга ҳали ёшлиқ қиласан. Бунинг учун кўп ўқишинг керак бўлади.

Хагрид «Хогварц» хатида қалай қўймасидан тайёрланган, 2- ўлчамли қозон тайинланганлигини рўқач қилиб, соф тилла қозон харид қилишга ижозат бермади, аммо турли дамламаларнинг таркибий қисмларини тортиш учун чиройлигина тилла тарози ва йиғиладиган мис телескоп харид қилишди. Шундан сўнг, палағда тухум билан чириган қарам хиди уриб кетган бўлса ҳам, жуда қизиқ дорихонага ташриф буюришди.

Дорихонанинг бурчагига шилимшиқ модда тўлатилган бочкалар ўрнатилган, тоқчалари турли-туман алаф, қуритилган илдиз ва чарақлаб турган кукун солинган банкаларга тўлиб-тошган, шифтига қандайдир пат боғлари, аллақандай тиш ва тирноқ шодалари илиб қўйилган эди. Хагрид пештахта ортида турган дори сотувчисидан қандайдир дамламанинг асосий таркибий қисмлари ҳақида сўраб билаётган пайтда Гарри, ҳар бир донасининг нархи йигирма бир галлеон турадиган

яккашоҳ нарвалларнинг кумуш шоҳлари ва ҳар бир стакани беш нут турадиган ялтироқ, қора рангли миттигина қўнғиз кўзларини томоша қилди.

- Ҳўш, сеҳрли таёқча... - деди дорихонадан чиқишгач, мактубга илова қилинган рўйхатга яна бир бор кўз югуртириб чиққан Хагрід, - Ҳа, айтгандай, туғилган кунингга совға олмадик-ку ҳали.

- Йўқ, шарт эмас... - деди Гарри қизариб.

- Биладан шарт эмаслигини. Мен сенга бирон-бир жонзод олиб бераман. Фақат курбақа эмас. Курбақалар аллақачон модадан қолиб кетган. Устингдан кулиб юришмасин, тагин. Мушукларни эса ўзим ёқтирмайман. Мушук яқинига борсам акса уравераман. Ҳамма болалар бойқушли бўлишни орзу қилишади. Бунинг устига у фойдали қуш. Почта ташийди.

Йигирма дақиқадан сўнг, икковлон, қоронғи, қанотлар шовқини эшитилиб, олмосдай ярқираб турган бир олам кўз жуфтлари навбатма-навбат дам кўриниб, дам кўринмай қоладиган «Уккиқўзнинг Бойқушлар Империяси»ни тарк этди. Гарри бошини қаноти остига суқиб ухлаётган бойқуш қамалган катта қафасни кўлида кўтариб борар экан, профессор Белкага ўхшаб дудукланганча, Хагрідга миннатдорлик билдиришни ҳеч қўймади.

- Бас қил, - овоз кўтарди Хагрід. - Дурсллар сенга бирор нарса совға қилиши амри маҳол. Энди «Оливандерлар» дўконига борамиз. Фақат ўша ердагина яхши сеҳрли таёқчалар бўлади. Сенга эса энг зўр таёқча керак.

Сеҳрли таёқча... айни шу нарса шу бугун Гаррининг орзусига айланиб қолган эди. Тор ва қандайдир фақирона кўринишга эга эски дўконнинг кираверишида «Оливандерлар: қиблалмилоддан аввалги 382 йилдан буён сеҳрли таёқчалар тайёрлаб келган оила!» сўзлари битилган пештоқдаги ёзувнинг тилласи кўчиб кетган. Пештахта устидаги ранги ўчган қирмизи ёстикчада эса биттагина таёқча ётибди.

Улар остона хатлаб киришганида ичкаридан қўнғироқ товуши эшитилди. Дўкон кичкина бўлиб, ингичка оёкли курсини ҳисобга олмаганда, деярли бўм-бўш. Улар сотувчи кўриниш беришини кутиб туришди. Хагрід дўконга кириши билан курсига ўтириб олди. Гарри эса катъий қоидалар жорий этилган кутубхонага кириб қолгандай ҳис этди ўзини. Ҳаёлига келган минглаб саволларни ичига ютиб, девор ёнига тахлаб қўйилган энсиз қутилар ғарамига жимгина қараб турди. Хонадаги чанг ва ғайриоддий сукунатнинг ўзи қандайдир сеҳрли туюлгани боис, эти жимирлаша бошлади.

- Хайрли кун, - кимнинг ёқимли овози эшитилди дафъатан.

Гарри кўрқиб кетганидан бир сапчиб тушди. Курсининг тарақлагани ва ундан нари кетганига қараганда, Хагрід ҳам, ушбу овоздан чўчиб кетган чамаси.

Уларнинг қаршисида кўзлари бир жуфт тўлин Ойга ўхшаб кетадиган қария пайдо бўлди.

- Салом, - ўнғайсизланиб кўришди Гарри.

- Ҳа, шубҳасиз, - овоз берди кекса сотувчи, - Шубҳасиз. Сизни шу яқин кунларда кўраман деб ўйлаган эдим, мухтарам Гарри Поттер.

Мўйсафиднинг сўзлари саволга ҳам, саломга қайтарилган аликка ҳам ўхшамади.

- Кўзларингиз онангизнинг кўзларига ўхшабди. Вақт ўтишини қаранг-а. Онангиз ўзининг энг биринчи, толдан тайёрланган, махлиё қилишга жуда қўл келадиган ўн бутун-у юздан чорак дюймли эгилувчан сеҳрли таёқчасини худди кечаги кунли олиб кетгандай-я (*Эслатма: 1 дюйм 2,54 сантиметрга тенг*).

Мистер Оливандер киши танасини тешиб юборгудай кумуш кўзларини бирор маротаба бўлсин юмиб ҳам қўймай болага яқин келди.

- Отангиз эса - давом этди қария, - Ўз навбатида, кизил дарахтдан тайёрланган ўн

бир дюймли, равон, айлантириш ва айланишга жуда қўл келадиган нисбатан бақувват таёқчани афзал кўрди. Афзал кўрди дедим-у, аслида сеҳрли таёқча ўз соҳибини ўзи танлайди.

Мистер Олливандер шу қадар яқин туриб олдики, Гарри қариянинг кўкиш кўзларида ўз аксини кўрди.

- Ҳа, - чол оппок, узун бармоғини Гаррининг пешонасидаги яшин шаклига ўхшаш чандикка теккизди, - Мана бу ерга тегибди-да... Бундай мудҳиш чандик қолдирган сеҳрли таёқчани ўзим сотганимга дилсиёхлик-ла иқрор бўлишга мажбурман, - паст овозда пўнгиллади у, - Ўн уч дюймли таёқча. Ҳа... Қудратли, айниқса ёвуз ниятли киши қўлида... Жуда қудратли таёқча эди. Агар қабиҳ ишлар йўлида қўлланилишини билганимда...

Бош чайкаган чолнинг нигоҳи Хагридга тушгач, бола ўзини бир оз енгил тортгандай бўлди.

- Ана холос, Рубеус! Хагрид Рубеус! Сени яна кўрганимдан жуда хурсандман... Эмандан ясалган ўн олти дюймли эгри таёқча, шундайми?

- Худди шундай, сэр, - тасдиқлади Хагрид.

- Яхши таёқча эди. Бироқ сени мактабдан хайдашганларидан сўнг, икки бўлиб ташлашган, деб ўйлайман, а? - сўраб қолди мистер Олливандер, дафъатан жиддий тус олиб.

- М-м-м... ҳа, сэр. Синдирилди, - деди Хагрид гавдасининг оғирлигини дам у оёғи, дам бу оёғига солиб, - Лекин, ростини айтишим керакки, таёқча нимталари ўзимда сақланиб қолган, - қувонч-ла кўшиб кўйди у.

- Умид қиламан-ки, сен уларни қўллаётганинг йўқ, а? - қошларини чимириб сўради қария.

- Нималар деяпсиз, сэр, - тез жавоб қайтарди Хагрид, қўлидаги соябонини маҳкам ушлаб олиб.

- Ҳм, - деб кўйди чол яна Гаррига юзланиб, - Хўш, энди мистер Поттерга келсак. Қани бир ўлчаб кўрай-чи. Қайси қўл билан сеҳр-жоду билан шуғулланмоқчилар? Қария чўнтагидан тикувчиларнинг кумуш учли ўлчов тасмасини чиқарди.

- М-м-мен... кўпроқ ўнг қўлимни ишлатаман, - жавоб қайтарди Гарри.

- Қани, қўлингизни узатинг-чи. Мана шундай.

Сотувчи боланинг қўлини дастлаб елкадан бармоқ учига қадар, сўнгра билагидан тирсагига қадар, елкасидан ерга қадар, тиззасидан қўлтиғига қадар ва бошининг айланасини ўлчаб чиқди. Ушбу амалларни бажарар экан:

- Ҳар бир олливандер таёқчасининг замирида жуда қудратли моҳият бор, мистер Поттер. Бунинг учун биз яккашоҳ нарвал туки, қакнус думининг патлари ва аждар қалбининг торларини қўллаймиз. Олливандер таёқчаларининг ҳаммаси бир-биридан фарқ қилади. Зеро, сизнинг қобилиятингиз бошқа сеҳргарларнинг қобилиятларидан фарқ қиладиган қаби иккита мутлақо бир хил яккашоҳ нарвал ёки қакнус бўлмайди.

Гарри, айна фурсатда ўлчов тасмаси бурун катаклари орасидаги масофани қария иштирокисиз, ўзи ўлчаётгани, мистер Олливандер эса бу пайтда токчалар ёнида, қутиларни тикилаб юрганини пайқаб қолди.

- Бўлди, - деди қария.

Ўлчов тасмаси шу захоти ерга тушиб, коптоқдай ўралиб қолди.

- Хўш, мистер Поттер, мана буни синаб кўринг-чи. Қайин билан аждар қалбининг тори. Тўққиз дюйм. Жуда пухта ишланган, каттиқ ҳам эмас. Қўлингизга олиб, силтанг.

Гарри узатилган таёқчани қўлига олиб, ўзини тентакнамо ҳис этганча, бир-икки бор силтаб кўрди. Бироқ мистер Олливандер дархол таёқчани тортиб олди.

- Заранг билан какнус патлари. Етти дюйм. Жарангли. Синаб кўринг.  
 Гарри силташга уринди. У таёқчани тузук-курук синаб кўришга улгурмаган эди хам-ки, сотувчи буни хам боланинг қўлидан тортиб олди.

- Йўқ-йўқ... бўлмади. Мана, обнус билан яккашоҳ нарвал туки. Саккиз ярим дюйм. Чўзилувчан. Қани, кани, синаб кўринг-чи.

Гарри таёқча кетидан таёқча силтар, мистер Олливандер ундан нима истаётганини хеч фахмлай олмас эди. Ингичка оёкли курси устига тахланаётган таёқчалар сони эса ортиб бораверди. Бироқ токчалардан қанча кўп мол олинса, мистер Олливандер ўзини шу қадар бахтиёр хис этаётгани аён сезилиб турарди.

- Талабчан харидор экансиз-да, а? Хижолат чекманг, таёқчангиз каердадир шу ерда, сизни кутиб ётибди. Ҳозир уни топамиз... Қани, кани, хўш, нега энди бўлмас экан... Ғайриоддий уйғунлик! Найзабарг билан какнус патлари, ўн бир дюйм, жуда ёқимли, муомала қилиш хам қийин кечмайди.

Гарри узатилган таёқчани қўлига олиши билан бармоқлари қандайдир иликлик сезди. У таёқчани боши узра кўтариб, чанг кўтарилган хона ҳавосини қамчи билан икки бўлиб юборгандай силтади. Таёқча изидан мушакбозликда кўринадиган алвон ва тилла ранг учкунлар оқими отилиб чиқди. Буни кўрган Хагрид севинчини яшира олмай хитоб қилиб, қарсақ чалди, мистер Олливандер эса:

- Офарин! Жуда яхши! Аъло! Баракалла! - деб кичкириб юборди, - Қизик... жуда кизик...

Мўйсафид таёқча жойланган қутини, жигар ранг қоғозга аста ўрар экан:

- Қизик... кизик .. - дейишини қўймади.

- Мени маъзур сананг, - хайрон бўлди Гарри, - Сир бўлмаса айтинг-чи, сэр, буни нимаси кизик туюлди сизга?

- Дўконда сотилган ҳар бир сеҳрли таёқчани жуда яхши эслайман, мистер Поттер, - деди мистер Олливандер ўзининг равшан нигоҳини Гаррига қаратиб, - Эшитдингиз-ми, ҳар бирини! Ҳозир шундай бир ҳолат юз бердики, таёқчангиз таркибига киритилган какнус қуши бор-йўқ икки дона пат берган. Ушбу патларнинг бири ҳозиргина таъкидлаб ўтганимдай, сеҳрли таёқчангиз, иккинчиси эса пешонангизга чандиқ қолдирган бошқа бир сеҳрли таёқча таркибига киритилган. Энди тушундингиз-ми? Бу ҳақиқатан хам кизик эмасми?

Гарри ютиниб қўйди.

- Ҳа, ҳа, - давом этди қария, - Ўн уч ярим дюйм. Ўйлаб кўринг! Дарҳақиқат, бундай ҳолатнинг юзага келиши жуда кизик-ку. Ёдингизда бўлсин, таёқча ўз соҳибини ўзи танлайди... Ўйлайман-ки, биз сиздан буюк ишлар кутишимиз керак, мистер Поттер. Ахир, Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Киши жуда буюк ва таассуфки, ниҳоятда даҳшатли ишлар қилган.

Гарри сесканиб кетди. Мистер Олливандер унинг хаёлида жуда ғалати таассурот қолдирди. Боладан таёқча учун етти тилла галлеон олган кекса сотувчи таъзим айлаганча, харидорларни ташқарига кузатиб қўйди.

Гарри билан Хагрид Диагон хиёбони бўйлаб юриб, ортга қайтишганида кечки қуёш уфққа яқинлашди. Улар яна ўша девор туйнуги орқали ўтиб, хувиллаб қолган «Тешик қозон»дан чиқишди. Метрода иккала ҳамроҳнинг тиззасидаги кутб бойқуши камалган қафас, елкалари ва қўлларидаги турли-туман ғаройиб халталарни кўрган одамларнинг оғзи очилиб қолганига эътибор қаратмаган Гарри деярли сукут сақлаб борди. Эскалатор воситасида Паддингтонга чиқиб, елкасида Хагриднинг вазмин қўлини хис этганидан сўнггина, Гарри қаерга келиб қолганлигини идрок этди.

- Йўлга чиқишингдан олдин тамадди қилиб олишимизга вақт бор, - деди Хагрид. У Гаррига гамбургер олиб берди. Пластик курсига жойлашиб олиб, атрофга назар

солган Гарри, бегона мухитга тушиб қолгандай ҳис этди ўзини.

- Соғлигинг яхшими, Гарри? Нега жим бўлиб қолдинг? - сўради Хагрид.

Гарри ички хиссиётларини, ушбу кун ҳаёти давомида ўтган туғилган кунлари ичида энг зўри эканлигини қандай таърифлаб беришни билмай, бунинг учун керакли сўз топа олмай гамбургер кавшашни давом эттирди.

- Ҳамма мени қандайдир бошқача деб ўйлайди, - ниҳоят тилга кирди у, - «Тешик қозон»дагилар ҳам, профессор Белка ҳам, мистер Олливандер ҳам шундай фикрда... Мен эса сеҳргарликдан умуман бевоқифман. Шу аҳволда қандай қилиб уларнинг ишончини оқлай оламан. Улар кутган буюк ишларни қандай амалга оширишим мумкин. Машҳурликка машҳурман-у, ўзим эслай олмайман нима сабабдан ном чиқарганимни. Вольд... кечирасиз, ота-онам ҳалок бўлган ўша тунда қандай ходиса рўй берганини умуман эслай олмайман.

Хагрид стол узра эгилди. Унинг тўзиган соч-соқоли, ўсик қуюқ қошлари орасида кўриниб турган кўзлари меҳр-муҳаббатга тўлиб-тошган.

- Энг асосийси, Гарри, қўрқма. Сеҳр-жоду ҳавосини олишга ҳали улгурасан.

«Хогварц»дагилар ҳам ўз хунарларини онасининг қорнида бўлиб, бошлашмаган.

Вақти келиб сен улардан ўзиб кетишинг мумкин-у, асло қолишмайдиган бўласан.

Гарчи осон кечмас-да, ўзлигингни англаб, ўзлигингча қолсанг бўлгани. Сен тақдир кулиб бокқан истеъдодли одамсан. Бундай қисмат эса осон саналмайди. Мана кўрасан, «Хогварц»да ўзингни жуда яхши ҳис этасан. Эътиборинг учун мен сендай бўлганимда ҳам, ҳозир ҳам, «Хогварц»да ўзимни бахтиёр ҳис этаман.

Хагрид Гаррини Дурслларникига элтадиган поездга чиқариб, конверт узатди.

- Бу сенга, Гарри, «Хогварц»га етиб боришинг учун чипта, - деди у, -Биринчи сентябрь, Кингс-Кросс вокзали. Унда бор гап батафсил баён этилган. Дурсллар билан боғлиқ муаммо юзага чиқса, бойқушни учир. У мени қаердан топишни билади... Кўришгунча Гарри, омон бўл.

Поезд ҳаракатлана бошлади. Гарри сўнгги фурсатгача Хагридни кўздан йўқотиб қўймай, кузатиб бориш учун ўрнидан туриб, ойнага ёпишди. Бироқ кўзини бир бор юмиб, очиши ҳамано Хагрид ғойиб бўлди-қолди.

## **VI БОБ. ТЎҚҚИЗ БУТУН ТЎРТДАН УЧИНЧИ ПЛАТФОРМАДАН ЖЎНАЙДИГАН ПОЕЗД**

Дурсллар хонадонида ўтган сўнгги ой ҳам кўнгилдагидай кечмади. Бироқ адолат юзасидан таъкидлаб ўтиш жоизки, Дудли Гарридан кўркиб, бир хонада бўлишдан ҳайиқмоқда. Петунья хола билан Вернон амаки эса нафақат Гаррига бақаришни бас қилиб, буфетга камамай қўйишди, ҳатто иш буюриш одатларини ҳам йиғиштириб қўйишди. Мухтасар айтганда, Дурсллар Гарри билан умуман мулоқот қилишмайди. Эҳтимол кўрқишганидан, балки нафратдан бўлса керак, ўзларини гўё Гарри уйда йўқдай тутишмоқда. Гарчи, қарор топган бундай вазият Гарри учун ушбу оилада муқаддам ўтган ҳаёт тарзига нисбатан анча яхши туйилса-да, қандайдир мазлум кечди.

Гарри аксарият вақтини ўз хонасида, бойқуши билан ўтказди. Қушга Батильда Жукпукнинг «Сеҳргарлик тарихи» китобидан топиб, Хедвиг деган лақаб қўйди. Дарсликлар жуда қизиқ экан. Гарри уларни каравотига ёнбошлаб олиб, алламаҳалгача мутолаа қилиб ётди, Хедвиг эса очик дераза орқали хоҳлаган пайтда учиб чиқиб, истаган вақтда қайтиб юрди. Яхши ҳам-ки Петунья хола Гаррининг хонасини ўз чангюткичи билан тозаламай қўйди. Акс холда Хедвиг атрофдан йиғиб келтирган ўлик сичқонларни кўриб, ранги-қути ўчиб, жаҳли чиққан бўлар эди. Ҳар кун кечқурун, уйкуга ётишдан олдин, Гарри, биринчи сентябр-гача қолган



кунларни деворга ёпиштириб қўйган қўлбола календардан ўчириб борди. Ниҳоят, августнинг сўнгги куни Гарри, Кингс-Кросс вокзалига етиб бориш борасида холаси билан амакисининг маслаҳатини олишга аҳд қилиб, пастга, Дурслар телевизор кўриб ўтирган меҳмонхонага тушди. У томоқ кириб қўйиши билан Дудли дод солганича хонадан ўқдай учиб чиқди.

- Э-э-э... Вернон амаки...

Амаки гўё эшитаман дегандай тўнғиллаб қўйди.

- М-м-м... эртага Кингс-Кросс вокзалига етиб боришим керак, мен «Хогварц»га кетяпман.

Вернон амаки яна тўнғиллаб қўйди.

- Мени элтиб қўя олмайсизми?

Яна тўнғиллаган овоз эшитилди. Гарри буни розилик аломати сифатида қабул қилди-да:

- Раҳмат, - дея, хонасига қайтиб кетиш учун эндигина зинапоядан юкорига қўтарилла бошлади ҳам-ки, Вернон амаки тилга кириб қолди.

- Бу қанақаси, сеҳргарлар мактабига ҳам поездда борилар эканми?! Учар гилам қани? Кимёвий усулда тозалаш хизматида топшириб юборишибди-ми?

Гарри, Вернон амакининг пичингини жавобсиз қолдирди.

- Мактаб қаерда ўзи?

- Билмайман, - иқроор бўлди Гарри, ҳақиқатни илк бор идрок этганча, кассасидан Хагрид берган чиптани чиқариб, - Бу ерда ёзилишича, мен, тўққиз бутун тўртдан учинчи платформадан эрталабки соат ўн бирда жўнайдиган поездга чиқишим керак. Бу гапни эшитган амаки билан хола ўтирган ўринларидан туришганча, лом-мим демай Гаррига бақрайиб қолишди.

- Нечанчи платформадан дединг?

- Тўққиз бутун тўртдан учинчи.

- Тутуриқсиз гапларингни йиғиштир, - жаҳл қилди Вернон амаки, - Тўққиз бутун тўртдан учинчи платформа бўлмайди.

- Ахир чиптада шундай ёзилган.

- Бемаънилиқ, - деди Вернон амаки ғазаби қайнаб, - Валдирваса гап. Ҳаммангиз савдойисизлар. Ҳеч қиси йўқ, вақт ўтиб ўзинг иқроор бўласан бунга. Яхши, хижолат чекма, элтиб қўйганимиз бўлсин ўша Кингс-Кроссга. Шундоқ ҳам эртага Лондонга бормоқчи эдик, - кесатиб яқунлади Вернон амаки.

- Лондонга нима юмуш билан бормоқчисиз? - сўради Гарри, гўё суҳбат дафъатан узилиб қолишини истамай, давом эттирмоқчи бўлгандай.

- Дудлини касалхонага олиб борамиз, - истар-истамас жавоб қайтарди Вернон амаки, - «Смелтинг»га боргунига қадар анави мудҳиш думини кесиб ташлаш керак-ку, ахир.

Эртасига эрталаб соат бешда уйғониб олган Гарри қаттиқ хаяжонланганидан қайта ухлай олмади. Ўрнидан туриб, вокзалга сеҳргарлар кийимида боргиси келмай, жинси шимини кийиб олди. Кийимни поездда алмаштиришни маъқул топди. Яна бир бор рўйхатга қараб, зарурий нарсаларни ҳозирлаб қўйганлигига ишонч ҳосил қилди, Хедвигнинг қафаси маҳкам ёпилганини текширгач, хонанинг у бурчагидан бу бурчагига юриб, Дурсларнинг уйғонишини кутди. Икки соатдан сўнг, Гаррининг каттакон сандиғи машинанинг юк бўлмасига жойланди. Петунья хола Дудлини Гаррининг ёнида ўтириб кетишга базўр кўндирди олди.

Кингс-Кросс вокзалига соат ўн яримда етиб келишгач, Вернон амаки Гаррининг сандиғини аравачага ортиб, олға илгарилади. Гарри амакининг ушбу ҳаракатини муқаддам кўрсатилмаган ҳаддан ортиқ илтифот сифатида қабул қилди, бироқ юзи қандайдир разил қиёфа касб этган Вернон амаки платформаларга чиқиш жойида

мурдор иршайганча дафъатан тўхтаб:

- Хўш оғайни, қара. Мана бу тўққизинчи платформа бўлади, мана буниси эса ўнинчи, - йўгон бармоқлари билан рақамларни кўрсатди у, - Тўққиз бутун тўртдан учинчи платформа эса шу иккала платформанинг ўртасида бўлиши керак.

Шундайми? Бирок ҳали уни қуриб битказишмаган чамаси, а?

Амаки ҳақ, албатта. Платформалардан бирининг устинида тўққиз рақами ёзилган пластик тахтача, иккинчисининг устунида эса ўн рақамли тахтача маҳкамланганлиги кўриниб турибди. Мантқиқа кўра, ушбу иккала платформа ўртасида бўлиши лозим бўлган тўққиз бутун тўртдан уч рақами эса йўқ.

- Аъло баҳоларга ўқигин, - тилак билдирди Вернон амаки.

У аблаҳона иршайганча, бошқа бирор сўз айтмай, шартта тескари ўгирилди-да, нари кетди.

Гарри вокзални тарк этиб кетаётган Дурслларни кузатиб турди. Уччаси ҳам ичаклари узилиб кетгудай қахқахлашмоқда. Гаррининг томоғи қуриб қолди. Нима қилишини билмай боши қотди. Атрофдаги одамлар бир Гаррига, бир унинг Хедвигига тахайюр қараб ўтишмоқда.

- Кимдандир сўраб билишга тўғри келади шекилли, - хаёлдан ўтказди Гарри.

У ёнидан ўтаётган вокзал ходимига мурожаат қилди-ю, ундан тўққиз бутун тўртдан учинчи платформа ҳақида сўрашга ботина олмай, «Хогварц»га борадиган поезд ҳақида сўради. Вокзал ходими бундай жойни билмаслигини айтиб, «Хогварц»нинг қаердалигини сўради. «Хогварц» дунёнинг қайси томонида жойлашгани ҳақидаги саволига жавоб олмаган ходим, бола атайин ўзини аҳмоқликка солаётган деб билиб, асабийлаша бошлади. Ниҳоят, умидсизликка тушган Гарри соат ўн бир-у ноль-нолда жўнайдиган поезд ҳақида сўради. Аммо вокзал ходими бу вақтда жўнайдиган поезд ҳам йўқлигини маълум қилди ва унинг қимматли вақтини олиб, ишлашига халал берадиган бемаъни йўловчилар кўпайиб кетгани ҳақида вайсаганча, нари кетди. Гарри имкон қадар саросимага тушмасликка уринди. Табло устига маҳкамланган катта соат «Хогварц»га жўнайдиган поездни қидириб топиш учун ҳали ўн дақиқа борлигини кўрсатиб турибди. Бирок у, платформани қандай қилиб, қаердан қидиришни билмайди. У базўр қўтара оладиган сандиқ, ҳамёни тўла сеҳргарлар пули ва қафасга қамалган бойқуш билан платформа ўртасида телбанамо туриб қолди.

- Диагон хиёбонига кириш учун учинчи ғиштни тақиллатиш керак эди, - хаёлдан ўтказди Гарри, - Чамаси Хагрид шунга ўхшаш бирор-бир муҳим гапни айтиб қўйишни унутган.

У сеҳрли таёқчани қўлга олиб, тўққизинчи ва ўнинчи платформа ўртасидаги, чипта текширувчи ходимнинг будкаси ёнида турган устунга уриб кўриш ҳақида ўйлади. Айни шу фурсатда орқа томонда ўтаётган қандайдир аёлнинг узук-юлуқ гаплари қулоғига чалиниб қолди.

- Албатта ҳамма ёқ маглар билан тўлиб-тошган...

- Маглар?... - деди Гарри, кескин ўгирилиб.

Бу овоз, кўзни қамаштириб юборадиган даражада малла соч тўрт нафар бола орасида халлослаб келаётган тўладан келган аёл овози экан. Болаларнинг ҳар бири биттадан, худди Гаррининг сандиғига ўхшаш сандиқ жойланган арава суриб келишмоқда. Ёши каттароқ боланинг аравасида эса қафасга қамалган бойқуш ҳам бор.

Юраги талвасаланиб ура бошлаган Гарри, ушбу оила изидан эргашди. Бирдан она-болалар таққа тўхташди. Гарри ҳам, уларнинг суҳбатлари эшитиладиган масофага яқин бориб, тўхтади.

- Хўш, нечанчи платформа экан? - сўради она болаларидан.

- Тўққиз бутун тўртдан учинчи! - чийиллади онасининг қўлини ушлаб турган малла сочли қизалок, - Ойи мен бошлай...

- Сен ҳали ёшсан Жинна, илтимос бир пас тек тур. Хўш, Перси, сен бошла. Кўринишидан қолган болаларга нисбатан ёши каттароқ бола тўққизинчи ва ўнинчи платформалар томон илдам қадам босди. Гарри, бирор-бир муҳим нарсани ўтказиб юбормасликка уринганча, имкон қадар кўзини юммасдан бола ҳаракатини кузатиб турди. Бироқ бола иккита платформани бўлиб турган тўсиқ олдига яқин келган эди ҳам-ки, дафъатан пайдо бўлган сайёҳлар тўдаси Гарри кузатиб турган майдонни тўсиб қўйди. Юк халта осиб олган сўнгги сайёҳ нари кетган фурсатда эса бола кўздан ғойиб бўлибди.

- Фред, сенинг галинг, - деди тўладан келган аёл.

- Мен Фред эмас, Жоржман, - деди бола ўпка қилиб. - Ахволингиз шу экан-у, хоним, онангман дейишга қандай журъат этасиз, а?! Жоржлигимни кўрмайсиз-ми?

- Узр, Жоржи, болагинам.

- Ҳазиллашдим ойижон, мен Фредман.

Унинг эгизи ҳаракатни жадаллаштириш кераклигини эслатиб, бақариб берди. Фред шундай қилди ҳам чамаси, хаёл ўтмай кўздан ғойиб бўлди. Бироқ у қаёққа ва қандай қилиб гум бўлганини Гарри сезмай қолди. Тўсиққа яқин келган учинчи бола ҳам, фурсат ўтмай, кўз илғамаган тарзда ғойиб бўлди.

Бўлди, томоша тугади.

- Маъзур сананг, - мурожаат қилди Гарри тўладан келган аёлга.

- Салом, ёқимтой, - самимий алик қайтарди аёл, - «Хогварц»га биринчи бор кетишинг-ми, дейман? Рон ҳам энди кетяпти, - деди у, сўнгги ўғил болага имо қилиб.

Гарри қаршисида турган новча бўйли, озгин, юзига сепкил босган, оёқ-қўли узун, бурни катта бесўнақай болага бош ирғиб қўйди.

- Ҳа, - жавоб қайтарди у, - Биласизми, мен... Қандай қилиб...

- Платформага қай тарзда чиқиш керак? - хайрихоҳлик билан саволни ифодалашга ёрдам бериб юборди аёл.

Гарри бош ирғиди.

- Ҳаяжонланма, - тинчлантирди у, - Тўққизинчи ва ўнинчи платформалар орасида кўриниб турган тўсиқ томон тўғри юриб борсанг, бас. Платформага чиқиб қоласан. Энг муҳими тўхтамасанг ва тўсиққа урилиб кетишдан қўрқмасанг бўлгани. Агар асабийлашаётган бўлсанг югуриб, тезлик олганинг маъқул. Қани бўлақол, Роннинг олдига туш.

- А... Ҳа... яхши, - тез рози бўла қолди Гарри, аравасини темир тўсиқ томон суриб.

Бола тўсиқ қаршисига туриб олди. Тўққизинчи ва ўнинчи платформа томон ошиқаётган одамлар уни туртиб ўтишмоқда. Гарри қадамини тезлатди. Ҳозир у тўсиққа бориб урилса борми, ана бўлади томоша. У эгилиб олди-да, аравасини югурганча сура кетди. Тўсиққа қадар қолган масофа борган сари қисқариб бормоқда. Бошқариб бўлмас даражада тезлик олган аравасини маҳкам ушлаб олган Гарри энди ўзини тўхтата олмади. У кўзини чирт юмиб, зарбага ҳозирланди...

Бироқ... аварияга дуч келмай, югуришини давом этаётганини сезган Гарри кўзини очиб, одам босиб кетган платформа ёнида турган тўқ қизил паровозни кўрди.

Паровоз устига осиб қўйилган эълонга эса «Хогварц-Экспресс, ўн бир-у ноль-нол» сўзлари битилган. Гарри орқага ўгирилиб, темир тўсиқ ўрнида устига «9¾» рақами қоқилган аркани кўрди. Мана, ниҳоят рўй берди!

Платформада жонли суҳбат кураётган одамлар боши узра тутун ёйилиб кетган. Оёк остида эса ранг-баранг мушуклар ўралашмоқда. Одамлар тўдасининг шовқини ва сандиқлар гичирлаганидан норози бойқушлар гурсиллаб ўзаро суҳбат қуришмоқда.

Дастлабки бир нечта вагон ўқувчиларга тўлиб бўлган. Улардан айримлари оила аъзолари билан хайрлашиш учун вагон деразасидан бош чиқариб олишган бўлса, баъзилари яхши ўрин талашишмоқда. Гарри бўш купе кидириб, аравасини платформа бўйлаб судраб борди.

Аллақандай кулчаюз бола алланарса қидирмоқда.

- Буви, яна йўқотиб қўйдим.

- Э Худойим, Невилль! - хўрсинди кекса бир аёл.

Қўлига кичкина сандиқ ушлаб олган болақайни бир тўп болалар ўраб олган.

- Бир кўрайлик, Ли, йўқ демагин, илтимос!

Болақай қопқокни очган эди ҳам-ки, сандиқ ичидан тук босган узун панжа чиқди.

Буни кўрган халойиқ чинкириб юборди.

Гарри одамлар тўдаси орасида базўр юриб, ниҳоят поезднинг энг охири вагонидан бўш купе топди. Дастлаб Хедвигни олиб кирди, шундан сўнг, сандиғи билан овора бўлди. У вагон зинапоясидан олиб киришга уринган сандиқни икки маротаба оёғига йиқитиб, жонини оғритиб олди.

- Ёрдам керакми?

Бу тўққизинчи ва ўнинчи платформалар орасидаги тўсик аро ўтаётганида изларидан борган малла соч эгизаклардан бири экан.

- Ҳа, илтимос, агар малол келмаса, албатта, - халлослади Гарри.

- Эй, Фред! Бу ёққа кел, ёрдамлашиб юбор!

Гаррининг сандиғи эгизакларнинг ёрдами ила купе бурчагига киритилди.

- Катта раҳмат, - миннатдорлик билдирди Гарри, терлаганидан нам бўлиб, кўзини тўсиб қўйган сочини йиғиштирар экан.

- Мана бу нима? - қутилмаганда сўраб қолди эгизаклардан бири, Гаррининг пешонасидаги яшин шаклига ўхшаш чандиқни кўрсатиб

- Жин урсин! - хитоб қилиб юборди иккинчиси, - Демак сен...

- Бу ўша, - деди биринчиси, - Шундайми? - сўради у Гарридан.

- Ким? - тушунмади Гарри.

- Гарри Поттер, - баралла жавоб қайтаришди эгизаклар.

- А уми, ҳа, ўша, - деди Гарри, - Яъни мен.

Болалар Гаррига бақрайиб қолишди, Гарри эса хижолатдан кизара бошлади. Унинг бахтига купенинг очик эшигидан овоз эшитилди:

- Фред? Жорж? Шу ердამисизлар?

- Ойи, биз шу ердамиз!

Яна бир бор қараб қўйган эгизаклар вагондан платформага сакраб тушишди.

Гарри купе деразаси ёнига ўтириб олганча, платформадаги малла соч оилани кузатиб, суҳбатини эшитиб ўтирди.

- Рон, бурнинг кир бўлибди, - деди уларнинг ойиси дастрўмолни қўлига олиб.

Кенжа ўғил онасининг қўлидан чиқиб кетишга уринди-ю, уддалай олмади. Онаси уни маҳкам тутиб олиб, бурнининг учидаги доғни тозалашга киришиб кетди.

- Қўйиб юборинг, ойи!

Рон онасининг чангалидан бир илож қилиб чиқиб олди.

- Ҳа-а-а, сичқонча Лоннининг бурни устида бир нарса бор! - хиргойи-мазах қилди эгизаклардан бири.

- Овозингни ўчир! - деди Рон.

- Перси қани? - сўради онаси.

- Ана, келяпти.

Уларнинг ёнига башанг қадам ташлаб келаётган катта ёшли бола яқинлашди. У эгнига «Хогварц» ўқувчисининг ҳашаматли қора кийимини кийиб олишга улгурган бўлиб, кўкрагида «С» ҳарфи битилган қумуш нишон ялтирамоқда.

- Мен бу ерда узок қола олмайман ойи, - деди яқин келган бола, - Поезд бошида менга ўхшаган синфбошилар учун иккита алоҳида купе ажратилган...

- Ҳа-я, сен синфбоши эдинг, а, Перси? - хитоб қилди эгизаклардан бири, роса махлиё бўлиб қолган сохта қиёфа ясаб, - Илгарироқ айтиб қўйишинг керак эди-да, бизнинг ақлимиз етмаса.

- Тўхта, эсимга тушди, - деди эгизаклардан бошқа бири, - Чамаси, Перси бу ҳақда бир маротаба эслатиб ўтгандай бўлди шекилли...

- Ёки икки маротаба ..

- Бир дақиқа давомидамией...

- Бутун ёз бўйи...

- Э Худо, овозларингни ўчирсаларинг-чи, - қўлини силтади синфбоши Перси.

- Нима учун Персининг мактаб кийими янги? - тийилиб тура олмади эгизаклардан бири.

- Чунки у синфбоши, - ғурур-ла жавоб қайтарди она, - Хўп, майли, ёқимтойим Перси, яхши ўқигин. Етиб боришларинг билан бойкуш йўллашни унутма. Онасининг ўпичини олган Перси нари кетди. Шундан сўнг, она эгизакларга юзланди.

- Хўш, сиз, икковлон. Бу йилги хулқингиз намунали бўлиши шарт, тушундингизми? Агар мен бу йил ҳам ҳожатхона-ми ёки шунга ўхшаш бирор бошқа жойними портлатиб юборганларинг ҳақида хабар олгудай бўлсам...

- Ҳожатхона? Биз ҳозирча ҳожатхона портлатганимиз йўқ!

- Бироқ ойи, ажойиб ғоя бердингиз, менга ёқди!

- Ҳеч ҳам кулгили эмас-да. Ронга қараб юринглар.

- Хижолат бўлманг ойи, биз бор эканмиз, сичқонча Ронникинга ҳеч нарса бўлмайди.

- Ўчирларинг, - боз тўнғиллади Рон.

Унинг бўйи эгизакларнинг бўйи билан деярли тенг бўлиб, бурнидаги доғ халигача ялтираб турибди.

- Ҳа, айтгандай, ойи, биласизми поездда кимни учратдик?

Гарри, уларни кузатиб турганини сезиб қолишмаслиги учун тез ўзини деразадан нари тортди.

- Вокзалда, ёнимизда турган қора соч бола кимлигини биласизми? Қани топингчи?!

- Хўш, ким экан?

- Гарри Поттер!

Шу заҳоти қизалоқнинг овози эшитилди.

- Ойи, поездга чиқиб, Гаррини кўриб келсам майлими? Илтимос!...

- Вокзалда кўрдинг-ку, Жинна. Бунинг устига бечора бола хайвонот боғидаги фил эмас, томоша қилгани. Бу аниқ Гарри Поттер-ми, Фред? Қандай танидинг?

- Исмини сўрадим. Бунинг устига пешонасида чандик бор. Ҳақиқатан ҳам яшин зигзагига ўхшаб кетар экан.

- Бечора бола. Ёлғизлигини кўриб ҳайрон бўлган эдим-а. Платформага қандай кириб бориш кераклигини сўраб, намоён этган хушмуомалалигини айтмайсиз-ми.

- Нима деб ўйлайсиз, Ўзингиз-Биласиз-Кимнинг қиёфасини эслай олармикан?

- Бу ҳақда сўрашни ман этаман! Уқдинг-ми, Фред? - деди қутилмаганда онаси жиддий тус олган онаси, - Ҳаёлингга ҳам келтирма. Мактабдаги ҳаётининг биринчи кунда бундай мудҳиш нарсаларни эсига солишнинг асло ҳожати йўқ!

- Уқдим, сўрамайман.

Хуштак чалинди.

- Қани, тез бўлинглар!

Шу заҳоти учала бола вагон зинасига тармашиб қолишди. Улар оналари ўпиб

олиши учун вагон деразасидан бош чиқаришди. Кенжа сингилча эса йиғлаб қолди.

- Йиғлама, Жинна, биз сенга бойқушларнинг бир галасини юборамиз!

- Унитаз қопқоғини ҳам.

- Жорж!

- Ҳазиллашдим ойи.

Поезд кўзгалди. Гарри малла соч болаларнинг онаси қўл силтаб қолганлиги, сингилчалари эса бир вақтнинг ўзида ҳам йиғлаб, ҳам кулганича, поезд билан теппа-тенг югуришга ҳаракат қилгани, поезд етарлича тезлик олгач, қизалок йиқилиб тушгани, бироқ шунда ҳам ерда ётиб қўл силтаганини кузатиб турди. Поезд муюлиш ортига ўтгач, қузатувчилар кўринмай қолди. Вагон деразасининг рўпарасидан лип-лип этиб ўтаётган уйлар кўринди. Гаррининг вужудини ҳаёжон камраб олди. Олдинда уни нималар кутаётганини тасаввур ҳам қила олмади. Бироқ нима бўлганда ҳам, тарк этиб кетаётган ҳаёт тарзига нисбатан анча яхши ҳаёт кутаётганига ишончи комил эди.

Купе эшиги очилиб, кенжа малла кириб келди.

- Мана бу жой бўшми? - сўради у, Гаррининг қаршисидаги жойга имо қилиб, - Қолган жойлар банд экан.

Гарри бош ирғигач, бола ичкарига кириб ўтирди. У Гаррига тез қараб қўйди-да, шу заҳоти, гўё умуман эътибор қаратмаган бўлиб, бурнидаги қора доғ ҳалигача ялтираб турган юзини дераза томон бурди.

- Салом, Рон, - эшитилди эгизаклардан бирининг овози, - Биз поезднинг ўртасида бўламиз. У ерда Ли Жордан ўзи билан олиб кетаётган баҳайбат ўргимчак бийини кўрсатяпти.

- Яхши, - пўнғиллади Рон.

- Гарри, - деди эгизаклардан бири, - Ўзимизни таништирмабмиз-ку. Фред ва Жорж Уэсли. Бу эса Рон, укамиз бўлади. Кўришгунча.

- Кўришгунча! - хайрлашди Рон билан Гарри.

Купе эшиги сирпаниб, эгизакларни тўсганча, ўз жойига ўрнашиб, ёпилди.

- Сен ростдан ҳам Гарри Поттермисан? - оғзидан чиқиб кетди Роннинг.

Гарри бош ирғиди.

- А... Яхши. Мен эса бу гап акаларимнинг навбатдаги ҳазили бўлса керак деб ўйлабман, - сўнг бармоғини Гаррининг пешонасига ўқтади-да, - Ҳақиқатан ҳам пешонангда...

Гарри пешонасидаги соч тутамини четга тортиб, чандиғини кўрсатди. Рон Гаррининг яшин шаклидаги чандиғига тикилиб қолди.

- Бу Ўзинг-Биласан-Кимнинг қилган ишими?...

- Ҳа, - бош ирғиди Гарри, - Аммо мен ўша кунни эслай олмайман.

- Умуман эсингда йўқми?

- Қандайдир ёрқин яшил ранг ёруғлик эсимда, албатта. Бироқ бошқа нарсани эслай олмайман.

- Ўху! - у муайян вақт Гаррига термилиб ўтирди ва хушини йиғиб олиб, тез дераза томон ўгирилиб олди.

- Оилаларинг сеҳргарлар оиласими? - сўради Гарри.

- М-м-м... билишимча шундай. Онамнинг сеҳргар бўлмаган, ҳисобчи бўлиб ишлайдиган қандайдир амакиваччаси бор, албатта. Лекин биз у ҳақда деярли гапирмаймиз.

Уэслилар оиласи Диагон хиёбонидаги рангпар бола тилга олган оилалардан бири эканлиги аён бўлди.

- Анча вақтдан буён сеҳргарлик қилиб келсанг керак, а?

- Айтишларига қараганда сени маглар тарбиялашган эмиш, улар қанақа бўлишади?

- сўраб колди Рон.

- Жуда ёмон бўлишади. Хаммаси ҳам эмас, албатта. Бироқ холам, амаким ва холаваччам жуда ёмон маглардан. Ундан кўра учта сеҳргар акам бўлгани афзал эди.

- Бешта, - кутилмаганда маънос тортди Рон, Гаррининг шамали гапини тўғрилаб, - Мен оилада «Хогварц»да ўқийдиган олтинчи бола бўламан. Эхтимол кимдир, айти шу сабабли мен интилишим керак бўлган марралар бор деб ўйлаши мумкин. Билл билан Чарли мактабни илгари тамомлашган. Билл мактабнинг энг ибратли ўқувчиси, Чарли эса квидиш жамоасининг сардори бўлган, Персини коллежнинг синфбошиси этиб тайинлашди. Фред билан Жорж безорилик қилишгани билан бахолари яхши. Кўпчиликнинг фикрига кўра, улар жуда кизик болалар эмиш. Мен эса акаларимдан қолишмаслигим шарт. Хўп, агар мен улардан қолишмай зўр ўқиганимда ҳам бунинг хайрон бўладиган жойи бўлмайди. Негаки, акаларим эришиш керак бўлган барча марраларни забт этиб бўлишган. Яна шундай бир салбий жиҳати ҳам борки, агар шунча аканг бўлса, ҳеч қачон бирор-бир янги нарсага эга бўла олмайсан. Мана масалан, мен киядиган мактаб кийимини бир вақтлар Билл кийиб эскиртган, сеҳрли таёқчам Чарлиники, каламуш эса Персиники. Рон қўлини чўнтагига солиб, донг қотиб ухлаётган семиз каламуш чиқарди.

- Унинг лақаби Қасмоқ. Бирор-бир наф келтирмайди ҳам, деярли уйғонмайди ҳам. Ухлагани-ухлаган. Синфбоши этиб тайинлангани учун дадам Персига бойқуш ҳадя этди. Шундан сўнг, каранг-ки, каламуш сохиби бўлиш у кишига ярашмай колди... Хуллас Қасмоқ энди менга ўтди.

Роннинг қулоғи қизариб кетди. Ортикча гапириб юборганини сезди шекилли, яна дераза томон ўгирилиб олди.

Гарри, ота-онанинг бойқуш харид қилиб олишга имкони бўлмаганлигини асло уят деб топмаслигини, ўтган сўнгги ойни ҳисобга олмаганда, унда ҳам ҳеч қачон ва ҳеч қанча пул бўлмаганлигини, бир умр Дудлининг эски кийимини кийиб катта бўлганлигини, туғилган кунига эса ҳеч ким, ҳеч қачон ва ҳеч нарса совға қилмаганлигини Ронга айтиб берди.

- ... Хагрид пайдо бўлгунга қадар мен дунё беҳабар бўлиб, умуман ҳеч нарса билмай келдим. Сеҳргар эканлигимни ҳам, ота-онам ҳақида ҳам, Вольдемо...

Бирдан Рон хайратланиб кетди.

- Ҳа, нима бўлди? - тушунмай сўради Гарри.

- Ўзинг-Биласан-Кимнинг исмини айтдинг! - хитоб қилиб юборди Рон, бир вақтнинг ўзида ҳам даҳшатга тушиб, ҳам хайратланиб, - Мен доимо ўйлардим-ки, ким кўркмаса ҳам сен кўркишинг...

- Йўк, мен мард эканлигимни кўрсатмоқчи эмасман, асло, - ўзини оқлади Гарри, - Унинг исмини айтиш мумкин эмаслигини билмайман холос. Нима демоқчи бўлганимни тушуняпсан-ми? Мен билиб қўйишим керак бўлган нарсалар хали жуда кўпга ўхшайди... Гаров ўйнашим мумкинки... - шунча вақтдан буён қалбини қийнаб юрган масалани биринчи бор тилга олиб, журъатсизлик-ла иқрор бўлди Гарри, - Гаров ўйнашим мумкинки, мен синфда энг қоқоқ ўқувчи бўлиб ўқисам керак.

- Ҳеч ҳам-да. Мактабда маглар оиласидан чиққан, ўзлаштириш масаласида бошқалардан ҳеч қолишмайдиган жуда кўп болалар ўқишади.

Улар танишиб, суҳбат қуриб кетишаётган поезд Лондондан анча узоқлашиб кетди. Энди деразадан бепоён яйловлар, уларда ўтлаб юрган сон-саноксиз мол-қўй подалари кўринмоқда. Болалар ташқаридаги манзарани томоша қилишганча, бир оз сукут сақлаб боришди.

Ўн икки яримга яқин эшик ортида тақир-тукур товуш эшитилди ва фурсат ўтгач, купега лунжи чуқурчали кулимсираган чиройли аёл бош суқиб:

- Бирон-бир егулик харид киласизларми, болакайлар? - деб сўради.  
 Бугун нонушта қилмаган Гарри шу захоти ўрнидан ирғиб турди. Роннинг эса қулоғи яна қизариб, ўзи билан бутерброд олиб келганлиги ҳақида алланарса деб пўнғиллади. Гарри йўлакка чиқди.  
 Дурсларникида яшар экан, ёнида бирор-бир ширинлик ёки музқаймоқ харид қилиб олиш учун ҳеч қачон пули бўлмаган. Энди эса чўнтаги тилла ва кумушга тўла бўлиб, аравачада нечта «Марс» шоколади бўлса, ҳаммасини сотиб олишга тайёр. Бироқ сотувчи аёлда «Марс» йўк, лекин аравачасида барча таъмларни ўзига мужассам этган Берти Ботт ёнғоклари, Друблиснинг портловчи сақичи, шокобакалар (шоколад бакалар), қовоқ печеньелари, тортеликалар, сеҳрли қизилмия таёқчалар ва шу каби Гарри ҳаётида умуман кўрмаган ғаройиб нарсалар бор экан. Бирор-бир қизик нарсадан беҳабар қолмаслик учун у ҳамма нарсадан оздан харид қилиб, сотувчи аёлга ўн бир кумуш склат ва етти бронза нут тўлади. Буларнинг барини купега олиб кириб, бўш ўриндикка тўқди. Рон ҳайрон.

- Шунчалик оч қолдинг-ми?

- Ўларча, - иқрор бўлди Гарри, қовоқ печеньеинг йирик бўлагини тишлаб олиб. Рон сандиғидан тўртта бутерброд ўралган лўппи тугунчани олди.

- Тузланган гўштни ҳуш кўрмаслигимни ойим ёдидан чиқаргани чиқарган эканда, - норози оҳангда пўнғиллади у, бир бутербродни иккинчисидан ажратар экан

- Кел алиштирамиз, - таклиф киритди Гарри, қовоқ печеньега имо қилиб, - Розимисан...

- Сенга ёкмайди, тузланган гўшт жуда қуруқ бўлади, - деди Рон, - Ойимнинг ҳеч вақти йўк, - кўшиб қўйди у шоша-пиша, - Ҳар қалай беш нафар боласи бор...

- Тортинма, ола қол, - далда берди Гарри.

У ҳаётида ҳали ҳеч ким билан бирор нарсани бўлишиб емаган. Очиғини айтганда бўлишиб ейдиган одамнинг ўзи бўлмаган. Шунинг учун бўлса керак, бутербродлар бир четда қолиб, Рон билан қовоқ печенье, тортелика ва конфетларни биргалиқда баҳам кўриш унга қандайдир хузур бахш этди.

- Мана бу нима? Умид қиламан-ки, ҳақиқий бақа бўлмаса керак? - сўради ҳақиқий бўлганда ҳам ажабланмаслигини билган Гарри, шокобақа дастасини қўлига олиб.

- Йўк, - жавоб қайтарди Рон, - Фақат қараб қўйчи, кимнинг сурати бор экан. Менга Агриппанинг сурати етишмайди.

- Нима?

- Ҳа-я, сен бунақа нарсалардан беҳабарлигинг ёдимда йўк. Шокобақа дастасининг ичида доимо кимнингдир сурати бўлади. Тушуняпсан-ми? Ҳар бир даста ичидан машҳур сеҳргар ва афсунгарлардан бирининг сурати чиқади. Одатда, уларни болалар йиғиб юришади. Мен беш юзга яқин сурат йиғганман. Фақат Агриппа билан Птолемейнинг суратлари етишмаяпти.

Гарри шокобақа дастасини очиб, кумуш сочи, соқол ва мўйлови шабадада хилпираб турган, ярим ой шаклидаги кўзойнак тақиб олган, остида «Альбус Дамблдор» ёзуви битилган кишининг суратини чиқарди.

- Дамблдор деганлари шу эканда!

- Фақат Дамблдор ҳақида ҳеч нарса эшитганим йўк дема! - деди Рон, - Битта шокобақа олсам майлими? Агриппанинг расми чиқиб қолар... Раҳмат...

Гарри суратни ўгириб, орқасидаги ёзувни ўқиди:

*Альбус Дамблдор*

*Бугунги кунда «Хогварц» мактабининг директори.*

*Аксарият донгдор афсунгарлар томонидан замонамизнинг буюк сеҳрлари деб эътироф этилган афсунгар. Дамблдор 1945 йили ёвуз сеҳргар Гриндельвальд*



устидан ғалаба қозонгани, аждар қонидан фойдаланишининг ўн иккита усулини ихтиро қилгани, шунингдек, Николас Фламель билан биргаликда алхимё соҳасида олиб борган ишлари ила алоҳида шуҳрат қозонган. Профессор Дамблдор камерний муסיқа мухлиси бўлиб, кегли ўйини ишқивозидир. (**Камерний муסיқа - муסיқачиларнинг кам сонли жамоаси томонидан ижро этиладиган муסיқа**)

Гарри суратнинг олд томонини ўгирди. Дамблдорнинг расми йўқолиб қолганлигидан хайратланиб:

- Кетиб қолибди! - деб юборди.

- Қуни билан сенга қараб ўтирмайди-ку! Ташвиш тортма, қайтади. Қара, яна Морган чикди. Менда унинг олти дона сурати йиғилиб қолган. Сенга керакми? Шу бугундан эътиборан коллекция йиғишни бошлашинг мумкин. - деди Рон, хали очилмаган шокобақа дасталарига қараб.

- Ол, ола қол, - бош ирғиди Гарри, - Магларнинг суратларидаги одамлар ҳеч қаерга кетиб қолмаслигини биласанми?

- Чинданми? Ҳеч қачон кетиб қолмайди-ми? - хайратланди Рон, - Жуда ғалати-ку! Дамблдор суратга қайтиб келиб, қулиб қуйганини кўрган Гарри хайратдан қотиб қолди. Ронга ҳар хил машҳур сеҳргар ва афсунгарларнинг суратини томоша қилгандан кўра, шокобақаларни еб ўтириш қизикроқ туюлди. Гарри эса расмлардан кўзини уза олмади. Кўп ўтмай у нафақат Дамблдор билан Морган суратлари, балки Ченгист Вудкрофт, Альберик Груннион, Цирцей, Парацельс ва Мерлин расмларининг соҳиби бўлди. Ниҳоят у бурнини қашиб турган дуохон-табиб Клиодна суратидан кўзини узиб, барча таъмларни ўзига мужассам этган Берти Ботт ёнғокларининг қоғоз халтасини очди.

- Эҳтиёт бўл, - огоҳлантирди Рон, - Буниси энди ҳазил эмас, улар ҳақиқатан ҳам ҳар хил таъмли бўлади. Оддий ширинлик, мисол учун шоколад ёки ялпиз ёхуд мармелад таъмли бўлиши, бироқ исмалоқ, жигар ва ичак-чавоқ таъмли ёнғоклар ҳам дуч келиб қолиши мумкин. Жорж қасам ичиб айтишича, кунлардан бир кун унга манка таъмли ёнғок дуч келибди эмиш.

Рон яшил рангли ёнғокни кўлига олиб, шубҳа билан қараб чикди-да, бир бўлагини тишлаб кўриб:

- Эҳ... Мана кўрдинг-ми? Сарсабил таъми, - деди.

Барча таъмли ёнғокларни истеъмол қилиш жуда қувноқ ўйинга ўхшаб кетди. Гарри пишлоқли бутерброд, кокос, қовурилган ловия, қулупнай, ёввойи ўт, кофе, сардина балик таъмига дуч келди. Охири унинг мардлиги тутиб, Рон воз кечган ғалати қул ранг ёнғокни тишлаб кўришга аҳд қилди ва аччиқ қалампирга рўбару бўлди.

Яйловлар ортда қолиб, деразадан, киши қадами етмаган қалин ўрмонлар, илон изи дарёлар ва тўқ яшил дўнгликлар манзараси кўрина бошланди.

Эшик тақиллаб, купега йиғлаб юборгудай ахволда тўққиз бутун тўртдан учинчи платформада кўринган қулчаюз бола кириб келди.

- Кечирасиз, қурбақамни кўрмадингиз-ми, мабодо?

Рон билан Гарри баробар бош силташди.

- Мен уни йўқотиб қўйдим! У доимо қочиб кетяпти! - ҳиқиллади бола.

- Топилади, - юпатган бўлди Гарри.

- Умид қиламан. Агар кўриб қолсангиз... - базўр овоз чиқарди нари кетган бола.

- Мунча хижолат чекмаса, - қошини чимир Рон, - Агар менда қурбақа бўлганида борми, уни имкон қадар тезроқ йўқотиб қўйишга ҳаракат қилган бўлар эдим. Ундай десам ўзимда ҳам Қасмоқ бор.

Каламуш Роннинг тиззасида тарашадай қотиб ётибди.

- Унинг ўлик-тириклигини фарқлаб бўлмайди, - жирканди Рон, - Кеча, сал бўлса

хам кизикроқ кўринсин деб, юнг қопламасига сарик тус беришга уриндим, лекин афсун кор бермади. Мана кара, ҳозир кўрсатаман...

У сандигини титкилаб роса эскириб, тимдаланиб кетган, учида нимадир оқариб кўринаётган сеҳрли таёқчасини чиқарди.

- Яккашоҳ нарвалнинг туки чикиб қолибди. Майли, ҳозир бунинг аҳамияти йўқ. У таёқчасини эндигина кўтарган эди ҳам-ки, купенинг эшиги очилиб, яна ўша, бақасини йўқотиб қўйган бола, фақат бу сафар «Хогварц» кийимини кийиб олган кизалоқ билан бирга кириб келди.

- Қурбақа кўрмадиларингми? Невилль йўқотиб қўйибди, - деди сочи кизғиш-кўнғир, олд тишлари йирик кизалоқ, тўраларга хос оҳангда.

- Айтдик-ку, кўрмадик деб, - бир оз аччикланди Рон.

Бирок кизалоқ Роннинг кўлидаги таёқчани кўриб қолиб, гапига эътибор қаратмади.

- Ҳа, афсун билан бандмиз денг? Қани кўрайлик-чи, - деди у, астойдил ўтириб олиб. Рон бир оз гангиб қолди.

- Хўп... майли, - деди у ва томоғини кириб олди-да:

*Дасторгул-у, гуручдан сиқим бир,  
Аҳмоқ каламуш, сарик тусга кир!*

деганча таёқчасини силтади. Бирок ҳеч нарса рўй бермади. Кул ранг Қасмоқ пинагини бузмай, ранги ўзгармай ухлаб ётибди.

- Ўқиганинг чиндан ҳам афсун эканлигига ишончинг комилми? - сўраб қолди киз, - Нима қилганда ҳам яхши афсун эмас экан. Мен бир нечта содда афсунларни ўқиб кўрганман. Ҳаммаси кўнгилдагидай ўтди. Оиламизда ҳеч ким афсун билан шуғулланмайди. Менга хат келгани ҳамма учун жуда ғалати кутилмаган совга бўлди. Мен шундай бахтиёр, шундай бахтиёр ҳис этдимки ўзимни, ўзингиз тушунаси. Ахир бу, айтишларига қараганда, афсунгарлик санъати бўйича энг зўр мактаб-ку! Мен харид қилиб олинган дарсликларнинг ҳаммасини ёд олдим. Умид қиламан-ки, шунинг ўзи кифоя бўлади. Ҳа, айтгандай, менинг исмиим Гермiona Грэнжер, сизларнинг исмларингиз-чи?

Кизалоқ ушбу сўзларнинг барчасини бир нафасда айта олди.

Гарри Роннинг ханг-манг бўлиб қолган башарасига қараб, у ҳам дарсликларни тўла-тўқис ёд олмаганлигига ишонч ҳосил қилгач, ўзини енгил тортиди.

- Мен Рон Уэслиман, - пўнғиллади Рон.

- Гарри Поттер, - ўзини таништирди Гарри.

- Шундайми?! - завкланиб кетди Гермiona, - Сен ҳақингда бор гапдан хабардорман.

Ўқиш учун қўшимча адабиёт сифатида бир қатор китобларим, жумладан «Замонавий сеҳргарлик тарихи», «Ёвуз кучлар равнақи ва барҳам топиши» ҳамда «Йигирманчи асрнинг буюк сеҳргарликлари» деб номланган, сен ҳақингда ҳам маълумотлар келтирилган китобларим бор.

- Наҳотки? – хайрат-ла сўради Гарри, бундай сўзлардан боши айланиб.

- Э Худойим, чиндан ҳам энди эшитяпсан-ми? Агар бу гаплар менга тааллуқли бўлганида борми, икир-чикиригача суриштириб олган бўлар эдим. Қайси коллежда ўқишларингни биласизлар-ми? Шахсан мен ўзим ҳақимда сўраб билдим. Умид қиламан-ки, «Гриффиндор»га қабул қилишади мени. Айтишларига қараганда, энг зўр факультет «Гриффиндор» экан. Дамблдор ҳам шу коллежни тамомлаган эмиш. Фикримча, «Равенкло» ҳам ёмон эмас... Нима қилганда ҳам ҳозир Невиллнинг бақасини топиш керак. Сиз икковингиз эса кийининг. Менинг ҳисоб-китобларимга кўра, яқин орада манзилга етиб борамиз.

У қурбақасини йўқотиб қўйган болани олдига солганича, купедан чикиб кетди.

- Қайси коллежда ўқишимни билмайман-у, иш қилиб, шу қиз ўқийдиган факультетга тушиб қолмасам бўлгани, - вайсади Рон, таёқчасини сандикка улоқтириб, - Ахмоқона афсун. Уни менга Жорж ўргатган эди. Бошимни кундага кўйиб айтишим мумкинки, бу афсун эмас, қандайдир бемаънилик!

- Акаларинг қайси коллежда ўқишади? - сўради Гарри.

- «Гриффиндор»да, - жавоб қайтарди Рон ва яна тумшайиб олди, - Ота-онам ҳам ўша факультетни тамомлашган. Агар мени бошқа коллежга қабул қилишса, қандай хаёлга боришларини билмайман. Умид қиламанки, «Равенкло»га тушиб қолмасам керак. Агар «Слизерин»га қабул қилишса, нима бўлишини тасаввур қилиб кўр.

- Бу ўша Воль... яъни Ўзинг-Биласан-Ким тамомлаган коллежми?

- Ҳа, - ўзини курсига ташлади Рон, тушкунликка тушган қиёфа ила тасдиқлаб.

- Назаримда, Қасмоқнинг мўйлови сал оқарган кўринади, - ўртоғига далда берган бўлди Гарри, - Катта акаларинг нима билан шуғулланишади?

Мактабни тамомлаган сеҳргарлар нима иш қилиши Гаррига қизиқ бўлди.

- Чарли Руминияда, аждар зотларини ўрганиб юрибди. Билл эса Африкада, «Гринготтс» ишлари билан банд. «Гринготтс» ҳақидаги янгиликни эшитдинг-ми? «Башорат-у, каромат газетаси»да ёзишган эди. Маглар бундай газетага обуна бўлишмаса керак... Кимдир махсус бўлмани тунашга уринган эмиш.

Гаррининг кўзи катталашиб кетди.

- Чинданми? Хўш? Ўғриларга нима қилибди?

- Ҳамма гап шунда-да. Уларга ҳеч нарса бўлмабди. Ўғриларни ҳеч ким тута олмабди. Шу боис ҳам тўс-тўполон кўтарилган. Дадамнинг сўзларига қараганда, «Гринготтс» банкининг қўриқлаш хизматини алдаб ўтиш фақат қудратли ёвуз сеҳргарнинг қўлидан келар экан. Миш-миш гапларга қараганда банкдан ҳеч нарса ўғирланмаган. Бу жуда ғалати ҳолат. Биласанми, ўхшаш ҳодисалар содир бўлиши ҳамоно, иттифоқо бу ишлар Ўзинг-Биласан-Кимнинг ҳунари эмасмикан, деб ҳамма ваҳимага тушиб қолади.

Гарри ушбу янгиликни хазм қилиб юборишга уринди. Энди Ўзингиз-Биласиз-Кимнинг номи ёдга олинса, дахшатдан эти жимирлашиб кетадиганга ўхшайди. Сеҳргарлар оламига кириб келганда шундай бўлишини тахмин қилган, бироқ олдин ҳамма нарса осон кечар, у бамайлихотир «Вольдеморт» дер ва ўзини ҳеч ҳам ёмон ҳис этмас эди.

- Сен қайси қвидиш жамоасининг тарафдорисан? - қутилмаганда сўраб қолди Рон.

- Э-э-э... Мен бирорта ҳам жамоани билмайман, - иқрор бўлди Гарри.

- Нима! - ҳайратдан батамом қотиб қолди Рон, - Ҳали шошмай тур, билиб оласан, бу ахир дунёда энг зўр ўйин-ку.

У завқ билан тўртта тўп, етти нафар ўйинчи ва еттовлон ўйинчининг ушбу ўйинда эгаллайдиган ўрни ҳақида тушунтиришга, акалари билан бирга борган машхур ўйинларни тавсифлаб беришга, етарлича пули бўлганида сотиб олишни орзу қилган супурги русумларининг номларини бирма-бир санаб ўтишга киришиб кетди. У бўлиб ўтган ўйинлардан бирини тавсифлаб бераётган фурсатда купенинг эшиги яна очилди. Бу сафар кириб келганлар бақасини йўқотган Невилль ҳам эмас ва ҳатто Гермiona Грэнжер ҳам эмас.

Купега уч нафар бола кириб келди. Ўртада турган болани Гарри дарҳол таниди. Бу, Малкин хоним дўконида учратган ўша рангпар бола.

- Шу гап ростми? - менсимаган оҳанг билан савол берди у, Гаррига Диагон хиёбонида қарагандан ҳам кўра кўпроқ қизиқсиниб қараб, - Поездда борки одамлар сизларнинг купенгизда Гарри Поттер келаётганлигини гапириб келишяпти. Поттер сенмисан?

- Ҳа, мен.

Гарри қолган икки нафар болага разм солди. Иккаласи ҳам тўладан келган, қиёфаси баджаҳл бўлиб, рангпар боланинг икки томонида худди тан кўрикчиларга ўхшаб туришибди.

- Танишинглар, мана бу Краббе, буниси эса Гойл, - совуқкон оҳангда таништирди рангпар бола, - Менинг исмим Малфой, Драко Малфой, - кўшиб қўйди у, Гаррининг нигоҳини сезгач.

Рон, кулгисини билдириб қўймасликка уринди чамаси, аста йўталиб қўйди.

- Фикрингча, исмим кулгили эшитилипти-ми? Айтгандай, кимлигини биламан. Дадам, Уэслиларнинг ҳаммаси малла бўлиб, сепкиллари билан болаларининг сони, ўзларига эп кўриш даражасидан ортиқ бўлиб кетганлигини айтиб берган эди.

Айрим сеҳрлар оилалар бошқаларга кўра яхшироқ эканлигини яқин орада билиб оласан, Поттер, - деди Малфой яна Гаррига юзланиб, - Номуносиб кишилар билан дўстлашиш керак эмас. Бу масалада сенга яқиндан ёрдам беришим мумкин.

У Гаррига қўл узатди. Бироқ Гарри Малфойнинг илтифотини қабул қилмади.

- Ўйлайман-ки, номуносиб кишиларнинг фарқига ўзим ета оламан, раҳмат, - жавоб қайтарди у, совуқ оҳангда.

Драко Малфойнинг ранги кизармади, аммо лунжида пушти аломат кўринди.

- Сенинг ўрнингда эҳтиёткорона иш тутган бўлар эдим, Поттер, - деди Малфой дона-дона қилиб, - Хушмуомала бўлмас экансан, тез орада ота-онанг кетидан етиб оласан. Улар ҳам фойдали нарсани бефойда нарсадан фарқлай олишмаган эди.

Уэслига ўхшаш чиқиндилар ёки анави мудҳиш Хагридга ўхшаганлар билан мулоқот қиладиган бўлсанг, ўзинг ҳам ифлос бўлиб қоласан.

Гарри билан Рон ўринларидан елкама-елка оёкка туришди.

- Нима дединг? - ўдағайлади юзининг ранги сочининг рангидан фарқ қилмай қолган Рон тишларини қисганича, олдинга қадам босиб.

- Э, ҳали сен бизни калтакламоқчимисан? - масхараомуз сўради Малфой.

- Агар хозирок туёқларингни шикиллатмасаларинг, - жавоб қайтарди Гарри, нисбатан йирикроқ Краббе билан Гойл томон янада ботирлик билан юзланиб.

- Биз ҳали кетмоқчи эмасмиз, шундайми йигитлар? Егулигимизни еб тугатдик, сизларда эса ҳали кўп экан...

Гойл қўлини шокобақага узатди. Рон олдинга интилди-ю, кутилмаганда юракни эзиб юборадиган фарёд эшитилди. Гойлнинг бармоғини каламуш Қасмоқ маҳкам тишлаб, кичкинагина ўткир тишлари билан бўғинга осилиб олибди. Кўрқиб кетган Краббе билан Малфой ортга чекинди. Уввос солаётган Гойл эса гир айланиб, каламушни айлантирганча, қўлини кемирувчи ҳайвондан халос этишга уринди.

Нихоят Қасмоқ Гойлнинг бармоғидан бўшаб кетиб, вагон деразасига бориб урилди. Эҳтимол конфетлар орасида яна каламуш бор деган хаёлга боришгандир, балким йўлақдан қадам товуши эшитилгани учун чўчичишгандир, ҳар қалай учаласи ҳам тез гум бўлди. Фурсат ўтгач, остонада Гермiona Грэнжер пайдо бўлди.

- Нима бўляпти бу ерда? - сўради у, атрофда сочилиб ётган конфетлар ва ерда ётган каламушнинг думидан ушлаб кўтараётган Ронга қараб.

- Хушидан кетганга ўхшайди, - деди Рон, Гаррига юзланиб, - Йўқ, айтсам ишонмайсан, бу уйқучи яна ухлаб қолибди.

Қасмоқ ҳақиқатан ҳам донг қотиб ухлаётган экан.

- Сен Малфойни мукаддам учратганмидинг?

Гарри Малфой билан Диагон хиёбонидаги учрашуви ҳақида айтиб берди.

- Мен бу оила тўғрисида кўп эшитганман, - тумшайиб гапирди Рон, - Улар Ўзинг-Биласан-Ким ғойиб бўлган кезларда биринчилардан бўлиб орамизга қайтишган.

Қаранг-ки, ўшанда уларни кимдир сеҳрлаб қўйган эмиш. Дадам ўша оиланинг бирорта ҳам сўзига ишонмайди. Айтишига қараганда, Малфойнинг отаси ёвуз

кучлар қайтадиган фурсатни орзиқиб кутар экан. Сенга бирон нарса керакми-ди? - сўраб колди у, Гермionaга кескин юзланиб.

- Яхшиси мактаб кийимини тез кийиб олинг. Мен ҳозиргина биринчи вагонга, кондуктор хузурига бориб келдим. Биз деярли етиб келибмиз.

Мушглашмадинларми ишқилиб, акс ҳолда мактабга етиб бормаи туриб, нохуш ҳолатга тушиб қоласизлар.

- Биз эмас, Қасмоқ муштлашди, - деди Рон Гермionaга дарғазаб қараб, - Балки кийимимизни алмаштириб олганимизга қадар чиқиб турарсан?

- Ҳозир чиқиб кетаман. Йўлакдаги болалар ўзларини ёш боладай тутишяпти. У ёк, бу ёк югуришгани-югуришган. Шунинг учун ҳам купенгизга кириб олдим, - тушунтириш берган бўлди Гермiona, хафа бўлиб, - Бурнинг кир бўлибди, хабаринг борми?

Рон Гермionани дарғазаб нигоҳ-ла кузатиб кўйди. Гарри деразадан ташқарига қаради. Поезднинг ҳаракати аста секинлашиб бормоқда. Қош қорайган. Тўқ қирмизи тус олган осмон остида тоғлар ва ўрмон дарахтларининг шарпалари ғира-шира кўринмоқда.

Гарри билан Рон нимчаларини ечиб, узун қора коржомаларини кийиб олишди. Акасининг эскириб кетган коржомаси Ронга бир оз калталиқ қилиб, кроссовкаси кўриниб турибди.

Вагонлараро акс садо сингари эълон эшитилди:

- Поезд беш дақиқадан сўнг, «Хогварц» платформасида тўхтади. Илтимос, юкингизни купеда колдиринг. Улар мактабга алоҳида етказилади.

Гаррининг қорни асабийлашганидан уюшиб қолгандай бўлди. Роннинг юзи ҳам хаяжондан оқариб, сепкиллари алоҳида ажралиб кўринмоқда. Икковлон ширинликларнинг ортиб қолган қисмини чўнтакка солиб, вагон йўлагида тўпланган болаларга кўшилди.

Аста ўрмалаб бораётган поезд ниҳоят тўхтади. Болалар эшикка талпиниб, кичкинагина, коп-қоронғи платформага ғуж бўлиб олишди. Туннинг ҳавоси совуқ бўлиб, Гаррининг эти титрай бошлади. Кутилмаганда болалар устида фонус пайдо бўлиб, Гарри учун кадрдон бўлиб қолган таниш овоз янгради.

- Биринчи синф ўқувчилари! Биринчи синф ўқувчилари! Қулоқ солинг! Диккат! Бу ёкқа юрамиз! Гарри, ишлар жойидами?

Хагриднинг юнги хурпайиб кетган катта юзи бола бошига тўлган майдон узра Гаррига кулиб қараб турибди.

- Қани болалар, ортимдан. Яна борми биринчи синфга келганлар? Оёк остига қараб юринг! Биринчи синф ўқувчилари, ортимдан, олға!

Тоғнинг тик ёнбағридаги сўкмоқ бўйлаб чуғурлашганча одимлай бошлаган болалар сирпаниб, қоқилиб, Хагриднинг ортидан эргашишди. Йўлакнинг иккала томони коп-қоронғи. Ўтиб бўлмас калин ўрмон шу ердан бошланса керак, тахмин қилди Гарри. Бир оз юрган болалар деярли сукут саклаб қолишди. Фақат қурбақасини йўқотиб юрадиган Невиллнинг онда-сонда хиқиллаб кўйгани эшитилмоқда холос.

- Диккат кичкинтойлар! Ҳозир ҳаётингизда илк бор «Хогварц»ни ўз кўзингиз билан кўрасиз, - елка узра эълон қилди Хагрид.

Тор йўлак кутилмаганда катта қора қўл соҳилига олиб чиқди ва шу захоти болаларнинг баралла, баланд хитоби эшитилди:

- Ооооо!

Юлдузлар сочилиб кетган осмон гумбази остидаги қўлнинг нариги соҳилида, кўп сонли катта-кичик минораларга эга, деразалари яркираб турган улкан қаср баланд қоя чўққисида юксалиб кўринди.

- Ҳар бир қайикқа тўрт кишидан кўпайиб кетмай ўтирилсин, - команда берди

Хагринд, сохил ёнидаги митти қайиқлар флотилияси томон ишора қилиб.

Невилль билан Гермiona Рон ва Гарри ўтирган қайиққа жойлашди.

- Ҳамма тайёрми? - қичқирди Хагринд, ўзидан бошқа ҳеч ким ўтирмаган қайиққа жойлашиб, - Жуда яхши, ОЛГА!

Қайиқчалар флотилияси кўлнинг кўзгудай силлиқ юзаси бўйлаб бир вақтда ҳаракат бошлаганча, сохилдан нари кетди. Болалар юксалиб турган қасрдан кўз узмай, тик қояга яқинлашган сари, бошларини орқага ташлаб томоша қилганча, жим сузиб боришди.

- Бошлар эгилсин! - команда берди Хагринд, биринчи қайиқ қояга етиб бориши билан.

Ҳамма бошини эгиб олди. Митти қайиқчалар болаларни катта ғор оғзини тўсиб турган печак парда орқали олиб ўтди. Улар, чамаси қаср остига олиб борадиган қоп-қоронғи туннелдан сузиб ўтиб, ниҳоят майда шағал қопланган ер ости причалига етиб, тушишди.

- Ҳой, бола! Мана бу сенинг бақангми? - қичқирди қайиқларни текшириб юрган Хагринд.

- Тревор! - хитоб қилди мутлақо бахтиёр Невилль, митти кафтини Хагринд томон узатиб.

Шундан сўнг, ҳамма долон ичра Хагринднинг чироғига эргашганча юриб, ниҳоят қаср рўпарасидаги шудринг қоплаган текис чим устига етиб келди.

Тош зинапоядан юқорига чиққан жажжи сайёҳлар эмандан ясалган улкан дарвоза қаршисига ғуж бўлиб тўпланиб олишди.

- Ҳамма шу ердами? Қурбақа-чи, у ҳам жойидами?

Хагринд баҳайбат муштини кўтариб, дарвозани уч қарра уриб тақиллатди.

## **VII БОБ.**

### **САРАЛОВЧИ ШЛЯПА**

Шу заҳоти дарвоза очилиб, остонада зумрад-зангори ридо кийган, баланд бўйли қора сочли афсунгар аёл кўринди. Унинг ниҳоятда жиддий қиёфасини кўрган Гаррининг ҳаёлига негадир, ушбу аёлга гап қайтармаган маъқул деган ўй келди.

- Профессор Макгонагалл, биринчи синф ўқувчилари етказиб келтирилди, - билдирув берди Хагринд.

- Миннатдорман, Хагринд. Раҳмат. Уларни ўзим бошлаб кираман.

Аёл дарвозани катта очди. Болалар кирган вестибюль шу қадар катта эдики, унга Дурсларнинг уйи бут-бутунлигича сиғиб кетишига шубҳа йўқ. Вестибюлнинг тош деворлари «Гринготтс» деворлари каби машъалалар воситасида ёритилган, шифти, бемалол томоша қиладиган даражада баланд, юқорига олиб чиқадиган ҳашаматли мармар зинапоя эса мухташам ялтираб турибди.

Болалар, тошдан терилган полга тантанавор қадам қўйганча, вестибюль орқали юриб профессор Макгонагалл ортидан эргашиб боришди. Ўнг томондаги эшик ортида юзлаб бўғиқ овозлар эшитилди. Юқори синф ўқувчилари йиғилиб бўлишган чамаси, хаёлдан ўтказди Гарри. Бироқ профессор Макгонагалл болаларни марказий залдан наридаги бўш хонага етаклади. Болалар бир-бирига, оддий вазиятдан кўра янада жипслашиб олганча, ғуж тўпланиб олиб, теварак-атрофга эсанкираб назар солиб, аланглашди.

- «Хогварц»га хуш келибсиз, - қутлади профессор Макгонагалл, - Ҳозир, янги ўқув йили бошланиши муносабати билан расмий зиёфат бошланади. Бироқ Катта Залда ёзилган байрам дастурхони атрофига ўтиришингиздан олдин сизларни коллежларга тақсимлаб чиқмоқ даркор. Ўтказиладиган саралаш таомили – мактабимиздаги энг муҳим маросимлардан бири саналади. Негаки, мактаб даргоҳида экансиз, сизнинг

коллежингиз – сизнинг оилангиз демакдир. Сиз ўз коллежингиз биносида таҳсил кўрасиз, ўз коллежингиз ётоқхонасида ухлайсиз, бўш вақтингизни ҳам ўз коллежингизнинг умумий меҳмонхонасида ўтказасиз.

Профессор Макгонагалл болаларга диққат билан назар солиб чиқди.

- Мактабимизда, - давом этди у, - тўртта коллеж бўлиб, улар «Гриффиндор», «Хуффльпуфф», «Равенкло» ва «Слизерин» деб номланади. Ҳар бир коллеж ўзининг жуда қизиқарли ва улуғвор тарихига эга. Уларнинг ҳар бирини машҳур сеҳргарлар, атоқли афсунгарлар, ўз даврида таҳсил кўриб, тамомлашган.

«Хогварц»да экансиз эришган ҳар қандай ютуғингиз учун сизнинг коллежингизга балларнинг муайян миқдори қўшиб борилади, жорий этилган қоидаларни ҳар қандай тарзда бузганлигингиз учун эса баллар тегишлича айириб борилади. Ўқув йили ниҳоясида энг кўп балл тўплашга эришган коллеж алоҳида кубок билан мукофотланади. Ёдингизда бўлсин бу ниҳоятда нуфузли мукофот саналади. Ишончим комилки, ҳозир саралаб олинадиган ҳар бир ўқувчи ўз коллежининг фахрига айланажак.

Айтилган гап маъноси болаларнинг онгига етиб бориши учун бўлса керак, у яна бир оз танаффус килди.

- Саралаш таомили, - давом этди профессор Макгонагалл, - Бир неча дақиқадан сўнг, барча ўқувчи ва ўқитувчилар гувоҳлигида бошланади. Вақтни зое ўтказмай, маросим бошлангунга қадар ташки кўринишингизни тартибга келтириб олишингизни таклиф қиламан.

Аёлнинг нигоҳи Невиллнинг илгаги чап қулоғи остига қадар тортилиб қолган ридоси ва Роннинг кир бурнида бир дақиқа ушланиб қолди. Гарри шоша-пиша соч тўғрилашга киришиб кетди.

- Ҳамма нарса тайёр бўлгач, қайтаман, - деди профессор Макгонагалл, - Фақат илтимос, шовқин солманг.

Афсунгар аёл чиқиб кетгач, Гарри ютиниб қўйди.

- Факультетларга қай тарзда тақсимлашади? - сўради у, ёнида турган Рондан.

- Қандайдир синовдан ўтказишса керак. Фреднинг айтишича, ушбу синов жуда қаттиқ оғриқ билан ўтар эмиш. Мен унинг сўзларига ишонмайман, у доимо мазах қилиб, ҳазиллашгани-ҳазиллашган.

Гаррининг юраги товонига тушиб кетди. Синов?! Бутун мактабнинг кўз ўнгида-я? Ахир у ҳали бирон-бир сеҳр усулини билмайди-ку, энди нима бўлади? Мактабга етиб келишлари билан синовдан ўтказишларини умуман қутмаган. Боши қотиб, атрофга қаради. Қолганларни ҳам шундай ваҳима босган. Ёд олган афсунлари ҳақида алланарса пичирлаб, қайси бирини сўраб қолишлари мумкинлигини тахмин қилиб турган Гермiona Грэнжердан бошқа, ҳамма жим. Ҳали ҳеч қачон бу қадар асабийлашмаган Гарри унга қулоқ тутмасликка уринди. Ҳатто ўқитувчисининг ясама сочини номаълум усул ила кўк ранга бўяб қўйганлиги ҳақида мактаб директори номидан ёзилган шикоятни Дурсларга олиб келаётганида ҳам, бу қадар асабийлашмаган. Гарри полга тикилиб қолди. Ҳозир профессор Макгонагалл чиқиб келади-да, уни шарманда қилгани олиб киради.

Айни шу фурсатда шундай бир ходиса рўй бердики, Гарри, кўркиб кетганидан ердан сал кам бир метр тепага сакраб тушди. Унинг орқасида турган болалардан бир нечаси эса юракни эзиб юборадиган даражада дод солишди.

- Нима бу?!

Хонанинг орқа девори ичидан кам деганда йигирмата арвоҳ кетма-кет чиқиб қолса бўладими. Гарри, қолган болалар каби, дахшатга тушганидан бўғилиб, овози чикмай қолди. Садафдек оппоқ, ярим шаффоф арвоҳлар бир-бири билан суҳбат қуриб боришганча, болаларга эътибор ҳам қаратмай ўтишди. Афтидан, арвоҳлар

кандайдир масала юзасидан бахс қилишмоқда.

- Унутиш ва узр айлаш даркор, - таъкидлади тўладан келган, паст бўйли роҳиб арвоҳи, - Биз унга яна бир карра имкон беришимиз керак...

- Қадрли роҳиб, ахир биз Друзгга бор имконларни тўла-тўқис ҳавола этмадик-ми? У барчамизга иснод келтирмоқда. Бунинг устига, хабарингиз бор, у тамомила арвоҳ ҳам эмас...

- Ие, сизлар нима қияпсизлар бу ерда? - сўраб қолди панталон кийиб, ёқасининг четига жабо тақиб олган арвоҳ болаларга дафъатан эътибор қаратиб (**Жабо – тўрдан қилинган бурма ҳошия**).

Ҳеч ким унга жавоб қайтармади.

- Янгилар! - хитоб қилди Семиз Роҳиб, ҳаммага баравар қулиб қарар экан, - Саралаш таомили бошланишини кутиб турибсизлар-ми?

Бир неча болалар бош ирғишди.

- Умид қиламан-ки, сизлар «Хуффльпуфф»га тушасизлар! - тилак билдирди Роҳиб, яқинида турган болаларга қараб, - Мен ўша факультетни тамомлаганман, тушундингиз-ми?

- Сафлан! - янгради хонага қайтиб келган профессор Макгонагаллнинг қатъий овози, - Саралаш таомили бошланди!

Арвоҳлар ҳам олд девор орқали ғойиб бўлиб, хонани тарк этишди.

- Сафланинг, саф тортинг, - илдамлатди профессор Макгонагалл, - Ортимдан, олға. Қўрқиб кетганидан оёқлари кўрғошин қуйгандай оғирлашиб кетган Гарри, сочи сарғиш-қум тусли бола ортига турди, Рон эса Гаррининг орқасидан эргашди. Саф тортган болалар қўшалок эшик орқали Катта Залга бўшашиб кириб боришди.

Дунёда бундай ғаройиб ва гўзал жой бўлишини Гарри тасаввур ҳам қила олмаган. Катта Зал, атрофида юқори синф ўқувчилари ўтиришган тўртта узун стол устида муаллақ осилиб турган минглаб шамлар воситасида ёритилган. Столларга ёзилган дастурхонлар эса олтин идиш ва қадахлар билан безатилган. Катта Залнинг нариги томонида яна битта, ўқитувчилар учун алоҳида стол ўрнатилган. Профессор Макгонагалл биринчи синф ўқувчиларини айна ўша стол томон эргаштириб бориб, ўқитувчилар столига орқа ўгириб, ўқувчиларга юзлантириб қўйди. Янги келганларга Катта Залдаги юзлаб ўқувчиларнинг юзлари қоронғилиқда аранг кўринаётган фонусларга ўхшаб қараб турибди. Ҳар жой-ҳар жойда болаларни ўлғудай кўрқитиб юборган арвоҳларнинг хира қумушга ўхшаш шарпалари кўринмоқда. Гарри ўзига қаратилган нигоҳлардан кўзини олиб қочиш учун юқорига юзланиб, юлдузлар сочиб юборилган қора бахмалга ўхшаш шифтни кўрди. Унинг қулоғига Германионнинг пичирлаб айтган сўзлари эшитилди:

- Шифт шундай сеҳрланганки, гўё юлдузларга тўла ҳақиқий самога ўхшаб кетади. Мен бу ҳақда «Хогварц» тарихи»да ўқиган эдим.

Бу чиндан ҳам шифт ёки осмон эканлиги, «Хогварц» тўғридан-тўғри космосга қараб йўл олган-олмаганлигини текшириб кўришнинг иложи йўқ.

Профессор Макгонагалл индамай келиб, биринчи синф ўқувчиларининг қаршисига тўрт оёқли курси, курси устига эса ҳаддан ташқари кир, аъзойи-бадани ямок бўлиб, роса эскириб кетган чўққидор шляпани қўйди. Петунья хола бундай шляпани уйда сақлашга ҳеч ҳам розилик бермаган бўлар эди, ҳаёлдан ўтказди Гарри.

Кўзбойлоқчилик ҳунарини намоён қилиб, шляпа остидан қуёнга ўхшаш бирон-бир нарса чиқариб бериш керакмикан, даҳшатли фикр келди Гаррининг ҳаёлига. Катта Залдагилар диққат билан шляпага қараб турганини кўриб, у ҳам шляпага юзланди. Бир неча сония давомида Катта Залга мутлақ сукунат чўқди. Қутилмаганда шляпа жойидан кўзғалиб, четида оғизга ўхшаш тешик ҳосил бўлгач, қўшиқ айтишга киришиб кетди:



Хунукдирман, эҳтимол,  
Қиёфамни айбситманг,  
Мендай доно шляпа йўқ,  
Қидириб, сарсон бўлманг.  
Козон шляпа юмалоқ,  
Цилиндрлар узунчок,  
Саралашдек маҳорат  
Уларда йўқ, гапим ҳақ.  
Мен билмаган сирлар йўқ,  
Бўлсин ёш кўнглингиз тўқ,  
Кийинг мени кўрамиз,  
Факультетни биламиз.  
«Гриффиндор»нинг йўлида  
Фақат мардлар борарлар,  
Асрлар бўйи улар  
Шон-шуҳрат қозонарлар.  
Нодон, аҳмоқ бўлсангиз  
«Хуффльпуфф»га бормайсиз,  
Унда таҳсил кўрганлар  
Нопоклигин билмайсиз.  
Кекса, доно «Равенкло»  
Ақли тезни олади,  
Ким ўқишни ёқтирса,  
Ўз йўлини топади.  
«Слизерин»ни хоҳларсиз  
Унда кўп дўст топасиз,  
Айёрлик-ла барчангиз  
Мақсадга эришасиз.  
Келинг, кийинг, ҳеч кўрқманг!  
Ҳаяжонланманг, қўйинг,  
Қўлларим бўлмаса-да,  
Ишончлиман мен, билинг,  
Сиз курсига ўтиринг,  
Ўйлашни менга қўйинг!

Шляпа кўшиғини тамомлаши ҳамоно Катта Зал қарсақлардан портлаб кетгудай бўлди. Шляпа тўртта столнинг ҳар бирига алоҳидадан таъзим айлаб, кимир этмай туриб қолди.

- Демак, биз бор-йўғи шляпани кийиб кўришимиз керак холос эканда! - шивирлаганча хитоб қилди Рон, - Фредни ўлдираман. Синов давомида аллақандай мудҳиш тролль билан яккама-якка кураш тушасан, деб ёлғон гапирган экан менга! (**Тролль** – Скандинавия афсоналарида тилга олинган, кўп эртақларда учрайдиган махлуқ. Троллар, ушбу афсона ва эртақларда, одатда, инсон душмани сифатида, тошга ўхшаш тоғ руҳлари кўринишида тасвирланади)

Гарри аста кулиб қўйди. Шляпа кийиб кўриш, аллақандай, ўзинг билиб-билмайдиган, тушуниб-тушунмайдиган афсун ўкиб беришга нисбатан осон кечади, албатта, хаёлдан ўтказди у, бироқ ҳар қалай, бу иш бутун мактабнинг кўз ўнгида бўлмагани афзалроқ эди. Кўшиқ мазмунига кўра, Шляпа етарлича қатъий талаб қўядиган кўринади. Гарри ўзини мард деб ҳам, ақли тез деб ҳам билмайди, яна

нима эди, ишқилиб қолган талабларга ҳам тўла-тўқис жавоб беришига ишонмайди. Агар Шляпа, кўркқанидан кўнгли айниб кетадиган ўқувчилар ўқийдиган коллеж ҳақида куйлаганда, айни муддао бўлиши мумкин.

- Диккат! - эълон қилди, кўлига узун пергамент ўрамини олиб қайтган профессор Макгонагалл олдинга чиқиб, - Мен номларингни бирма-бир ўқиб бораман, сизлар эса сараланишларинг учун бошларингга шляпани кийиб, курсига ўтиришларинг даркор, - тушунтирди у, - Аббот, Ханна!

Оқ сарик сочларини майда қилиб ўриб олган қизил юзли қизалоқ қоқилганча, сафдан чиқди-да, бошига шляпани кийиб, курсига ўтириб олди. Бир дақиқали танаффусдан сўнг шляпанинг:

- «Хуффльпуфф!» - деган эълони эшитилди.

Ўнг томондаги стол атрофида ўтирганлар қарсақ чалиб, қичқириб юборишди.

Ханна ўша стол томон бориб, кўрсатилган жойга ўтирди. Гарри Семиз Роҳибнинг арвоҳи қизалоққа қўл силтаганини кўриб қолди.

- Боунс, Сьюзен!

- «Хуффльпуфф!» - яна бақирди шляпа.

Қизалоқ Сьюзен чопқилаганча бориб, Ханнанинг ёнига ўтирди.

- Бут, Терри!

- «Равенкло!»

Бу сафар чап томондаги стол атрофидагилар қарсақ чалиб юборишди. Терри уларга яқин борганида бир неча равенклоликлар ўринларидан туриб, боланинг қўлини сиқишди.

Мэнди Брокльхёрст ҳам «Равенкло»га равона бўлди. Бироқ Лаванда Браун исмли қизча чап томондаги девор ёнида турган, қарсақлардан кўтарилиб кетишига сал қолган «Гриффиндор» столига биринчи бўлиб қўшилган янги ўқувчи қиз бўлди.

Гарри Роннинг эгизак акалари мушукларга ўхшаб айюҳаннос солишганини эшитди.

Миллисент Бичешейдер исмли қизча эса «Слизерин»га қабул қилинди. Эҳтимол Гарри ўз тасаввурларига ҳаддан ортик эрк бериб юборгандир, бироқ «Слизерин» ҳақида эшитишга улгурган шунча гап-сўзлардан кейин ўша коллежда тахсил кўрадиганлар ёқимсиз кишилар, деган хулосага борди.

Унинг кўнгли кучли айниб, мактабда ўқиб юрган кезларини, хусусан, жисмоний тарбия дарсида ҳар хил ўйин жамоалари қай тарзда тузилганлигини эслади. Уни маълум бир жамоага, одатда, энг охирида қабул қилишар эди. Бунга Гаррининг ёмон ўйнаши эмас безори Дудли Гаррининг ўйинини ҳамма ёқтирар экан, деган хаёлга бормаслиги асосий сабаб бўлган эди.

- Финч-Флетчи, Жастин!

- «Хуффльпуфф!»

Шляпа коллеж номини, баъзан курсига навбатдаги ўқувчи ўтириши ҳамано эълон қилаётгани, баъзан эса маълум вақт ўйлаб кўргач, қарор қабул қилаётгани кузатилди. Сафда, Гаррининг олдида турган Симус Финниган исмли сочи сарғиш-қум ранг бола курсида қарийб бир дақиқа ўтиргандан сўнггина, шляпа уни «Гриффиндор»га тайинлади.

- Грэнжер, Гермiona!

Гермиона курси томон деярли югурганча ошиқиб, шляпани иштиёқ билан чаккасига қадар тушириб, кийиб олди.

- «Гриффиндор!» - қичқирди шляпа.

Эълонни эшитган Рон инграб юборди.

Кутилмаганда Гаррининг хаёлига келган ўй, асабийлашган кишининг хаёли каби саросимага солиб қўйди. Агар мана бу Сараловчи шляпа уни «Хогварц»га номуносиб деб топса нима бўлади? Агар профессор Макгонагалл келиб, унинг

бошидаги шляпани шартта ечиб, қандайдир англашилмовчилик рўй берибди, станцияга қайтиб кетганинг маъкул дегунга қадар бошидаги шляпа билан курсида ўтираверса, нима бўлади?

Қурбақасини доимо йўқотиб юрган Невилль Лонгботтом курси томон юриб, ерга кулаб тушди. Шляпа Невиллни қаёққа тайинлашни узоқ ўйлаб қолди. Ниҳоят у, «Гриффиндор!» коллежини эълон қилди. Невилль ўрнидан туриб, бошидаги шляпа билан курсидан нари кетиб қолди ва залда ўтирганларнинг баланд қахқаҳалари остида ёнбош юриб, шляпани Мораг Мак Дугалга узатишига тўғри келди. Ўз исмини эшитган Малфой ғурур-ла олдинга чиқди. Унинг истаги шу захоти вожиб бўлди. Бошига ҳали етиб бормаган бечора шляпа «Слизерин!» деганча кичкириб юборди.

Ўзидан ўзи чексиз миннатдор Малфой, «тана кўрикчилари» Краббе билан Гойл ёнига қайтди.

Сафдаги болалар сони тобора камайиб бормоқда.

«Мун»... «Нотт»... «Паркинсон»... эгизак қизалоқлар «Патил» ва «Пэтил»... улардан кейин «Салли-Энн Перкс» ва ниҳоят:

- Поттер, Гарри!

Унинг номи талаффуз этилиб, сафдан чиқиши ҳамоно:

- Исмини нима деди? - баралла сўради Катта Залда ўтирган ўқувчиларнинг деярли барчаси, - Поттер деди-ми? Бу ўша Гарри Поттер-ми?

Бошига кийдирилган шляпа кўзини бекитиб қўйишидан олдин Гарри, Катта Залда ўтирган жамики одамлар ўрнидан қалқиб тик туриб олишгани, арвоҳлар эса атрофини ўраб олишганини кўриб қолди. Навбатдаги фурсатда шляпанинг қора астари кўзини тўсгач, тақдирини ҳал этадиган эълонни кутди. Катта Залга сув куйган каби сукунат чўқди.

- Ҳмм, - эшитилди Гаррининг қулоғига паст овоз, - Қийин ҳолат. Ниҳоятда мураккаб вазифа. Жуда мард эканлиги яққол билиниб турибди. Зехни ҳам ўткир, истеъдоднинг ўзгинаси-я. Э Худойим, ўзини намоён этишга бўлган иштиёғини айтмайсиз-ми, айнан шуниси қизиқда. Қаёққа йўлласам экан сени?

- Фақат «Слизерин»га эмас, «Слизерин»га эмас, - ичида илтижо қила бошлади Гарри, курси четини маҳкам ушлаб олганча.

- «Слизерин»га эмас дегин? - сўради паст эшитилаётган овоз, - Ишончинг комилми? Сен у ерда буюк сеҳргар бўлиб етишишинг мумкин. Бунинг учун табиатингда етарлича қобилият бор. «Слизерин» эса сени шухрат чўққисига олиб чиқади. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Истамайсан? Йўқ? Нима ҳам дердим, ишончинг комил экан – «Гриффиндор»га борасан!

Шляпа сўнгги сўзларни бутун Катта Зални бошига кўтариб кичкирди. Гарри шляпани ечиб, оёқлари қалтираганча, ўзини гўё елкасидан тоғ ағанагандай хис этиб, «Гриффиндор» столи томон йўл олди. Ҳар қалай мактабга қабул қилишди, бунинг устига «Слизерин»га юборишмади. Ўзини ниҳоятда бахтиёр хис этганидан, уни бутун Катта Зал бор кучи билан олқишлаётганини пайкамай қолибди.

Синфбоши Перси ўрнидан туриб, Гаррини қарши олганча, қўлини сиқди. Эгизак Уэслилар эса чираниб:

- Поттер биз билан! Поттер биз билан! - деганча, жон-жаҳд билан айюҳаннос солишди.

Гарри жабо тақиб олган арвоҳнинг қаршисига келиб ўтирди. Арвоҳ Гаррининг қўлига енгил уриб қўйди. Бола қўлини бир челақ муздай сувга ботириб олгандай бўлди.

Ана энди Мўътабар Столга разм солиб қараш мумкин. Столнинг Гаррига яқин четида Хагрид ўтирибди. Хагрид Гаррининг нигоҳини тутиб олгач, икка қўлининг

бош бармоқларини кўтариб кўрсатди. Гарри табассум-ла жавоб қайтарди. Мўътабар Стол марказидаги олтиндан тайёрланган катта тахта эса Альбус Дамблдор ўтирибди. Поезддаги шокобақа дастаси ичидан чиққан суратни эслаган Гарри Дамблдорни дархол таниди. Дамблдорнинг бутун Залда ягона кумуш боши арвоқларнинг таналари каби ялтираб кўринмоқда. Гарри «Тешик қозон»да учратган асабий профессор Белкани ҳам таниди. Тўқ қизил салласи уни ғалати, жўясиз кўрсатмоқда.

Бу вақтга келиб, сафда бор-йўқ тўрт нафар сараланмаган бола қолди. Бўйи Рондан ҳам новча Томас Дин «Гриффиндор»га қабул қилиниб, Гаррининг ёнига келиб ўтирди. Тюрпин Лиза исмли қизалоқ «Равенкло»га йўлланди ва шундан сўнг, навбат Ронга етди. Бечоранинг юзи аллақачон оч яшил бўлиб қолган. Гарри стол остидаги бармоқларини насроний иримга амал қилганча, чалиштириб олди. Сония ўтгач, шляпа: «Гриффиндор!» деб, бақириб юборди.

Гарри ўртоғи ёнидаги курсига келиб, ўзини курсига ташланганига қадар унинг шарафига қарсақ чалиб турди.

- Жуда яхши, Рон, баракалла, - деди хашаматлилик билан Перси Уэсли, Цабини Блейз «Слизерин»га тайинлангани эълон қилинганида.

Нихоят профессор Макгонагалл пергаментни ўраб, Сараловчи шляпани кўлига олганча, нари кетди.

Гарри стол устида турган бўш тилла ликопга қараб, қорни очганлигини ҳис этди.

Поездда еган қовоқ печеньелар, унинг хаётида юз йил бурун бўлган эди гўё.

Севинчдан порлаб тургани сезилаётган Альбус Дамблдор ўрнидан туриб, ўқувчиларга юзланганча кўлларини кенг очди. Ушбу Катта Залда бола тўплангани, унинг хаётидаги энг бахтиёр кундай эди, чамаси.

- Хуш келибсиз! - хитоб қилди у, - «Хогварц»нинг янги ўқув йилига келганингиз билан барчангизни қутлайман! Зиёфат бошлашдан олдин бир оғиз сўз айтмоқчиман сизга. У ҳам бўлса: Тютя! Рева! Рвакля! Цап! Раҳмат!

Дамблдор жойига ўтирди. Катта Залда ўтирганлар шодиёна кичкириб, қарсақ чалди. Бироқ Дамблдордан кўзини узмаган Гарри нимадан хурсанд бўлиш кераклигини тушунмади.

- Томи жойидами? - гумонсираб мурожаат қилди Персига қараб.

- Томи жойидами, дейсанми? - ҳайрон бўлиб сўради Перси, - У авлиё! Жаҳоннинг энг зўр сеҳргари! Бироқ сен қайсидир маънода ҳақсан, томи ҳақиқатан ҳам батамом жойида эмас. Картошка солиб берай-ми?!

Нигоҳини столга қаратган Гаррининг оғзи ҳайратдан ланг очилиб қолди. Ҳозиргина бўм-бўш турган тилла идишлар Дамблдорнинг тушунарсиз сўзлари ила турли-туман таомлар билан тўлиб-тошганидан стол синиб кетгудай бўлиб қолибди. Бола хаёти давомида бу қадар мазали таомларнинг бир столда, бир вақтда бўлишини муқаддам кўрмаган: ростбиф, қовурилган жўжа, чўчка билан бузоқнинг тўқмоқлаб юмшатирилган гўшти, сосискалар, бекон, стейк, қовурилган картошка, қайнатиб пиширилган картошка, фри усулида қовурилган картошка, Йоркшир пудингги, нўхат, сабзи, қайла, кетчуп ва нима учун дастурхонга қўйилганлигини идрок этиш қийин бўлган ялпизтаъм обакиданон. Буларнинг бари унинг ихтиёрига ҳавола этилган (**Ростбиф** – молнинг биқин гўшtidан тайёрланган қовурма. **Бекон** – ёш чўчқанинг тузланган (дудланган) нимтаси. **Стейк** – кўндаланг кесилиб, қовурилган йирик гўшт бўлаги. **Йоркшир пудингги** – гуруч ва бошқа ёрмалардан твoрог ва мевалар қўшиб товада пиширилган овқат).

Умуман айтганда, Дурслар Гаррини оч қолдириб, силласини қуриштирмаган, албатта. Бироқ бола, ўша хонадонда бирор маротаба бўлсин, қорни тўйиб овқатланмаган. Бундан ташқари, дастурхонда Гаррини қизиқтирган ҳар қандай

нарсани Дудли, гарчи егиси келмай, бўкиб қолганидан кўнгли айниб турган бўлса ҳам, чангаллаб олади. Гарри, обакидандондан ташқари, столдаги таомларнинг ҳаммасидан оз-оздан солиб, ликопини симига қадар тўлдириб олди. Таомлар жуда мазали экан.

- Кўриниши ёмон эмас, - деди стейкни ғажишга киришган Гаррига қараб турган жаболи арвоҳ маъюс оҳангда.

- Сиз-чи, емайсизми ёки ман этилганми?...

- Мен сўнги бор тўрт юз йил муқаддам овқатланганман, - жавоб қайтарди арвоҳ, - Овқатланишимга хожат йўқ, бироқ очиғини айтганда, бусиз зерикарли бўлар экан. Чамаси, ўзимни таништирадим, а? Сэр Николас де Мимси-Порпиньон, хизматингизга мунтазирман. Қароргоҳим «Гриффиндор» минорасида.

- Сизнинг кимлигингизни биламан! - кутилмаганда фикр билдирди Рон, - Акаларим сиз ҳақингизда айтиб беришган. Сиз Деярли Бошсиз Никсиз, шундайми?!

- Мени, - совуқ оҳангда жавоб қайтарди арвоҳ, - Ўз исмим билан чақиришингизни, яъни Сэр Николас де Мимси...

- Деярли Бошсиз? Қандай қилиб деярли бошсиз бўлиш мумкин? - гапга аралашди Симус Финниган.

- Қандай бўлиш мумкин? - деди суҳбат ўзи тахмин қилган йўсинда бормаганидан эсанкираб қолган Сэр Николас, - Мана бундай бўлиши мумкин!

Жаҳли чиққан арвоҳ чап қулоғини маҳкам ушлаб, қаттиқ тортди. Унинг боши бўйнидан шартта ажралиб, худди ошиқ-мошиқда тутиб турилгандай чап елкасига оғиб қолди. Афтидан кимдир Сэр Николаснинг бошини танасидан жудо қилишга уринган-у, ишни охиригача етказмаган кўринади. Деярли Бошсиз Никнинг ушбу қилиғини кўрган болалар эси-хушини йўқотиб қўйди.

Кўрсатган таъсирдан ўзи мамнун бўлган Деярли Бошсиз Ник бошини абжирлик билан жойига ўрнатиб, йўталиб олдида:

- Хўш, янги гриффиндорчилар! Умид қиламан-ки, лоақал сизлар кубокни қўлга кирита оларсизлар? «Гриффиндор» ғалаба қозонмаганига анча йил бўлди.

Слизеринчилар кетма-кет олти йилдан буён мактаб кубогини қўлда сақлаб келишмоқда! Қонхўр Барон мутлақо бадҳазм бўлиб кетди. Унинг қароргоҳи «Слизерин»да.

Гарри ортга ўгирилиб қаради. «Слизерин» столида кўз чаноғи бўм-бўш, юзи мудҳиш, эғнидаги кийими кумуш тусли қонга беланган даҳшатли арвоҳ ўтирибди. Арвоҳ Малфойнинг ўнг томонида ўтирганлиги, Драко эса ўз навбатида, бундай кўшничиликдан хурсанд бўлмаганлиги Гаррига кулгили кўринди.

- Нима сабабдан, унинг эғни қонга беланган? - қизиксиниб сўради Симус.

- Сабабини сўраганим йўқ, - одоб-ла жавоб қайтарди Деярли Бошсиз Ник.

Қорин тўйганидан сўнг, тарелкалардаги овқат қолдиқлари йўқ бўлиб, идишлар боз ярқираб қолди. Ҳурсат ўтгач, десерт, хусусан: бир дунё, тасаввур этса бўладиган барча турдаги музқаймоқлар, олмали пироглар, қуюқ шиннили тортлар, шоколадли эклерлар, кўпчителиб пиширилган мурабболи кулчалар, трюфеллар, қулупнай, желе, гуруч пудинг кабилар пайдо бўлди (*Эклер – пирожнийнинг бир тури. Трюфель – қўзиқорин шаклидаги шоколад қандининг бир тури. Желе – мева суви, шакар ва желатиндан тайёрланадиган ширин дирлдоқ овқат*).

Гарри қуюқ шиннили торт еб ўтирар экан, суҳбат қариндош-уруғлар мавзусига бурилиб кетди.

- Мен чала зот сеҳргарларга мансубман, - маълум қилди Симус, - Дадам магл. Ойим турмушга чиққунга қадар афсунгар эканлигини дадамга айтмаган. Бу дадам учун чинакам кутилмаган совға бўлган.

Ҳамма кулиб юборди.

- Сен-чи, Невилль? - қизикди Рон.

- Мени афсунгар бувим тарбиялаган, - гап бошлади Невилль, - Умуман айтганда, оиламизнинг барча аъзолари мени магл эканлигимга юз фоиз кафолат беришган. Бувамнинг Алги исмли акаси менда сеҳргарлик аломати бор-йўқлигини текшириш учун кутилмаган синовлардан ўтказиб борди. Бироқ саккиз ёшга тўлгунимга қадар унинг қўлидан ҳеч нарса келмади. У ҳатто Блэкпул сув ҳавзасидаги бурундан итариб ҳам юборди мени. Чўкиб, ўлиб кетишимга бир баҳя қолди. Кунлардан бир куни Алги бувам уйимизга меҳмонга келиб, оёғимдан тутиб олганча, иккинчи каватдан бошимни осилтириб ушлаб турди. Худди ўчакишгандек, айна шу фурсатда бувимнинг Энид исмли синглиси хонага кириб, Алги бувамга, унинг қилигини билмаган ҳолда, албатта, меренга таклиф қилиб қолса бўладими. Ширинликни ўлгудай яхши қўрадиган очкўз бувам мени бехосдан қўйиб юбориб, қўлини меренгага узатди. Аммо мен ерга тушмадим. Бутун боғ узра сакраб ўтиб, қатта йўлга қўндим. Қариндошларим шундай мамнун бўлишдики, таърифлашга сўз ожиз. Бувам юракдан йиғлаб олди. Бахтиёрлигидан ўзини қўярга жой топа олмай қолди. Хоналарига кириб келганимда юзларидаги хурсандчиликни қўриш керак эди. Ортга қайтишга сеҳргарлик иродам етмайди, деб ўйлашган экан. Алги бувам шу қадар хурсанд бўлдики, ҳатто менга қурбақа олиб берди (*Меренга – французлар тайёрлайдиган ширинликнинг бир тури*).

Гаррининг бошқа ёнида Перси билан Гермiona мактабдаги таълим жараёни ҳақида суҳбат қуриб ўтиришибди.

- Умид қиламан-ки, машғулотлар тез орада бошланади. Мени қўпроқ бир нарсани бошқа нарсага айлантириш амаллари қизиктиради. Бу осон бўлмаса керак, албатта...

- Сизлар дастлаб содда амаллардан бошлайсизлар. Мисол учун гугурт донасини игнага айлантирасизлар...

Анча исиниб олган Гарри уйқусираб Мўътабар Стол томон қаради. Хагрид ичкилик ичиб, профессор Макгонагалл Дамблдор билан суҳбат қуриб ўтиришибди. Беўхшов салла ўраб олган профессор Белка аллақандай сочи ёғли, қийғирбурун, юзи касалманд ўқитувчи билан ниманидир муҳокама қиляпти.

Бирдан Гарри учун кутилмаган ҳолат юз берди. Қийғирбурун ўқитувчи профессор Белканинг салласи узра тикка Гаррининг кўзларига қараб қўйиши ҳамано, боланинг пешонасидаги чандиқ ўрни қизиб, кучли оғриқ хис этди.

- Вой! - кафтини пешонасига босди Гарри.

- Нима қилди? - хавотирланди Перси.

- Ҳ-ҳеч нима.

Оғриқ қандай пайдо бўлган бўлса, шундай тез тарқади. Ўқитувчининг нигоҳи туфайли пайдо бўлган нохуш таассуротдан эса халос бўлиш қийин кечди. Гарри унга ёқмаганлиги яққол билинмоқда.

- Профессор Белка билан гаплашиб ўтирган анави ўқитувчи ким? - сўради Гарри Персидан.

- Қара-я, Белкани танийсанми? Айтдим, нега у бунчалик асабийлашиб қолди деб. Сен сўраган ўқитувчи Северус Снегг, сеҳрли дамламалар тайёрлаш фанидан дарс ўтади. Бироқ профессор Белканинг ўрнини эгалламоқчи эканлиги ҳаммага маълум. Негаки у ёвуз кучлар ҳақида ҳамма гапдан бохабар.

Гарри маълум вақт Снеггни кузатиб ўтирди. Бироқ Снегг, Гарри томонга қайта қарамади.

Нихоят десерт ҳам, қандай пайдо бўлган бўлса, шундай йўқ бўлгач, Дамблдор ўрнидан турди. Катта Залга сукунат чўқди.

- Ҳўш, қорнингизни тўйдириб, чанқовингизни босган экансиз, сизларга яна бир

оғиз сўз айтиб қўйишим керак. Семестр бошланишидан олдин айрим қоидаларни ёдингизга солиб қўймоқчиман.

- Биринчи синф ўқувчилари шуни билиши лозимки, каср атрофидаги ўрмон жамики ўқувчилар учун ташриф буюриш ман этилган ҳудуд саналади. - Айрим юқори синф ўқувчилари, ушбу қоидани яна бир бор ёдга олишса фойдадан холи бўлмайди, - қўшиб қўйди у, милтиллаган нигоҳини эгизак Уэслилар томон қаратиб, - Бундан ташқари, назоратчимиз мистер Филч, машғуллотлар орасидаги танаффуслар давомида сеҳр-жоду билан шуғулланиш ман этилганлигини яна бир бор эслатиб ўтишимни мендан илтимос қилди. Квидиш жамоаларига ўйинчиларни саралаш тадбирлари семестрнинг иккинчи ҳафтасида ташкиллаштирилади. Ўз коллежининг шарафини химоя қилмоқчи бўлганлар хоним Роланда Трюкка мурожаат этишлари лозим. Ва ниҳоят, огоҳлантириб қўйишим даркорки, ким даҳшатли ва мудҳиш ажал топишни истамаса, ушбу ўқув йили давомида учинчи қаватнинг ўнг томонидаги йўлакка кирмасин.

Гарри кулиб юборди. Бироқ у, бутун Катта Залда ўтирганлар орасида ягона кулган киши бўлди.

- Бу жиддий гап эмас эди шекилли? - ўз қилиғидан хижолат чекканча паст овоз билан сўради у Персидан.

- Аксинча, жиддийга ўхшайди, - жавоб қайтарди қовоғини солган Перси, нигоҳини Дамблдордан узмай, - Қизик, одатда, Дамблдор, бирор-бир жойга нима учун бориш мумкин эмаслиги, мисол учун, ўрмонда хавфли махлуклар борлигини тушунтирар эди... Мана бу тақик сабабини лоақал биз синфбошиларга айтиб қўйса бўлар эди-ку...

- Ана энди, уйкуга кетишдан олдин, мактабимиз мадҳиясини куйлаймиз! - кичқирди Дамблдор.

Гарри ўқитувчиларнинг юзларидаги табассум қандайдир қарахт эканлигига эътибор қаратди.

Дамблдор сеҳрли таёқчасини, худди учига қўнган пашшани хайдаб юборгандай енгил силтаб қўйди. Шу онда таёқча учидан узун тилла ранг тасма отилиб чиқиб, столлар узра баланд кўтарилди ва илонга ўхшаб тўлганганча, қўшиқ сатрларига айланди.

- Ҳамма ўзи ёқтирган куйга солиб айтаверсин, - деди Дамблдор, - Бошладик! Мактаб куйлай бошлади:

*Хогварц, Хогварц, Хогги-Вогги-Хогварц сен,  
Ўргат бизга, ўқитгин, ақл, илм бергин сен,  
Қари, бола аралаш, бордир кал, бордир пахмоқ,  
Мақсадимиз муштарак – ўқимоқ, таҳсил кўрмоқ.  
Ақлимиз ошмас-тошмас, лек дакки ҳам емасмиз,  
Тўғри йўл кўрсат бизга, дарслардан ҳеч қолмасмиз.  
Уриниб кўр биз учун, биз ҳам қараб турмаймиз,  
Мияга зўр беришни бир он бўлсин қўймасмиз.*

Ҳамма ўз қўшиғини ҳар хил вақтда ниҳоясига етказди. Охирида фақат мадҳияни мотам маршига солиб айтаётган эгизак Уэслиларгина қолди. Дамблдор сўнгги овоз ўчгунга қадар дирижёрлик қилиб турди. Мотам марши ниҳоясига етгач, ҳаммадан қаттиқ қарсақ чалди.

- Ох, мусиқа! - паст овозда хитоб қилди у, - Сиз билан бизнинг маҳоратларимиздан ҳам қудратли афсун! Хўш, энди уйкуга! Қадам бос!

Гриффиндорчиларнинг биринчи синф ўқувчилари жонланиб вайсаётган халойик

орасидан ўтиб, синфбоши Персининг орқасидан эргашганча, мрамар зинапоядан кўтарилиб, Катта Зални тарк этди. Гаррининг оёқлари бу сафар қорни тўйиб, толиққанидан яна қўрғошин қуйгандай оғирлашиб кетди. Бола шундай толиққан-ки, йўлак деворларига осилган портретлардаги одамлар тасвири ўзаро шивирлашиб, ёнларидан ўтаётган болаларга бармоқ ўктаганга ҳам, Перси синфни икки маротаба деворлардаги ўзидан ўзи очилаётган ёғоч-тахта қоплама ва гиламлар ортига ўрнатилган эшиклар орқали олиб ўтганига ҳам ҳайрон бўлмади. Болалар зинапоядан эснаб, оёқ судраб кўтарилаётган, Гарри эса ҳали узоқ юриш керакмидан деган хаёлга борган фурсатда ҳаракат бирдан тақа-тақ тўхтаб қолди.

Бир тўп ҳассалар ҳавода муаллақ осилиб турибди. Перси олға қадам босиши ҳамано, таёқчалар ҳамла қила бошлади.

- Бу полтергейст Дрюзг, - шивирлаб тушунтирди Перси болаларга ва овозини кўтарди, - Дрюзг, қани намоён бўл-чи!

Бунга жавобан ҳавоси чиқиб кетаётган шардан эшитиладиган овозга ўхшаш баланд, беҳурмат овоз эшитилди.

- Ҳўш Дрюзг, Қонхўр Баронга бориб арз қилишим керакми?

Қарсак товушига ўхшаш товуш эшитилиб, ҳавода муаллақ осилганча, чордана куриб ўтирган, таёқчаларни қорнига сиқиб олган, қора кўзлари ила баджаҳл қараб турган, оғзи катта, танаси митти одам кўринди.

- Оооооо! - деди у, бадхоҳ қаҳқаҳлаб, - Биринчи синф ўқувчиларими? Роса қизик бўлар эканда энди!

У кутилмаганда қаттиқ хуштак чалди. Қўрқиб кетган болалар тўдаси пастга тисарилди.

- Йўлдан қоч, Дрюзг. Йўкса барча қилиқларингни Баронга айтиб бераман, - ўшқирди Перси.

Дрюзг тилини узун чиқариб масҳара қилди-да, кўлидаги ҳассаларнинг ҳаммасини Невиллнинг бошига тўкиб, кўздан ғойиб бўлди. Полтергейст йўлакдаги рицарларнинг яроғ-аслаҳаларини тақир-тукур қилиб парвоз этганча, нари кетгани эшитилди.

- Дрюзгдан нари юрган маъкул, - огохлантирди Перси, ҳаракатни давом эттириб, - Унга фақат Қонхўр Бароннинг сўзи ўтади. Барон эса ҳатто биз синфбошиларнинг ҳам сўзига кирмайди. Мана, ниҳоят етиб келдик.

Йўлакнинг охирида пушти шойи кўйлак кийган ўта семиз аёлнинг портрети осилиб турибди.

- Пароль? - сўради аёл тасвири.

- Аждарнинг ажали, - жавоб қайтарди Перси.

Портрет ўзидан ўзи юқорига кўтарилгач, деворда юмалоқ туйнук кўринди. Болалар бирин-кетин ичкарига қадам босди. Невиллга кўмаклашиб юборишга тўғри келди.

Улар «Гриффиндор»нинг жуда шинам, юмшоққина креслолар билан жиҳозланган доира шаклидаги умумий меҳмонхонасига кириб келишди.

Перси қизалокларни бир эшикка, ўғил болаларни бошқа эшикка йўллади. Айланма зинадан юқорига, чамаси минорага кўтарилган болалар ниҳоят тўқ-қизил рангли бахмалдан тайёрланган гулдор чодирлар остига ўрнатилган бешта каравотга етиб боришди. Ўринлар тайёр. Кўп гапиришга мадори қолмаган болалар уст кийимларини пижамаларга базўр алиштириб, ўзларини кўрпага ташлашди.

- Овқат зўр экан-а? - пўнгиллади Рон парда ортидан, - Наридан қоч, Қасмоқ! Буни қаранг, чойшаб чайнапти-я!

Гарри Рондан қуюқ шиннили тортдан татиб кўрди-ми-йўкми сўрамоқчи бўлди-ю, бироқ ўрнига ётиши билан ухлаб қолди.

Афтидан Гарри меъеридан ортиқ овқатланиб қўйди шекилли, ғалати туш кўрди.



Унинг бошига профессор Белканинг салласи ўралган эмиш. Салла тилга кириб, зудлик билан «Слизерин» факультетига ўтиши лозимлигини уқтирди. Унинг сўзларига кўра, «Слизерин» Гаррининг тақдирига ёзилган порлоқ келажак эмиш. Гарри эса «Слизерин»га ўтишни истамаслигини айтиб, салла билан тортишди. Рад жавобдан норози салла тобора оғирлашиб борди. Гарри уни ечиб ташлашга уринди. Салла эса қаршилиқ кўрсатиб, борган сари торайганча, боланинг бошини қаттиқ сиқди. Бу орада Малфой пайдо бўлиб, салла билан курашаётган Гаррининг устидан роса кулди. Вақт ўтиб Малфой қийғирбурун ўқитувчи Снегга айланди. Снегнинг кулгиси баланд ва жуда хунук эшитилди. Бирдан кўзни камаштириб юборгудай яшил чакмоқ чакнади. Терга ботиб, қалтираган Гарри уйғониб кетди. У бошқа ёнбошига ағанаб, ухлаб қолди. Эртасига эрталаб эса кўрган тушини эслай олмади.

## **VIII БОБ. СЕХРЛИ ДАМЛАМАЛАР ТАЙЁРЛАШ ФАНИ ПРОФЕССОРИ**

Зиёфатнинг эртасига эрталаб, ётоқхонадан чиққан фурсатдан эътиборан Гаррини куни бўйи ўқувчиларнинг пичир-пичири таъкиб қилиб борди.

- Ана, қара, келяпти!

- Қани?

- Анави баланд бўйли малла соч боланинг ёнида.

- Кўзойнак такиб олган болами?

- Пешонасидаги чандиғини кўрдинглар-ми?

Синф хоналарига киришдан олдин эшик қаршисига саф тортган болалар Гаррини кўриш иштиёғида оёқ учига кўтарилиб ёки ёнидан яна бир бор ўтиш учун навбат охирига югурганча, ўтиб олишди. Керакли синфга йўл топиш учун хаёлини жамлаб юришга уринаётган Гаррини атрофдаги одамларнинг хаддан ортиқ эътибори жуда ноқулай ҳолатга солиб қўйди.

Гап шундаки, «Хогварц»да жами бир юз қирқ иккита зинапоя бўлиб, уларнинг айримлари кенг, нишаб, айримлари тор, ғижирлайдиган, баъзилари хар жума куни керак бўлмаган томонга олиб чиқиб кетса, баъзиларининг ўртасидаги поғоналари ўзидан ўзи йўқолиб қоладиган бўлиб, бундай жойлардан сакраб ўтишни унутмаслик керак экан. Бундан ташқари, шундай эшиклар ҳам бор эканки, фақат боадаб илтимос қилинсагина ёки керакли жойи қитиқлаб қўйилсагина очилади.

Эшикларнинг яна бир тури аслида эшик эмас, балки ўзини эшикка ўхшатиб олган сеҳрли деворлардир. Атрофдаги ҳамма нарса ўзидан ўзи мунтазам кўчиб турганлиги боис қаерда нима жойлашганлигини эслаб қолиш жуда қийин.

Портретларда тасвирланган одамлар-чи, бир-бириникига меҳмонга боришади!

Рицарларнинг яроғ-аслаҳалари эса мустақил равишда ҳаракатланишига Гарри шубҳа қилмай қўйди.

Арвоҳлар ҳам ўқувчиларнинг бамайлихотир яшашига ҳалал беради. Киши бирон-бир эшикни эндигина очиб кирмоқчи бўлиб турса-ю, ундан аллақандай арвоҳ чиқиб келса! Одамнинг ўтақаси ёрилиб кетмаган тақдирда ҳам, ғайриихтиёрий равишда сесканмай қолмайди. Деярли Бошсиз Ник гриффиндорчи болалар билан хушмуомала бўлиб, йўл топишга ёрдам берса, полтергейст Дрюзг аксинча, айниқса дарсга кечикаётган болага иккита сеҳрли эшик билан бирон-бир хуфия зинаподдан ҳам баттар ҳалал беради. Киши огоҳ бўлмаса, бошига чиқинди ташлаш саватини кийдириб қўйиши, оёғи остидаги гиламни тортиб юбориши, бўр улоқтириши ёки кутилмаганда рўбару чиқиб, «Мана бу тумшукни қаранглар!» деганча, бурнини қаттиқ чимчилаб тортиб қолиши мумкин.

Бироқ Дрюзгдан ҳам ўтиб тушадиган яна бир хавф борки, у ҳам бўлса, назоратчи

Аргус Филч. Гарри билан Рон бароридан келмаган тасодифга кўра учинчи каватнинг бориш ман этилган йўлагига олиб кирадиган эшикка киришга уринишган биринчи куннинг ўзида Филчнинг қўлига тушиб қолишди. У, болаларнинг адашиб қолганига ишонмай, ман этилган йўлакни атайин кириб кўришмоқчи бўлишганлигига амин бўлганча, ертўлага қамаб қўйишга аҳд қилди. Хайриятки, йўлақдан профессор Белка ўтиб қолиб, болаларни қутқариб қолди.

Филчнинг миссис Норрис лақабли мушуги бор. Жониворнинг юнги чанг рангини эслатади. Ўзи ўлгудай озгин. Кўзи эса бир жуфт фонусга ўхшайди. Мол эгасига ўхшамаса ҳаром ўлади, деган нақл айни муддао. Негаки, мушукнинг эгаси Филчнинг ҳам катта-катта кўзлари бўртиб чиққан. Миссис Норрис мактаб биносининг йўлакларида мустақил равишда патрулик хизматини ўтаб, ҳаммани кузатиб юради. Бирон-бир бола қондани оз бўлса ҳам бузса, яъни ман этилган чизикни бир миллиметрга бўлсин ошиб ўтса бас, у шу захоти сирли равишда кўздан ғойиб бўлиб, эгасини чақириб учун гум бўлади. Хаёл ўтиб-ўтмай воқеа жойига ҳарсиллаб пишиллаган Филч етиб келади. Филч мактабнинг сирли йўллари ҳар қандай бошқа кишидан ҳам яхшироқ билиб (эгизак Уэслилардан ташқари, албатта), оёқ остида қутилмаганда пайдо бўлиб қолиш борасида арвоҳдан қолишмайди. Мактаб ўқувчиларининг ҳаммаси Филчни жуда ёмон кўради, миссис Норриснинг думидан ушлаб тортиш эса аксарият болаларнинг армонидир.

Қани энди энг мушкул иш синф хонасини топиб олиш бўлса! Минг афсуски, ундай эмас! Машғулотлар ниҳоятда мураккаб. Қисқаси, афсунгарлик, сеҳр-жоду – тушунарсиз сўзларни валдираганча, сеҳрли таёкчани шунчаки силтаб қўйишдан иборат эмаслигини Гарри тез орада тушуниб етди.

Ҳар чоршанба куни ярим тунда, болалар телескоп орқали қоп-қора осмонни ўзлаштиришлари, юлдуз номлари ва сайёралар ҳаракатининг траекторияларини ёд олишлари керак. Ҳафтада уч маротаба эса мактабнинг орқа ҳовлисидаги иссиқхонага, пакана бўйли, чайиргина афсунгар аёл профессор Сарсабил хоним раҳбарлигида гербология фанидан сабоқ олгани йўл олишлари лозим. Профессор Сарсабил хоним бегона кўзкорин ва ўт-ўланлар билан қандай муомала қилиш кераклиги, улардан нима мақсадда ва қандай фойдаланиш мумкинлигини ўргатади. Болалар учун энг зерикарли дарс, арвоҳ ўқитувчи ўқитадиган сеҳргарлик тарихидир. Юқори синф ўқувчиларининг сўзларига қараганда, ниҳоятда кексайиб қолган тарих фани ўқитувчиси профессор Биннз кунлардан бир кун ўқитувчилар хонасидаги камин қаршисида мудраб қолиб, эртасига дарсга танасиз, арвоҳ кўринишида кириб келган экан. Биннз алланарсаларни тинмай тўнғиллайди. Болалар эса ғайриихтиёрий равишда тарихий сана ва исмларни ёзиб бориб, Жохил Эмерик билан Ичкиликбоз Умерикни адаштириб қўйишади.

Афсун ўқиш ўқитувчиси профессор Флитвикнинг бўйи шу қадар пастки, кафедра ортида, ўқувчиларга кўриниши учун китоблар дастаси устига чиқиб олишига тўғри келади. Биринчи дарс бошида йўқлама ўтказар экан, Гаррининг фамилиясини ўқигач, завққа тўлиб қичқирганча, стол остига қулаб тушди.

Профессор Минерва Макгонагалл, мактабнинг бошқа ўқитувчилари каби, шахсиятининг ўзига хос хусусияти билан яққол ажраб туради. Ушбу аёлни илк бор кўрганида, унга гап қайтармаган маъқул деган ўйга борган Гарри мутлақо ҳақ экан. Қаттиққўл ва оқила профессор Макгонагалл илк машғулотда, болаларга ўтириш учун изн берилиши билан ўзаро муносабатлар қай йўсинда боришини яққол тушунтирди-қўйди.

- «Хогварц» даргоҳида сиз ўзлаштирадиган сеҳргарликнинг энг мураккаб ва ниҳоятда хавфли тури – айланиш ва айлантириш саналади, - деди у, - Чап қулоғингиз билан ҳам, ўнг қулоғингиз билан ҳам эшитиб қўйинг, ким-ки менинг

дарсимда майнабозчилик қилар экан, синфни абадий тарк этади. Бу менинг биринчи ва сўнгги огохлантиришимдир.

Шу сўзларни айтар экан у, синфда турган столлардан бирини чўчкага сўнг, яна столга айлантириб қўйди. Буни кўрган болалар қойил қолиб, ўхшаш каромат кўрсатишга ижозат берилишини сабрсизлик билан кутишди. Бироқ улар, бирон-бир мебель турини хайвонга айлантириш даражасига етишларига хали етти қовун пишиғи борлигини хаёл ўтмай идрок этишди. Ўз дафтарига бир талай мураккаб формулалар ёзган ҳар бир ўқувчига ниҳоят биттадан, игнага айлантириш талаб этилган гугурт донаси таркатилди. Дарс хотимасида фақат Гермiona Грэнжергина гугурт донасининг кўринишини оз бўлса ҳам, ўзгартиришга муваффақ бўлди. Профессор Макгонагалл, ушбу гугурт донаси кумуш ранг касб этганлиги, бир учи эса бироз учли бўлиб қолганлигини жамики синфга намоёйиш этиб, камдан-кам табассум қилишига қарамай, Гермionaга кулги ҳадя этди.

Ёвузлик кучидан химоя фани бўйича биринчи дарсни болалар интизор бўлиб кутди. Бироқ профессор Белканинг афсунлари жуда жўн, афсунга тақлид қилинган шунчаки сўзлардек туюлди. У дарс ўтадиган синф хонасига саримсоқ ҳиди уриб кетган. Айтишлари-ча, доимо ҳадиксираб юрган профессор Белка саримсоқни, Руминия сафарида бўлган кезларда ҳамла қилган ва уни қидириб шу хонага ҳам келиб қолиши мумкин бўлган қонхўр махлукни хуркитиш учун қўллар эмиш. Профессорнинг ўқувчиларга тушунтириб беришига қараганда, бошидаги саллани бешафкат манкуртлардан ҳалос этгани учун африкалик миннатдор шахзодалардан бири тортиқ қилган эмиш. Бироқ болалар, ушбу чўпчакка кўп ҳам ишонишмади. Негаки, биринчидан, ҳар нарсани билишга ҳаддан ортиқ қизиқувчан Симус Финниган манкуртлар билан кечган олишув ҳақида батафсилроқ сўзлаб беришни сўраганида, профессор Белканинг ранги қизариб, гапни об-ҳаво ҳақидаги мавзуга буриб юборди. Иккинчидан эса салладан жуда кучли ва ғалати хид гупиллаб туради. Эгизак Уэслиларнинг фикрича, салланинг ичи ҳам профессор қаерда юрмасин ўша махлукдан химояланган бўлиши учун саримсоққа тўлдирилган эмиш. Фанларни ўзлаштириш борасида ўз синфдошларидан кўп ортда қолмаётганлигини билган Гарри ўзини бир оз енгил ҳис этди. Аксарият болалар маглар оиласидан чиққан бўлиб, пайти етгунга қадар, худди Гаррига ўхшаб, сеҳргар ёки афсунгар эканлигини билмаган. Биринчи синфдаги ўқиш давомида ўзлаштириш керак бўлган материаллар шу қадар кўпки, сеҳргарлар оиласидан чиққан Ронга ўхшаш болаларнинг ҳам уқуви етмай қолди.

Жума Гарри билан Рон учун ўзгача кун бўлди. Ниҳоят икковлон нонушта қилинадиган Катта Зални йўлдан бирор маротаба ҳам адашмай топиб кела олди.

- Бугун қанақанги дарслар бўлади? - сўради сули ёрмасидан тайёрланган бўтқага шакар сепаётган Гарри Рондан.

- Биринчи икки соат давомида сеҳрли дамламалар тайёрлаш фанидан слизеринчи болалар билан биргаликда ўтказиладиган дарс бўлади. Профессор Снег «Слизерин» факультетининг мудирининг эканлигини биласан. Эшитганим рост бўлса, у, барча масалаларда слизеринчиларни афзал кўрар эмиш. Бу гапнинг рост-ёлгонлигини бугун кўрамиз.

- Ундай бўлса, профессор Макгонагалл ҳам, биз гриффиндорчиларни афзал кўрса яхши бўлар эди, - деди Гарри.

Профессор Минерва Макгонагалл «Гриффиндор» факультетининг мудирининг бўлса-да, ўз ўқувчиларига «ғамхўрлик» қилганча, ҳар сафар бир дунё уй вазифасини «қизғанмай» топширади.

Айни шу фурсатда почта келди. Почтанинг келиши бу тарика ўтишига Гарри анча кўникиб қолди. Аммо ушбу ходисани биринчи бор кўрганида, яъни Катта Залда

ўтаётган нонушта вақтида дафъатан юзлаб бойқушлар учиб киргани, столлар узра парвоз қилиб, ўз соҳибларини қидиришгани, топиб олишгач эса тиззаларига хат ва совғалар ташлаб, учиб кетишганини кузатганида Гаррининг оғзи очилиб, ханг-манг бўлиб қолган эди.

Бугунги кунга қадар Хедвиг Гаррига ҳеч нарса олиб келмади. У баъзан, бошқа қушларга қўшилиб бойқушхонага кетишдан олдин Гаррининг қулоғини чўкиб тортиш, столидаги ушоқлардан еб, тамадди қилиб олиш учун учиб келади. Бу гал эса у шинни солинган кўрача билан қанддон ўртасига қўниб, Гаррининг тарелкасига хат ташлади. Гарри шу ҳақоти бетартиб ёзилган хунук дастхат-ла битилган хатни очиб ўқиди.

*Кадрдоним Гарри,*

*Жума кунининг иккинчи ярмида ўқувчиларга бўш вақт ҳавола этилади. Соат тахминан учларда мен билан чой ичишни истамайсан-ми? Мактабда ўтган биринчи ҳафта ҳақидаги тасаввурларингни эшитмоқчиман. Жавобни Хедвиг орқали йўла.*

*Хагрид*

Гарри Роннинг пат-қаламини олиб, хатнинг орқасига:

«Албатта хоҳлайман, учрашгунча», - деб ёзди-да, Хедвигга узатди.

Хагрид билан кутиладиган чойхўрлик айни муддао. Акс ҳолда сеҳрли дамламалар тайёрлаш фани унга ниҳоятда оғир синовдек туюлган бўлар эди. Ҳар қалай олдинда, битта бўлса ҳам, ёқимли тадбир ўтиши кутилади-ку.

Айни шу дарсга қадар Гарри бунчалик ноҳуш, аҳмоқона ҳолатга тушмаган эди.

Ўқув йили бошланиши шарофатига уюштирилган зиёфатда профессор Снегг ёқтирмай қараб қўйганини Гарри сизди, лекин профессор ўз фани бўйича ўтган биринчи дарс сўнггида Гарри янглишганини тушуниб етди. Негаки у, профессорга нафақат ёқмагани, балки Снегг ундан очикдан-очик нафратланаётгани яққол маълум бўлди.

Сеҳрли дамламалар тайёрлаш дарси қаср остидаги хоналардан бирида ўтказилади.

У ер юқорига нисбатан анча совуқ бўлиб, тоқчалари спиртланган жониворлар солинган банкаларга тўлиб-тошмаган бўлганда ҳам, киши эти жунжикади.

Снегг ҳам профессор Флитвик сингари дарсни йўқламадан бошлаб, навбат Гаррининг фамилиясига келганда Флитвик сингари тўхтаб қолди.

- Ҳа-я, Гарри Поттер. Мактабимизнинг... янги донгдори...

Драко Малфой ва унинг дўстлари Краббе билан Гойл оғзиларини кафтлари билан ёпиб, хириглаб қўйишди. Профессорнинг Хагрид кўзи каби қоп-қора кўзларида, мактаб қоровулининг кўзларидан фарқли ўлароқ, эзгуликдан асар ҳам кўринмайди. Аксинча, унинг нигоҳи қоп-қоронги туннелни эсга солиб, муздай бўшлиқни акс этади.

- Сизлар бу хонага сеҳрли дамламалар тайёрлашга оид аниқ фан ва бундай дамламалар тайёрлашнинг нафис санъатини ўзлаштиргани келдингиз, - бошлади профессор.

У деярли шивирлаб гапирмоқда. Ўқувчилар эса диққат билан қулоқ тутиб, унинг ҳар бир сўзини уқиб олишга уринмоқда. Снегг ҳам, профессор Макгонагалл сингари, ўқувчилар эътиборини ўзига жалб этиш маҳоратига эга бўлиб, бу борада сал бўлса ҳам зўриқиши сезилмайди.

- Бу фаннинг, сеҳрли таёқчани аҳмоқона силтаб юриш билан ҳеч қандай умумийлиги йўқлиги боис, уни афсунгарлик деб аталишига ишониш кўпчилигингиз учун қийин кечиши муқаррар. Шовқинсиз, милтиллаб қайнаётган қозонча ва унинг

устида ялтираётган буғнинг сеҳрли манзараси, инсоннинг қон томирларига сингиб кириб, ақлини сеҳрлаб қўядиган, хис-туйғуларини эса батамом асоратга соладиган суюкликларнинг қалтис кучига муносиб баҳо бера билишингизни сизлардан кутмайман ҳам. Мен сизларга шон-шуҳратни шиша идишчаларга қуйиб чиқиш, чойнакка мардлик ва жасоратни дамлаш, ўликка жон бағишлайдиган сув тайёрлашни ўргатишим мумкин. Агар сиз, аксарият битирувчилар сингари, менга дуч келаётган, навбатдаги бедаво аҳмоқ ва нодон бўлмасангиз, албатта. Ушбу қиска нуткидан сўнг, профессор, бир оз сукут сақлади. Гарри билан Рон бир-бирига таажжуб-ла қараб қўйди. Гермиона Грэнжер эса ҳар қандай сонияда ўзининг нодон эмаслигини исботламоқчи бўлгандай, курси четига ўтириб олиб, типирчиламоқда.

- Поттер! - кутилмаганда овоз берди профессор, - Тилла гулнинг туйилган илдизи шувок дамламасига солинса нима бўлади?

Ниманинг туйилган илдизини ниманинг дамламасига? Гарри Рон томон юзланди. Роннинг ҳанг-манг бўлиб қолган турки Гаррининг башарасидан қолишмади. Гермионанинг қўли эса ҳавога отилди.

- Билмадим, сэр, - жавоб қайтарди Гарри.

- Ҳа-а... Бу масалада машҳурликнинг ўзи камлик қилади, - оғзини заҳарҳанда буриштирди Снегг, Гермионанинг кўтарилган қўлига эътибор ҳам қаратмай, - Яна бир бор уриниб кўринг Поттер. Безоар тошини олиб келинг десам, уни қаерда кидирган бўлар эдингиз?

Гермиона ўтирган курсисидан туриб кетмасликка уриниб, қўлини имкон қадар баланд кўтарди. Гарри эса безоар тоши ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмас. У овоз чиқармай қаҳқаҳламоқдан елкалари силтаниб ўтирган Малфой, Краббе ва Гойл томонга қарамасликка уринди.

- Билмадим, сэр.

- Фаҳмлашим-ча, Поттер, мактабга келгунга қадар китоб варақламаганга ўхшайсиз, шундайми?

Гарри нигоҳини профессорнинг совуқ кўзларидан олиб қочмасликка зўр берди. Албатта у дарсликлар билан танишиб чиққан. Бироқ Филлида Споранинг «Мингта сеҳрли алаф ва кўзикоринлар» китобини ёддан билишга мажбур эмас-ку?!

- Поттер, кўк гунафша билан кўк айиктовон ўртасида нима фарқ бор? - сўради Снегг Гермионанинг кўтарилган қўлига ҳамон эътибор қаратмай.

Қўли билан шифтга етмоқчи бўлган Гермиона ниҳоят ўрнидан туриб кетди.

- Билмадим, сэр, - жавоб қайтарди Гарри, вазминлик билан, - Назаримда саволларингизга Гермиона жавоб бера олади, ундан сўраб кўрмайсиз-ми?

Синфда хингир-хингир кулги эшитилди. Гаррининг нигоҳи кўзини қисиб қўйган Симусга тушди.

- Жойингизга ўтиринг, - ўшқириб берди домангир Снегг, Гермионага қараб, - Маълумотингиз учун, Поттер, тилла гулнинг туйилган илдизи билан шувок дамламаси аралаштирилса шундай уйқудори ҳосил бўладики, унга «Тирик қолдирадиган ажал қултуми», деган ном берилган. Аксарият заҳар турларининг одам ўлдириш таъсиридан сақлаб қоладиган безоар тоши эса тоғ такасининг ошқозонидан чиқариб олинади. Кўк гунафша билан кўк айиктовонга келсак, бу айни бир ўсимлик бўлиб, парпи деб номланади. Хўш, нима гап? Нега ҳеч ким ёзиб олмаяпти?

Шу захоти синф хонасини пергаментнинг шитир-шитири ва пат-қаламларнинг гичирлаши камраб олди.

- Сизнинг шарофатингиз билан, Поттер, «Гриффиндор» коллежидан бир балл айрилади.

Дарс давом этган сари «Гриффиндор»нинг ҳолати ёмонлашишга баттар ёмонлашди-ки, мутлақо тикланмади. Снегг синф ўқувчиларини жуфтларга бўлиб чиқиб, инсоннинг тери қопламасидаги куйган жойни даволаш учун қўлланиладиган, унча мураккаб бўлмаган дори тайёрлашга киришишни буюрди. У, ўзининг узун қора кийими билан синф бўйлаб гоҳ у томон, гоҳ бу томон шиддат билан юрар, болалар қуритилган газанда ўт билан илоннинг туйилган тишини тарозида тортаётганини кузатар, бир қарашда ёктириб қолган Малфойдан ташқари, ҳамманинг хатти-ҳаракатини танқид қилар эди.

Снегг шохли шилликқуртни обдон қайнатган Малфойни ҳаммага ибрат қилиб кўрсатаётган фурсатда, қаердандир яшил тусли аччиқ тутун паға-паға чиқиб, бутун ертўлага пишиллаган товуш эшитилди. Симус билан биргалиқда дори тайёрлаётган Невилль, тушуниб бўлмайдиган тарзда шеригининг қозонини қиздириб, эритиб юборибди. Оқибатда, ушбу суюклик, қозонга яқин турган болаларнинг пойафзалларини тешганча, тош полга тинимсиз оқди. Болаларнинг ҳаммаси санокли сониялар ичида курсиларга сакраб чиқиди. Эгнига эритма пуркалиб, қўлоёғи мудҳиш тарзда қизара бошлаган Невилль оғриқдан инграмоқда.

- Жин урган овсарлар! - кичкириб юборди Снегг, сеҳрли таёқчасини силтаганча, суюкликни гум қилар экан, - Қозонни оловдан олмай туриб жайра игнасини солдингиз-ми?

Бурнига қадар куйган Невилль ҳиқиллаб йиғлай бошлади.

- Шифохонага элтинг, - буюрди Снегг Симусга.

Шундан сўнг, Снегг ўз қаҳрини Невиллнинг ёнида ишлаган Гарри билан Ронга тўкиб солди:

- Сиз Поттер, нега уни тўхтатиб қолмадингиз? Уни хунук кўрсатиб, ўзингиз яхши кўринмоқчи бўлдингиз-ми? «Гриффиндор» сиздан миннатдор бўлишига шубҳа қиламан, негаки факультет яна бир балл йўқотди.

Нақадар адолатсизлик! Гарри ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишга уриниб, энди оғиз жуфтлаган эди ҳам-ки, қозон ортида турган Рон уни бир тепиб, тўхтатиб қолди.

- Баслашма, - пичирлади Рон, - Айтишлари-ча, мудҳиш Снеггнинг табиати шу эмиш.

Бир соат ўтгач, Гарри ниҳоятда эзилган ҳолатда, бўлиб ўтган ишлар ҳақида ўйланиб синфдошлар билан биргалиқда ер ости йўлагидан юқорига кўтарилди. Биринчи ҳафтанинг ўзида «Гриффиндор» Гаррининг айби билан икки балл йўқотди. Қайси гуноҳи учун Снегг уни бу қадар ёмон кўрар экан, а?

- Хафа бўлма, - юпатишга уринди уни Рон, - Снегг Фред билан Жоржни ҳам мунтазам жазолаб, балл айириб боради. Хагриднинг ҳузурига сен билан борсам майлими?

Болалар соат ўн тўртдан эллик беш дақиқа ўтганида қасрдан чиқиб, ҳовли орқали Хагриднинг Ман этилган ўрмон четидаги кулбаси томон йўл олди. Кириш эшиги устида арбалет билан бир жуфт калиш илиб қўйилган экан (**Арбалет – камонга ўхшаш қадимги қурол**).

Гарри эшик тақиллатди. Ичкаридан дастлаб тимдалаш ва янгроқ инграш товуши, фурсат ўтиб, Хагриднинг «Қайт, Сўйлоқтиш, жим бўл» деган овози эшитилиб, қия очилган эшиқда юнг босган йирик юзи кўринди.

- Шошмай тулинг, ҳозир, - деди у, - Орқага, Сўйлоқтиш.

Хагрид каттақон немис догини бўйинбоғидан базўр тутиб турганча, болаларни ичкарига киритди.

Шифтига сон гўшти билан кирғовулар осиб қўйилган кулба атиги иккита хонадан иборат. Бурчақда қуроқ кўрпа ташланган катта каравот ўрнатилган бўлиб, ўчоқда ёнаётган очиқ олов устида каттақон мис чойнак қайнаб турибди.

- Ўзингизни ўз уйингизда деб билинг, - ичкарига таклиф қилди Хагринд Сўйлоктишни бўшатар экан.

Ит шу захоти Роннинг олдига келиб, қулоғини ялай кетди. Сўйлоктиш ҳам, Хагринд ҳам жажлдор эмаслигини Рон жуда яхши тушуниб етди.

- Танишинг, бу Рон, - деди Гарри катта чойнакка чой дамлаб, ликопга тошдай қотган булочкаларни солаётган Хагриндга.

- Навбатдаги Уэсли, шундайми? - сўради Хагринд, сепкил босган Ронга караб, - Акаларингни ўрмондан қувиб чиқаришга умримнинг ярми зое кетди. Яқинроқ қараганда узумли булочкалар бирор-бир шаклга эга бўлмай, эҳтиёт бўлмаса киши тишини синдириб олиши ҳеч гап эмас. Бироқ Гарри билан Рон бундай меҳмондорчиликдан хурсанд эканлигини сохта бўлса ҳам намоён этиб, ўзларининг биринчи тасаввурлари билан ўртоқлаша кетди. Сўйлоктиш Гаррининг тиззасига бошини қўйиб, сўлак окизганча ридони расво қилди. Хагринднинг Филчни «қари тентак» деганини эшитиб, Рон билан Гарри хурсанд бўлди.

- Анали миссис Норрис лақабли мушугини мана бу Сўйлоктиш билан таништириб қўйса зўр иш бўлар эди. Қасрга киришим билан, оркамдан қолмай эргашиб юради, лаънати. Ундан қутулиш қийин, жонивор Филчнинг амрини бажаради-да. Гарри Хагриндга Снегнинг дарсида бўлган воқеани айтиб берди. Хагринд худди Рон каби ташвиш тортмаслик кераклиги, Снег бирон-бир ўқувчини ёқтирмаслигини айтди.

- Лекин у мендан очикдан-очик нафратланади!

- Бўлмаган гап, - ишонмади Хагринд, - Нега энди нафратланар экан?

Аммо, ушбу гапни айтаётган Хагринд кўзини яшираётгани Гаррининг эътиборидан четда қолмади.

- Сенинг аканг Чарли, нималар билан машғул бўлиб юрибди? - сўраб қолди Хагринд Рондан, - Зўр бола, ҳайвонларни яхши кўради. Хагринд мавзунини атайин ўзгартириб юборди, хаёлдан ўтказди Гарри. Рон Хагриндга Чарлининг иши аждарлар билан боғлиқ эканлигини айтиб бераётган пайтда Гарри стол устида ётган газета бўлагини қўлига олди. Бу «Башорат-у, каромат газетаси»нинг парчаси экан:

#### *«ГРИНГОТТС» БАНКИДАГИ ҚУЛФНИ БУЗИШГА УРИНИШ ҲОЛАТИ*

*Тахминларга кўра, номаълум ёвуз сеҳрлар ёки афсунлар томонидан жорий йилнинг 31 июль куни «Гринготтс» банкидаги бўлма қулфини бузишга уриниш ҳолати юзасидан олиб борилаётган тергов тадбирлари давом этмоқда. Банк ходимлари бўлмиш гоблинларнинг таъкидлашларича, банкдан ҳеч нарса ўғирланмаган. Қулфбузар ўғирлар айни шу куни, улардан олдин, белгиланган тартибда бўшатилган бўлма эшигини очиб киришга уринишган. «Бироқ ушбу бўлмада нима сақланганлигини кенг оммага етказиш ниятимиз йўқ. Шу боис, ноҳуш ишга аралашиб қолишни истамаганларга, бу мавзудан нари юришни тавсия этамиз!» - баёнот қилди жамоатчилик билан алоқалар гоблини.*

Рон поездда «Гринготтс»да содир этилган ўғирлик ҳолатини тилга олган эди-ю, қачон юз берганлигини айтмаган эди, эсга олди Гарри.

- Хагринд, - хитоб қилиб юборди Гарри, - «Гринготтс»даги воқеа туғилган кунимда содир этилган экан! Эҳтимол, айни биз ташриф буюрган пайтда рўй бергандир! Шубҳага ўрин йўқ, Хагринд яна кўзини олиб қочди. У шайтон сўзи билан сўкиниб, булочка таклиф қилди. Гарри газета мақоласини қайтадан ўқиб чиқди: «Қулфбузар

Ўғрилар айна шу куни, улардан олдин, белгиланган тартибда бўшатишган бўлма эшигини очиб киришга уринишган». Хагрид етти юз ўн учинчи бўлмани бўшатган эди. Агар ўша бўлмадаги эзилиб кетган кичкинагина халтани олиб чиққанлиги инобатга олинса, Хагрид «бўлмани бўшатди» деса бўлади. Ўғрилар ўғирламоқчи бўлган нарсга ҳақиқатан шу халтамикан?

Болалар, ўзлари билан олиб кетиш таклифини рад этишга журъат эта олмай, чўнтақларини тош булочкалар билан тўлдирганча, қасрга, кечки овқатга қайтишди. Ўтган бирон-бир дарс, Гаррини Хагриднинг кулбасидаги чойхўрлик каби ўйга толдирмаган. Демак Хагрид халтани мавридида олиб чиққан эканда? Хўш, ўша халта ҳозир қаерда? Хагрид Снегг ҳақидаги гапни бошқа мавзуга буриб юборди. Демак у бирон-бир гапдан бохабар-у, менга айтишни истамади.

## **IX БОБ.**

### **ТУН ЯРМИДАГИ ДУЭЛЬ**

Агар Гаррига: вақти келиб, Дудлидан ҳам баттар нафратланадиган болани учратасан, - деб айтишганда, Драко Малфой билан танишгунга қадар ишонмаган бўлар эди. «Гриффиндор»нинг биринчи синф ўқувчилари слизеринчилар билан фақат сеҳрли дамламалар тайёрлаш фани дарсида учрашиб, Малфойнинг башарасини камдан-кам кўришади. Бироқ бундай ҳолат «Гриффиндор» коллежининг умумий меҳмонхонасига эълон осиб қўйилгунга қадар давом этди холос. Эълонни ўқиган болаларнинг ҳаммаси бирдай инграб юборишди. Унда ёзилишича, учиш машқлари пайшанба куни бошланиб, «Гриффиндор» билан «Слизерин» биргаликда ўзлаштирар экан.

- Жуда яхши иш бўлибди-да, - деди Гарри маъюс киноя билан, - Айна шуниси камлик қилиб турган эди. Малфойнинг кўз ўнгидида супургига ўтириб олган тентакка ўхшар эканман-да энди.

Гарри учиш машғулотларини зориқиб кутар, учишни ўрганиб олишни жуда истар эди.

- Нега энди тентакка ўхшар экансан, - юпатишга уринди Рон, - Малфой квидишни зўр ўйнаши борасида мақтаниб юргани-юрган, албатта. Бироқ онт ичиб айтаман-ки, бу гапларнинг бари сафсатадан бошқа нарсга эмас.

Малфой ҳақиқатан ҳам ўз парвозлари ҳақида кўп гапиради. У биринчи синф ўқувчилари квидиш жамоасига қабул қилинмаслиги борасида ачиниб, доимо маглар бошқараётган вертолётни уриб туширишига сал қолганлиги ёки шунга ўхшаш бирон-бир лоф билан якун топадиган узундан-узоқ чўпчакларини тинмай сўзлаб юради.

Аммо бу масалада Малфой ёлғиз эмас, Симус Финниганнинг гапларига кулоқ тутиладиган бўлса, у ўзининг болалик даврини супурги устида, кишлоғи узра учиб ўтказиб юборган эмиш. Ҳатто Рон ҳам, уни эшитадиган ҳар қандай кишига акиси Чарлининг супургисида учиб юрган кунлардан бирида дельтаплан билан тўкнашиб кетишига бир баҳя қолганини айтиб беришга тайёр.

Умуман, сеҳргарлар оилаларидан чиққан болаларнинг барчаси квидиш ўйини ҳақида кўп гапириб, маглар ўйнайдиган ўйинларнинг аксариятини тушуниш қийинлиги боис, эшитишни ҳам хоҳлашмайди. Рон магларнинг футбол ўйини орқасидан ҳаттоки, бир хонада яшайдиган Томас Дин билан ёқалашиб кетишига оз қолди. Рон атиги бир дона тўп билан ўйналадиган, лоақал хавода учиш ҳам мумкин бўлмаган бундай ўйинни тасаввурига ҳеч сиғдира олмади. Кунлардан бир кун Гарри Ронни Диннинг каравоти устига осиб қўйилган Вестхэм футбол жамоаси тасвирланган плакатни бармоғи билан чертганча, ўйинчиларни ҳаракат қилишга мажбур қилишга уриниб турган ҳолатида кўриб қолди.



Бувиси супургига яқин йўлатмаган Невилль эса ҳали бирор маротаба бўлсин, учмаган экан. Гарри ичида, Невиллнинг бувиси жуда тўғри қилибди деган хулосага борди. Негаки Невилль, супурги у ёғда турсин, ҳатто Худо берган икки оёғида ерда юриб ҳам, доимо қоқилиб-суртиниб, кулаб юради.

Осмон-у фалақда парвоз этиш кераклигини ўйлаган Гермiona Грэнжер ҳам ҳаяжон борасида Невиллдан қоқилмайди. Учиш кўникмасини, соҳага оид дарсликларнинг барчасини ёд олсанг ҳам, амалиётсиз шакллантириб бўлмаслигини қизалоқ жуда яхши билади. Гермiona мактаб кутубхонасининг «Асрлар оша ўтиб келган мангу квидиш» китобидан ўқиб олган тавсиялари билан пайшанба кунги нонушта вақтида ўртоқлашганча, ҳаммани зериктириб, ўлар ҳолатга келтириб қўйди. Невилль эса унинг ҳар бир сўзига диққат билан қулоқ тутиб, ушбу тавсиялар супургидан кулаб тушмасликка ёрдам беришига умид боғлади. Почта келиб, Гермionанинг узундан-узоқ маърузаси бўлинишига сабаб топилгани боис, синфдошлар ўзларини анча енгил тортишди.

Гаррига Хагриднинг ўша кунги хатидан ташқари, бошқа ҳеч қандай почта келмади. Табиийки, Малфой ушбу ҳолатни тез пайқади. Унинг қарчиғайлар оиласига мансуб уккиси ҳар куни конфет ташиш билан, Драко эса нонушта вақтида қутиларни очқўзларча очиб, конфет ейиш билан овора.

Бугун омбор бойқуши Лонгботтомга бувиси юборган совға келтирди. Хурсанд бўлган Невилль тугунни очиб, каттагина, афтидан оқ тутун тўлатилган шиша шар чиқарди.

- Ие, ахир бу, Эсга ол-ку! - қувонч-ла эълон қилди у, - Доимо ниманидир эсдан чиқариб юришимни бувим жуда яхши билади. Эсга ол эса ёдингдан чиқиб қолган буюм ёки бирон-бир ишни дарҳол эсингга солади. Мана қаранглар, Эсга олми маҳкам ушлайсиз. Агар бирон нарсани... эсдан чиқарган бўлсангиз... унинг ранги қизаради... Вой! - шиша шар шу заҳоти қизариб кетганидан Невиллнинг юзи бирдан ғамгин қиёфа касб этди.

Невилль нимани ёдидан чиқарганини зўр бериб эслаётган фурсатда «Гриффиндор» столи ёнидан ўтиб бораётган Малфой Невиллнинг қўлидаги Эсга олми шартта тортиб олди.

Анчадан буён Малфойнинг таъзирини бериб қўйишга баҳона топа олмай юрган Гарри билан Рон ирғиб туришди.

- Нима гап? - янгради таниш овоз.

Минг афсуски, муштлашиш ҳолати муқаррар бўлиб қолган вазиятни олдиндан сезадиган ғайритабиий қобилиятга эга профессор Макгонагалл, кўз очиб юмгунча, воқеа жойида пайдо бўлибди.

- Анави Малфой Эсга олимни олиб қўйди, профессор.

Тесқари қараб сўқиниб олган Малфой зарда қилганча, Эсга олми столга улоқтирди.

- Кўрмоқчи эдим холос, - деди у, назари илмай ва Краббе билан Гойлга имо қилиб, иккаласининг хамрохлигида нари кетди.

Тушдан сўнг, соат учдан ўн уч дақиқа ўтганда Гарри, Рон ва бошқа гриффиндорчилар зинадан пастга, ховлида ўтказиладиган биринчи учиш машқларига ошиқиб, шоша-пиша тушишди. Кун очик, эсаётган енгил шабада мактаб ховлисининг узоқ чеккасидаги текис майсазорга олиб тушадиган нишаблиқда ўсган ўт-ўланни тўлқин ҳосил қилганча, тебратмоқда. Майсазор ортида эса Ман этилган ўрмон дарахтлари ваҳима солиб чайқалмоқда.

Слизеринчилар аллақачон йигирматача супурги бир текис териб чиқилган майсазорда йиғилиб олишган экан. Супургиларни кўрган Гарри ака-ука Фред ва Жорж Уэслиларнинг шикоятини эслади. Эгизакларнинг фикрича, мактаб супургилари яхши учмас, агар ҳаддан ортиқ юқорига қўтарилиб кетсанг силкинар,

баъзан парвоз йўналишидан чап томонга беихтиёр оғиб кетар эмиш.  
Машғулот майдонига ўрта бўйли, сочи оқарган, қирғийкўз ўқитувчи Роланда Трюк хоним етиб келди.

- Хўш, нимани кутяпмиз? - кичкирди у, - Қани ҳамма ўз супургисининг ёнига келиб турсин-чи! Тез!

Гарри пастга, ўзига яқин ётган, эскириб, ғадир-будур бўлиб кетган супургига қаради.

- Ўнг қўлингизни супурги устида узатинг, - буюрди Трюк хоним, бир қатор саф тортган ўқувчилар қаршисига чиқиб, - Яхши. Энди супургига қараб: «Тур!» командасини беринг.

- ТУР! - бақира кетишди болалар.

Гаррининг супургиси шу заҳоти тик туриб, сопи қўлига етди. Бирок бундай ҳолат ҳаммада ҳам рўй бермади. Гермиона Грэнжернинг супургиси думалаб, нари кетиб қолди, овози қатъий эшитилмаётган Невиллнинг супургиси эса қилт этмади. Эҳтимол супурги ҳам отга ўхшаб, эгарламоқчи бўлган кишининг қўрқаётганини ҳис этса керак, хаёлдан ўтказди Гарри. Негаки Невилль оёғини ердан узишни хаёлига ҳам келтирмаётгани аён кўриниб турибди.

Трюк хоним кулаб тушмаслик учун супурги устига қандай жойлашиш кераклигини кўрсатиб, болалар орасида, супурги сопини ушлаб олган қўлчаларини тўғрилаб юрди. Ўқитувчи Малфойга бир умр нотўғри ҳолатда учгани ҳақидаги хулосасини айтганда, Рон билан Гарри ичикораларча ҳузур қилишди.

- Ҳозир, хуштагимни эшитгач, ердан зарб билан тепиниб, юқорига кўтариласиз, - тушунтиришларини давом эттирди Роланда Трюк хоним, - Супургини текис тутинг. Бир неча футга кўтарилгач, дарҳол ерга қўнинг. Бунинг учун гавдангизни мана бундай қилиб бир оз олдинга эгишингиз керак бўлади. Ҳамма тайёрма? Демак, хуштагим янграгач, бир, икки... (*Эслатма: 1 фут 0,3048 метрға (яъни 30 сантиметрға) тенг*).

Ҳамма ҳавога кўтарилса-ю, ёлғиз ўзи ерда қолиб кетишини ўйлаб, саросимага тушиб қолган Невилль, Трюк хоним хуштагини лабига яқинлаштиришга улгурмай, ердан зарб билан тепинди.

- Ҳой болакай, қайт орқанга, қайт дедим сенга! - кичкирди Трюк хоним. Бирок Невилль, шиша бўғзидан отилиб кетган тикин каби тик юқорига, тахминан ўн икки-йигирма футга кўтарилиб кетди. Кўрқиб, ўлар ҳолатга келиб қолган Невилль мурдадек оппоқ юзи билан пастга қараб, дод солганча, ўзини ёнбошга ташлаб, шап этиб ерга тушди.

Унинг супургиси юқорилашни давом этиб, анча баландга кўтарилгач, Ман этилган ўрмон томон учиб кетиб, кўздан ғойиб бўлди. Невилль эса ерда, аянчли ҳолатда ётибди.

Юзи Невиллнинг юзидан қолишмаган даражада оқариб кетган Роланда Трюк хоним югуриб бориб, боланинг устига энгашди.

- Билагини синибди, - эшитиб қолди Гарри ўқитувчининг сўзини, - Қани болакай, ўрнингдан тур-чи. Қўрқма, ваҳима қиладиган иш бўлгани йўқ. - Болани амбулаторияга элиб қўйгунимга қадар ҳамма ўз жойида, қилт этмай турсин, - деди у, қолганларга юзланиб, - Супургилар ҳам ётган жойида ётганча қолиши шарт. Акс ҳолда «Квидиш» сўзини талаффуз этишга улгурмай, «Хогварц»дан хайдалишингиз муқаррар. Қани, болакай, тур кетдик.

Улар сал узоқлашиши ҳамано Малфой манфур башара ясаб, қаҳқаҳлаб юборди.

- Анави бир қоп картошканинг юзини кўрдинлар-ми?

- Овозингни ўчир, Малфой! - ўшқирди Парватти Патил.

- Оооо, Лонгботтомни ҳимоя қиляпсан-ми? - жирканч қиёфа ила хайрон бўлди,

слизеринлик совук юзли қизалоқ Панси Паркинсон, - Сенга, Парватти, семиз йиғлоқилар ёқишини билмас эканман.

- Анави нима? - кичқирди олдинга интилган Малфой, ердан аллақандай нарсани кўтариб, - Ие, қаранглар, ахир бу Лонгботтомнинг бувиси юборган ахмоқона совға-ку.

Малфойнинг кўлида қуёш нурларида ярқираётган Эсга ол кўринди.

- Уни менга бер, - вазмин талаб қилди Гарри.

Майдондагилар Гарри билан Малфой томонга юзланиб, уларнинг баҳси нима билан якун топишини қизиқиб кузатишди.

- Фикримча, - деди Малфой аблаҳона кулиб, - Бу нарсани Лонгботтомнинг кўзи тушадиган жойга, мисол учун... дарахт устига жойлаб қўйиш керак, а?

- Менга бер дедим сенга! - ўшқирди Гарри.

Бирок Малфой супургига ўтирди-да, ҳавога кўтарилди. Малфой ёлғон гапирмаган экан, у ҳақиқатан ҳам уча олар, учганда ҳам яхши учар экан.

- Мана Поттер, - кичқирди эманнинг энг юқори шохларидан бири яқинида муаллақ тўхтаган Малфой Гаррига қараб, - Шу ерга қўяман, келиб олишинг мумкин.

Гарри супургисини кўлига олди.

- Йўк! - умидсиз оҳанг-ла кичқирди Гермiona Грэнжер, - Трюк хоним қилт этмасликни буюрган. Сени ордангдан таъзимимизни еймиз.

Аммо қони қайнаб кетган Гарри унинг қичқириғига эътибор қаратмади. У шартта супургига ўтирди-да, ердан зарб билан тепиниб, ҳавога кўтарилди.

Юқориди эсаётган шамол Гаррининг сочи ва кийимининг этагини ортга ташлаб, ҳилпирата бошлади. Шу захоти ҳузур ва завқ туйғуси боланинг вужудини бутунлай камраб олди. Нихоят у, ўқимасдан ҳам тасарруф этиш мумкин бўлган сеҳргарликни топди. Парвоз жуда ҳам осон ва мароқли кечар экан. У юқорирок кўтарилиш учун супургини ўзига тортди. Қулоғига жуда пастда қолган қизчаларнинг чийиллашлари ва Роннинг завқ билан чуввос солиши эшитилди.

Гарри супургини кескин буриб, мурдадек қотиб қолган Малфой билан юзма-юз келди.

- Менга бер дедим, - талабини такрорлади Гарри, - Йўкса, ҳозир сени супургингдан итариб ташлайман!

- Наҳотки?! - деди Малфой кўрқиб кетганини яшира олмаса ҳам, обрўсини йўқотмасликка уриниб.

Қандайдир мўъжиза Гаррига қандай иш тутиш кераклигини билдирди. У супургисини маҳкам ушлаб, танасини олдинга энгаштирди. Супургиси худди найза каби Малфой томон шиддат билан уча бошлади. Драко базўр чап бера олди. Катта тезлик билан пастга қараб учаётган Гарри абжирлик билан супургисини яна тўғрилаб олди. Ерда турганлар қарсақ чалишди.

- Хўш, Малфой! Бу ерда сенга ёрдамга келадиган Краббе ҳам, Гойл ҳам йўк. Энди нима қиласан, бечора? - мазах қилиб кичқирди Гарри.

Афтидан, Малфой ҳам шу ҳақда ўйланиб қолган кўринади.

- Ма, эпласанг тутиб ол!

Малфой кўлидаги шиша шарни юқорига отиб, ўзи пастга шўнғиди.

Гарри, дастлаб юқорига секин-аста кўтарилган, сўнг тезлик олиб, пастга туша бошлаган шиша шарга юзланди-да, танасини энгаштириб, супургисининг сопини ерга қаратди. Кейинги сонияда шиша шарга етиб олишга ҳаракат қилганча, тик пастга тушиб, катта тезлик ола бошлади. Кузатувчиларнинг қичқириғи билан уйғунлашиб кетган шамол чийиллаб эшитилмоқда. Гарри кўлини узатиб, ерга етишига бир метр қолган шарни тутиб олди ва шу вақтнинг ўзида супургисининг ҳаракатини тўғрилаб олишга улгурди. Яна бир айланиб, кўлидаги Эсга ол билан

майсазорга аста кўнди.

- ГАРРИ ПОТТЕР!

Ушбу овозни эшитган боланинг юраги, ҳозиргина ўзи пастга тушган тезликдан ҳам катта тезликда товонга қадар тушиб кетгандай бўлди. Гаррининг ёнига профессор Макгонагалл югуриб келди. Бола қалтираганча, ўрнидан турди.

- «Хогварц»да шунча йилдан буён ишлаб келар эканман, хали бунақа... бунақаси бўлмаган.

Ҳаяжонланган профессор тилдан қолган чамаси. Унинг шишалари квадрат кўзойнаги куёш нурларида: «Бу нима қилганинг, бўйнингни синдириб олишинг мумкин эди-ку!» дегандай хайбат солиб ярқирамоқда.

- Айб унда эмас, профессор...

- Жим бўлинг, мисс Патил...

- Ахир Малфой...

- Бўлди бас, мистер Уэсли. Поттер, ҳозирок ортимдан юринг.

Гарри ўқув майдонини тарк этар экан, Малфой, Краббе ва Гойлнинг музаффарият ифодалаб турган юзларига қараб кўйди. У қаср томон қатъий қадам ташлаб кетаётган профессор Макгонагаллнинг кетидан бошини ҳам қилганча эргашиб кетди. Ҳаммаси тамом. Ана энди уни мактабдан хайдаб юборишлари муқаррар. У алланарса демокчи, ўз хатти-ҳаракатларини оқламоқчи бўлди-ю, бироқ тили итоат қилмай кўйди. Профессор Макгонагалл эса Гарри томон бирор маротаба бўлсин, киё бокмади. Болага профессор билан тенг бориш учун сал кам югуриб юришга тўғри келди. У мактабда ҳатто тўлик икки ҳафта ҳам ўқишга улгурмади. Ўн дақиқадан сўнг эса бисотларини йиғиштиришга киришади. Уни остонада кўрган Дурсллар нима дер экан?

Мана, қасрнинг асосий эшигига олиб чиқадиган зиналар. Энди ички ҳашаматли мрамор зинапоя бўйлаб кўтарилишмоқда. Профессор Макгонагалл эса ханузгача миқ этгани йўқ. У қаср йўлаклари бўйлаб, қаршисидаги эшикларни куч билан очганча, қатъий одимлаб бормоқда. Гарри коллеж мудирининг ортидан маҳкум қилинган маҳбусдай эргашиб бормоқда. Эхтимол Дамблдорнинг хузурига олиб бораётган бўлса керак. Дафъатан Гаррининг эсига Хагринд тушиб қолди. Ахир уни ҳам бир вақтлар ўқишдан четлатишган, бироқ мактаб қоровули сифатида қолдиришган. Балки Гаррини Хагриндга ёрдамчи сифатида қолдиришар? Рон ва бошқа синфдошлари ҳақиқий сеҳргар бўлиб етишишлари, у эса бир четда, ўртоқларини кузатганча, Хагринднинг ортидан қоп елкалаб юришини тасаввур қилиб кўрди.

Профессор Макгонагалл алақандай синф хонаси олдида тўхтаб, эшикни очди-да, бошини ичкарига сукиб:

- Мени маъзур сананг, профессор Флитвик, Древни бир дақиқага бериб турасизми? Древ дегани нима бўлди экан, ваҳимага тушди Гарри, калтаклаш учун қўлланиладиган бирор-бир таёкми?

Бироқ Древ профессор Флитвикнинг хонасидан таажжубланиб чиққан, бешинчи синфда ўқийдиган бақувват бола экан.

- Ортимдан юринг, иккалангиз, - буюрди профессор Макгонагалл.

Учаласи йўлак бўйлаб, синф хонасидан нари кетишди. Древ эса йўл давомида Гаррини қизиқувчанлик билан бошдан оёқ қараб борди.

- Кириш, - деди профессор Макгонагалл, синф тахтасига уятсиз иборалар ёзиш билан банд полтергейст Дрюзгдан бошқа ҳеч ким бўлмаган яна бир синф эшигини очиб, - Йўкол бу ердан, Дрюзг!

Дрюзг қўлидаги бўрни тунука идишга отиб юборди-да, алақандай лаънатлар ўкиб, хонадан учиб чиқди. Профессор Макгонагалл полтергейст ортидан эшикни ёпиб,

болаларга юзланди.

- Танишинг Поттер, бу Оливер Древ. Древ, сизларга Сайёд топдим.

Древнинг юзидаги таажжуб хайрат киёфасига алмашди.

- Жиддий айтяпсиз-ми, профессор?

- Мутлако, - қатъий оҳанг-ла тасдиқлади профессор Макгонагалл, - Бу бола туғма истеъдоднинг ўзгинаси. Ҳаётимда бунақа учувчини ҳали кўрмаганман. Бугун Сиз биринчи бор супургига ўтиришингиз, шундайми, Поттер?

Гарри овоз чиқармай бош ирғиди. Гап нима тўғрисида бораётганлигини тушунмаган бўлса ҳам, ҳар қалай мактабдан ҳайдашмаётганини идрок эта бошлади ва шу боис бўлса керак, оёғига аста-секин куч қайтаётганини хис этди.

- Бу йигитча, қўлида ушлаб турган анави нарсани, эллик футдан ортик баландликдан ўзини ташлаб, ер яқинида тутиб олди, - деди профессор Макгонагалл, - Кўриб турибсан, бирон ери ҳатто шилингани ҳам йўқ. Ҳатто Чарли Уэсли ҳам бундай қила олмаган бўлар эди.

Профессорнинг сўзларини эшитган Древ худди бир соат ичида армон ила бир умр орзу қилиб юрган нарсасига эришган кишидай қувониб кетди.

- Квидиш ўйини қандай ўйналишини ҳаётингда бирор маротаба бўлсин, кўрганмисан? - тўлқинланиб сўради Древ.

- Древ «Гриффиндор» жамоасининг сардори, - қисқача тушунтириб ўтди профессор Макгонагалл.

- Унинг қомати ҳам Сайёд бўлиши учун жуда боп экан, - деди Древ, Гаррини айланиб томоша қилганча, баҳо берар экан, - Вазни енгил, чакқон. Унга дурустроқ супурги олиб бериш керак. Ўйлайман-ки, «Нимбус-2000» ёки «Соф ғалаба» русумли супургининг еттинчи модели айни муддао бўлади.

- Дастлаб, квидиш жамоасига биринчи синф ўқувчиларини қабул қилиш қондаси тўғрисида профессор Дамблдор билан гаплашиб олишим керак. Бироқ Муқаддас фалак ҳақи, онт ичиб айтаман-ки, бизга ўтган йилги жамоага ўхшамайдиган жамоа керак. Сўнгги ўйинда слизеринчилар бизни ер билан битта қилиб, топтаб ташлашди. Қарийб бир ой Северус Снеггнинг кўзига тик қара олмай юрдим... Бор кучингизни сарф этиб, катта иштиёқ-ла машқ қилаётганингиз ҳақидаги хабар эшитиб боришга умид қиламан, мистер Поттер, - деди профессор Гаррига кўзойнак устидан жиддий қараб, - Акс ҳолда, сизга қўлланиладиган таъзир борасидаги фикримни ўзгартиришим мумкин.

Ушбу сўзларни айтиб бўлгач, профессор қутилмаганда қулиб қўйди.

- Отангиз Сиз билан фахрланган бўлар эди, - деди у, - Чунки ўзи ҳам ниҳоятда мохир ўйинчи бўлган.

Тушлик вақтида Гарри Ронга профессор Макгонагалл ўқув майдонидан олиб кетганидан сўнг бўлиб ўтган воқеани айтиб берди.

- Ҳазиллашма, - хитоб қилиб юборди, оғзига стейк бўлагини солишга солиб олиб, чайнаш кераклигини унутиб қўйган Рон, - Сайёд?! Биринчи синф ўқувчиси ҳали ҳеч қачон... Сен энг ёш ўйинчи бўласан. Сўнгги...

- Сўнгги юз йил ичида, - Роннинг хайрат тўла сўзини яқунига етказди Гарри, ўзи ҳам оғзини ўпка-жигардан тайёрланган пирог билан тўлдирганча, - Буни менга Древ айтди.

Бугунги ҳаяжондан сўнг, Гаррининг қорни жуда бошқача очиқиб кетган. Рон шундай хайратланган, шундай қойил қолган эдики, айтишга сўз топа олмай, оғзини очганча, Гаррига бақрайиб қолди.

- Келаси ҳафтадан машқ қилишни бошлар эканман, - маълум қилди Гарри, - Фақат бу ҳақда ҳеч кимга оғиз оча кўрма. Древ буни сир тутиш керак деб тайинлади.

Катта Залга Фред билан Жорж Уэслилар кириб келиб, атрофга қарашди ва Гаррини

топиб, ёнига ошикишди.

- Яша, Гарри, - пичирлади Жорж, - Древ бизга бор гапни айтиб берди. Биз сенинг жамоадошларинг, Уриб қайтарувчилармиз.

- Хали кўрасизлар, - деди Фред, - Бу йил кубокни албатта қўлга киритамиз. Чарли мактабни тамомлаб кетганидан буён, «Гриффиндор» жамоаси хали бирор маротаба зафар қозонмаган. Аммо бу йил жуда яхши жамоа шаклланмоқда. Яхшигина ҳунар кўрсатганга ўхшайсан, а, Гарри? Древ сен ҳақингда гапирар экан, дудукланиб қолди.

- Майли, биз боришимиз керак, Ли Жордан мактабдан чиқишнинг яна бир хуфия йўлини топибди, бориб кўрайлик-чи.

- Бу ўша, Тилёглама Григорий хайкалининг ортидаги, биз хали биринчи синфда ўқиб юрган кезларимизда ўзимиз топган йўл эканлигига ишончим қомил.

Кўришгунча!

Фред билан Жорж нари кетиши билан бошқа, энди анчагина нохуш башаралар: Малфой ва унинг ҳамтовоқлари Краббе билан Гойл яқин келишди.

- Видолашув дастурхоними, Поттер? Маглистон поезди соат нечада жўнар экан?

- Мана бу назокатли қизлар ёнида ўзингни анчагина мард тутасан, а, Малфой? - чақиб олди Гарри, совук оҳангда.

Ўқитувчилар билан тўлиб-тошган Мўътабар Стол яқинида бўлишгани учун ҳам «назокатли қизлар» Краббе билан Гойл ҳеч нима қила олишмай, мушт қисиб қўйишдан бошқа чора топа олишмади.

- Сен билан яккама-якка ҳар қандай вақтда олишишга тайёрман, - баёнот қилди Малфой, - Агар қўрқмасанг, бугун тунда учрашишимиз мумкин. Сехргарлар дуэлига тушамиз. Билвосита жанг. Фақат сехрли таёқчалар воситасида курашамиз. Э, ҳа, нима бўлди? Чамаси, сехргарлар дуэли ҳақида эшитмаганга ўхшайсан, а?

- Эшитган, албатта, - гапга аралашди Рон, - Мен иккинчи рақамли сехргар бўламан. Сен томондан ким чиқади?

- Краббе, - қарор қилди Малфой, ўз ошналарига бошдан-оёқ разм солиб чикқач, - Тун ярмида. Маъкулми? Ўлжа қилиб олинган қурол-аслаҳалар хонасида учрашамиз. У ер доимо қулфланган бўлади.

Малфой нари кетгач, Рон билан Гарри бир-бирига қараб қўйишди.

- Сехргарлар дуэли дегани нима? - сўради Гарри, - Иккинчи рақамли сехргар бўлиш нимани англатади?

- Агар биринчи рақамли сехргар ҳалок бўлса, иккинчи сехргар унинг ўрнини эгаллаши лозим, - эҳтироссиз жавоб қайтарди Рон, совиб қолаётган пирокка қўл узатиб, - Фақат ҳақиқий афсунгарлар олишадиган дуэлдагина бирон-бир сехргар ҳалок бўлиши мумкин, тушундинг-ми? - қўшиб қўйди у, Гаррининг юзи касб этган киефани кўргач, - Малфой иккаларинг эса бир-бирларингга, нари борса арзимаган учкун дасталаринигина сачратишларинг мумкин. Иккаларингдан бирорталаринг бир-бирларингга чинакам шикаст етказа оладиган афсунгарлик қудратига эга эмассизлар. Ишончим қомилки, у, қўриб кетиб, дуэлдан бош тортишингни қутган.

- Агар мен сехрли таёқчамни силкитсам-у, ундан лоқал ўша учкун дастаси ҳам чикқаса, нима бўлади?

- Таёқчангни бир четга қўясан-да, Малфойнинг тумшуғига мушт соласан.

- Кечирасиз.

Болалар нигоҳини кўтариб, Гермiona Грэнжерни кўришди.

- Оббо! Шу бугун бемалол овқатланамизми-йўқми? - аччиқланди Рон.

- Мен сизларнинг Малфой билан ўтган суҳбатларингни бехосдан эшитиб қолдим... - деди Гермiona, Роннинг гапига эътибор ҳам қаратмай, Гаррига мурожаат қилиб.

- Ҳа, албатта. Бехосдан! - тўнғиллади Рон.

- ... фикримча, тунги соатларда юрмаслигинг керак, Гарри. Агар сени тутиб олишса, тутиб олишлари эса муқаррар, «Гриффиндор» неча балл йўқотишини яхшилаб ўйлаб кўр. Худбинлик қилма.

- Бироқ бу, сенга тааллуқли иш эмас, - деди Гарри.

- Кўришгунча, - қўшиб қўйди Рон.

Нима қилганда ҳам бу иш, шундай ажойиб куннинг муносиб хотимаси бўлмади, хаёлдан ўтказди уйқуси келмаган Гарри ётган ўрнида. Дин билан Симус ухлаб қолган, Невилль мактаб амбулаториясида қолган, Рон эса бутун окшом: «Агар Малфой сенга қарғиш ёғдирса, чап бер. Негаки, уларни қандай муҳосара қилиш кераклиги ёдимда йўқ» каби тавсиялар бериб чиқди. Филч ёки миссис Норриснинг қўлига тушиб қолиш эҳтимоллиги катта. Гарри тақдирни синаб, таваккал қилмоқчи эканлигини, мактабда жорий этилган қоидаларни бир куннинг ўзида иккинчи маротаба бузишга аҳд қилганини жуда яхши идрок этмоқда. Бироқ масаланинг бошқа томони ҳам жуда жиддий. Унинг кўз ўнгида Малфойнинг муттаҳам турки гавадланди. Яккама-якка қолиб, Драконинг адабини бериш зарурлиги, бундай имкониятни қўлдан чиқармаслик кераклигини ўйлади.

- Ўн бир ярим бўлди, - ниҳоят пичирлади Рон, - Вакт бўлди.

Улар халатларини кийиб, сеҳрли таёқчаларини қўлга олишди. Минорада жойлашган ётоқхонадан айланма зина бўйлаб пастга, яширинча тушиб, «Гриффиндор»нинг умумий меҳмонхонасига тушишди. Каминдаги ғўлалар ҳамон ёниб, тартибсиз қўйиб чиқилган креслолар камин чўғининг хира нурида худди ухлаб ётган қора махлуқлар каби кўринмоқда. Икковлон чиқиш йўлини бекитиб турган портретга яқинлашган эди ҳам-ки, кутилмаганда яқин орада турган креслолар томондан кимнингдир қатъий оҳангда:

- Бари-бир билганингдан қолмадинг-ми, Гарри? Кўзларимга ишонмайман! - деган овози эшитилди.

Чироқ ёниб, хонада, тунги қўйлак устидан пушти халат кийиб олган Гермиона Грэнжер кўринди.

- Гермиона! - аччиқланди Рон, - Бор ухла!

- Қилаётган ишинг ҳақида аканга айтиб беришимга сал қолди, Рон, - кескин жавоб қайтарди Гермиона, - Синфбоши Перси бунга йўл қўймаган бўлар эди. Ҳаётда шу қадар хира одамлар ҳам бўлиши Гаррини таажжублантирди.

- Кетдик, - деди у Ронга, Семиз Хола портретини юқорига кўтарганча, ташқарига интилиб.

Бироқ Гермиона осонликча таслим бўлишни хаёлига ҳам келтирмай, Роннинг кетидан, аччиқланган урғочи ғоздай вишиллаб чиқди.

- Сен коллеж ҳақида қайғурмаяпсан. Фақат ўз манфаатингни кўзлайсан. Мен эса слизеринчилар кубокни боз қўлга киритишларини, айлантириш афсунлари учун профессор Макгонагаллдан олган балларим сенинг дастингдан йўқотилишини истамайман.

- Изинга қайт.

- Яхши, кетаман. Мен сизларни оғохлантириш, ёмон йўлдан қайтаришга уриндим. Мактабдан ҳайдаб юборишгач, поездда кетаётганларингда сўзларимни эслайсизлар. Сизлар...

Гермионанинг фикрича, улар қанақа болалар эканлигини охиригача билишнинг иложи бўлмади. Гермиона бу борадаги ўз фикрини Семиз Холага паролни айтиб, портретини кўтарганча, изига қайтаётган фурсатда билдирмоқчи бўлди-ю, бироқ портрет бўм-бўш. Вактдан унумли фойдаланишга аҳд қилган Семиз Хола кимнинг ҳузурига меҳмонга кетиб қолибди. Оқибатда Гермиона учун «Гриффиндор»

минораси ёпилиб қолди.

- Энди нима қиламан? - ваҳимага тушиб қолди қизалок.

- Кўнглинг истаган ишни, - жавоб қайтарди Рон, - Биз эса боришимиз керак, кечикяпмиз.

Улар йўлак охирига етиб бормаган эдилар ҳам-ки, Гермiona етиб олди.

- Мен сизлар билан бораман, - баёнот қилди у.

- Ҳеч ҳам-да.

- Мени Филч тутиб олишини кутиб ўтирмайман-ку, ҳар қалай. Агар у учовимизни тутиб олса, мен рост гапни, яъни сизларни тўхтатиб қолмоқчи бўлганимни айтаман. Сизлар эса менинг ҳақлигимни тасдиқлаб қўясиз.

- Суллоҳлик борасида кашшоқ эмассан... - овоз кўтарди Рон.

- Жим бўлинг, икковингиз! - деди Гарри, - Мен қандайдир товуш эшитдим.

Чиндан ҳам қаердандир пишиллаган товуш эшитилди.

- Миссис Норрис-ми? - базўр дамани чиқарди Рон, қоронғиликка қараб.

Аммо бу миссис Норрис эмас балки полда, кулала тушганча ухлаб ётган Невилль экан. У, яқин келган болалар шарпасидан сесканиб, уйғониб кетди.

- Худога шукур, ниҳоят мени топдиларинг! Бу ерда қанча вақт ўтирганимни ўзим билмайман. Янги паролни эсимдан чиқариб, меҳмонхонага кира олмадим.

- Секинроқ гапир, Невилль. Янги паролъ «Чўчка тумшуғи». Бироқ ҳозир бу паролъ ёрдам бермайди. Семиз Хола қаергадир кетиб қолибди.

- Қўлинг қалай? - сўради Гарри.

- Жойида, - жавоб берди Невилль қўлининг ишлашини кўрсатиб, - Помфри хоним уни бир сонияда тузатди-қўйди.

- Жуда соз. Қулоқ сол Невилль, биз ҳозир бир жойга боришимиз керак, сал ўтиб кўришамиз...

- Йўк, ёлғиз ташлаб кетманглар мени, илтимос, - ёлворди Невилль, - Қонхўр Барон икки бор ёнимдан ўтди.

- Агар сизлар туфайли қўлга тушиб қолсак, профессор Белка айтган Уй ажинаси қарғишини ўзлаштириб, сизларда синаб кўрмас эканман, тинчланмайман, - ваъда берди Рон, дастлаб соатига, сўнг, Гермiona билан Невиллга баджаҳл қараб.

Уй ажинаси қарғишига оид назарий билимларини намоён этмоқчи бўлган Гермiona эндигина оғиз жуфтламоқчи бўлган эди ҳам-ки, Гарри кўрқинчли оҳангда пичирлаб, ортидан жим юришни буюргач, шаштидан қайтди.

Шарпалари баҳайбат деразалардан тушаётган тўлин Ой нурларида кўринаётган болалар, қаср йўлакларида жим юришди. Гарри, ҳар бир муюлишда Филч ёки миссис Норрис билан юзма-юз келишга маънан тайёр бўлиб борди, бироқ ҳозирча болаларнинг омади юришмоқда. Зина бўйлаб учинчи қаватга тез кўтарилиб олишгач, оёқ учида юриб, ўлжа қилиб олинган қурол-аслаҳалар хонасига ўғринча кириб олишди.

Малфой билан Краббе ҳали келишмаган. Биллурдан тайёрланган жавонлар Ой нурида товланиб турибди. Соврин, қалқон, қурол-яроғ ва ҳайкаллар ҳам қоронғиликда тилла ва кумушдек жилваланиб кўринади. Болалар хонанинг ҳар томонларидаги эшиклардан кўз узмай, деворга қапишиб олишди. Малфой қоронғиликдан сакраб чиқиб, дафъатан дуэль бошлаб қолиши мумкинлигини хаёлига келтирган Гарри сеҳрли таёқчасини қўлига олди. Дақиқалар жуда секин ўтмоқда.

- Кечикяпти. Балки кўрққандир, - пичирлади Рон.

Уларни кутилмаганда қўшни хонада эшитилган шовқин саросимага солиб қўйди.

Гарри сеҳрли таёқчасини эндигина кўтарган эди ҳам-ки, кимнингдир овози эшитилди. Бироқ бу овоз Малфойнинг овози эмас.



- Ҳидлаб кўринг, азизам, эҳтимол бирон-бир бурчакка бикиниб олишгандир. Бу овоз, ўз мушуги миссис Норрис билан гаплашиб келаётган Филчнинг овози. Вужудини дахшат қамраб олган Гарри худди қутургандай қўлини силтаб, ҳамма унинг ортидан юришини имо қилди. Болалар овоз чиқармай эшик томон бориб, Филчдан нари қочишди. Невиллнинг эғнидаги коржомо этаги йўлак муюлишининг ортига ўтиши ҳамано, ўлжа олинган қурол-аслаха хонасига Филч кириб келгани эшитилди.

- Улар шу ерда. Яшириниб олишган чамаси.

- Бу томонга! - пичирлади Гарри.

Қўрқиб кетган болалар қурол-аслаха ва турли яроғлар ўрнатилган узундан-узук галерея бўйлаб нари кетишди. Қадамлар товушига кўра, Филч яқин келган чамаси. Умидсизликка тушган Невилль қутилмаганда чинқириб юбориб, югура кетганча сирпаниб кетди. Оқибатда Ронни туртиб юбориб, икковлон қандайдир рицарнинг ялтираб турган аслахалари ичига кириб кетди. Гумбурлаган тарақ-турук ва қаср-қусурдан бутун мактаб уйғониб кетган бўлса, ажаб эмас.

- ҚОЧДИК! - бақирди Гарри.

Тўртовлон галереядан чиқиб югуришар экан, Филч билан миссис Норрис уларни тақиб қилаётган-қилмаётганлигини билиш учун орқага қиё ҳам боқмади.

Қандайдир эшикни очиб, йўлак бўйлаб елиб кетишди. Гарри олдинда, хозир қаерда эканликлари, қай томон югуришаётганини оз бўлса-да тасаввур ҳам қилмай бормоқда. Болалар гобелен пардадан ўтиб, аллақандай махфий йўлакка келиб қолишди. Ушбу йўлакдан ҳам югуриб ўтиб, афтидан ўлжа олинган қурол-аслахалар хонасидан кўп милялар нарида жойлашган афсунлар хонасига етиб келишди. Гарри совуқ деворга суяниб олди (*Гобелен – деворга осиб қўйилган суратли гилам.Эслатма: 1 миля 1,609 километрга тенг*).

- Қутулдик, шекилли, - деди у, хансираганча, пешонасидаги терни артиб.

Нафас олар экан ичидан аллақандай хуштак ва қулқ-қулқ этган товуш эшитилаётган Невилль икки букилиб олди.

- Мен... сизларга... айтган, - узук-юлуқ бошлади Гермиона, кафтини кўкрагига кўндаланг қўйиб, - Айтган... сизларга... эдим...

- Ортга, «Гриффиндор» минорасига, имкон қадар тезроқ қайтиш лозим, - фикр билдирди Рон.

- Малфой сени алдади, - деди Гермиона Гаррига, - Буни тушундинг деб умид қиламан? У ўша хонага келишни хаёлига ҳам келтирмаган. Аммо Филч ўлжа қилиб олинган хонага кимдир келишини билган. Афтидан бу хабарни унга Малфойнинг ўзи етказган.

Гарри ичида Гермионанинг ҳақ эканлигини тан олди-ю, унга очиқдан-очиқ иқроп бўлишга шошилмади.

- Кетдик.

Бироқ кетиш осон кўчмади. Болалар ўн қадам ҳам илгариламай, яқин орадаги эшик дастаси титраб, синф хонасидан оёқ остига нимадир ўқдай учиб чиқди.

Дрюзг. У болаларни кўриб, бақира бошлади.

- Дрюзг, жим, илтимос. Акс холда мактабдан ҳайдаб юборишади бизни.

Дрюзг жирканч қиёфа қасб этганча, хиринглай бошлади.

- Хўш, биринчи синф ўқувчилари, тунги сайилми. Ким жойида ўтирмас, қўлга тушиб қолишдан кўрқмас.

- Бизни сотиб қўймасанг, қўлга тушмаймиз. Илтимос Дрюзг, жим бўл.

- Лекин мен, айни сизларнинг манфаатингизни кўзлаб, Филчга хабар беришим керак. Ваҳоланки, шунга мажбурман, тушундингиз-ми? - деди кўзлари ичиқораларча ярқираётган Дрюзг, мисли йўқ олижаноблик оҳангида.

- Йўлдан қоч, - деди жахли чикқан Рон, қўл кўтариб.  
 Бу Роннинг катта хатоси бўлди.

- ЎҚУВЧИЛАР ЁТОҚХОНАДАН ТАШҚАРИДА! - чинқира бошлади Дрюзг, -  
 Ўқувчилар ётоқхонадан ташқарида, ман этилган йўлакда юришибди!  
 Дрюзг остидан шўнғиб ўтган болалар йўлакнинг нариги бошига қараб югуриб,  
 аллақандай эшикка рўбару бўлишди. Эшик бахтга қарши ёпик.

- Бўлди, тамом! - инграб юборди Рон, - Қўлга тушдик.  
 Дрюзгнинг кичкириғи томон югурган Филчнинг қадами яқинлашаётгани  
 эшитилмоқда.

- Вой, нега имиллайсан, тезроқ бўлсанг-чи, - тезлатди Гермiona Гаррини.  
 У Гаррининг қўлидаги сеҳрли таёкчани тортиб олди-да, кулфга уриб:  
 - Аллоомора! - деб пичирлади.

Кулфнинг шик этган товуши эшитилиб, эшик очилди. Болалар бир-бирини  
 туртганча, ичкарига кириб, эшикни ичкаридан ёпишди-да, кулоклари билан унга  
 ёпишиб олишди.

- Қайси томонга қочишди, Дрюзг? - сўроққа тутди Филч, - Тез гапир!  
 - «Илтимос» денг.

- Ахмоқлик қилма, Дрюзг, гапир, қайси томонга кетишди?  
 - «Илтимос» демас экансиз, мен ҳам ҳеч нима демайман, - минғирлашини қўймади  
 Дрюзг, чўзиқ овози билан.

- Хўп, майли, илтимос.  
 - ҲЕЧ НИМА! Ха-ха-ха! Айтдим-ку, «Ҳеч нима» демайман, «Илтимос» демас  
 экансиз, деб. Ха-ха-ха! Ха-ха-ха!

Болалар Дрюзгнинг чийиллаганча нари учиб кетгани, ғазаби қайнаган Филчнинг  
 қарғишларини эшитиб туришди.

- Филч бу эшикни кулфлаб ёпилган деб билади. Демак, хали қўлга тушмаслик  
 имкони бор, ҳар қалай мен шундай деб ўйлайман, - деди Гарри.  
 Гарри, кулоғини эшикка босганча, фикр билдирар экан, Невилль унинг халатини  
 тортгани-тортган.

- Тинч қўйсанг-чи, Невилль. Яна нима демоқчисан?  
 Гарри бошини бургач, Невилль нима демоқчи бўлганлигини аниқ тасаввур қилди.  
 Бир сония давомида Гаррига, бўлаётган ушбу ходисалар қандайдир бемаъни тушга  
 ўхшаб кетди. Мана бу кўриб тургани эса бугунги кун давомида бўлиб ўтган  
 воқеалар инобатга олинадиган бўлса, ҳаддан ортиқ ўтиб тушди.

Гап шундаки, болалар, Гарри ўйлагандек, қандайдир синф хонасида эмас, балки  
 ўқув йили давомида учинчи қаватнинг ўнг томонидаги ман этилган йўлакка кириб  
 қолишган экан. Ушбу йўлак нима учун ман этилганлиги, унда нима учун мудхиш  
 ажал топиш мумкинлиги ана энди ниҳоятда аниқ ва аён тушунарли бўлди-қолди.  
 Гаррининг кўзига бир махлук ит тикка қараб турибди. Ит шу қадар каттаки, танаси  
 билан полдан шифтгача бўлган бўшлиқни тўлдириб олган. Бунинг устига, унинг  
 калласи бир эмас, икки эмас учта бўлиб, уч жуфт қутурган кўзи бақрайиб турибди.  
 Чақирилмаган меҳмонларни кўрган итнинг уч жуфт бурун катаги йириклашиб  
 кетган, учта катта очилган оғзидан қалин арқондай келадиган сўлак оқиб турибди.  
 Ит ўзининг олтига кўзини бақрайитрганча, деярли қилт этмай тек турибди. Шундай  
 бўлса-да, кутилмаганда пайдо бўлиб, махлукни ғафлатда қолдиришгани учун ҳам,  
 ҳамон тирик эканликлари Гарри учун мутлақо тушунарли. Аммо махлук аста-секин  
 хушини йиғиб олаётганига шубҳа йўқ. Фавқулодда йирик танасининг қаъридан  
 чиқаётган момақалдирикнинг гулдурашига ўхшаш товуш бундан яққол далолат  
 бериб турибди.

Гарри хушини йиғиб, эшик дастасини ушлади. Филчни ёки ажални танлаш керак

бўлса, Филчни танлагани бўлсин.

Болалар, Гарри очиб юборган эшиқдан, унга юзланмасдан ҳам ташқарига чиқиб, шартта ёпиб қўйишди-да, йўлак бўйлаб ўқдай учиб кетишди. Филч, бузғунчиларни бошқа жойда қидиришга аҳд қилган шекилли, кўринмади. Умуман айтганда, болалар Филчни аллақачон унутиб юборишган, уларнинг ҳаёлини фақат, анави мудҳиш махлукдан имкон қадар йироқлашиш ўйи банд қилган. Улар, еттинчи каватдаги Семиз Хола портрети қаршисига келиб қолгунга қадар тўхтамай югуришди.

- Қаерларда санқиб юрибсиз? - сўради Семиз Хола халатларининг тугмалари очилиб кетган, тер босиб, қаттиқ ҳаяжонланган болаларнинг дийдорларига қараб.

- Ахамияти йўк, ахамияти йўк, чўчка тумшуғи, чўчка тумшуғи, - хансиради Гарри.

Портрет кўзгалгач, болалар умумий меҳмонхонага кириб, дағ-дағ қалтираганча, ўзларини креслога ташлашди. Улар тилга киргунга қадар анча вақт ўтди.

Невиллнинг қиёфаси эса қайта гапира олмайдиган одамга ўхшаб қолган.

- Мактаб ичига шундай махлукни олиб киришганини қаранг, фаросатлари ишлайдими уларни? - ниҳоят овоз берди Рон, - Анави бўрдоқига қўйилган итнинг емдан қайтадиган вақти етганга ўхшайди.

Гермионанинг меъерий тарзда нафас олиш қобилияти билан бир вақтда жанжалкашлик табиати ҳам тиклана бошланди.

- Ҳеч қайси бирларинг ҳеч нарса сезмадиларинг, а? - жаҳл қилди у, - Ит нимани устида турганини кўрмадиларингми?

- Пол устидами? - тахмин қилди Гарри, - Мен унинг оёқлари остига қараганим йўк. Бошларининг ҳаракатини кузатишга улгурсанг ҳам катта гап.

- Йўк, полда эмас. У ертўла қопқоғи устида турибди. Шуниси аёнки, у ниманидир кўриқлаяпти, - деди кўзи чакнаб кетган Гермиона ўрндан туриб, - Ўйлашимча, сизлар ўзингиз ўзингиздан мамнун бўлсангиз керак. Бироқ биз ҳалок бўлишимиз ёки бундан ҳам ёмони мактабдан ҳайдалишимиз мумкин эди. Энди, агар қарши бўлмасангиз, мен кириб ухлайман.

- Йўк, биз қарши эмасмиз, - деди аччиқланган Рон, оғзи очилиб қолганча Гермионанинг ортидан қараб, - Худди биз уни мажбур етаклагандай гапиришини қаранг.

Лекин, хаёлдан ўтказди Гарри ўрнига ётар экан, Гермионанинг гапида жон бор. Анави ит нимани кўриқлаб ётибди? Бирдан унинг эсига Хагриднинг сўзлари тушди: *«Борди-ю бирор нарсани яширмоқчи бўлсанг, Ер қуррасида энг ишончли жой «Гринготтс» саналади... Эҳтимол «Хогварц»ни ҳам ишончли деб айтиш мумкиндир».*

Хагрид «Гринготтс» банкининг етти юз ўн учинчи бўлмасидан олиб чиққан, ўша эзилиб кетган кичкинагина халта топилганга ўхшайди.

## **Х БОБ.**

## **ХЭЛЛОУИН**

Эртасига эрталаб, Рон билан Гаррини ҳалигача мактабда, ташқи қиёфалари толиққан кўринса-да, димоғлари чоғ юришганини кўрган Малфой кўзларига ишонмади. Ҳақиқатан ҳам болаларга, уч бошли махлук билан тунда ўтган учрашув энди кўрқинчли эмас, аксинча, қувончли бир хотирадай туюлди. Икковлон ўрток яна бирон-бир ўхшаш саргузаштдан воз кечмаслиги уларнинг кайфиятларидан яққол сезилиб турибди. Гарри Ронга «Гринготтс» банкининг етти юз ўн учинчи бўлмасидан Хагрид олиб чиққан ва чамаси «Хогварц»га келтирилган сирли халта ҳақида батафсил сўзлаб бергани боис, болалар, бу қадар сир сақланиши талаб этиладиган ўша халта ичида нима бўлиши мумкинлигини узоқ ўйлаб қолишди.

- У қандайдир қимматбаҳо ёки жуда хавфли нарса эканлиги аниқ, - комил ишонч билдирди Рон.  
- Ёхуд ҳам қимматбаҳо, ҳам хавфли нарса, - қўшимча қилди Гарри.  
Бироқ ўлчами икки дюмдан ошмаслиги ўша сирли нарса ҳақидаги ягона маълумот бўлганлиги боис, унинг нима эканлигини билиш жуда қийин.  
Гермиона ҳам, Невилль ҳам, қопқоғи устига баҳайбат ит боғлаб қўйилган ертўлада нима сақланаётган бўлиши мумкинлиги ҳақида кизиқиш билдиришмади. Ўша мудҳиш уч бошли ҳайвон яқинига энди ҳеч қачон бормаслик Невиллнинг ягона истаги бўлиб қолди. Бўлиб ўтган воқеадан сўнг Гермиона болалар билан гаплашмай қўйди. Маҳмадона ва сергап Гермионадан қутулишган болалар ҳам бундай ҳолатдан кўп қайғурмади. Лекин Малфойдан қасд олиш йўлини топиш икковлон ўртоқ учун табиий эҳтиёжга айланиб қолди. Орадан бир ҳафта ўтиб-ўтмай келган эрталабки почта билан бирга Малфойдан қасд олиш йўли ҳам топилди.  
Нонушта ўтаётган Катта Зал бойқушлар галаси билан одатдагидай тўлиб кетган фурсатда, дастурхон агрофида овқатланиб ўтирганлар олтига баҳайбат бойқуш овози борича увиллаб, базўр кўтариб келишаётган узун қутига эътибор қаратди. Ушбу ингичка қути ичида нима бўлиши мумкинлигига кизиққан Гарри ҳам эл катори, бойқушлар ҳаракатини томоша қилиб ўтирди. Улар тикка пастлаб, қутини оёғи остига ташлаб кетишганда эса эсанкираб қолди. Олтига бойқуш нари кетишга улгурмай, яна бир бойқуш қути устига хат ташлаб кетди.  
Дастлаб хатни ўқиш, шундан сўнг, қутини очишга қарор қилган Гарри тўғри йўл тутган экан. Негаки, конверт ичидаги хатда:

#### *ҚУТИНИ ДАСТУРХОН УСТИДА ОЧМА!*

*Унда «Нимбус-2000» бор. Сенда учар супурги борлигини қолган болалар билишини хоҳламайман. Сабаби ўзингга аён, тенгқурларинг ҳам супургили бўлишни истаб қолишади. Оливер Дреп сени бугун соат еттида, квидиш майдонида, биринчи машқ ўтказиш учун кутади.*

*Профессор Макгонагалл, - деб битилган ёзувни ўқиди.*

Гарри, хатни Ронга узатар экан, хитоб қилиб кичкиришдан ўзини базўр тўхтатиб қолди.

- «Нимбус-2000»! - ҳасад-ла инграб юборди Рон, - Мен уни ҳатто ушлаб ҳам кўрмаганман!

Биринчи дарс бошлангунга қадар қутини очиб кўришга аҳд қилган дўстлар Катта Зални тарк этишга ошиқишди. Бироқ вестибюль ўртасида йўлни тўсиб олган Краббе билан Гойлга рўбару келишди. Малфой Гаррининг қўлидаги қутини чангаллаб олиб, пайпаслаб кўрди.

- Супурги-ку, - деди у, башарасида ҳасад билан ғзаб уйғунлашиб, - Поттер, биринчи синф ўқувчисига ман этилган супурги сенга жуда қимматга тушади, - қўшиб қўйди қутини Гаррининг қўлига тутқазиб.

- Эътибор қаратдинг-ми, Малфой, - писиллатиб гапирди ўзини тутиб тура олмаган Рон, - Пайпаслаб кўрганинг алмисоқдан қолган нарса эмас нақ «Нимбус-2000». Уйингда нима бор деган эдинг? «Комета-260»ми? - сўнг Гаррига юзланиб, - Унақа супургининг кўриниши чакки эмас, албатта. Бироқ сенинг супургинг ўша супургидан минг чандон аъло.

- Сен нимани ҳам билар эдинг, Уэсли, - кесатди Малфой, - Ота-онангнинг қурби ўша «Комета»нинг битта новдасини бўлсин, олиб беришга етмайди. Оилавий супургиларингни ўрмонда терилган ўтиндан ясаган бўлсаларинг керак.

Рон жавоб қайтариш учун эндигина оғиз жуфтлаган эди ҳам-ки, Малфойнинг

ортида профессор Флитвик кўринди.

- Уришмаяписизлар, деган умиддаман, болалар? - ингичка овози билан кизиқиб сўради у.

- Поттерга супурги юборишибди, сэр, - шу захоти чакимчилик килди Малфой.

- Биламан, хабарим бор, - очик юз-ла жавоб қайтарди профессор, - Профессор Макгонагалл фавқулудда ҳолат ҳақида тушунтириш бериб ўтди. Хўш, Поттер, қайси русумли супурги экан?

- «Нимбус-2000», сэр, - жавоб қайтарди, профессорнинг сўзларидан Малфойнинг башараси касб этаётган умидсизлик қиёфасини кўриб, ўзини кулгидан базўр тўхтатиб қолган Гарри, - Агар Малфой бўлмаганда, бундай супургига эга бўлмас эдим.

Гарри билан Рон қаҳқаҳлаганча юкорига, ўз ётоқхоналарига равона бўлишди.

Малфой эса гап замиридаги пичинг маъносини тушуниб етмаган бўлса-да, дарғазаб қолди.

- Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди-ку, - деди кулгидан базўр тўхтаган Гарри, мрамр зинапоя охирига етгач, - Агар у Невилнинг Эсга олинди олиб қочмаганида, мени жамоага ҳеч ҳам қабул...

- Демак, фикрингча, қоидани бузганинг учун энди доим рағбатлантирилиб борилар экансан-да, - эшитилди орқадан, юкорига кўтарилиб, кути томон норози нигоҳ ташлаган Гермионанинг баджаҳл овози.

- Ие, Гермиона, сен биз билан гаплашмай қўйган эдинг шекилли? – эслатди Гарри.

- Тўғри қиласан, бошламаганинг маъқул, - насиҳат қилди Рон Гермионага, - Тинчроқ юрамиз.

Гермиона бошини баланд кўтарганча, болаларнинг ёнидан ўтиб кетди.

Шу кунги машғулотларда бола ўз хаёлини дарсга жамлай олмади. У жонсарак бўлиб, хаёлан дам қаравоти остида янги супурги ётган ётоқхонага югурар, дам ўша супургиси билан биринчи машғулот ўтказиладиган қвидиш майдони томон чопкилади. Гарри кечки овқатни апил-тапил еди-да, ҳозиргина нима еганини эслай олмай, Рон билан бирга, ниҳоят ётоқхонага «Нимбус-2000»нинг қутисини очишга ошиқди.

- Зўр-ку, - хитоб қилди Рон, Гаррининг аёлига юмалаб тушган супургини кўриб.

Ҳатто, супурги русумларининг фарқига бормайдиган Гарри ҳам кизил ёғочдан тайёрланган, ингичка сопи ялтирок, дум қисмидаги говронлари битта-битта саралаб олинган «Нимбус-2000»ни кўргач, супургисининг тенги йўқлигини тушуниб етди. Соат етига яқин Гарри, қасрни тарк этиб, қвидиш майдони томон йўл олди. Ушбу ўйингоҳга у бирор маротаба бўлсин, ҳали қадам ранжида қилмаган.

Намойишгоҳлардаги томошабинлар ўтирадиган курсилар шу қадар баланд ўрнатилганки, у ерда ўтириб ҳавода кечаётган ўйинни бемалол кузатса бўлади.

Ўйин майдонининг икки томонига учтадан, учи ҳалқали тилла тусли ходалар тик ўрнатилган. Ушбу ходалар, Гаррига, магл болалар совун пуфакларини шишириб учирадиган пластмасса таёқчаларни эслатди. Фақат фарқи шундаки, ўйингоҳдаги мана бу «таёқчалар»нинг ҳар бири кам деганда эллик метрдан келади.

Гарри учишни шу қадар истади-ки, Древни кутиб ўтирмай шартта супургисини эгарлади-да, ердан итарилди.

Парвоз! Нақадар ёқимли, завқли ҳиссиёт! У хода ҳалқалари орасидан бир неча бор учиб ўтиб, ўйингоҳ узра катта тезликда изғий бошлади. Супургиси унинг сал ҳаракатига итоат этиб, исталган томонга зудлик билан бурилмоқда.

- Эй, Поттер, туш пастга!

Гарри, катта саватни қўлтиқлаб келган Оливер Древнинг ёнига қўнди.

- Жуда соз, - мақтади Древ, кўзлари яшнаб, - Профессор Макгонагалл нимани

назарда тутганлигини энди тушуниб етдим. Сен ҳақиқатан ҳам туғма учувчи экансан. Ҳайин қоидабини тушунтириб қўйсам бўлди, шундан сўнг, ҳафта давомида уч маротаба жамоа таркибида машқ қилишга киришамиз.

Древ тўртта, қатталиги ҳар хил тўп солинган саватни очди.

- Ҳўш, гап бундай, - бошлади у, - Қвидиш қоидаси жуда содда, фақат ўйнаш осон эмас. Ҳайинда иккита рақиб жамоа иштирок этади. Жамоаларнинг ҳар бири етти нафар ўйинчилардан иборат. Уларнинг уч нафари Овчилар деб аталади.

- Уч нафар Овчи, - такрорлади Гарри.

Древ эса саватдан ранги ярқирок, қатталиги шайбадай келадиган қизил тўпни чиқарди.

- Мана бу тўп Қвафл деб аталади, - тушунтиришга киришди Древ, - Овчилар уни бир-бирига улоқтириб, рақиб томондаги учта ҳалқадан ҳар қандай бирига гол уришга ҳаракат қилишади. Ҳар бир урилган гол учун ўн очкодан берилади. Ҳозирча тушунарлими?

- Ўн очко олиш учун Қвафл Овчилар томонидан ҳалқага улоқтирилади, такрорлади Гарри, - Бу ўйин супургиларда учиб ўйналадиган олти ҳалқали баскетбол эканда?

- Баскетбол деганинг қанақа ўйин?

- Аҳамияти йўқ, - шошиб жавоб қайтарди Гарри, Древнинг сеҳргарлар оиласидан келиб чиққанлигини тушуниб етиб.

- Давом этамиз. Ҳар бир жамоада бир нафардан Қўриқчи деб аталадиган ўйинчи бўлади. «Гриффиндор» жамоасининг Қўриқчиси мен бўламан. Зиммамдаги мажбурият – ҳалқаларимиз атрофида учиб юриб, рақиб жамоанинг гол уришига тўскинлик қилишдир.

- Уч нафар Овчи, бир нафар Қўриқчи, - такрорлаб борди Гарри, ҳамма нарсани бирданига эслаб қолишга аҳд қилиб, - Уларнинг барчаси Қвафл билан ўйнайди. Эслаб қолдим. Мана бу тўплар нима учун керак? - сўради у, саватда қолган учта тўпни кўрсатиб.

- Ҳозир кўрсатаман, - деди Древ, - Мана буни ушла.

Древ Гаррига бейсбол клюшқасига ўхшаш таёқ узатди.

- Ҳозир сенга Тажовузқорларнинг ҳунарини кўрсатаман. Мана бу иккита тўп, - тушунтирди Древ, қўмирдай қоп-қора, қизил Қвафлдан бир оз кичикрок тўпларни кўрсатиб, - Тажовузқорлар деб аталади.

Гаррининг назарида, махсус камарлар билан боғлаб қўйилган ушбу тўплар сават ичидан учиб чиқишга ошиқаетгандай кўринди.

- Нарин тур, - огоҳлантирди Древ.

Ўзи эса танасини четга энгаштириб, Тажовузқорлардан бирини камар тутқунидан халос этди. Қора тўп шу захоти юқорига қўтарилиб, тўппа-тўғри Гарри томон пастлай бошлади. Гарри, бурнига зарб емаслиги учун, қўлидаги клюшка билан тўпни уриб юборди. Тўп илон изи йўналишда яна тепага қўтарилди ва болалар боши узра учиб ўтиб, Древ томон ўқдай қайтди. Древ эса ўзини тўпга улоқтириб, қорни билан ерга маҳкам босиб олди.

- Энди тушундинг-ми? - базўр сўради Древ, қатта қуч ишлатганча, тўпни сават ичидаги жойига боғлаб, - Тажовузқорлар ўйин давомида теваарак-атрофда учиб юриб, супургилардаги ўйинчиларни уриб қулатишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳар бир жамоада икки нафардан Уриб қайтарувчилар бўлади. Жамоамизнинг Уриб қайтарувчилари ака-ука Уэслилар бўлади. Уларнинг вазифаси қолган ўйинчиларимизни Тажовузқорлардан химоя қилиб, рақиб томон қайтаришдир. Ҳўш, ҳаммаси тушунарлими?

- Уч нафар Овчи Қвафл воситасида гол уришга уринишади, Қўриқчилар ўз

халқаларини ҳимоя қилишади, Уриб қайтарувчилар эса Тажовузкорларни ўз жамоаларидан нарида тутуди, - ҳисобот берди Гарри.

- Жуда соз, - мактаб кўйди Древ.

- М-м-м... Бир савол бор, - сўраб қолди Гарри, саволи аҳмоқона эшитилишига умид қилиб, - Тажовузкорлар қачондир кимнидир уриб ўлдирганми?

- «Хогварц»да ҳозирча бундай ҳодиса бўлмаган. Айрим ўйинчиларнинг жағи синишга синиб кетган-у, ундан баттар ҳолатлар ҳозирча юз бергани йўқ. Хўш, давом этамизми? Жамоанинг еттинчи ўйинчиси Сайёд бўлади. Яъни сен. Кваффл ҳам, Тажовузкорлар ҳам сени қизиқтирмаслиги даркор...

- Ҳа, агар улар бошимни уриб ёришмаса, албатта.

- Ҳавотир олма. Эгизак Уэслилар Тажовузкор тўплардан қолишмайди.

Айтмоқчиман-ки, уларнинг ўзлари жонли Тажовузкорлардир.

Древ қўлини саватга суқиб, сўнгги, миттигина тўртинчи коптокчани чиқарди. Кваффл билан Тажовузкорларга нисбатан анча кичик, тилла тусли, икки ёнида кумуш қанотчалари ҳилпираётган ушбу ялтироқ тўпнинг катталиги ёнғоқдай келади.

- Бу тўпнинг номи Тилла чакқон, - тушунтирди Древ, - Энг асосий тўп. Уни тутиб олиш даркор-у, амри маҳол. Чунки у ҳаддан ташқари тез учиб, пайқаш ниҳоятда қийин кечади. Сайёднинг вазифаси мана шу тўпни топиб, тутиб олишдир. Сенга Овчилар, Уриб қайтарувчилар, Тажовузкорлар ва Кваффл орасида изғиб юриб, Тилла чакқонни рақиб жамоанинг Сайёдидан олдин тутиб олишга тўғри келади. Негаки, Сайёд Тилла чакқонни тутиб олиши билан, унинг жамоасига қўшимча бир юз эллик очко берилади ва бу жамоа, одатда, ғолиб чиқади. Шунинг учун ҳам доимо жамоа муваффақиятсизлигида Сайёдлар айбланади. Квидиш ўйини Тилла чакқон тутиб олинганидан сўнггина, якунига етади. Шу сабабли ўйин узок чўзилиб кетиши мумкин. Бу борадаги рекорд, адашмасам, бугунги кунга келиб, уч ойни ташкил этади. Ўйинчиларни, ухлаб олишлари учун, алмаштириб боришга тўғри келган. Мана, бор гап шу. Саволлар борми?

Гарри бошини силтади. Нима қилиш кераклигини тушуниб етди, фақат қандай қилиш кераклигини тушуниб олиш қолди холос.

- Биз ҳозир Тилла чакқон билан машқ қилмаймиз, - Древ қўлидаги коптокчани саватга солди, - Қоронғи тушиб қолди, уни йўқотиб қўйишимиз мумкин. Мана булар билан машқ қилишга уриниб кўрамиз.

Древ чўнтагидан гольф коптокларини чиқарди. Бир неча дақиқадан сўнг, икковлон улар ҳавога кўтарилиб, машқ қила бошлади. Древ коптокларни битта-битта бор кучи билан имкон қадар узокқа улоқтирди, Гарри эса Древни завқлантирганча, бирорта бўлсин, копток ўтказиб юбормай, барини беҳато тутиб олди.

Ярим соатдан сўнг қош қорайиб, атроф кўринмай қолгач, биринчи машқ ниҳоясига етди.

- Бу йилги Квидиш кубогида исмларимиз ўйиб ёзилади, - қувонч-ла ишонч билдирди Древ, қаср томон йўл олиб, - Агар сен Чарли Уэслидан ҳам зўр ўйнасанг, ҳеч ҳайрон бўлмайман. У эса аждар овлагани тупкани тагига кетиб қолмаганида, Англия терма жамоаси таркибида ўйнаши мумкин эди.

Эхтимол, ниҳоятда банд бўлганидан бўлса керак, Гарри, «Хогварц»га ўқишга кирган вақтдан буён икки ой ўтиб кетганини сезмай қолди. Ҳар қалай у ҳар ҳафта уч маротаба машқ қилади. Бундан ташқари, уйга берилган бир дунё вазифаларни бажаради. «Хогварц» қасри болага Литтл Уингинг шаҳарчасида жойлашган Одамовилар кўчасидаги 4- уйдан кўра анча қадрли бўлиб қолди. Маҳорат асосларини тасарруф этар экан, машғулотлар ҳам қизиқ ўтадиган бўлди.

Вақт тез ўтиб, Хэллоуин ҳам етиб келди (*Хэллоуин – ҳозирги Буюк Британия ва*

*шимолий Франция худудида яшаб ўтган қадимий кельт қабиласининг байрами. Муқаддас авлиёлар кунни арафаси саналади).*

Эрталаб уйғонган болалар тобланаётган ошқовоқ ҳиди қаср йўлакларига таралиб кетганлигини хис этишди. Шу бугунги афсун ўқиш дарсида, профессор Флитвик эълон қилган фикр болаларга янада хуш келди. У синф ўқувчилари айрим жисмларни ҳавода учирганча, бир жойдан бошқа жойга қўчиб ўтишга мажбур қилиш маҳоратини тасарруф этишга тайёр бўлишганини айтиб ўтди. Болалар бу кунни анчадан буён, хусусан, профессор ўз қўлини сезилар-сезилмас силтаб қўйганча, Невиллнинг қурбақасини синф хонасининг шифти остида ракета каби гир айлантирган кундан буён орзиқиб кутишади. Амалий машғулот ўтказиш учун профессор Флитвик синф ўқувчиларини жуфтларга бўлди. Гарри Симус Финниган билан шерик бўлди. У Невиллнинг нигоҳига эътибор қаратмасликка уринди. Ронга эса Гермiona билан шерик бўлиш насиб этди. Бундай ҳолатдан Рон кўпроқ норози бўлди-ми ёки Грэнжерми, айтиш қийин. Негаки, Гермiona болалар билан Гаррига супурги совға қилинган кундан эътиборан мутлақо гаплашмай қўйган эди.

- Билакни, муқаддам машқ қилганимиздай, назокат-ла букишни ёдингиздан чиқарманг! - чийиллади китоб дасталари устига чиқиб олган профессор Флитвик, - Кескин қулоч отиб, енгилгина туширинг, эслаб қолдингиз-ми? Қулоч отиб, енгил туширинг. Бундан ташқари, сеҳрли сўзларни тўғри талаффуз этиш ниҳоятда муҳим. «Н» ўрнига «В» деб юборгани учун бошига сигир келиб тушган сеҳргар Баруфّفьони эсга олинг.

Аён бўлишича, вазифа ижроси ниҳоятда қийин экан. Гарри билан Симус кескин қулоч отишиб, қўлларини аста силташди, бироқ осмон-у фалакка учиб кетиши керак бўлган пат стол устида қилт этмай ётганча қолди. Ниҳоят Симус бесабрлик қилиб, сеҳрли таёқчаси билан туртиб юборган пат ўт олиб кетди. Гаррига эса ёнгин ўчириш учун шляпасини ишга солишга тўғри келди.

Қўшни столда ўтирган Рон ҳам муваффақият қозона олмади.

- Вингардиум Левиоза! - кичкирди у, узун қўлини шамол тегирмонининг парракларидай айлантириб.

- Сен нотўғри талаффуз этипсан, - койиб берди Гермiona, - «Вин - гар - диум Леви - о - за», дейиш керак, «гар» бўғини узоқ ва гулдураб эшитилиши лозим.

- Шунчалик ақлли экансан, ўзинг айтавер, - жаҳли қилди Рон.

- Вингардиум Левиоза! - деди қўйлагининг узун енгини шимариб олган Гермiona, сеҳрли таёқчаси билан абжир ҳаракат қилиб.

Пат столдан тўрт футга кўтарилиб, ҳавода, болалар боши узра хилпираб уча бошлади.

- Жуда соз! - чийиллаб юборди митти қўллари билан қарсак чалган профессор Флитвик хурсанд бўлиб, - Болалар, эътибор қаратинг, мисс Грэнжер вазифани уддалади.

Дарс ниҳоясида Роннинг кайфияти батамом расво бўлди.

- Ҳамма уни кўрарга кўзи йўқ эканлигидан ҳеч ҳайрон бўлмаيمان, - деди Рон, одам тўла йўлак бўйлаб Гаррининг ёнида борар экан, - Қиз эмас даҳшат, чин сўзим.

Шу пайт кимдир Гаррини туртиб ўтди. Болалар ўгирилиб, кўзига ёш олган Гермionани кўришди.

- Сўзларингни эшитиб қолганга ўхшайди, - деди Гарри.

- Эшитган бўлса нима қилибди? - жавоб қайтарди Рон, Гарри каби саросимага тушиб қолган бўлса ҳам, гердаиб, - Дўст орттирмаганлигини ўзи ҳам сезаётган бўлса керак, хар қалай.

Гермiona кейинги дарсда ҳам, куннинг иккинчи ярмида ҳам кўринмади.

Хэллоуинни нишонлаш учун Катта Зал томон йўл олишган Рон билан Гарри



Парватти Патилнинг дугонаси Лавандага Гермiona хожатхонага кириб олиб йиғлаётганлиги ва ўз холига қўйишларини сўраётганлиги хақида тўлқинланиб айтган сўзларини эшитиб қолишди. Буни эшитган Рон баттар хижолат чекди, бироқ бир дақиқадан сўнг, икковлон, Катта Залнинг байрамона безатилганлигини кўргач, Гермionани унутди.

Шифт-у, деворларда маржондек тизилган, столлар устида кичик булутлар ҳосил қилганча, ҳавода муаллақ турган минглаб кўршапалаклар қанот қоқиб, ошқовоқлар ичига киритилган шамлар оловини пирпиратмоқда. Натижада Катта Зал сирли қалқима нурга тўлиб кўринмоқда.

Қутилмаганда, ўқув йили бошланганлиги муносабати билан ўтказилган тантанали зиёфатда рўй бергани каби, стол устидаги тилла идишлар афсонавий таомларга боз тўлиб-тошди.

Гарри оғзини кўрда пиширилган картошка билан энди тўлдириб олган эди ҳам-ки, Катта Залга бошидаги салласи чаккасига тушиб, кўркқанидан башараси қийшайиб кетган профессор Белка югуриб кирди.

Катта Залга йиғилганлар Белканинг профессор Дамблдор ўтирган кресло ёнига югуриб бориб, кучсиз ҳолатда столга суяниб қолганлиги ва базўр:

- Қаср ертўласига тролль кириб олибди, Сиз бохабар бўлишингиз керак деб елиб келдим, - деганча, хушини йўқотиб, стол остига сирпаниб тушганини кузатиб туришди.

Вахима кўтарилди. Катта Залда жимлик қарор топиши учун профессор Дамблдор сеҳрли таёқчаси билан бир неча бор қизил мушак отишга мажбур бўлди.

- Синфбошилар! - гуриллаб хайқирди у, - Коллежингиз ўқувчиларини ётоқхоналарга тарқатинг! Тез бўлинг!

Перси учун ўз ваколатини тўла-тўқис ишга солишга имконият туғилди.

- Ортимдан! Биринчи синф ўқувчилари жипслашинг! Менга кулоқ тутсангиз ҳеч қандай тролль кўркқинчли бўлмайди! Орқамга бекиниб, ортда қолмай юринг! Қани, биринчи синф ўқувчиларини олдинга ўтказиб юборинглар-чи! Ўтказиб юборинг, мен синфбошиман!

- Тролль мактабга қандай кириб қолиши мумкин? - сўради Гарри зинапоядан кўтарилаётиб.

- Мен қаердан биламан! Умуман айтганда, троллар ўлгудай аҳмоқ бўлади. Ҳар ҳолда улар шундай эътироф этилади. Эҳтимол, байрам шарофати билан Дрюзг киритгандир уни?

Уларнинг ёнидан турли йўналишлар бўйлаб ўқувчиларнинг катта-кичик тўдалари ўтиб бормоқда. Адашиб, саросимага тушиб қолган хуффльпуффчилар гуруҳи орасидан ўтишар экан, Гарри бирдан Роннинг қўлидан тутиб олди.

- Менга қара, Гермiona эсимга тушиб қолди.

- Гермionaга нима қилибди?

- У тролль хақидаги гапдан бехабар-ку.

Рон лабини тишлаб олди.

- Э, нима бўлса бўлди! - қарор қилди у, - Бироқ Перси йўқолиб қолганимизни пайқаб қолмагани маъқул.

Ўрдақ сувга шўнғигани каби, икковлон, қарши йўналиш томон ошиқиб бораётган хуффльпуффчилар тўдасига қўшилиб кетди ва йўлакнинг бўш томонига ўтиб олиб, «қизлар хонаси» томон югурди. Муюлишга бурилишлари билан орқадан кимдир келаётганини эшитиб қолишди.

- Перси! - кўрқиб шивирлади Рон, Гаррини тошдан ясалган грифон ортига тортиб **(Грифон – бургут ёки арслон бошли (завдали) баҳайбат қанотли махлук).**

Бироқ ҳайкал ортидан эҳтиёткорона бош чиқарган болалар Персини эмас

профессор Снегни кўриб қолишди. Профессор йўлак бўйлаб бориб, кўздан ғойиб бўлди.

- Бу ерда нима қилиб юрибди? - деярли овоз чиқармай шивирлади Гарри, - Нима учун қолган ўқитувчилар билан бирга ертўлага йўл олмади?

- Осонроқ савол берсанг-чи, мен қаердан билай.

Болалар имкон қадар эҳтиётлик билан профессорнинг сўниб бораётган қадам товуши томон йўл олишди.

- Учинчи қаватга кўтариляпти, - деди Гарри.

- Ғалати хид чиқди. Сезяпсан-ми?

Гарри чуқурроқ нафас олиб қўланса, анчадан буён ювилмаган пайпоқ ёки тозаланмаган умумий хожатхонадан чиқадиган хидга ўхшаб кетаётган хид сезди. Дафъатан паст наъра ва товлар шарақлаганча, бир-бирига урилиб босилаётган қадам товуши эшитилди. Гапириш қобилиятини йўқотган Рон кўрсаткич бармоғини йўлакнинг нариги бошига, мисли кўрилмаган дахшатли махлуқ келаётган томонга ўқтади. Болалар деворга қапишиб, ёруғликка чиқиб келаётган махлуққа қараб қолишди. Кишининг вужудини дахшатга соладиган манзара!

Мудҳиш тери қопламаси кул ранг-мармар тусли, бўйи ўн икки фут келадиган троллнинг танаси, устига кокос ёнғоғидай келадиган кичкинагина кал калла ўрнатилган йирик қаварик харсангни эслатди. Ҳар бирининг йўғонлиги дарахт танасидай келадиган калта оёқлари ва узун тирнокли панжалари яққол кўринаётган, ниҳоятда узун қўлига йирик сўйилни ушлаб, ерда судраб келаётган махлуқдан уфурилаётган қўланса хидга бардош бериб бўлмайди.

Троль қандайдир хона эшиги ёнида тўхтаб, ичкарига қаради. У узун қулоқларини кимирлатиб, ҳажми кичик миясини ўйлаб иш тутишга мажбур қилаётгани сезилди. Бир оздан сўнг, остона хатлаб ичкарига кирди.

- Калит қулфда экан, - шивирларди Гарри, - Уни ўша хонага қамаб қўйишимиз мумкин.

- Яхши фикр, - мақтаб қўйди асабийлашган Рон.

Уларнинг оғзилари дахшатдан куриб қолган бўлиб, троль, айна шу фурсатда хонадан чиқиб қолмаслигини Худодан ёлвориб сўрашганча, девор бўйлаб очик эшикка яқин боришди. Гарри бир сакради-да эшикни ёпиб қулфлаб қўйди.

- Бўлди!

Болалар ғалаба қозонилганига тўлиқ ишонч билан йўлак бўйлаб нари югура кетишди. Бироқ муюлишга етиб бормасдан, ҳозиргина қулфлаб қўйилган хонадан шундай қаттиқ чинқирик эшитилди-ки, иккаласининг юраги тўхтаб қолишига бир баҳя қолди.

- О, йўқ! - сесканиб кетди Рон, ранги Қонхўр Барон рангидай оқариб.

- Хожатхона эди-ку! - идрок этди Гарри.

- Гермiona! - баралла қичқириб юборди икковлон.

Бошқа вазиятда бу ишни ҳаётда қилишмас эди, бироқ иложи йўқ. Болалар шартта орқага бурилиб, эшик томон югуришди. Дахшат-у, ваҳимага қарши қурашганча, эшик қулфини очиб ичкарига киришди.

Ҳушини йўқотишига оз қолган Гермiona деворга ёпишиб олганча, троллдан нари қочишга беҳуда уринмоқда. Махлуқ эса деворга маҳкамланган қўл ювиш чиғаноқларини қўлидаги сўйил билан бир четдан уриб мажаклаганча, қизалок томон илгариламоқда.

- Уни чалғитиш керак! - қичқирди сув тўсиш тикинини қўлига олиб, деворга ура бошлаган Гарри.

Гермионага бир неча метр қолганда тўхтаб қолган троль қўпол бурилди-да, шовкин қаердан эшитилаётганини идрок этиш учун бўлса керак, бесўнақай

жовдираб атрофга аланглади. Ниҳоят махлукнинг баджаҳл нигоҳи Гаррига тақалди. Тролль бир оз ўйланиб қолди-да, сўйилини кўтариб бола томон ҳаракат бошлади.

- Ҳой, бадбашара! - кичкирди Рон, хонанинг бошқа бурчагидан.

Рон қўлидаги металл қувурни троллга қарата улоқтирди. Қувур елкасига теккан бўлса ҳам, зарбани сезмаган троллнинг эътиборини Роннинг кичкириғи чалғитди. У яна бир дам ўйлангач, жирканч башарасини Рон томон ўгирди. Фурсатдан фойдаланган Гарри унинг орқасига ўтиб олишга муваффақ бўлди.

- Бўл, тезроқ қоч! - кичкирди Гарри Гермionaга.

Гарри Гермionани эшик томон судрашга ҳарчанд уринмасин, жойидан қўзғалишга мадори қолмаган қизалоқ, дахшатдан оғзи очилганча, девордан узилмай турди.

Ҳар томонда эшитилаётган кичкириклар ва бунинг натижасида хонада ҳосил бўлган акс садо троллни батамом ақлдан оздириб юборди. У янада баланд ўкириб, ўзига яқин турган, қочиб қолиш имкони бўлмаган Рон томон ташланди.

Юзага келган бундай ҳолатда Гарри мардона, бироқ жуда ғўр иш тутди. У югурганча, троллнинг орқа томонига сакраб чиқиб олдида, бўйнидан маҳкам тутиб олиб, кўп ўйланмасдан қўлидаги сеҳрли таёқчани троллнинг бурнига жон-жаҳд билан тикиб юборди. Харсанг-махлуқ бўйнига кимдир осилиб олганини пайқамадую, бурнига қандайдир узун нарса тикиб ташлашганини жуда яхши сезди.

Оғрикка бардош бера олмаган тролль гир-гир айланиб, қўлидаги сўйилни ҳар томон уриб силкитар, бўйнидаги Гарри эса ҳаёт учун курашар эди. Теварак-атрофидаги нарсаларни уриб мажаклаётган тролль ҳар қандай фурсатда Гаррини ўз устидан учуриб юбориши ва қўлидаги сўйил билан бир уриб ўлдириб қўйиши мумкин.

Кўркиб, адойи тамом бўлган Гермiona ниҳоят полга юз тубан ағанаб тушди. Рон эса сеҳрли таёқчасини қўлига олиб, нима қилмоқчи бўлганини ўзи тушунмай, миясига келган биринчи афсунни кичкириб юборди:

- Вингардиум Левиоза!

Шу пайт сўйил махлукнинг қўлидан отилиб чиқиб, тикка юқорига кўтарилганча, аста-секин айланди ва ўз соҳибининг бошига чунонам қарсиллаб тушдики, тролль турган жойида тебраниб, башараси билан ерга гурсиллаб тушди. Зарбдан пол ҳам, хона деразалари ҳам зириллаб кетди.

Гарри титраб, хансираганча базўр оёкка турди. Ҳалигача сеҳрли таёқчасини баланд кўтариб олган Рон эса кўзларини катта очиб, қилмишининг ҳосиласига қараб турибди.

- Ўлди-ми? - орага чўмган сукунатни бузди биринчи бўлиб тилга кирган Гермiona.

- Менимча, йўқ, - жавоб қайтарди Гарри, - Карахт бўлиб қолди десак, аниқроқ бўлади.

У эгилиб, тролль бурнидан серкесак кул ранг елимга ўхшаш моддага беланиб кетган сеҳрли таёқчасини суғуриб олди.

- Эҳ, тролль мишириғи, - деди у, таёқчани махлукнинг иштонига яхшилаб артиб тозалаб.

Қутилмаганда йўлакда қадам товуши эшитилди. Троллни айюҳаннос солиб, зарбалар кетидан зарбалар беришга мажбур қилган болалар қасрда қандай тўполон кўтариб юборишганларини ўзлари билишмайди. Фурсат ўтгач, эшик қарсиллаб очилиб, хожатхонага профессор Макгонагалл, унинг изидан Снегг билан Белка кириб келди. Тролль томон бир бор қараб қўйган Белка унитазга ўтириб олиб, юрагини чангаллаб қолди.

Снегг троллнинг ёнига яқин келиб, устига энгашиб қаради. Профессор Макгонагалл эса Гарри билан Ронга сукут саклаб тикилиб турди. Гарри профессорнинг ҳали бу қадар баджаҳл қиёфасини кўрмаган. Бундай нигоҳдан сўнг, Гаррининг, кўрсатилган қаҳрамонлик учун «Гриффиндор»га нақ 50 балл келтириш

умиди пучга чиқди.

- Акл-фаросатларинг борми? - сўради ниҳоят профессор Макгонагалл босиқ ғазаб билан.

Гарри халигача қўлини баланд кўтариб турган Рон томон қараб қўйди.

- Хайриятки, ўлдириб қўймабди. Нима учун эл қатори меҳмонхонага бормадингиз?

Снегг Гаррига еб юбогудай ўқрайди. Қани энди Рон қўлини туширса, хаёлдан

ўтказди Гарри ерга қараб.

- Илтимос, профессор Макгонагалл, - эшитилди ним қоронғи бурчақдан, Болаларни сўкманг, улар мени қидириб келишган.

- Мисс Грэнжер?!

- Мен троллни қидириб келган эдим... - ниҳоят ўрнидан турди Гермiona, - Мен...

мен ўйлабман-ки... мен ўзим бир ёглик қиламан уни... тушуныпсиз-ми... Троллар

ҳақида кўп ўқиган эдим...

Бу гапни эшитган Рон қўлидаги таёқчасини тушириб юборди. Гермiona Грэнжер

бўлса-ю, ўқитувчига очиқдан-очиқ ёлгон гапирса-я!

- Агар улар мени қидириб топишмаганида ҳалок бўлишим муқаррар эди, - давом

этди Гермiona, - Иккаласи ҳам ёрдам чақиргани улгуришмас эди. Гарри таёқчасини

троллинг бурнига тиқиб ташлади. Рон эса сўйил билан троллни қарахт қилди.

Болалар кириб келишганида тролль мени тинчителишга шай бўлиб турган эди.

Гарри билан Рон Гермiona айтиб бераётган ҳикоя улар учун янгилик эмаслигини

ифода қилишга уриниб туришди.

- Хўш... ундай бўлса... - деди профессор Макгонагалл учала болага диққат билан

қараб, - Мисс Грэнжер, тоғ тролли билан якка олишишга қандай журъат этдингиз, тентак қиз?

Гермiona бошини ҳам қилиб олди. Мактабда жорий этилган қоидаларни ҳеч қачон

бузмайдиган Гермiona, болаларни қутқариш учун ҳамма айбни ўз бўйнига олиб,

қоидани бузганлигига иқроқ бўлиб турибди-я. Бу гапларни эшитган Гаррининг тили

айланмай қолди. Бу «Снегг меҳрибон бўлиб қолиб, ҳаммага ширинлик улашиб

чиқибди» деган гап билан теппа-тенг-ку, ахир.

- Мисс Грэнжер, қилмишингиз учун «Гриффиндор»дан беш балл айирилади, - ҳукм

чиқарди профессор Макгонагалл, - Сиздан ҳафсалам пир бўлди. Мабодо жабр

кўрмаган бўлсангиз, «Гриффиндор» минорасига боринг. Ўқувчилар ўз биноларида

байрам зиёфатини тамомламоқдалар.

Гермiona хонадан чиқиб кетди.

Профессор Макгонагалл Гарри билан Рон томон юзланди.

- Хўш. Энди сизларга келсак. Мен ханузгача сизларга шунчаки, мисли кўрилмаган

омад кулиб боққан деган фикрдаман. Бироқ ҳар қандай биринчи синф ўқувчиси

балоғатга етган тоғ троллига қарши чиқишга журъат эта олмаслиги аниқ. Шу боис

ҳам, ҳар бирингиз ўз коллежингизга беш баллдан келтирдингиз. Мен бу ҳақда

профессор Дамблдорга билдирув бераман. Боришингиз мумкин.

Болалар хожатхонани тез тарк этиб, икки қават юқорига чиққунга қадар бирон оғиз

сўз гапиришмади. Троллинг қўланса ҳидидан узоқлашиш бирам яхши эдики,

қолган гапларни эса қўяверасиз.

- Умуман айтганда, биз ўн баллдан кўпроқ баллга яраша хизмат кўрсатдик, -

вайсади Рон.

- Беш баллдан. Гермiona жазоланди-ку.

- Яхши қиз экан, қутқариб қолди бизни, - иқроқ бўлди Рон, - Лекин, ҳақиқатан ҳам,

биз унинг ҳаётини сақлаб қолдик.

- Агар троллни Гермionaга қўшиб қамаб қўймаганимизда, балки қутқаришга тўғри

келмас эди, - эслатиб қўйди Гарри.

Икковлон Семиз Хола портретининг қаршисига келиб, минорага кириш паролени баралла талаффуз этди:

- Чўчка тумшуғи.

Шовкин-сурон хукм сураётган мехмонхона одамга тўлиб-тошган. Ҳамма юқорига чиқарилган мазали таомлар билан овора. Гермiona эса эшик ёнида, болаларнинг қайтишини кутиб, ёлғиз турибди. Улар орасида ноқулай сукут сақлангач, бир-бирига киё боқмаган холда «рахмат» деб қўйишди-да, тоза ликоплар турган томон ошиқишди.

Нима қилган тақдирда ҳам айна шу фурсатдан эътиборан Гермiona Грэнжер болалар учун чин дўстга айланиб қолди. Ҳаётда шундай дақиқалар бўладики, уларни ҳақиқий дўстларсиз бошдан кечириш ниҳоятда мушкул кечади. Ўн икки фут келадиган тоғ тролли устидан қозонилган ғалаба – айна шундай фурсатлар сирасига киради.

## **XI БОБ.**

## **КВИДИШ**

Ноябрь ойи келиб, ҳаво совиди. Мактаб теварагини қуршаб турган кул ранг тоғларнинг бағри қорга бурканиб, чўкқиларини муз қоплади. Тоғ остидаги сокин қўл юзаси пўлат тусга кирадиган, эрталабки киров эса ерни оқартириб қўядиган бўлди. Квидиш майдонида супургиларни яхдан тушириб юрган, эгнига крот пўстин, қўлига бошмалдокли мўйна қўлқоп, оёғига узун қўнжли, ўлчами хаддан ортик катта, қундуз мўйнасидан тайёрланган этик кийган Хагрини юқори қаватдаги қаср деразаларидан қўриш мумкин.

Квидиш мавсуми бошланди. Ниҳоят Гарри, узоқ машқлардан сўнг, келаси шанба куни жамоа таркибида «Гриффиндор» – «Слизерин» ўйинида иштирок этади. Бу ўйинда қозониладиган ғалаба гриффиндорчилар жамоасининг ҳолатини сезиларли яхшилаб, мактаб кубоги учун олиб борилаётган курашда иккинчи ўринга олиб чиқади.

Гаррининг ўйинини ҳали ҳеч ким қўргани йўқ. Древлар жамоанинг янги ўйинчисини махфий қуролдай сир сақлашга аҳд қилганига қарамай Гарри гриффиндорчилар жамоасига Сайёд сифатида қабул қилинганлиги кенг оммага аллақандай тарзда маълум бўлиб қолди. Энди у, ушбу омманинг қайси тоифаси, хусусан, ҳаммаси яхши бўлади деб ишонтираётган тоифаси ёмонми ёки ўйин давомида тўшак кўтарганча, пастда югуриб юриб, супургисидан тушиб кетган Гаррини тутиб қолишга ваъда бераётган тоифаси ёмонми билмай, боши қотди.

Гермiona билан тутинган дўстлик Гарри учун айна муддао бўлди. Древлар томонидан тайинланган қўшимча машқлар инobatга олинса, уйга берилган вазифаларни Гермionасиз қандай бажаришини Гарри тасаввурига сиғдира олмайди. Бундан ташқари, ўқиб чиқиш учун Гермiona берган «Асрлар оша ўтиб келган мангу квидиш» китоби Гаррининг соҳага оид билими ортишида катта аҳамият қасб этди. Китобни ўқиб чиққан Гарри ўйин қондаси бузилишининг жами етти юзта кўриниши бўлиши, 1473 йили бўлиб ўтган Квидиш бўйича жаҳон чемпионатида, ушбу бузилишларнинг барчасига йўл қўйилганлиги, Сайёдлар одатда энг кичкина ва энг чаққон ўйинчилар бўлиб, ўйин давомида рўй бериши мумкин бўлган жамики бахтсиз ҳодисаларнинг жоиз кўринишларига, одатда, айна шу ўйинчилар дуч келиши, одамлар орасида ўлим ҳолатлари камдан кам содир бўлса-да, ўйин ҳакамлари йўқолиб қолиб, фақат бир неча ой ўтгач, масалан Саҳройи Кабирнинг қок ўртасида топилишини билиб олди.

Гарри билан Рон Гермionани тоғ троллининг чангалидан қутқариб қолишган кундан эътиборан қизалоқнинг мактаб қондалари бузилишига нисбатан шаклланган

катъий мулоҳазалари бир оз юмшаб, олдингига нисбатан анча ёқимли шахсга айланди. Гарри илк бор иштирок этадиган ўйиндан бир кун олдин учовлон танаффус вақтида ховлига чиқиб, ўйкуни қочириш учун бир оз совуқда туришди. Гермiona, ман этилганига қарамай, афсун ёрдамида, қуюқ шинни солинадиган банка ичида олиб юрса бўладиган мовий гулхан ёқди. Гулханга орқа ўгирганча исиниб туришган фурсатда, уларга яқин йўлақдан, негадир оқсоқланиб қолган профессор Снегг ўтиб қолди. Гулханни ўқитувчи нигохидан яшириш учун улар бири-бирига жипс туриб олишди. Қилаётган ишлари ман этилганига шубҳа қилишмагани боис, айбдор киефада турган ўқувчиларни кўрган профессор чўлокланганча, яқин келди. Гулханни сезмаган бўлса-да, ўқувчиларни айбсотиш учун баҳона қидирган Снегг Гаррининг қўлтигидаги «Асрлар оша ўтиб келган мангу қвидиш» китобига имо қилиб сўраб қолди:

- Анави нима, Поттер?

Гарри китобни кўрсатди.

- Кутубхона китобларини мактаб биносидан ташқарига олиб чиқиш ман этилган.

Уни менга беринг. «Гриффиндор»дан беш балл айирилади.

- Ушбу қондани ҳозирнинг ўзида ўзи тўқиб чиқарди, - вайсади Гарри, чўлок Снегг нари кетгач, - Қизик, оёғига нима қилди экан?

- Туёғига нима қилганини билмайман-у, ушбу жароҳат унинг жонини қаттиқ оғритганлигига жуда умид қиламан! - ғазаб-ла хитоб қилди Рон.

Ўша кун кечқурун «Гриффиндор» меҳмонхонаси шовкин-суронга тўлди. Гарри, Рон ва Гермiona дераза олдида бирга ўтиришди. Гермiona уйга берилган вазифани кўчириб олишга ҳеч изн бермайди. Қаранг-ки, ундай қиладиган бўлишса, болалар ҳеч нарсани билмай юраверишар эмиш! Бироқ Гарри билан Рон ақллироқ йўл топишди. Улар вазифани гўё бажарган бўлиб, тўғри ишлашганини Гермionaга текширтирадиган ва шу зайлда тўғри жавобни билиб оладиган бўлишди.

Гарри безовта. У «Асрлар оша ўтиб келган мангу қвидиш»ни қайтариб олиш, ўқиб, эртанги ўйин ҳақидаги ўйлардан чалғишни истади. Нега энди у Снеггдан кўркиши керак? У шартда ўрнидан турди-да, Снеггнинг хузурига бориб, китобни қайтариб олиш кераклигини маълум қилди.

- Мен эмас, сен борганинг маъкул, - деярли баралла жавоб қайтаришди Рон билан Гермiona.

- Агар бошқа ўқитувчилар олдида сўралса, Снегг рад этишга журъат қила олмайди, - деди Гарри.

У ўқитувчилар хонасига бориб, эшик тақиллатди. Ҳеч ким жавоб бермади. Яна тақиллатди. Жимлик.

Балки Снегг китобни ичкарида қолдириб кетгандир? Қараб кўриш керак, хаёлдан ўтказди Гарри, эшикни итариб. У ичкарига бош суқиб қаради-ю, мудхиш сахна гувоҳи бўлиб қолди.

Ўқитувчилар хонасида Снегг билан Филч бор экан. Снегг, оёғидаги қонаб турган жароҳатни очганча, коржомасининг этагини тиззага қадар баланд кўтариб олган, Филч эса унга тоза бинт узатяпти.

- Жин урган хайвон, - деди Снегг, - Марҳамат қилиб айтинг-чи, бир вақтнинг ўзида учта калла ҳаракатини қандай қилиб қузатса бўлади?

Гарри аста эшикни ёпиб қўймоқчи бўлди.

- ПОТТЕР!

Ғазабдан буришиб кетган Снегг коржомасининг этагини тез туширди.

- Китобни қайтариб олсам бўладими-йўқми, шуни билмоқчи эдим холос, - деди қичқирикни эшитган Гарри, ғайриихтиёрий ютиниб қўйиб.

- ЙЎҚОЛ!

Гарри яна бирон баллдан айрилиб колмасдан олдин ўқдай учиб кетди.

- Хўш, қайтариб олдингми? - сўради Гермiona билан ўтирган Рон, хансираб қайтган Гарридан.

Гарри дўстларининг ёнига ўтириб, хозиргина кўрган ҳолатни шивирлаб айтиб берди.

- Биласизлар-ми, буларнинг бари нимани англатади? - деярли овоз чиқармай пичирлади у, қисқа хикоясига яқун ясаб, - Хэллоуин куни Снегг уч бошли ит ёнидан ўтишга уринган! Биз уни грифон ортида яшириниб кўрган фурсатда, у, айна ўша хонага йўл олганлиги аниқ. Унинг мақсади махлук кўриклаётган нарсани ўғирлаш эканлиги ҳам аён! Супургим билан онт ичиб айтаман-ки, ўша куни, ҳаммани чалғитиш, ўқувчиларни ўз хоналари, ўқитувчиларни ертўлага йўллаш мақсадида тоғ троллини қасрга киритиб юборган ҳам Снегг бўлади!

- У бундай қабихликка бормаиди, - эътироз билдирди кўзлари катта-катта очилиб кетган Гермiona, - Снеггни дунёдаги энг дилрабо зот демоқчи ҳам эмасман бироқ у, Дамблдорга тегишли нарсани ўғирлашга журъат этмаиди.

- Менга қара, Гермiona. Сен чиндан ҳам ўқитувчиларимизнинг барини авлиё ёки шунга ўхшаш бегуноҳ-у, беуқсон зотлар деб биласанми? - аччиқланди Рон, - Мен Гаррининг фикрига қўшиламан. Снегг ишончсиз эканлигига аминман. Бироқ унга нима кераклигини билмайман. Анави кучукча нимани кўриклаб ўтирибди экан? Каравотида ётган Гаррининг боши ҳал этилмаган масалалардан ғувулади. Невилль аллақачон еттинчи тушини кўриб, хуррак отиб ётибди. Гарри ҳам ҳеч нарсани ўйламай, ухлаб қолишга уринди. Ҳаётида илк бор иштирок этадиган квидиш ўйинидан олдин уйкуга тўйиб олиши кераклигини ақлан идрок этаётган бўлса-да, оёғи яраланганлиги Гаррига маълум бўлиб колгани учун Снеггнинг башараси қасб этган қиёфани унутиш қийин кечди.

Кўп ўтмай ёркин совуқ тонг отди. Қовурилган колбасачаларнинг иштаҳани китиклайдиган ҳиди ва қизикарли томошани кўз олдига келтирганча, лаззатланиб гап сотиб ўтирганларнинг ғовури Катта Зални бутунлай қамраб олган.

- Сен албатта тамадди қилиб олишинг керак.

- Иштаҳам йўқ.

- Лоакал бутерброд еб олсанг-чи, - хиралигини қўймади Гермiona.

- Ҳеч нарса ўтмайди.

Бир соатдан сўнг, ўйингоҳга чиқишини ўйлаб ҳаяжонланган Гарри ўзини жуда ёмон хис этди.

- Гарри, овқат еб олмас экансан, курашга кучинг етмай қолади, - деди Симус Финниган, - Сайёдларни рақиб жамоа ўйинчилари доимо уриб-туртиб ўйнашади.

- Ғамхўрлик кўрсатаётганинг учун раҳмат, Симус, - миннатдорлик билдирди Гарри колбасачага кетчуп суртиб узатган ўртоғига (**Кетчуп** (инг. *ketchup*) – таркибига **томат, сирка, туз, шакар, қалампир ва бошқа зираворлар кирадиган қайла**).

Соат ўн бирга яқин жамики мактаб квидиш майдонининг томошабинлар ўтирадиган намоишгоҳларини эгаллади. Аксарият болалар дурбин билан куролланиб олишган. Намоишгоҳлардаги томошабинлар ўтирадиган курсилар зарур бўлган фурсатда ўзидан ўзи юқорига кўтарилиб ёки пастлаб боради, лекин шунга қарамай, ўйин жараёнини дурбинсиз тўлиқ кузатиш қийин кечади.

Рон билан Гермiona юқори қатордаги ўринларга, Невилль, Симус ва Вестхэм футбол жамоасининг ашаддий мухлиси Дин ёнида жойлашиб олди. Синфдошлар Гаррига билдирмаган тарзда, Қасмоқ ғажиб, тешиб ташлаган чойшабдан «Поттерни Президентликка!» сўзлари битилган катта плакат тайёрлашди. Рассомлик истеъдодига эга Дин, ушбу ёзув остига «Гриффиндор» факультетининг тимсоли бўлмиш шер тасвирини туширди, Гермiona эса афсун қўллаб, плакатни, ранг

ўзгартирганча, пирпираб турадиган қилиб қўйди.

Дўстлари плакатни намойишгоҳга маҳкамлаётган вақтда, Гарри, эғнидаги кийимини қвидиш кийимига, яъни тўқ қизил коржомога жамоа билан бирга алмаштирди. Слизеринчилар яшил кийимда ўйнашади.

- Хўш, жаноблар, - сўз олди Древлар, жамоа ўйинчиларининг эътиборини ўзига жалб этиш учун томоқ кириб олгач.

- Ва хонимлар, - Древларнинг гапини бўлди жамоа Овчиси Ангелина Жонсон.

- Ва хонимлар, - тасдиқлади Древлар, - Мана ниҳоят кутилган фурсат етди.

- Буюк фурсат, - гап кистирди Фред Уэсли.

- Интизорлик билан кутилган фурсат, - қўшиб қўйди Жорж.

- Оливернинг нутқини ёддан биламиз, - тушунтирди Фред Гаррига, - Хар қалай жамоада ўтган йилдан буён ўйнаймиз.

- Бир пас овозларининг ўчириб туринглари, илтимос, - кичкирди Древлар, - Жамоанинг бу йилги таркиби ўтган кўплаб йилларга нисбатан олиб қаралганда, жуда зўр сараланган таркиб саналади. Демак, ғалаба қозонишимиз шарт. Мен бунга комил ишонч билдираман.

У жамоага шундай қараб қўйди-ки, нигоҳида: «Акс ҳолда!...» деган маънони уқиб олиш қийин эмас.

- Ана шундай. Вақт бўлди. Ҳаммамизга омад ва зафар ёр бўлсин. Кетдик!

Фред билан Жоржнинг ортидан бораётган Гарри тиззалари бўшашиб кетмаслигини Худодан ёлвориб сўраганча, баланд эшитилган қутлов кичкирикларини остида ўйин майдонига чиқди.

Ўйинга Роланда Трюк хоним ҳакамлик қилади. У қўлида супурги билан ўйингоҳнинг қоқ марказида, рақиб жамоаларнинг йиғилишини кутиб турибди.

- Умид қиламанки, ҳалол ўйнайсиз, - деди Роланда Трюк хоним ҳамма йиғилгач.

Гарри ҳакамнинг ушбу сўзлари асосан «Слизерин» жамоасининг сардори, олтинчи синф ўқувчиси Маркус Флинтга тааллуқли эканлигини пайқаб қолди. Ташқи киёфасига қараганда, Маркуснинг қонига троллнинг қони аралашган шекилли, хаёлдан ўтказди Гарри. Кўзининг кири билан намойишгоҳдаги томошабинлар устида милтиллаб кўринган «Поттерни Президентликка!» сўзларини кўриб қолган Гарри ўзини дадилроқ ҳис эта бошлади.

- Марҳамат, супургилар эгарлансин!

Гарри ўзининг «Нимбус-2000» русумли супургисини эгарлади.

Роланда Трюк хоним қумуш ҳуштагини оғзига солиб, бор қучи ила қулоқни тешиб юборгудай даражада баланд чалди.

Ўн бешта супурги ердан ҳавога бир вақтда, ўқдай кўтарилди. Ўйингоҳда айюҳаннос-у, кичкирикларга тўлди. Қвидиш бошланди!

Эгизак Уэслиларнинг дўсти, шархловчи Ли Жорданнинг баланд овози эшитилди.

Ўйин шарҳи профессор Макгонагаллнинг қатъий назорати остида олиб борилмоқда.

- Ҳурматли томошабинлар кўриб турганингиздай Кваффл шу заҳоти «Гриффиндор» ўйинчиси Ангелина Жонсон қўлига ўтди. Соҳибжамол Ангелина моҳир Овчи бўлишидан ташқари, гўзалликда тенги йўқ жон олар жонона...

- ЖОРДАН!

- Узр, профессор.

- Манёврни чаққон бажарган Ангелина тўпни Алисия Спиннетга узатди. Алисия Оливер Древлар томонидан яқиндагина ихтиро қилинган маҳоратли ўйинчи саналади. Бироқ негадир Алисия ўтган йилги ўйин мавсумини захира ўйинчилар курсидада ўтириб ўтказди. Тўп Жонсонга қайтарилди ва... Йўқ, слизеринчилар Кваффлни қайтариб олишга муваффақ бўлишди. Кваффлни қўлга киритган «Слизерин»



сардори Маркус Флинт бамисоли тоғ бургутидай ракиб халқалари томон учиб бормоқда. Қараб туринг, ҳозир у гол уради. Йўк, чучварани хом санабди! Уни «Гриффиндор» жамоасининг Қўриқчиси Древ тўхтатиб қолди. Кваффли гриффиндорчилар эгаллаб олишди. «Гриффиндор» жамоасининг Овчиси Кэтти Бэллинг ўйинини кўриб турибсиз. Мана у Флинт остига чиройли шўнғиди ва майдон узра яна кўтарилди... ВОЙ!... Тажовузкор бошининг орқасига келиб солди-ку. Жони оғриётган бўлса керак, а?! Кваффл слизеринчиларга ўтди. Кўриб турганингиздай Адриан Пусей халқалар томон ошиқмоқда. Бирок унинг йўлини қайси бири эканлигини аниқ айта олмайман-у, Фред ёки Жорж Уэсли томонидан қайтарилган иккинчи Тажовузкор тўсди. Ким бўлишидан қатъи назар «Гриффиндор» жамоасининг Уриб қайтарувчиси ўз махоратини намоён эта олди. Кваффл яна Жонсонда. Қизнинг қаршисида ҳеч ким йўк. У ўқдай учмоқда. Шиддат билан учиб келган Тажовузкорга чап берди. Мана у халқаларга яқин келиб қолди. Бўш келма, Ангелина! Қўриқчи Блетчелли шўнғиб кирмоқда. Йўк, унинг ҳаракати хато кетди ва ГРИФФИНОРЧИЛАР ХАЛҚАНИ ИШФОЛ ЭТИШДИ!!! Намойишгоҳларда «Гриффиндор» жамоаси мухлисларининг баланд қичқириклари ва «Слизерин» жамоаси мухлисларининг оҳ-вохлари янгради.

- Қани, нари силжинлар-чи.

- Хагрид!

Давангир сиғиши учун Рон билан Гермиона бир-бирига яқинроқ туриб олишига тўғри келди.

- Қулбам ёнида томоша қилиб ўтирдим, - деди Хагрид бўйнига осилган улкан дурбинини уриб кўрсатиб, - Лекин халқ билан томоша қилган қизикроқ-да, тўғрими? Тилла чакқон кўринмади-ми?

- Йўк, - жавоб қайтарди Рон, - Гарри ҳозирча бекор.

- Ҳеч қиси йўк, шошиб қаерга ҳам борар эди. Чиқиб олган жойини қаранг уни, - деди Хагрид, осмон-у фалақда нуқтадай кўринаётган Гаррига қараб.

Гарри Древ билан биргалиқда тузилган режага мувофиқ намоийишгоҳ узра учиб, Тилла чакқонни қидириб юрибди.

- Тилла чакқон кўрингунга қадар нарида бўлганинг маъқул, - доимо тайинлар эди Древ, - Сенга бемаврид ҳамла қилишларига йўл қўйиб бўлмайди.

Ангелинанинг гол урганини кўрган Гарри, ғайрати ошиб кетганидан икки маротаба «Ўлик сиртмоқ» амалини бажариб, Тилла чакқон излашни давом этди (**Нестеров сиртмоғи** – *олий учувчилик санъати билан фазода ҳосил қилинадиган мураккаб шакл, сиртмоқсимон доира. «Ўлик сиртмоқ» деб ҳам аталади. Илк бор 1913 йил 27 август кунини рус учувчиси П. Н. Нестеров томонидан ижро этилган. Шаклнинг яратилишида учуш аппарати вертикал текислик бўйлаб учиб ўтиб, берк эгри чизик ҳосил қилади ва сиртмоқ бошидан охирига қадар кўндаланг чизикдан оғмай, йўналишини ўзгартирмай сиртмоқдан чиқиб кетади*).

Нимадир ялтиради-ю, афсуски, бу эгизаклардан бирининг қўл соати эканлигини кўриб, хавсаласи пир бўлди. Замбарак ўқи каби учиб келган Тажовузкорлардан бири, ортидан эса шиддат билан қувиб келган Фред Уэслига аранг чап беришга улгуриб қолди.

- Ишлар жойидами? - бақириб сўради Фред, Тажовузкорни Маркус Флинт томон уриб қайтарар экан.

- «Слизерин» Кваффлини қўлга киритди, - шархлашни давом эттирди Ли Жордан, - Пастга шўнғиган Овчи Пусей иккала Тажовузкордан ҳам, иккала Уэслилардан ҳам, Овчи Бэллдан ҳам ўзини олиб қочишга улгуриб, халқа томон парвозни давом эттирмоқда. Бу нима Тилла чакқонми?

Чап қулоғининг ёнидан учиб ўтган Тилла чакқон томон анграйиб қараган Адриан

Пусей қўлидаги Кваффлни олдириб қўйгач, ўйингоҳдаги томошабинларнинг норози бақирғи эшитилди.

Тилла чакқоннинг ялтираганини кўрган Гарри хаяжондан кучли тўлқинланиб кетганча, коптокча ортидан шўнғиди. Слизеринчиларнинг Сайёди Теренс Хиггс ҳам Тилла чакқонни кўриб қолган. Улар коптокча ортидан ёнма-ён учиб боришмоқда. Жамики овчилар гўё ўз мажбуриятини унутиб қўйгандай сайёдлар пойгасига қараб қолишди.

Гарри Хиггсдан чакқон чиқди. У миттигина, қанотларини пирпиратиб юкорига кўтарилганча, учиб бораётган юмалоқ коптокчани аён кўриб бормоқда...

ҚАРС-С!

Маркус Флинт атайин Гаррининг йўлига чиқиб, урилди. Гаррининг супургиси гўё вертолёт винти каби ҳавода айланиб кетди. У ерга кулаб тушмасликка уринганча, супургисининг сопини маҳкам ушлаб қолишга улгурди. Томошабинлар, айниқса, «Гриффиндор» жамоаси мухлисларининг нафратга тўлиб-тошган кичкириқлари эшитилди.

- Ўйин қоидаси бузилди!

Трюк хоним Флинт билан дарғазаб гаплашиб қўйгач, «Гриффиндор» жамоасига эркин тўп тайинлади. Табиийки, Тилла чакқон яна кўздан ғойиб бўлди.

- Майдондан чиқарилсин! Хой, ҳакам қизил карточка кўрсатинг унга! - дея кичкирди магларнинг футбол ўйини ишқибози Дин Томас.

- Нималар деяпсан, Дин? - сўради ундан Рон.

- Қизил карточка! - ғазаб-ла бақиршини қўймади Дин, - Футболда, бундай қилмиши учун ўйинчига қизил карточка кўрсатилиб, майдондан чиқариб юборилади.

- Ахир бу футбол эмас-ку, Дин, - ёдига солди Рон.

- Ўйин қоидасига ўзгартириш киритиш керак, - Динга тарафдор бўлди Хагрид, - Гаррининг пачоқ бўлиб кетишига сал қолди-ку, ахир.

- Шундай қилиб, шак-шубҳасиз қабиҳлик-ла амалга оширилган безориликдан сўнг... - холислигини сақлаб қола олмади шархловчи Ли Жордан.

- Жордан! - инграб юборди профессор Макгонагалл.

- Айтмоқчи эдим-ки, ўйин қоидаси слизеринчилар томонидан очиқдан-очик, муттаҳамларча бузилгач...

- Жордан, сени огохлантириб қўйдим...

- Хўп, майли. Флинт «Гриффиндор»нинг Сайёдини ўлдириб қўйишига сал қолди.

Ким йўлиқмайди дейсиз, бундай арзимаган ҳолатга. Модомики, шундай экан, «Гриффиндор» жарима тўпини улоқтиради. Бундай зарбани Спинет қабул қилиб олади. У ҳеч бир муаммосиз тўпни қайтарди. Биз эса ўйин томоша қилишни давом этамиз. Тўп ҳалигача «Гриффиндор» жамоасида.

Тажовузкорнинг навбатдаги ҳамласига чап бергач, супургиси гўё ҳаво ўпқонига тушиб қолгандай кескин пастлаб кетган Гарри, ғалати ҳолатга тушиб қолди. Сония давомида бола супургидан кулаб тушишига шубҳа қилмади. У иккала қўли ва тиззалари билан супургисининг сопига маҳкам ёпишиб олди. Бундай дахшатли ҳолатни хали у, бирор маротаба бўлсин, бошидан кечирмаган (*Ҳаво ўпқони – осмондаги ҳавоси сийрак ёки ҳавосиз жой*).

Гаррини гўё атайин улоқтириб юбормоқчи бўлган супурги боз пастлади. Бирок «Нимбус-2000» аллақандай асов от эмас-ку, чавандозни устидан улоқтириб ташлагани?! Гарри супургини «Гриффиндор» халқалари томон бурмоқчи ва Дреждан тайм-аут эълон қилишни сўрамоқчи бўлди. Аммо супурги мутлако бошқарилмас бўлиб қолди. У бурила олмай, супургини умуман бирон-бир томонга йўналтира олмай қолди. Вақти-вақти билан кучли ликиллаётган супурги ҳавода

илон изи йўналишда шиддат билан учмоқда, Гарри эса йиқилиб кетмаслик учун ўзини базўр тутиб бормоқда (*Тайм-аут – спорт ўйинида жамоа талабига кўра олинган танаффус*).

- «Слизерин» тўпни қўлга киритди, - ўйин шархлашни давом эттирди Ли, - Кваффл Флинтнинг қўлида. Тўпни Спиннетга, у эса ўз навбатида, Бэллга узатди, Бэллнинг юзига Тажавузкор келиб урилди. Умид қиламанки, унинг бурни синди, хазиллашдим профессор. Зарба, гол! О, йўқ!

Слизеринчилар шод-хуррам. Аини вақтда, Гаррининг супургиси ғалати ҳаракатланаётганини ҳеч ким пайқаманган гўё. Супурги эса Гаррини ўйин майдонидан нарига, мунтазам сакраб силтанганча, осмон-у фалакка кўтариб кетмоқда.

- Гаррига нима қилди? - пўнғиллаб қолди Хагрид, - Агар мен уни билмаганимда, айтардим-ки... супурги унга итоат қилмаяпти... Ахир у...

Бирданига намоёнишгоҳдаги томошабинлар юқорига, Гаррига эътибор қаратди. Унинг супургиси ҳавода вертолёт винти каби айлана бошлади. Шундай тез айланмоқда-ки, Гарри ўзини базўр тутиб ўтирибди. Томошабинларнинг баралла қичқирган айюҳанноси эшитилди. Супурги кескин четга отилиб, Гаррини устидан йиқитди. Энди бола супурги сопини битта қўли билан ушлаганча, осилиб қолди.

- Эҳтимол, Флинт Гаррининг йўлини тўсиб урилганида супургига бирон нарса бўлгандир? - шивирлади Симус.

- Унақаси бўлмайди, - қиска қилди овози титраб чиққан Хагрид, - Супургига фақат ёвуз афсун таъсир қилиши мумкин холос. Ёш бола бу ишни эплай олмайди. Бунинг устига бу «Нимбус-2000».

Хагриднинг сўзларини эшитган Гермиона мактаб қоровулининг қўлидан дурбинни тортиб олиб, Гарри томон эмас, аксинча, намоёнишгоҳ томон йўллаб, ниманидир қидира бошлади.

- Нима қиялсан? - сўради, юзи кул тусини касб этиб қолган Рон.

- Ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим, - деди нафаси қайтиб Гермиона, - Снегг томон қара.

Рон дурбинни чангаллаб олди. Снегг қарши томондаги намоёнишгоҳнинг марказида ўтириб, Гарридан кўзини узмай, тинимсиз нималардир шивирламоқда.

- У афсун ўқияпти, супургини қарғаяпти, - деди Гермиона.

- Нима қилсак экан?

- Буни менга қўйиб бер.

Рон оғиз жуфтлашга улгурмай, Гермионани йўқотиб қўйиб, дурбинни Гаррига қаратди. Супурги шу қадар кучли силтанмоқда-ки, бола узок бардош бера олишига ишонини қийин. Эгизак Уэслилар унга яқин бориб, ўз супургиларига олиб ўтишга уринишаётганини кўрган томошабинлар даҳшатга тушиб, қалқиб туришди. Бирок бу иш наф бермади. Улардан бири яқин келиши билан супурги кескин юқорига кўтарилмоқда. Эгизаклар бир оз пастлаб, Гаррининг қўли бўшаб кетса, болани ҳавода тутиб олишга умид қилиб гир айлана бошлашди. Пайтдан фойдаланган Маркус Флинт Кваффлни қўлга киритиб, бирин-кетин бешта гол урди. Бирок бунга ҳеч ким эътибор ҳам қаратмади.

- Гермиона, тезроқ! - пичирлади Рон.

Томошабинларни қўли билан туртиб ўзига йўл очиб юрган Гермиона, ниҳоят намоёнишгоҳларнинг Снегг ўтирган қарши томонига етиб борди. Снегг орқасидаги бўш қаторга етгач, югуриб, профессор Белкани бурни билан олдинги қатордаги курсиларга урилиб кетган даражада туртиб юборган бўлса-да, узр сўраш учун тўхтамади. Снеггнинг ёнига етиб боргач, чўккалаб ўтириб, сеҳрли таёқчасини чиқарди-да, бир нарсалар деб шивирлади. Таёқча учидан ёркин мовий олов дастаси

чикиб, Снегнинг эгнидаги ридо этагига тегди.

Тахминан ўттиз сония ўтгач, ўқитувчи ёнаётганини сезиб қолди. Унинг баланд «Ух!» деганини эшитган Гермiona ўз вазифасини ууддалаган деб билиб, профессорнинг эгнидаги оловни кичкина банкага йиғиб олдида, қочиб қолди. Энди Снегт нима бўлганини ҳеч қачон била олмайди.

Гермионанинг ушбу ҳаракати осмон-у фалакдаги Гарри учун супургини яна эгарлаб олишга етарли бўлди.

- Невилль, бўлди, энди қараса бўлаверади, - деди Рон, сўнгги беш дақиқа давомида Хагриднинг орқасига бекиниб олиб, хўнграётган Невиллга.

Гарри шиддат-ла учиб, кескин пастлади. Қутилмаганда Гаррининг кафти билан оғзини ушлаб олгани, қўнгли айниб, ҳозир қайт қилиб юборгудай ҳолатга келиб қолгани кузатилди. У қўл-оёқлари билан ерга қўниб, қаттиқ йўталгач, оғзидан кафтига қандайдир тилла ранг жисм тушди.

- Тилла чакқонни тутиб олдим! - тантанавор кичқирди у, тўпчани боши узра айлантирар экан.

Чалкашлик билан ўтган ўйин шу тарзда ниҳоясига етди.

- У коптоқчани тутиб олмади-ку, ютиб юборди-ку, - вайсар эди Флинт, ўйин тамомланган фурсатдан йигирма дақиқа ўтган бўлса ҳам.

Бироқ Флинтнинг ноласидан ҳеч қандай наф чикмади. Ахир Гарри қондани бузгани йўқ-ку.

- «Гриффиндор» 170:60 ҳисоби билан ғалаба қозонди, ўйин натижасини бақириб эълон қилишини қўймади Ли Жордан.

Рон ва Гермiona билан биргаликда Хагриднинг кулбасига кириб, аччиқ дамланган иссиқ чой ичиб ўтирган Гарри эса бу гапларни эшитмаяпти.

- Бўлиб ўтган ҳодиса Снегнинг қилмиши, - тушунтирди Рон, - У сендан кўзини узмай, нималарнидир пичирлаб супургингга қарши афсун ўқиб ўтирганини Гермiona иккаламиз кўриб қолдик.

- Бўлмаган гап, - эътироз билдирди Хагрид, намойишгоҳда, кўзи ўнгида бўлиб ўтган ҳодисалардан бирон-бир хулоса чиқармай, - Бу билан Снегт нима наф кўриши мумкин?

Гарри, Рон ва Гермiona бир-бирига қараб, Хагридга нималарни айтиш мумкинлиги ҳақида ўйлаб қолишди.

- Мен айрим нарсалардан бохабар бўлиб қолдим, - деди Гарри, бор гапни айтиб беришга аҳд қилиб, - Хэллоун қуни Снегт уч бошли итнинг ёнидан ўтиб олмоқчи бўлган-у бироқ ит, унинг оёғини қошиб олган. Фикримизча, Снегт, ит кўриқлаётган нарсани ўғирламоқчи.

- Момиквой билан қандай танишиб қолдингиз? - сўради чойнак қўлидан тушиб кетган Хагрид.

- Момиквой?

- Ҳа, Момиквой. Менинг итим. Грецияда, паб ресторанида танишиб қолган бир ўртоғимдан сотиб олганман уни. Ўтган йили эса Дамблдорга Момиквойим керак бўлиб қолди, кўриқлаш... (*Паб – дўстлар, таниш-билиш ва ёру-биродарлар йиғиладиган жой. Шинам вазиятда, бир кружкадан пиво ичиб, суҳбатлашиб ўтириш – паб ғояси саналади. Агар паб ўз пивосини тайёрласа, бундай муассаса ўзининг ҳақиқий мазмун-моҳиятига эга бўлади*)

- Нимани? - сўради Гарри сабрсизлик билан.

- Сен мендан ҳеч нарса сўрама, - аччиғи келиб бошини силтади Хагрид, - Бу ўта махфий маълумот, тушундинг-ми?

- Ахир Снегт уни ўғирламоқчи-ку.

- Бўлмаган гап. Снегт ўқитувчи. У бундай ишларни қилмайди.

- Нега бўлмасам у хозиргина Гаррини ўлдиришга уринди? - бакириб берди, хозиргина бўлиб ўтган ходисадан сўнг, Снегг хақидаги фикри батамом ўзгартириб кетган Гермiona, - Қарғиш билан бахтсиз ходисанинг фарқига жуда яхши бораман, кадрдоним Хагрид. Афсунлар хақида жуда кўп ўқиганман! Қарғиш теккизиш учун афсун ўқиладиган объектдан кўз узмаслик даркор. Снегг эса осмондаги Гаррига кўзини лўқ қилганча қараб турганини ўз кўзим билан кўрдим!

- Э айтяпман-ку сизларга, буларнинг бари бемаъни гап деб. Гаррининг супургисига нима бўлганлигини мен билмайман-у, ўқитувчи Снегг ўқувчи ўлдирмаслигини аниқ биламан! Учовинг бурнингни суқиш керак бўлмаган жойга сукяпсан! Бу жуда хавфли! Анави итни ҳам, у кўриқладиган нарсани ҳам унутинглар. Бу сизларга эмас, Дамблдор билан Николас Фламельга тааллуқли...

- Тушунарли! - деди Гарри, - Демак, бу ишга аллақандай Николас Фламель аралашган?!

## **ХИ БОБ. КЎНГИЛДАГИ ОРЗУЛАР КЎЗГУСИ**

Рождество кириб келишига санокли кунлар қолди. Декабрь ойининг ўрталарида «Хогварц» қалин қорга бурканган ҳолатда уйғониб, кўл музлай бошлади. Қор соққаларини сеҳрлаб, профессор Белканинг салласини қорбўрон қилган эгизак Уэслиларга нисбатан қатъий чора кўрилди. Изғиринга базўр бардош берганча, почтани тайинланган манзилга етказа олган бойқушларни парвариш қилиб жонлантириш ва келган жойига жўнатиш – Хагриднинг сўнгги кунлардаги асосий юмишига айланиб қолди (*Рождество – Исо пайгамбарнинг туғилганига бағишланган христианлар байрами*).

Ўқувчилар қишки таътилни сабрсизлик билан кутмоқда. «Гриффиндор» меҳмонхонаси ва Катта Зал каминларидаги олов деярли ўчмайди, аммо қаср йўлакларининг иссиқ тегмайдиган деворларини булдуриқ қоплаб кетган. Муздай эсанг шамол синф хоналарининг деразаларига тақ-тақ урилади. Энг ёмони профессор Снегг тасарруфидаги ер ости хоналарида ўтказиладиган, хавонинг совуқлигидан ўқувчилар оғзидан чиққан нафас булутчаларга айланиб қоладиган машғулотлар. Совқотган болалар сеҳрли дамлама қайнатаётган қозончаларига яқинроқ ўтириб олишади.

- Таътилни «Хогварц»да ўтказадиган айрим ўқувчиларга раҳмим келади, - деди Драко Малфой, тикка Гаррига қараб, - Нима ҳам қила олишар эди бундай бечоралар, агар уйдагилар уларни кўргани кўзи, отгани ўқи бўлмаса. Краббе билан Гойл ҳиринглаб қўйишди.

Қанотли балиқнинг уриб янчилган умуртқасини тарозида тортиб ўтирган Гарри қвидиш ўйинидан сўнг, мутлако бадҳазм бўлиб қолган Малфойнинг сўзларига ҳам, анави иккаласининг ҳиринглашига ҳам эътибор қаратмасликни афзал топди.

- Келгуси ўйинга Сайёд сифатида Поттерни эмас ёғоч бақани олиш керак, - пичинг ташлади «Слизерин»нинг мағлубиятига ҳеч бардош бера олмайётган Драко, - Негаки, ундай бақанинг оғзи каттароқ бўлади.

Кутуриб кетган супурги устида омон қолган Гаррига ҳамма ҳалигача қойил қолиб юргани боис, ҳазил-мутойибалари қулгили эшитилмаётганини Малфойнинг ўзи ҳам охири тушуниб етди. Шунинг учун ҳам Гаррининг оиласи Драко учун пичинг гапларнинг такрорий мавзусига айланди.

Ҳақиқатан ҳам Гаррининг қишки таътилни Одамовилар хиёбонида ўтказиш нияти йўқ. Ўтган ҳафта, профессор Макгонагалл, таътилни «Хогварц»да ўтказадиган ўқувчилар рўйхатини тузаётганида у ўз номини биринчилардан бўлиб ёздириб қўйди. Бундай қарорни Гарри, Дурсллар уйига қайтишни истамаганидан эмас,

аксинча, ҳаётидаги энг ажойиб Рождество ўтказишни истаганидан қабул қилди. Бунинг устига Рон ҳам, унинг акалари ҳам, «Хогварц»да қолишяпти. Негаки, мистер ва миссис Уэслилар Чарлидан хабар олгани Руминия сафарига чиқишни режалаштиришган.

Сехрли дамламалар тайёрлаш дарси тугаб, ер ости йўлакларидан чиқаётган болалар олға илгарилашнинг иложи йўқлигини кўришди. Йўлакнинг чиқиш қисмини аста секин ҳаракатланаётган улкан арча тўсиб қўйган. Арча остидан чиқиб турган пойафзалнинг кўз кўрмаган ўлчами ва баланд эшитилиб турган ҳарсиллашдан уни Хагринд кўтариб кетаётганини англаш мумкин.

- Салом Хагринд, ёрдамлашиб юборай-ми?

- Раҳмат, Рон. Ишлар жойида, ўзим амаллайман.

- Четрок тур, Хагринд, ўтказиб юбор бизни, - эшитилди Малфойнинг калондимоғ совуқ овози, - Ҳа Уэсли, ҳақ ишлаб олмоқчимисан? Фикримча, мактабни тамомлагач, қоровуллик қилмоқчисан шекилли. Ўзингга ярашадиган касб танлаб, тўғри қилибсан. Хагринднинг кулбаси оиланг яшайдиган уйча олдида ҳақиқий қасрдай кўринади, шундай эмасми?

Рон Малфойга ташланган эди ҳам-ки, зинапояда Снегг пайдо бўлди.

- УЭСЛИ!

Рон Малфойнинг ёқасини қўйиб юборди.

- Малфойнинг ўзи айбдор, профессор Снегг, - деди Хагринд, арча шохлари орасидан тўзғиган бошини чиқариб, - Оиласини ҳақорат қилди, ахир.

- Келиб чиқиш сабабининг аҳамияти йўқ, Хагринд, - жавоб қайтарди Снегг, риёкорона оҳангда, - «Хогварц»да ёқалашиш ман этилган. «Гриффиндор»дан беш балл айирилади. Кўпроқ айрилмаганидан миннатдор бўсангиз бўларди, Уэсли. Қани, тезроқ ўтларинг, - дўк урди у йўлакдаги ўқувчиларга.

- Шошмай турсин, таъзирини бериб қўяман ҳали, - деди Рон, Малфойнинг кетидан дарғазаб қараб, - Узоқ куттириб қўймайман.

- Иккаласидан, Малфойдан ҳам, Снеггдан ҳам нафратланаман, - деди Гарри, дарғазаб оҳангда.

- Қўйсаларинг-чи, хой йигитчалар! - юпатган бўлди Хагринд, - Ҳаётга сал хушчакчакроқ қараш даркор! Мана, ҳа демай Рождество байрамини нишонлаймиз. Қани юринглар, Катта Залга борамиз, уни шундай безатиб ташлашганки, қўяверасиз!

Болалар арча кўтарган Хагринд билан биргаликда Катта Залга кириб боришди. У ерда профессор Макгонагалл ва профессор Флитвик безаш ишлари билан банд.

- Келдинг-ми, Хагринд! Сўнгги арча, арчажон. Уни ҳў нариги бурчакка қўй. Ҳа, ана ўша ерга.

Катта Зал ниҳоятда чиройли ясатилган. Деворларига омела ва найзабаргдан тайёрланган гулчамбарлар осиб ташланган. Бир қатор терилган ўн иккита арча орасидаги масофа тенг танланган. Уларнинг айримлари қумуш тусли қор учкунлари билан безатилган бўлса, айримлари юзлаб шамлар билан ясатилган (*Омела – дарахтларга ёпишиб яшайдиган доим яшил бута*).

- Таътил бошланишига неча кун қолди? - сўради Хагринд.

- Атиги бир кун, - деди Гермiona, - Ҳа, айтгандай, болалар! Тушликка ҳали ярим соат бор, кутубхона кириб чиқишга улгурамиз.

- Айнан ҳақ гапирдинг, - деди Рон, профессор Флитвикнинг қилаётган ишидан кўзини базўр узиб.

Профессор сехрли таёқча учидан тилла ранг ҳаво шарларини бирин-кетин чиқариб, ҳозиргина келтирилган арча шохларини безашга киришиб кетди.

- Кутубхонага? - хайрон бўлиб сўради болалар кетидан чиққан Хагринд, - Таътил

арафасида-я! Ўқишга хаддан ортиқ берилиб кетибсизлар-ми?

- Йўк, илмий изланишларимизнинг мактабда ўқитилаётган фанларга ҳеч қандай дахли йўк, - қувноқ кайфият-ла тушунтириш берди Гарри, - Сенинг оғзингдан чиқиб кетган Николас Фламел ким эканлигини билмоқчимиз.

- Нима? - Хагрид чиндан ҳам серрайиб қолди, - Менга қаранглар, ҳой чурвақалар, сизларга айтдим-ку, кўппак қўриқлаётган нарса билан ишларинг бўлмасин деб.

- Биз бари-бир Николас Фламел ким бўлганлигини билмоқчимиз, - ўжар оҳангда тушунтирди Гермiona.

- Хагрид, балки вақтни беҳуда ўтказмаслигимиз учун ўзинг айтиб қўя қоларсан унинг кимлигини? - соддадиллик билан таклиф киритди Гарри, - Биз минглаб китобларни варақлаб чиқдик. Унинг номи ҳеч қаерда қайд этилмаган. Лоақал шама қилиб қўй. Фламел исмини ўқиганим аниқ эсимда-ю, қачон ва қаерда ўқиганимни эслай олмаёпман.

- Ҳеч нарса айтмайман, - сийқа оҳанг-ла жавоб қайтарди Хагрид.

- Демак ўзимиз қидириб топамиз, - баёнот қилди Рон.

Болалар аччиғи чиққан Хагридни ёлғиз қолдириб, кутубхона томон йўл олишди. Улар чиндан ҳам, Хагриднинг оғзидан гап чиқиб кетган кундан буён бир олам китобни титкилаб чиқишди. Снегт пайига тушган нарса нима эканлигини аниқлашнинг бошқа йўли йўк. Ҳамма бало шундаки, номи бирон-бир китобда қайд этилиши учун Фламел қандай буюк иш қўрсатгани ҳақида маълумот ҳам йўк, шу боис изланишларни нимадан бошлашни болалар билишмайди. Унинг номи «Йигирманчи асрнинг буюк сеҳргарлари»да ҳам, «Ким ким бўлган: давримизнинг машҳур сеҳргарлари»да ҳам, «Замонавий афсунгарликнинг энг муҳим кашфиётлари»да ҳам, «Сеҳргарлар оламидаги сўнги ғоялар ҳақида этюд»да ҳам тилга олинмаган. Мактаб кутубхонасининг катталиги, унда мавжуд ўн минглаб китоблар, минглаб токчалар, юзлаб жавонлар ҳақида гапирмаса бўлаверади. Кутубхонага киришгач, Гермiona бугунги қидирув ишларининг ўзи учун тузиб олган режаси, яъни тегишли мавзуларга оид китоблар рўйхатини чиқарди. Рон рўбару келган китоб токчаси ёнига келиб, қўлига кирган биринчи китобни тусмоллаб олди. Гарри эса кутубхонанинг махфий бўлими томон йўл олди. Негадир унинг хаёлига Фламелни айна ўша бўлимда қидириш керак деган фикр келди. Таассуфки, махфий бўлимда сақланадиган китобларни олиб, мутолаа қилиш учун кутубхона ходимига тегишли ўқитувчи томонидан расмийлаштирилган ёзма рухсатномани тақдим этиш керак. Гарри эса бундай рухсатномани олишга қўзи етмайди. Махфий бўлимда ёвуз кучлар томонидан қўлланиладиган энг кучли афсунлар тавсифланган китоблар сақланади. Уларни мутолаа қилишга рухсатнома фақат юқори синфда таҳсил қўриб, ёвузлик кучидан ҳимоя илмини ўзлаштираётган ўқувчиларгагина берилади.

Гарри махфий бўлимга кириб бориши билан патлардан боғланган супургича воситасида китоблар сиртидаги чангни қоқиб тушираётган кутубхона ходими Шипц хонимга рўбару бўлди.

- Нима қидиряпсан болакай?

- Ҳеч нарса, - ёлғон гапирди Гарри.

- Ундай бўлса, бу ердан туёгингни шиғиллатиб қолганинг маъқул. Тез бўл, - деди Шипц хоним қўлидаги меҳнат қуролини Гаррига ўқтаб.

Ҳақиқатга яқинроқ бирор-бир ёлғон тўқиб гапирмаганлигига афсус қилган Гарри махфий бўлимни тарк этиб, кутубхонанинг узун йўлаклари бўйлаб сандироклаганча, ортга қайтишга мажбур бўлди. Шипц хонимни изланишлар мавзусидан беҳабар қолдиришни учовлон афзал кўрмоқда. Шубҳа йўк-ки кутубхона ходимаси керакли маълумотларни қаердан қидириш даркорлигини айтиб беради.

Бирок учала дўст томонидан олиб борилаётган тадқиқот мавзуси ҳақидаги миш-миш гаплардан Снегг ҳам хабар топиб қолиши мумкин. Шу боис болалар таваккал қилишни истамадилар.

Рон ёки Гермiona бирор-бир маълумот топганига умид боғлаган Гарри, умумий кутубхона йўлакларидан ўртоқларини қидириб юрди. Болалар икки ҳафтадан буён уринишаётган бўлса ҳам, қидирув амалларини онда-сонда бажаришга улгурмоқдалар, табиийки натижа ҳам сезиларли самара бермаяпти. Қани эди кутубхонада истаганча вақт ўтказиш имкони бўлса-ю, Шипц хоним халал бермаса! Беш дақиқадан сўнг, бош силкитганча, ҳеч нарса топилмаганини ишора қилган Рон билан Гермiona кўринди. Учовлон тушлик қилгани Катта Зал томон йўл олди.

- Мен йўқлигимда қидирув ишларини тўхтатмайсиз-ку, а? - сўради Гермiona, - Агар бирор-бир кизикроқ маълумот топсангиз бойқуш йўллашни унутманг.

- Гермiona, балки ота-онанг Николас Фламель тўғрисида бирор нарса билишар, сўраб кўрмайсан-ми? - фикр билдирди Рон, - Бунинг кўркинчли жойи йўқ-ку, шундайми?

- Кўркинчли жойи йўқ. Улар иккаласи ҳам тиш докторлари, - жавоб қайтарди Гермiona, «Иккаласи ҳам магл бўлса, Фламель тўғрисида қаердан билади» дейишдан ўзини тийиб.

\*\*\*

Қишки таътил. Гарри билан Рон учун бахтиёр кунлар бошланди. Ётоқхонада фақат иккаласи қолган. «Гриффиндор»нинг умумий меҳмонхонасида ҳам жой етарлидан ортиқ бўлиб, каминга яқинроқ креслолар учун курашишга ҳожат йўқ. Болалар, ушбу креслоларда соатлаб ўтириб, Фламель ҳақида ўйлашди, нонми у, кулчами, гулханда иситиб еса бўладиган егулик борки, узун санчкига санчиб қиздиришганча, маза қилиб еб ўтиришди. Малфойга қарши хийла-найрангларни ҳаётга татбиқ этишни ҳаёлларига келтиришмаса-да, уни мактабдан ҳайдаб юборишлари учун дасисалар режалаштириб, маза қилишди.

Бундан ташқари, Рон Гаррига сеҳрли шахмат ўйнашни ўргата бошлади. Ўйин қоидалари магларнинг шахмат ўйини қоидаларидан ҳеч фарқ қилмайди. Ягона тафовут шундан иборатки, шахмат доналарининг ҳаммаси жонли бўлиб, улар билан ўйнаётган одам ўзини жанг майдонидаги саркардадай ҳис этади. Роннинг шахмат доналари, бошқа бисотлари каби эскириб, титиғи чиқиб кетган. Умуман Роннинг ихтиёридаги жамики нарсаларни оила аъзоларидан қайсидир бири муқаддам ишлатган. Мисол учун, мана бу шахматни бир вақтлар Роннинг бобоси ўйнаб юрган. Шундай бўлса-да, эски доналар кўпни кўрган азамат жангчилардай кўринади. Рон ўз навқарларининг табиатини жуда яхши ўрганиб олганлиги ва тегишли чоралар кўриб юрганлиги боис ҳам, тасарруфидаги кўшинлар шахсий таркиби орасида умумқўшин низомларга зид муносабатлар деярли рўй бермайди. Ўз шахмати бўлмаганлиги боис Гарри Симус Финниганнинг тўплами билан ўйнади. Шахмат доналари Гаррининг оз бўлса-да, саркардалиқ қобилиятига эга эканлигига шубҳа билан қарашди. Бола ҳали яхши ўйнай олмас, баджаҳл доналар эса унга қичқириб, турли хил маслаҳатлар беришар, шунинг учун бўлса керак, қандай юришни билмаган Гарри, эсанкираб қолар эди.

- Нима қиляпсан, хой валакисаланг, - чинқирар эди бакироқ пиёдалардан бири кўлидаги курулни Гаррига ўқтаб, - Мени у ёққа жўнатма. Рақибнинг отини кўрмайпсан-ми? Ҳаёлингни йиғиб олсанг-чи, овсар! Яхшиси ҳў анави пиёдани жўнат! Мана бу бекорчини эса ҳеч бой бера олмаяпсан.

Гарри, эртанги ўйин-кулги ва кечки овқат вақтида уюштириладиган тантанали зиёфат ҳақида ўйлаганча, ётиб дам олгани ётоқхонага йўл олди. Байрам муносабати



билан совға олиш унинг хаёлига ҳам келгани йўқ. Бироқ эрталаб уйғониб, каравотининг оёқ томонидаги бир тўп совға-саломга кўзи тушди.

- Рождество муборак, - уйқусираб пўнғиллади Рон, Гаррининг каравотдан туриб, халатини кияётганини пайқагач.

- Сенга ҳам муборак, - жавоб қайтарди Гарри, - Мана буни қара! Менга ҳам совға юборишибди!

- Нима, бирор қоп брюква кутганмидинг? - қўпол фикр билдирди Рон, ўртоғининг совғаларига нисбатан умумий ҳажми каттароқ совғалари томон юзланиб (*Брюква – шолғомсимон сабзавот*).

Гарри совғалар уюми устидаги қутини қўлига олди. Совға қалин жигар ранг қоғозга ўралган бўлиб, устига қинғир-қийшиқ дастхат билан: «Хагриддан Гаррига» сўзлари битилган. Тугунча ичидан дағалроқ ясалган ёғоч флейта чиқди. Хагрид ўз қўли билан ясаганга ўхшайди уни. Гарри флейтани чалиб кўрди ҳам-ки, ундан бойқушнинг овозига ўхшаш товуш чиқди (*Флейта – найсимон мусика асбоби*).

Иккинчи совға халтачаси ичидан: «Хатингни олдиқ, Рождествога атаб жавобан совға ҳам юбордик. Вернон амакинг ва Петунья холанг», - деб битилган хат ва унга илова қилинган эллик пенс танга чиқди.

- Нима ҳам дердим, ажойиб совға, - деди Гарри.

- Ғалати-ку - қичкириб юборди бундай «совға»ни кўрган Рон, - Шакли жуда ғайриоддий экан! Чиндан ҳам пулми бу?!

- Ол, мендан сенга байрам совғаси, - таклиф қилди Гарри, Роннинг хайратидан кулиб, - Хўш, бу Хагриддан экан, буниси амаким ва холамдан, буниси кимдан бўлди?

- Назаримда англаганга ўхшайман кимдан эканлигини, - деди Рон, бирон-бир шаклга эга бўлмаган халтани кўрсатганча, қизариб, - Бу совға менинг оймидан. Сен ҳеч кимдан совға кутмаётганинг хақида ёзиб юборган эдим унга.

- О, йўқ! - инграб юборди Рон, халтани пайпаслаб кўргач, - Ойим сенга ҳам Уэслилар свитери «Уэслитер» тўкибди.

Гарри сабрсизлик билан халтани очиб, ичидан қўлда тўкилган зумрад-яшил рангли қалин свитер ва уйда тайёрланган ирис қандларининг қутисини чиқарди.

- Ойим ҳар йили бизга биттадан свитер тўкиб беради, - тушунтирди Рон, совғаларидан бирини очар экан, - Менга доим тўқ кизил ранглиси насиб қилади.

- Зўр-ку, - самимий завқланди Гарри, ирислардан биттасини татиб кўриб, - Роса мазали экан.

Навбатдаги совға ҳам ширинлик – Гермиона юборган шокобақалар экан.

Очилмаган сўнгги совға қолди. Совғани қўлига олган Гарри, унинг ниҳоятда енгиллигига эътибор қаратди.

- Бу нима бўлиши мумкин?

Очилган қадоқдан қандайдир кумуш-кул ранг буюм худди оқиб чиққандай сирпаниб ерга тушди-да, қатлари билинар-билинемас ялтираб қолди. Гаррининг совғасини кўрган Роннинг нафаси тикилиб қолди.

- Бундай буюм хақида эшитганман, - деди у, хириллаб қолган овоз билан, Гермиона юборган барча таъмларни ўзига мужассам этган Берти Ботт ёнғоқларини қўлидан тушириб юбориб, - Агар у чиндан ҳам мен ўйлаган нарса бўлса, сен жуда камёб ва ниҳоятда қимматбаҳо нарсага эга бўлдинг.

- Нима ўзи бу?

Гарри ерда ётган кумуш ранг, худди сувдан тўкилганга ўхшаб кетадиган ялтирок матони қўлига олди.

- Бу кўринмас плаш, - иззат-ҳурматни ифодалаган оҳангда шивирлади Рон, - Ишончим комилки, бу худди ўша. Кийиб кўр.

Гарри плашни эгнига ташлаган эди ҳам-ки, Рон беихтиёр кичкириб юборди.

- Бу ўша! Пастга қара!

Гарри оёғига қаради. Оёқ йўқ. У қўзғу томон зинғиллади. Қўзғуда фақат юзини кўрди. Танаси умуман кўринмайди. Плашнинг қолган қисми билан бошини ёпиб, мутлақо кўринмас бўлиб қолди.

- Хат!, - кичкирди Рон, - Хат тушиб қолибди!

Гарри плашни ечиб, хатни чангаллади. Илмоқсимон, камбар дастхат билан битилган мактуб:

*«Буни менга раҳматли отанг ўлимидан олдин, худди ниманидир сезгандай, сақлашим учун қолдириб кетган эди. Омонатни эгасига топшириш вақти етди. Уни ақл-фаросат билан ишлат.*

*Сенга қувноқ ва бахтли Рождество тилайман».*

Хат муаллифи имзо чекмаганлиги, исмини ёзмаганлиги боис кимдан келганлиги номаълум. Гарри ўйланиб хатга қараб қолди, Рон эса плашни хайрат ила томоша қилиб ўтирди.

- Бундай плаш учун мен бор нарсамни берган бўлар эдим. Бор нарсамни. Сенга нима қилди Гарри?

- Ҳеч нима қилгани йўқ.

Гарри ўзини бошқача хис этди. Ким жўнатиши мумкин плашни? Чиндан ҳам отаси кийиб юрганми-ди уни?!

Бироқ у, ўйига етиши, бу борада бирон-бир фикр билдиришга улгурмай, эшик очилиб, ётоқхонага Фред билан Жорж ёпирилиб киришди. Ички кечинмаларини ҳеч ким билан ўртоқлашишни истамаган Гарри плашини тез яшириб қўйди.

- Рождество муборак!

- Ие, мана буни қаранглар, Гаррига ҳам «Уэслитер» юборилибди!

Фред билан Жорж бир хил мовий свитер кийиб олишган, фақат улардан бирида каттагина, сарик тусли савлатли «Ф», иккинчисиди эса «Ж» ҳарфи кўринмоқда.

- Таъкидлаб ўтишим жоизки, - баёнот қилди Фред, Гаррининг свитерини диққат билан ўрганиб чиқиб, - Ойим Гарри учун хаддан ортиқ ҳаракат қилиб юборибди.

Бировнинг боласи, деб шунга айтсалар керақда.

- Хўш, сен нима учун свитерингни кийиб олмадинг, Рон? Қани тез кийиб олчи. У жуда мулойим, иссиқ тутади, - буйруқ берди Жорж.

- Тўқ қизил рангни кўргани кўзим йўқ, - минғиллади Рон, свитерини истар-истамас кийиб.

- Сенинг свитерингда ҳарф йўқ экан. Исмингни унутиб қўймаслигинга ойимнинг ишончи комилга ўхшайди, - деди Жорж, укасининг атрофида айланиб чиқиб, - Биз тентақлар эса қандай қилиб исмларимизни, қайси биримиз Жред, қайси биримиз Форж эканлигимизни адаштириб қўймаслигимизни ойим ҳеч тушунмайди.

- Нима шовқин? - остонада юзи норози киёфа касб этган Перси Уэсли кўринди.

Қўлида «Уэслитер» тутиб турганига қараганда, у ҳам совғаларини кўриб чиққанга ўхшайди чамаси. Фред Персининг қўлидаги свитерни шартта тортиб олдида, ёзиб кўрди.

- «П»! Ҳа, бу «Синфбоши» дегани бўлса керак! Қани тез кийиб олчи, Перси, биз кийиб олдик. Қара хатто Гарри ҳам «Уэслитер»ли бўлиб қолди.

- Истамайман... - бўғиқ пишиллади Перси, Фред билан Жорж қуч ишлатиб унинг эгнига свитерини кийдириб қўйишар экан.

Тадбир ниҳоясида Персининг кўзойнаги чаккасига келиб қолди.

- Сен бугун синфбошилар билан ўтирмайсан-ку, свитерингдан уялгани, - деди

Жорж, - Рождество оилавий байрам, уни биргалиқда нишонлаймиз. Эгизаклар Персини оёқ-қўлларида маҳкам ушлаб, бошини пастга осилтириб кўтаришганча, ётоқхонани тарк этишди.

Гаррининг ҳаётида ҳали бу қадар дабдабали Рождество тушлиги бўлмаган. Дастурхонга юзлаб қовурилган курка, картошканинг қовурилган ва қайнатилган турлари, калтагина, ингичка сосискалардан тайёрланган кўплаб таомлар, мой билан ишлов берилган кўк нўхатга тўла идишлар, қуюк, хушбўй хидли қайла ва клюква қайласи солинган қайладонлар қатори, бир-биридан ҳар икки-уч фут нарида териб чиқилган кўплаб сирли крекерлар тортилган (**Клюква – қизил, нордон мева. Крекер – печеньеинг бир тури**).

Бундай бой, гўзал дастурхонни мағллар Рождествога тузадиган дастурхон билан қиёслаб бўлмайди, албатта. Бу борада Дурслларнинг чиранишлари Гаррининг эсига тушди. Улар Рождество таомларини бадбуруш пластмасса ўйинчоқлар ва қоғоздан суюк ясалган соябонлар билан ясатадилар.

Гарри билан Фред битта крекерни иккаласи бўлишига келишиб, синдиришди. Одатда, қаср-қусур синиши керак бўлган крекер мисоли кема тўпидай гумбурлаб кетди. Мовий тутун домида қолган болалар крекер ичидан чиққан бир нечта тирик оқ сичқонларни кўриб, контр-адмирал фуражқасига эга бўлишди. Мўътабар Стол ортида сеҳргарларнинг чўккидор бош кийими ўрнига гуллар билан безатилган похол шляпа кийиб олган Альбус Дамблдор профессор Флитвик айтиб бераётган латибалардан ичаги узилиб кетгудек хандон отиб ўтирибди (**Контр-адмирал - ҳарбий-денгиз флотининг олий тоифали офицерлари таркибига мансуб ҳарбий унвон бўлиб, армиянинг генерал-майор унвонига тўғри келади. Илк бор 1706 йилда таъсис этилган. Контр-адмирал унвонидан ташқари, вице-адмирал, адмирал ва флот адмирал унвонлари мавжуд**).

Қовурилган куркадан сўнг, устига ёниб турган пунш сепилган байрам пудингги тортилди. Улардан бирининг ичидаги қумуш склатни тишлаб олган Перси тишини синдириб олишига сал қолди (**Пунш – шакар, сув ва мева шираси қўшиб қайнатилган спиртли ичимлик**).

Гарри Хагриднинг ҳатти-ҳаракатларини қизиқиб қузатиб ўтирди. У такрор ва такрор вино сўриб, борган сари қизариб бормоқда. Ниҳоят Хагриднинг кайфи ошиб профессор Макгонагаллнинг юзидан ўпишга киришиб кетди. Шляпаси чакқасига сурилиб қолган профессорнинг қаршилиқ кўрсатмай, аксинча хиринглаб ўтириши эса Гаррини хайрон қолдирди.

Зиёфат ниҳоясига етганида Гаррининг қўли крекерлар ичидан чиққан ҳар хил қизик нарсаларга тўлиб-тошди. Улар орасида ярқираб турадиган ёрилмас ҳаво шарчалари тўплами, мустақил равишда сўгал ўстириш тўплами ва энди ўз сеҳрли шахмати бор. Оқ сичқонлар кўздан ғойиб бўлишди. Ушбу сичқонлар миссис Норриснинг байрам тушлигига айланиб қолишмаса бўлди, хавотирланди Гарри.

Гарри куннинг иккинчи ярмини, барча Уэслилар билан биргалиқда, ховлида жон-жаҳд билан, эс-хушини йўқотиб қўйгудай даражада қор бўрон ўйнаб ўтказди. Совқотган, кийими жикка ҳўл бўлган, толиқиб ҳансираб қолган болалар «Гриффиндор»нинг умумий меҳмонхонасига қайтиб, ўзларини камин яқинидаги креслоларга ташлашди. Бу ерда Гарри билан Рон янги шахматни синовдан ўтказишди. Табиийки, Гарри шармандаларча бой берди. Агар Перси Гаррига ғайрат билан ёрдам бермаганида, эҳтимол у бу қадар уятли муваффақиятсизликка учрамас эди.

Курка ҳамда ёғ, сут, тухум кабилар солинган нондан тайёрланган сэндвич, трюфеллар ва байрам пирогидан ташкил топган кечки байрам зиёфатида ҳамма шу қадар тўйиб қолди-ки, содда қилиб айтганда бўкиб қолди (**Сэндвич – гўшт,**

*колбаса, пишлоқ, сабзавот кабилардан тайёрланган бутерброд тури).*

Уйкуга ётгунга қадар деярли ҳеч ким бирор-бир бамаъни иш билан машғул бўла олмади. Акасининг «Синфбоши» кўкрак нишонини олиб қочишган эгизаклар Фред билан Жорж кетидан бутун «Гриффиндор» минораси бўйлаб қувиб юрган Персининг натижасиз хатти-ҳаракатлари эринчоқлик билан кузатиб ўтирилди. Ушбу Рождество Гарри учун ҳаётидаги энг зўр байрам бўлди. Лекин куни билан нимадир уни ич-ичидан кемириб борди. Кечкурун ўрнига бориб ётгунга қадар бу ҳақда бамайлихотир ўйлашга вақти бўлмади. Шундай қилиб, кўринмас плаш ва уни ким совға қилгани Гарри учун навбатдаги жумбоқ бўлди.

Қурка билан пирогни еб бўккан, ўйланиб ётишга мажбур қиладиган ғам-ташвиши бўлмаган Рон, пардани тортиши билан тарашадай қотиб қолди. Гарри эса ётган жойида каравоти остидаги кўринмас плашни чикарди.

Бу отасининг... ўз отасининг... буюми. Бир қўлдан иккинчисига енгил оқиб ўтаётган маго, шойидан мулойим, ҳаводан енгил. «Уни ақл-фаросат билан ишлат».

Ҳозироқ кийиб кўриш керак. У каравотдан тушиб, плашга ўраниб олди. Оёқлари йўқ, уларнинг ўрнида хонадаги буюмлар сояси ва Ой нури кўринади. Жуда ғалати туйғу. «Уни ақл-фаросат билан ишлат».

Дафъатан, Гарри, қандайдир ғайриоддий тетикликни ҳис этди. Ахир бундай плаш билан «Хогварц»да мавжуд жамики эшиклар унинг қаршисида ланг очилади-ку. Ётоқхонанинг сокин қоронғилигида турар экан, вужудини сабрсиз тугённинг кучли тўлқинлари қамраб олди. Плашни кийиб хоҳлаган жойга бориши мумкин ва айни вақтда, ҳеч қандай Филч ундан шубҳа қила олмади.

Ухлаб ётган Рон алаҳсираб кўйди. Уни уйғотиш керакми? Нимадир Гаррини ушбу фикрдан қайтарди. Плаш отасиники ва у, айни шу плаш воситасида отаси билан яқин боғланганлигини ҳис этиб, ёлғиз қолишни истади.

Гарри астагина ётоқхонадан чиқиб, зина бўйлаб пастга тушди. Мехмонхона орқали ўтиб, портрет орқасидаги туйнук қаршисига етиб келди.

- Ким у? - қагиллаб сўради уйқусираган Семиз Хола.

Гарри портретнинг саволини жавобсиз қолдириб, йўлак бўйлаб тез одимлади.

Қаёққа борса экан? У қутуриб кетгандай ураётган юрагини бир оз тинчлантириш учун йўлак ўртасида тўхтаб, қаёққа боришни ўйлаб қолди. Кутубхонанинг махфий бўлими! Кутилмаганда ҳаёлига келган ушбу ўйдан ўзи хурсанд бўлиб кетди. Ана энди у Николас Фламел тўғрисида маълумот топиш учун қанча вақт керак бўлса, шунча вақт ўқиб ўтириши мумкин. Қарор қилгач, очилиб кетмаслиги учун плашини иккала қўли билан тутганча, махфий бўлим томон йўл олди.

Кутубхонада зимистон бўлиб, кишини ваҳима босадиган зулмат қарор топган. Гарри қаёққа кетаётганини кўриш ва тоқчаларга урилиб кетмаслиги учун қўлидаги фонусни ёқди. Фонус, гўё ҳавода учиб бораётгандай кўринди кўзига. Бола фонусни ўзи, ўз қўлида тутиб бораётганлигини аниқ идрок этаётган бўлса-да, ҳавода учаётганини кўриб, эти жимирлашиб кетди.

Махфий бўлим кутубхонанинг охирида, ўнг томонда жойлашган. Ман этилган китобларни бошқа китоблардан ажратиб турган арқондан эҳтиёткорона ошиб ўтгач, фонусни баландроқ кўтариб, китоб номларини ўқишга киришиб кетди.

Китоб номлари бирор-бир маълумот бермади. Муқовадан кўчган, хира тортган тилла ҳарфлар Гарри муқаддам эшитмаган тилларда битилган сўзларни ташкил этган. Айрим китоб номлари эса умуман кўринмай қолган. Китоблардан бирининг муқовасида қонга ўхшаш доғ кўринди. Кутилмаганда қулоғига пичир-пичир овозлар эшитилган Гаррининг тепа сочи тикка бўлиб кетди. Балки унга шундай туюлгандир, бироқ китоблар, ушбу бўлимга кириши мумкин бўлмаган одам қадам ранжида қилганини ваҳима ила муҳокама қилаётгандай бўлди.

Модомики кутубхонага кириб келди-ми, ишни нимадандир бошлаши керак, хаёлдан ўтказди Гарри, фонусни аста ерга қўйиб. У, муковаси қизикрок китоб топиш мақсадида куйи тоқчаларга қўз югуртирди. Номи кумуш харфлар билан ёзилган фолиант боланинг эътиборини ўзига жалб этди. Гарри, ушбу оғир китобни бир илож қилиб жойидан чиқариб олдида, тиззасига жойлаб, очди (**Фолиант – жуда катта ва қалин китоб**).

Кутилмаганда китоб, сукунатни бузиб, киши томирларидаги қонни музлатиб қўядиган даражада чийиллаб юборди. Гарри уни тез ёпиб қўйишига қарамай, товуш узлуксиз, кулоқ пардасини ёриб юборгудай баланд, ягона нотада янграшни давом этди. Гарри эҳтиётсизлик билан орқага чекиниб, фонусни ағдариб юборди. Фонус ўчиб, атрофни яна зулмат қоплади. Ваҳимага тушиб қолган Гарри йўлакда эшитилаётган қадам товушидан кимдир шиддат билан яқинлашаётганини пайқади. Гарри чийиллаётган адабий асарни жойига тикиб, чиқиш эшиги томон югурди. Кутубхонадан чиқаверишда эса Филчга рўбару келди. Назоратчининг рангсиз ёввойи кўзлари Гарри орқали қаергадир қараб турибди. Гарри қўлини кўтариб олган Филчнинг қўлтиғи остидан аста ўтиб, шовқин солмай йўлак бўйлаб нари кочди. Бездовта қилинган фолиантнинг чийиллаши унинг кулоқларида узок вақт шанғиллаганча қолди.

Кутилмаганда Гарри бошини рицарлар совутига уриб олди. Имкон қадар кутубхонадан нари кетишга ҳаракат қилган бола қаёққа югуриб кетаётганига эътибор ҳам қаратмади. Энди эса эҳтимол атроф жуда қоронғи бўлгани боис, қаерга келиб қолганини билмай, эсанкираб қолди. Рицарлар совuti Катта Зал яқинида турганидан хабари бор бироқ ҳозир у, Катта Залдан беш қават юқорида бўлиши керак-ку.

- Тунги соатларда юрганлар ҳақида бевосита ўзингизга билдирув беришни илтимос қилган эдингиз, профессор. Шу боис маълум қиламанки, кимдир кутубхонанинг махфий бўлимига кирибди.

Гаррининг томирларидаги қон гўё танасини тарк этиб, қаёққадир кетиб қолаётгандай бўлди. У ҳозир қаерда турганини билмайди. Филч эса айни пайтда Гарри турган жойга тез етиб келишнинг яширин йўлини жуда яхши билади чамаси. Негаки, мактаб назоратчисининг тилёғлама, суллоҳ овози тобора яққол эшитилмоқда. Бунинг устига, боланинг бахтига қарши, Филчнинг овозига жавобан Снегнинг овози эшитилди.

- Махфий бўлимга дейсизми? Ундай бўлса, узок кета олишмайди. Биз албатта тутиб оламиз уларни.

Бу гапни эшитган Гарри оёғи билан полга ёпишиб қолгандай бўлди. Айни фурсатда Снег билан Филч яқин орадаги муюлиш ортидан чиқиб қолишди. Улар тунги сайёҳни кўрмайдилар, албатта. Бироқ яқинроқ келишадиган бўлишса, тор йўлакда уни туртиб ўтишлари муқаррар. Гарри кўринмас бўлиб олгани билан, унинг танаси қаттиқ жисм сифатида йўқ бўлиб қолгани йўқ-ку, ҳар қалай.

Гарри орқага чекиниб, қутулиб қолишнинг ягона йўли – чап томондаги қия очик эшикни кўриб қолди. У нафас олишни тўхтатганча, эшикка тегмай ўтишга ҳаракат қилиб, хонага кириб олди. Эшик ёнидан ўтган Снег билан Филч болани сезишмади. Бедармон Гарри эса деворга суяниб, нафас ростлаганча, узоклашиб бораётган қадам товушларига диққат билан кулоқ тутиб турди. Бу гал қўлга тушиб қолишига бир баҳя қолди. Бир неча сония ўтгач, қайси хонага кириб қолганлигини билиш учун атрофга қўз югуртирди.

Бир қарашда, узок вақтдан буён машғулотлар ўтилмаган синф хонасига ўхшаб кетади. Қоронғи хонада синф тахтаси ва бир-бирининг устига тахлаб чиқилган парталар, сал нарида онтарилган чиқинди ташлаш савати кўринди. Рўпарадаги

девор ёнида эса синф хонасига мос келмайдиган, гўё ёт кўзлардан бекитиб қўйиш мақсадида олиб кирилган катта буюм кўринди.

Бу ниҳоятда чиройли, бўйи шифтга етадиган, тилла хошияси нақшинкор, тирнокли оёққа ўрнатилган, юзасининг юқори қисмига «Иов таян евор косон килен» безак ёзуви битилган кўзгу экан.

Снегг билан Филч узоқлашган сари, кўрқув хисси ҳам Гаррининг вужудини аста тарк эта бошлади. У эҳтиётлик билан кўзгуга яқин келиб, аксига қаради. Табиийки, кўзгуда акси кўринмади. Шунда Гарри шартта плашни ечиб, кўзгунинг қаршисида тик турди.

Кўзгуга қараган бола бақириб юбормаслик учун иккала кафтини оғзига маҳкам босиб олди. У кескин орқага бурилди. Гаррининг юраги махфий бўлимдаги китоб чинқириб юборганда ургандан ҳам тез ура бошлади. Негаки, кўзгуда нафақат унинг акси, балки ортида турган бир тўда одам акси ҳам кўринди.

Лекин хонада ўзидан бошқа ҳеч ким йўқ. Тез ва энтикиб нафас олган Гарри аста-секин яна кўзгу томон юзланди.

Гарри кўрққанидан кўзгудаги аксининг юзида қон қолмаганлигига эътибор қаратди. Аксининг ортида эса кам деганда ўн киши турибди. У елкаси узра яна ортга қаради. Хонада ҳеч ким йўқ. Улар ҳам кўринмас кишиларми? Нималар бўляпти ўзи?

Эхтимол бола кўринмас одамлар тўпланиб олган хонага кириб қолган-у, кўринар-кўринмас бўлишдан қатъи назар кўзгу уларни кўрсатяпти-ми?

Гарри яна кўзгуга қаради. Бевосита ортида турган аёл табассум қилганча, қўл силтади. Гарри қўлини орқага узатди. Агар аёл чиндан ҳам ортда турганида бола сезган бўлар эди. Негаки улар, бир-бирига жуда яқин турибди. Бироқ Гаррининг қўли бўшлиқдан бошқа ҳеч нарса сезмади. Демак аёл ҳам, бошқа кишилар ҳам фақат кўзгу ичида.

Аёл жуда гўзал, сочлари тўк-малла ранг, кўзлари эса... Унинг кўзлари боланинг кўзларига ўхшар экан. Гарри кўзгуга яқинроқ борди. Аёл ҳам худди Гарри каби фирузакўз бўлиб, кўз қийиғи ҳам Гаррининг кўзлариникига ўхшайди. Бироқ аёл кулиш билан баробар энди йиғлаяпти ҳам. Баланд бўйли, озгин, қора сочли бир киши аёлнинг ёнига келиб, елкасидан қучиб олди. У кўзойнак тақиб олган бўлиб, сочлари тўзғиб кетган эди. Бошининг орқа томонидаги сочлари эса... худди Гаррининг сочларига ўхшаб, деярли тик ўсган.

Гарри кўзгуга шу қадар яқин келдики, бурни билан аксига такалиб қолди.

- Ойи? - шивирлади у, - Дада?

Улар болага қараб, кулиб қўйишди. Гарри кўзгуда кўринаётган бошқа одамларнинг юзларига ҳам аста секин разм солиб, қараб чиқди. Кўзгуда у, худди ўзининг кўзларига ўхшаш бир неча жуфт фируза кўзларни, ўзининг бурнига ўхшаш бир нечта бурунларни, бир қариянинг тиззалари эса худди ўзининг тиззаларига ўхшаб бўртиб чиққанини кўрди. Гарри ҳаётида илк бор ўз оиласи билан юз кўришди.

Поттерлар кулиб, Гаррига қўл силташмоқда. Бола эса уларнинг юзларига тикилиб, кафтини босганча, кўзгу орқали ўтиш, қариндош-уруғларининг ҳар бирини ушлаб кўришга уринди. Гарри гўё кимдир унинг қалбидаги катта қувонч билан оғир қайғуни уйғунлаштириб, яхлит килиб қўйгандай, қандайдир ғайриоддий хиссиётларни бошдан кечирди.

Шу ҳолатда қанча вақт турганини билмайди. Қариндошларининг акси йўқолмади. Токи узоқда эшитилган шовқин уни хушига қайтаргунга қадар тураверди. У ортик бу ерда қола олмайди, ётоқхонасига етиб бориши лозим.

- Мен яна келаман, - пичирлади у, онасининг аксидан кўзини базўр узганча, хонани тарк этиб.

- Мени уйғотсанг бўларди, - хафа бўлиб пўнғиллади Рон, бўлиб ўтган гапларни

эшитиб.

- Бугун борамиз. Мен ўша хонани топиб, кўзгуни кўрсатмоқчиман.

- Сенинг ота-онангни кўраман эканда, - деди иштиёқ билан Рон.

- Мен эса сенинг оилангни, жамики Уэслиларни кўрмоқчиман. Катта акаларинг ва қолган барча қариндошларингни кўрсата оласан.

- Уларни сен шундоқ ҳам кўришинг мумкин, - қўлини силтади Рон, - Ёзги таътилда мехмонга келсанг, кўрасан. Балки бу кўзгу фақат марҳумларни кўрсатар. Эсиз, Фламель хақида бирон нарса аниқламаганинг чатоқ бўлибди. Лоақал бир бўлак бекон еб олсанг-чи, нега ҳеч нарса емаяпсан?

Гаррининг томоғидан овқат ўтмади. Тунда ўз ота-онасини учратди. Бугун яна учрашади. Фламельни эса умуман унутиб юборди. Бу мавзу энди Гаррига аҳамиятсиз бўлиб қолди. Анави уч каллани аҳмоқ ит нимани кўриқлаб ётгани билан нима иши бор энди унинг? Хўп, Снегг ўша кўппак кўриқлаётган нарсани ўғирлаб олганида ҳам Гаррига нима фарқи бор?

- Сенга нима қилди, Гарри? - сўради Рон, - Қандайдир ғалатирок бўлиб қолдинг.

Кўзгу ўрнатилган ўша хонани яна топа олиш-олмаслиги ҳозир Гаррини қайғуга солаётган асосий муаммо эди. Рон иккаласи плашга ўраниб олишгани учун, кечагидан кўра секинроқ юришга тўғри келди. Икковлон кеча тунда Гарри кутубхонани тарк этиб чиққанидан сўнг босиб ўтган йўлни хаёлан тиклашга уриниб, қоронғи йўлақларда бир соатдан ортиқ сандироклаб юришди.

- Мен совқотдим, - арз қилди Рон, - Балки ортга қайтармиз.

- Йўк! - қатъият-ла шивирлади Гарри, - Сезиб турибман, биз ўша хона яқинида юрибмиз.

Рўпарада найнов афсунгарнинг арвохидан бошқа ҳеч ким кўринмади. Рон эндигина мингирлашга тушмоқчи эди ҳам-ки, Гарри рицарь совутини кўриб қолди.

- Мана шу ерда. Ҳа, шу ерда. Мана!

Улар эшикни очиб ичкарига киришди. Гарри плашни ерга ташлаб, кўзгу томон отилди. Мана улар, Гаррининг ота-онаси. Болани кўриб хурсандликдан қулишяпти.

- Кўрдинг-ми?

- Ҳеч кимни кўмаяпман.

- Яхшироқ қарасанг-чи! Қара... Мана улар ҳаммаси...

- Мен фақат ўзимни кўряпман.

- Тузукроқ қара. Кел, менинг ўрнимга туриб ол.

Гарри четга қочди. Бироқ Рон унинг ўрнига келиб туриши билан Гаррининг оиласи ғойиб бўлди. Энди кўзгуда пахмоқ матодан тикилган пижама кийган Роннинг акси кўринди. Лекин у, худди сеҳрлаб қўйилгандай аксига махлиё бўлиб қолди.

- Мени аксимга қара, Гарри!

- Сен ҳам оилангни кўриб қолдинг-ми?

- Йўк, мен танҳо ўзим турибман. Фақат энди ҳозиргидай эмасман. Ёшим улғайиб, мактабнинг энг ибратли ўқувчисиман!

- Нима?

- Менинг... акам Биллга берилган каби нишоним бор... Қўлимда коллеж кубоги...

Иккинчи қўлимда қвидиш кубоги... Қара, мен қвидиш жамоасининг сардори эканман.

Рон нигоҳини ўз аксидан базўр узиб, завқ тўла кўзлари ила Гаррига юзланди.

- Нима деб ўйлайсан, кўзгу келажакни кўрсатадими?

- Бўлиши мумкин эмас. Оила аъзоларим битта қолмай ўлиб кетишган-ку. Қоч, мен уларни кўрай.

- Сен кеча туни билан кўрдинг. Мен ҳам қараб олай.

- Сен атиги кубок ушлаб турибсан холос. Нимаси қизиқ буни? Мен ота-онамни

кўрмоқчиман.

- Туртма мени!

Йўлақдан эшитилган товуш болаларнинг мунозарасига яқун ясади. Улар қанчалик баланд бақиршиб юборишганини ўзлари сезмай қолишган.

- Тезроқ!

Рон билан Гарри плашга ўраниб олишга улгуришган эди ҳам-ки, хонани тимирскилаётган миссис Норриснинг ялтираган кўзи кўринди. Болалар нафас олмай туриб, айна бир нарсани, у ҳам бўлса, плаш мушук нигоҳига таъсир қилиш-қилмаслигини ўйлаб қолишди. Абадиятдай туюлган бир неча сониядан сўнг, миссис Норрис ўгирилиб, хонани тарк этди.

- Бу ерда қолиш хавфли. Бўлса-бўлмаса у Филчни чақиргани кетди. Ишончим комилки, у бизнинг қичқиргимизни эшитиб қолган. Тезроқ кетайлик бу ердан.

Рон куч ишлатиб, Гаррини хонадан базўр тортиб чиқарди.

Эртасига эрталаб кўча совуқ бўлиб, қор эрмади.

- Шахмат ўйнаймиз-ми? - таклиф киритди Рон.

- Йўк, истамайман.

- Хагриднинг кулбасига меҳмонга борармиз?

- Боргим келмаяпти... Ўзинг бориб кела қол.

- Биламан, нима ҳақида ўйлаётганингни, Гарри. Бугун борма у ёққа.

- Нима учун?

- Билмадим, кўнглим нохушликни сезиб турибди. Ахир сен неча маротаба таваккал қилиб, ҳар сафар қўлга тушиб қолишдан базўр қутулиб қолдинг. Снегг, Филч, миссис Норрис. Уларнинг ҳаммаси атрофда изғиб юришибди. Хўш, кўринмас бўлсанг нима қилибди? Агар улар туртилиб кетишса-чи сенга? Ёки ўзинг бирон-бир нарсани туртиб, йиқитиб юборсанг нима бўлади?

- Гапинг Гермионанинг сўзларига ўхшаб кетди.

- Мен жиддий айтяпман, Гарри. Борма.

Бироқ Гаррининг ягона истаги яна ўша кўзгунинг қаршисига бориб туриш. Бунга эса ҳеч қандай Рон тўсиклик қила олмайди.

Учинчи гал йўлни нисбатан тез топди. У шу қадар тез юриб бордики, окилона эҳтиёткорликни унутиб қўйди. Хайриятки, ҳеч кимга йўликмади.

Мана ота-онаси, яна унга кулиб боқишмоқда. Боболаридан бири эса завқ билан бош иргияпти. Ҳеч нарса бугунги тунни ота-онаси билан ўтказишга ҳалал бера олмайди. Ҳеч нарса.

Фақат...

- Хўш, Гарри, яна келдинг-ми?

Гаррининг ичи музга айланиб қолгандай бўлди. У овоз чиққан томон ўгирилиб қаради. Девор ёнидаги партада бошқа эмас, Альбус Дамблдорнинг шахсан ўзи ўтирибди. Гарри кўзгу томон ошиқиб келганидан мактаб директори ёнидан ўтиб кетганини сезмай қолган чамаси.

- Мен... Сизни сезмай қолибман, сэр.

- Кўринмаслар узокни кўра олмайдиган бўлиб қолишларидан таажжубдаман, - деди Дамблдор.

Унинг иршайганини кўриб Гарри бир оз енгил тортди.

- Шундай қилиб, - давом этди Дамблдор партадан осонгина Гаррининг ёнига сирпаниб келиб, жойлашганча, - Сен, бугунга қадар ўтган юзлаб кишилар каби Кўнгилдаги орзулар кўзгусининг мўъжизасини ўзинг учун кашф этдинг.

- Билмас эканман, кўзгу шундай деб номланишини, сэр.

- Умид қиламанки, унинг кирдикорини тушуниб етдинг.

- У... ахир... оиламни кўрсатяпти...



- Дўстинг Ронга эса энг ибратли ўқувчи эканлигини кўрсатди.
- Қаердан биласиз...
- Кўринмас бўлиш учун менга плаш керак эмас, - мулойим жавоб қайтарди Дамблдор, - Хўш, энди тушундинг-ми, Кўнгилдаги орзулар кўзгуси бизга нимани кўрсатаётганини?

Гарри бош силтади.

- Ундай бўлса, тушунтириб беришга ижозат берасан. Фақат дунёдаги энг бахтли одамгина Кўнгилдаги орзулар кўзгусидан оддий кўзгудай фойдаланиши мумкин. Яъни бундай киши аслида қандай бўлса, кўзгудаги аксини ҳам шундайлигича кўра олади. Тушуняпсан-ми гапимнинг маъносини?

- Кўзгу биз истаган нарсаларни... нимани хоҳласак, шуни кўрсатади, - аста секин жавоб қайтарди Гарри бир оз ўйланиб.

- Ҳа ҳам, йўқ ҳам, - шошилмай давом этди Дамблдор, - У қалбимиз қаъридан, юрагимиз тубидан чиқаётган энг умидсиз тилакларимизни кўрсатади. Сен, ўз оиласини ҳеч қачон кўрмаган инсон, бирданига ҳаммасини баробар кўришга муваффақ бўлдинг. Ўз акаларининг соясида улғайишга мажбур бўлган Рональд Уэсли эса ўзини танҳо, бунинг устига сараларнинг сарасидек кўрди ўзини. Бироқ бу кўзгу бизга воқиғлик ҳам ато этмайди, ҳақиқатни ҳам кўрсатмайди. Аксарият одамлар, ушбу кўзгуда кўраётган аксга махлиё бўлиб туришганча, ўз келажакига путур етказдилар ёки кўраётган нарсалари ҳақиқатми, жоизми билмай ақлдан озиб қолдилар. Эртага, кўзгу бошқа жойга олиб ўтилади. Сендан илтимос, Гарри, уни энди кидирма. Агар келажакда унга яна рўбару бўлсанг, сени нима кутишини энди биласан. Хаёл осмонида учиб юриб, ҳақиқий ҳаётни унутиб қўйиш ярамайди, буни ҳеч қачон ёдингдан чиқарма. Хўш, энди мана бу ажойиб плашингни кийгин-да, жойингга бориб ёт.

Гарри ўрнидан турди.

- Сэр... Профессор Дамблдор, Сиздан бир нарсани сўрасам бўладими?

- Албатта, зеро сен бу ишни қилиб бўлдинг, - қулиб қўйди Дамблдор, - Бироқ яна бир савол беришинг мумкин.

- Сизга нима кўринади, ушбу кўзгуда?

- Менга-ми? Қўлимда ип-газламадан тўқилган қалин пайпок ушлаб турганим кўринади.

Гарри бақрайиб қолди.

- Пайпокнинг кўпи бўлмайди, - тушунтирди Дамблдор, - Мана умримнинг яна бир Рождествоси ўтиб кетди, менга эса ҳеч ким пайпок совға қилмади. Негадир ҳамма менга фақат китоб совға қилиш керак деб ўйлайди.

Гарри ўз ўрнига етиб келганидан сўнггина, Дамблдор саволга очик-ойдин жавоб бермаган бўлиши мумкинлигини ўйлаб қолди. Бироқ масалага бошқача ёндашиладиган бўлса, ўйлади у, ёстиғига астойдил жойлашиб олган Қасмоқни нари туртиб, савол хаддан ташқари шахсий бўлгани учун унга очик-ойдин жавоб бериш ҳам шарт бўлмаган.

### **ХIII БОБ.**

### **НИКОЛАС ФЛАМЕЛ**

Профессор Дамблдор Кўнгилдаги орзулар кўзгусини қайта кидирмасликка ўқувчини кўндирди олди. Мактаб директори билан тунда ўтган суҳбатдан сўнг, Гарри, кўринмас плашни батартиб тахлаганча, сандиғига жойлашга жойлаб қўйдую, кўзгуда кўрганларини ҳеч унута олмайди. Кечалари босинкираб, тушида кўзни қамаштирадиган яшил чакмоқ ота-онасини ҳалок қилганини кўрадиган, кимнингдир кучли, этни жунжитадиган тарзда янграётган иблисона кулгисини

эшитадиган бўлиб қолди.

Гарри алоғ-чалог тушлар кўраётганлигини дўстига айтиб берди.

- Демак, Дамблдор ҳақ экан, - хулоса чиқарди Рон, - Ўша кўзгу кишини чиндан ҳам ақлдан оздириб қўйиши ростга ўхшайди.

Семестр бошланишидан бир кун олдин етиб келган Гермиона эса болаларнинг таътил кунлари бўлиб ўтган ҳодисалар ҳақидаги хикояларини эшитиб,

дўстларининг хатти-ҳаракатларини қаттиқ танқид қилди.

- Филч сени тутиб олганида нима бўлар эди! - жаҳл қилган бўлди қизалок,

Гаррининг уч кеча қаср йўлақларида дайдиб юрганини эшитиб.

Айни вақтда у, қулай имкониятдан фойдаланиб, Николас Фламел ким бўлганлигини аниқлаб олмаганлиги учун Гарридан хафа ҳам бўлди.

Гарчи Гарри, Николас Фламел ҳақида қаердадир ўқиганлигига комил ишонч билдирса-да, болаларда, ушбу исмни китоб саҳифаларида топишга шубҳа туғила бошланди. Шунга қарамай, учала дўст, семестр бошлаш билан бир вақтда, машғулотлар орасидаги 10 дақиқали танаффуслар давомида кутубхонага қатнашини қўймади. Бироқ Гарри, қвидиш машқлари бошланганлиги боис, бундай тадқиқотларда нисбатан камроқ иштирок этди.

Древ сўнгги вақтда ўз жамоасидан бор кучни сарф этишни қатъий талаб қилиб қолди. Ҳатто қорбўрон ўрнига бошланган тинимсиз ёмғирлар ҳам унинг жанговар руҳини синдира олмади. Эгизак Уэслилар Древга савдойи думбул деган лақаб қўйишганча, нолишиб, ҳасрат қилишса, Гарри жамоа сардорига тарафдор бўлди.

Ахир «Гриффиндор» жамоаси мактаб кубоги учун олиб борилаётган курашда «Хуффльпуфф» жамоасини енгса, сўнгги етти йил ичида биринчи маротаба «Слизерин» жамоасидан олдинга чиқиб олади-ку!

Ғалаба қозонишдек табиий истакдан ташқари, Гаррининг зўр бериб машқ қилишига яна бир сабаб бор, у ҳам бўлса: машқ қилиб ҳолдан тойган куни алоғ-чалог тушлар кўрмаслиги.

Жамоа жикқа ҳўл бўлиб, қулоғигача лойга беланган кунлардан бирида Древ ноҳуш хабар етказди. Эгизак Уэслилар Древнинг устига атайин, гўё супургиларидан тушиб кетишгандай, иккита бомба сингари бирин-кетин қулашди.

- Безорилик қилишни бас қилинг! - дод-вой солди жони оғриб, жаҳли чиққан жамоа сардори, - Айни шундай хулқингиз учун ҳам ютказиб қўйишимиз мумкин! Билиб қўйинг, келаси ўйинга Снегг ҳакамлик қилади! Унга «Гриффиндор»дан балл айиришга зиғирдай сабаб бўлса бўлди. Ҳар нарсадан айб кидириб юришини яхши биласиз.

Древ узра яна муаллақ осилиб олган Жорж Уэсли бундай хабарни эшитиб, чиндан ҳам супургисидан қулаб тушди.

- Снегг ҳакамлик қилади?! - базўр эътироз билдирди у, оғзи лойга тўлиб, - Северус ўзининг зерикарли ҳаёти давомида бирон маротаба бўлсин қвидиш ўйинига ҳакамлик қилганми? «Слизерин»дан устун келаётганимизни кўрса, унинг холисона ҳакамлик қилишига шубҳа қиламан.

Жамоанинг қолган аъзолари ҳам Жоржнинг ёнига қўниб, сардорга эътироз билдира бошлашди.

- Нега менга бақирасиз? Мен тайинлабман-ми уни? Қўлимдан нима келади? - жавоб қайтарди Древ, ҳаммага баробар - Снегг бирон-бир айб топа олмаслиги учун беқусур ўйнашимиз керак, вассалом.

Буларнинг ҳаммаси яхши, албатта, ўйлади Гарри. Бироқ Снегг нафақат ҳакамлик қилмаслиги, умуман ўйинга келмаслигини, айниқса Гарри ҳавога кўтарилганида ўйингоҳда бўлмаслигини жуда истар эди...

Машқ якунида жамоа аъзолари Древнинг ноҳуш хабарини унутиб, ҳар хил

мавзуларда валдираб тарқалди. Гарри тўппа-тўғри коллежнинг умумий мехмонхонасига йўл олди. Бу ерда Рон билан Гермиона тинчгина шахмат ўйнаб ўтиришибди.

Шахмат ўйини Гермионанинг ўзлаштириши кийин кечаётган ягона воқиғалик бўлиб, тез-тез ютқазиб туриши кизалок учун жуда ҳам фойдали ҳаётий сабоқ бўлади, деб топишади Рон билан Гарри.

- Гапирмай, жим ўтир, - деди Рон, ёнига ўтирган Гаррига, - Мен ҳаёлимни навбатдаги юришга жамла... Тинчликми? Сенга нима қилди? - сўради у дўстининг ранг-рўйига эътибор қаратгач.

Гарри, бошқа ҳеч ким эшитиб қолмаслиги учун паст овозда гапиришга ҳаракат қилиб, Снегнинг қутилмаганда қвидиш ўйинида ҳакамлик қилишга аҳд қилганлиги ҳақида дўстларини хабардор қилди.

- Ўйинда иштирок этма, - дархол кўрсатма берди Гермиона.

- Қасал бўлиб қолдим дегин, - деди Рон.

- Ўзингни оёғи синган кўйга солиб ол, - давом этди Гермиона.

- Йўқ, сен чиндан ҳам оёғингни синдир, - таклиф киритди Рон.

- Ундай қила олмайман, - деди Гарри бундай дўстона таклифларни рад этиб, -

Жамоамизда захира Сайёд йўқ. Мен ўйнамайдиган бўлсам, «Гриффиндор» умуман майдонга чиқмайди.

Айни шу пайтда мехмонхонага Семиз Холанинг портрети тўсиб турган туйнукдан боши билан пастга қулаб тушган Невилль кириб келди. Биринчи қарашдаёқ унинг оёғи Кишан қарғиши билан кишанбанд қилинганлиги аён бўлди. Бечора Лонгботтом «Гриффиндор» минорасининг кўп поғонали зинасидан қандай кўтарилганлиги жумбоқ бўлиб қолди. Қуёнга ўхшаб сакраб чиққан бўлса керак. Табиийки, Невиллнинг аҳволини кўрган ўқувчилар баралла қаҳқаҳлаб кулиб юборишди. Фақат Гермионагина ёрдамга келиб, Кишан қарғишидан халос этувчи қарши афсун ўқиғач, Невиллнинг оёқлари, худди бир-бирига тортиб турган оралик пружина узилиб кетгандай, ажралиб кетди. Ниҳоят у, аъзои-бадани титраганча, оёққа тура олди.

- Хўш, гапир, нима бўлди? - сўради Гермиона, базўр ўрнидан туриб олган Лонгботтомга Рон билан Гаррининг ёнига ўтиришига кўмаклашиб.

- Малфойнинг навбатдаги қилиғи, - бошлади Невилль титроқ овоз билан, - У билан кутубхона ёнида рўбару бўлиб қолдим. Мени кўриб: «Келганинг яхши бўлди, Лонгботтом, менга тажриба қилинадиган қуён керак эди», - деди-да, афсун ўқиди.

- Профессор Макгонагаллнинг ҳузурига бориб, бўлган гаплардан хабардор қил! - кучаниб хитоб қилди Гермиона.

- Ортиқча кўнгилсизликлар бўлишини истамайман, - минғирлади Невилль бошини сарак-сарак чайқаб.

- Қарши чора кўришинг керак, Невилль! - гапга аралашди Рон, - Малфой одамлар бошида юришга одатланиб қолган, албатта. Бироқ унинг бундай юриши монеликсиз, янада осон кечиши учун бош эгиш керак эмас-ку, ахир.

- Менда гриффиндорчиларга хос мардлик етишмаётганлигини яна бир бор эслатиб ўтишга ҳожат йўқ. Буни ҳозиргина Малфой исбот қилгани етарли деб ўйлайман, - юракдан чиқариб, базўр айта олди Невилль.

Унинг қиёфасидан йиғлаб юборишига оз қолганлиги билиниб турибди. Гарри коржомасининг чўнтақларини титиб, Гермиона Рождествога юборган сўнги шокобакани чиқарди-да, Невиллга узатди.

- Сен Малфойга ўхшаганларнинг ўн иккитасига бас кела оласан, - деди у, ўртоғига таскин беришга уриниб, - Сараловчи шляпа сени «Гриффиндор»га тайинлаганини унутма. Бу бежиз эмас-ку, ахир. Малфойни-чи? Аллақандай сассик «Слизерин»га

йўллади.

Гаррининг сўзларидан енгил тортган Невилль кулимсираган бўлиб, лабини кийшайтириб қўйди.

- Рахмат, Гарри... Мен бориб ётай. Сеҳргарнинг суратини ўзингга олиб қўярсан. Сен уларни йиғяпсан-ку, шундай эмасми?

Невилль ётоқхонага йўл олди, Гарри эса бу гал қайси машхур сеҳргар сурати соҳиби бўлганлигини билиш мақсадида шокобақа ичидан чиккан суратни ёзиб кўрди.

- Яна Дамблдорнинг сурати. Бу сурат менга...

Бирдан Гарри хитоб қилиб, суратнинг орқа томонини ўгириб ўқиди. Сўнгра аста секин нигоҳини Рон билан Гермионага кўтариб:

- Топдим! - шивирлади у, - Фламелни топдим! Айтгандимку сизларга унинг исмини қаердадир ўқиганман деб! Поездда! «Хогварц»га келаётганимда ўқиганман! Мана эшитинглар:

*«Дамблдор 1945 йили ёвуз сеҳргар Гриндельвальд устидан галаба қозонгани, аждар қонидан фойдаланишининг ўн иккита усулини ихтиро қилгани, шунингдек, Николас Фламел билан биргаликда алкимё соҳасида олиб борган ишлари ила алоҳида шухрат қозонган»*

Буни эшитган Гермиона ўрnidан сакраб туриб, алғов-далғов хаяжонланиб кетди. Уйга берилган илк вазифа учун баҳолар қўйилган дафтарлар биринчи синф ўқувчиларига қайтариб тарқатилган кундан буён у хали бу қадар хаяжонланмаган. - Шу ерда, кимир этмай ўтиринг! - кичкирди у ва ётоқхонаси томон югуриб кетди. Гарри билан Ронга фақат бир-бирига қизиқсиниб қараб қўйгани вақт етди холос. Гермиона кўлида улкан ва кўринишидан жуда қадимий китоб кўтарганча, қайтиб келишга улгурди.

- Хонамда ётган китобда кидириш кераклигини хаёлимга ҳам келтирмабман. Буни, уйқудан олдин ўқиладиган енгил мавзулар сифатида, кутубхонадан олганимга анча бўлган эди.

- Енгил мавзулар? - шубҳа қилди Рон.

Қизалоқ Ронга тинч ўтириши, керакли саҳифани кидириб топишга халал бермаслиги учун жим деган имо қилиб, алланима вайсаганча, китоб саҳифаларини ўта катта тезлик билан варақлашга киришиб кетди.

Ниҳоят у керакли саҳифани топди шекилли:

- Ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим-а! Шундай деб ўйлагандим!

- Энди гапирсам бўладими ё ҳалиям жим ўтираверайми? - сўради Рон, захарли оханг билан.

Гермиона Роннинг пичингига эътибор ҳам қаратмади.

- Николас Фламел, - тантанавор ўқиб эшиттирди у, - *Бугунги кунда Фалсафий тош яратган ягона муаллиф саналади!*

Бироқ бу гап Гермиона кутган самара бермади.

- Нима? - баралла сўрашди Гарри билан Рон.

- Наҳотки хабарингиз бўлмаса? Қулоқ солинг. Йўк, яхшиси ўзингиз ўқинг, мана, мана бу сатрларни ўқинг.

Гермиона китобни яқинроқ суриб, бармоқчаси билан керакли хатбошини кўрсатгач, болалар қўйидагиларни ўқишди:

*Алкимё соҳасида олиб борилган ўрта аср тадқиқотларининг мавзуси, асосан, ажойиб сеҳрли кучга эга, Фалсафий тош деб ном олган афсонавий модда яратишга*

багишланган. Эътироф этилишича, бундай тош ҳар қандай металлни соф олтинга айлантириш қобилиятига эга эмиш. Шунингдек, ушбу модда воситасида Оби-Хаёт, яъни уни ичган одамга боқий умр ато этадиган ичимлик яратиш мумкин деган тахминлар бор.

Ўтган асрлар давомида Фалсафий тош яратилганлигига доир хабарлар бисёр маротаба эълон қилинган. Амалда эса бундай тошнинг ҳозирча танҳо соҳиби машҳур алхимёгар, опера ашуласининг заршуноси мистер Николас Флаemel саналади.

Ўтган йили олти юз олтмиш бешинчи баҳорини қарши олган мистер Флаemel айни вақтда Девонда, ўзининг олти юз элик саккиз ёшли рафиқаси Перенелла билан хилватда умргузаронлик қилмоқда.

- Энди тушундинглар-ми? - ниҳоят хитоб қилди Гермiona, болалар мутолаани ниҳоясига етказишларига қадар базўр сабр қилиб, - Ўша уч бошли ит Флаemelнинг Фалсафий тошини кўриқлаб ётибди! Бундай чора кўрилишини шубҳа йўқ-ки, Флаemel Дамблдордан илтимос қилган! Ахир улар дўст-ку! Тош кетига кимдир тушиб қолганлигини Николас сезган ва шунинг учун ҳам уни «Гринготтс»дан олиб чиқишга аҳд қилган.

- Олтин ясаб, кишининг ажалини нари кувадиган тош. Снеггнинг орзу-ҳавасларини тушунса бўлади. Бундай тошга ким ҳам эга бўлишни истамайди дейсиз? - хулоса чиқарди Гарри.

- Флаemelнинг исмини «Замонавий афсунгарликнинг энг муҳим кашфиётлари»да топа олмаганимиз ҳам бежиз эмас эканда, - деди Рон, - Ўзи қадимий бўлган мана бу китобда ёзилишича «... ўтган йили олти юз олтмиш бешинчи баҳорини қарши олган»идан кейин, Николас амакининг замонавийлиги қоладими.

Туни билан муҳокама қилишгани камлик қилгандай, эртасига эрталаб, ёвузлик кучидан ҳимоя дарсида, афсун билан бошқа тусга кирган одам тишлаб олган ҳолатда даволаниш усулларини синф тахтасидан кўчириб ўтирган Гарри билан Рон ҳалигача кечаги масалани: агар Фалсафий тош соҳиби бўлишганда қандай иш тутишган бўлишларини муҳокама қилиб ўтиришди. Рон хусусий квидиш командасини харид қилиб олардим дегунга қадар Гарри Снеггни ҳам, навбатдаги ўйинни ҳам эсига олмаган эди.

- Мен ўйнашга аҳд қилдим, - қатъий эълон қилди Гарри дўстлари Рон билан Гермionaга, - Агар мен майдонга чиқмасам, слизеринчилар мени номард деб эълон қилиб, Снеггдан кўрққанимни масхара қилишади. Агар ғолиб чиқсак башараларидаги мурдор тиржайишлари йўқолади!

- Иш қилиб сени йўқотиб қўймасак гўрга эди, - деди Гермiona.

\*\*\*

Ўйин бошланишига санокли кунлар қолди. Гарри, дўстларига нималар деган бўлишидан қатъи назар, борган сари асабийлаша борди. Жамоанинг қолган аъзолари ҳам ташвишда. «Слизерин» жамоаси устидан ғалаба қозониш ҳақидаги ўй ҳаммани хайратга солади, албатта. Нима қилганда ҳам етти йилдан буён бу иш ҳеч қайси жамоанинг қўлидан келмаган. Бироқ бу гал, айниқса мана бундай ноҳолис ҳакам билан, «Гриффиндор» жамоаси ғолибликни қўлга кирита олармикан? Бундан ташқари, Гаррининг назарида, бунга тўла-тўқис амин бўлмаса ҳам, Снегг уни ҳар қадамда таъкиб қилиб юрганга ўхшайди. Болани ғафлатда қолдиришга умид қилса керак-да у? Снеггнинг Гаррига нисбатан қаҳри шу қадар кучли эдики, Северуснинг сеҳрли дамламалар тайёрлаш фани бола учун ҳар ҳафтада бир ўтказиладиган қийноқларга ўхшаб кетади. Эҳтимол профессор Снегг Гаррининг

Фалсафий тошдан вокиф бўлиб қолганлигини фаҳмлаб қолгандир? Лекин, қандай қилиб... Баъзан, Снегт кишининг хаёлларини ўқий олса керак деган фикр келади Гаррининг миясига.

Мана ниҳоят қутилган кун етди. Гарри уствошхона эшиги ёнида омад тилаб қолган дўстларининг юзларида «Ишқилиб шу билан яна эсон-омон учрашамизми?» деган савол ўқиб олди. Бундай ўй-ю хаёл билан кийимини алмаштириб, ўзининг машҳур «Нимбус-2000»ни қўлга олган боланинг қулоғига Древ вайсаган бирор-бир сўз кирмади.

Рон билан Гермiona намойишгоҳда, Невиллнинг ёнидан жой топишди. Невилль эса нима учун синфдошларининг ковокларидан қор ёғаётгани ва нима сабабдан улар ўйин томошасига ўзлари билан сеҳрли таёқчаларини ҳам олиб келишганини тушунмай боши қотди. Рон билан Гермiona анчадан буён Кишан қарғишини зимдан машқ қилиб юришганидан Гарри беҳабар. Ушбу ғоя Невиллнинг оёқларини кишанлаб қўйган Малфойнинг қилиғидан олинган бўлиб, Гаррига зиғирдай зарар етказишга уринадиган Северусга қарши қаратилган.

- Ёдингдан чиқмасин, Локомотор Мортис, - шивирлади Гермiona, енгига таёқчасини яшираётган Роннинг қулоғига.

- Э, эсимда, - жеркиб берди Рон, - Минғир-минғир қилавермасан-чи.

- Мен сенга тазйик ўтказмоқчи эмасман-у, Поттер, - деди Древ Гаррини уствошхонанинг бир четига тортиб, - Бироқ Тилла чакқонни тезроқ тутиб олиш кераклиги хали шу вақтга қадар муҳим бўлмаган. Снегт «Хуффльпуфф»га хаддан ортик ён босиб юборишидан олдин, ўйинни ниҳоясига етказиш даркор.

- Жамоат жам. Жамики мактаб шу ерда, - қичқириб юборди Фред Уэсли эшиқдан бош чиқариб, - Ҳатто, маъзур сананг-у, қария Дамблдор ҳам бир илож қилиб ўрмалаб кела олибди!

Бу гапдан Гаррининг юраги кўкрак қафасида сальто-мортале ҳаракатини ижро этиб юборди (*Сальто-мортале – циркда, деярли унинг гумбазига яқин баландликда амалга ошириладиган ҳавода умбалоқ ошиш амали*).

- Дамблдор? - сўради Гарри.

У Фред ҳазил қилмаганлигига ишонч ҳосил қилиш учун эшикка отилди.

Дамблдорнинг кумуш соқолини кўрмай қолиш мумкин эмас. У ҳақиқатан ҳам томошабинлар орасида ўтирибди.

Гарри ўзини ниҳоятда енгил ҳис этиб, хандон отиб юборишига сал қолди. Ана энди у ўзини хавфсиз деб билса бўлади. Дамблдор шу ерда экан, Снегт Гаррига тажовуз қилишга журъат эта олмайди.

Эхтимол шу сабабли бўлса керак, жамоалар саф тортган фурсатда Снегтнинг совук турки ниҳоятда жahlдор киёфа касб этди. Бунин Рон ҳам пайқади.

- Снегтни бу қадар кўркинчли киёфада кўрмаган эдим, - шивирлади у Гермionaга, - Қара, жамоалар ҳавога кўтарилишди. Вой!

Орка томондан кимдир Роннинг бошига туширди. Рон ўгирилиб ортида турган Малфойнинг башарасини кўрди.

- Э, сен-ми, Уэсли, кечир сезмай қолибман. Қизик, бу гал Поттер қанча вақт супургисига осилиб тура олар экан? - сўради Малфой иршайганча улфатлари Краббе билан Гойлга қараб, - Гаров боғлашамизми? Сен-чи, Уэсли, гаров ўйнайсан-ми?

Рон жавоб қайтармади.

Айни фурсатда Жорж Уэсли уриб қайтарган Тажовузкор хакамнинг елкасига келиб солди. Бунинг учун Снегт «Хуффльпуфф»га жарима тўпини улоқтириш ҳуқуқини ҳавола этди.

Кўзларини қисиб олган Гермiona, бармоқларини ғайриоддий ҳолатда кесиштириб,

ўйинчилар узра Тилла чакконни қидирганча, қирғий каби гир айланиб учаётган Гаррини кузатиб турди.

Бир оз вақт ўтгач, Снегг, бирор-бир сабабсиз «Хуффльпуфф» жамоасига жарима тўпини улоқтириш ҳуқуқини такрор ҳавола этди.

- «Гриффиндор» ўйинчилари қайси тамойилларга асосан саралаб олинади биласизлар-ми? - баланд овозда сўраб қолди Малфой, - Назаримда, ушбу жамоага қисмати ачинарли кишилар олинади. Мана масалан, Поттерни олайлик, у деярли ҳеч кими йўқ, ғирт етим бола. Энди Уэслиларга эътибор қаратинг. Улар фақир, сарик чакқаси ҳам йўқ оила. Лонгботтом, ҳа демай сени ҳам жамоага қабул қилишади. Негаки сен аҳмоқ, зиғирдай мияси йўқ тентаксан.

- Малфой, мен сенга ўхшаганларнинг ўн иккитасига бас келаман, - деди Невилль, ранги қизариб кетганига қарамай дудуқланганча Дракога тикка юзланиб. Малфой улфатлари Краббе ва Гойл билан роса кулиб, кучанганидан сийиб кўйишига сал қолди.

- Бопла уларни Невилль, бопла, - далда берди Рон, ўйиндан кўзини узмай.

- Қулоқ сол, Лонгботтом, - деди Драко кулги орасида, - Агар киши мияси олтиндан бўлганда эди, сен Уэслилардан ҳам баттар қашшоқ бўлар эдинг... Яна сал аяб гапиряпман...

Гарри учун ташвиш чекиб турган Роннинг асаблари шундоқ ҳам таранг.

- Малфой, яна бир оғиз гапирадиган бўлсанг...

- Рон! - қутилмаганда қичкириб юборди Гермиона, - Гарри!

- Қани? Нима қилди унга?

Гарри бирдан тикка пастга шўнғиб, томошабинларнинг оҳ-воҳи-ю, хитобларини кўзғатиб юборди. Гермиона ўрнидан туриб, кесиштириб олган бармоқларини тишлаб олдида, ерга қараб ўқдай пастлаб келаётган Гаррига мафтун бўлиб қараб қолди.

- Уэсли, хурсанд бўлсанг-чи, Поттер сенга танга топиб берди, - деди Драко таҳкирона оҳангда.

Рон турган жойида бир сакради. Малфой нима бўлаётганини идрок этмай, ерда ётгани-ю, устида Рон ўтириб олиб, жонини оғритганча қўлини орқага қайираётганини сизди. Невилль бир оз иккиланиб тургач, ўз курсисининг суянчиғидан сакраб ўтиб, Ронга мадад бергани етиб борди.

- Бўш келма, Гарри! - қичқирди Гермиона.

Қизалоқ орқа томонида нималар бўлаётганидан хабари йўқ. Ерда ётган Малфой билан Ронни ҳам, Невилль, Краббе ва Гойлдан иборат тўпни, ушбу тўп ичидан чиқаётган инграшлар-у, дод-войларни ҳам эшитмади. Унинг жамики диққат-эътибори тикка Снегг томон ўқдай кўтарилиб бораётган Гаррига қаратилган.

Айни фурсатда осмондаги Снегг супургисини эндигина айлантириб, ёнидан учиб ўтган бинафша ранг шарпани аранг сезиб қолди. Кейинги фурсатда эса Гарри Тилла чакконни ушлаб олган қўлини ғолибларга хос тарзда юқорига кўтарди.

Намойишгоҳлардаги жамики томошабинлар гулдуролкишлар билан ўринларидан баралла қалқиб туриб, айюҳаннос солиб юборишди. Рекорд! Гарри қвидиш ўйинида жаҳон рекордини қўйди! Тилла чаккон бу қадар тез тутиб олинганлигини ҳеч ким эслай олмайди.

- Рон! Қаердасан Рон! Ўйин тугади! Гарри зафар қозонди! Биз ютдик!

Музаффарият! «Гриффиндор» ғалаба қозонди! - чийиллади Гермиона.

У хурсандлигидан курсига сакрар, ундан яна ирғиб тушар, рақс ҳаракатларини бажарар ва олдинги каторда турган дугонаси Парватти Патилни кучиб оларди.

Ерга бир фут қолганида Гарри супургисидан сакраб тушди. У ўзи бош иштирокчи бўлган ходисага ҳалигача ишонмайди. У ғалаба қозонди. Беш дақиқадан сал узок

давом этган ўйин тугади. «Гриффиндор» жамоасининг аъзолари бирин-кетин майдонга кўнди. Сал нарида ранги оқариб, лабини тишлаб олган Снегг ҳам ерга кўнгани кўринди. Гарри елкасида кимнингдир кўлини сезиб, бошини кўтарди ва кулиб турган Дамблдорнинг нигоҳини кўрди.

- Жуда яхши, - деди Дамблдор, ҳеч кимга эшиттирмасдан, - Кўнгилдаги орзулар кўзгусини қидирмай, фойдали иш билан машғул бўлганинг менга ёқди... Баракалла ўғлим...

Снегг ғазаб билан ерга тупуриб, нари кетди.

\*\*\*

Маълум вақт ўтгач, Гарри «Нимбус-2000» ни саройга олиб бориш учун уствошхонадан ёлғиз ўзи чиқди. Бола анчадан буён ўзини хозиргидек бахтиёр ҳис этмаган. Бугун у шундай бир иш қилдики, чиндан ҳам фахрланса арзийди. Гарри Поттер энди нафақат ўз номи, балки бугунги рекорди билан ҳам машҳур бўлиб кетди. Оқшом шамоли ҳали ҳеч қачон бу қадар ёқимли ва лаззатбахш эсмаган. Гарри нам майса устида шошилмай юрар экан, бир соат олдин бўлиб ўтган ходисаларни хаёлан тиклаб, завқланди. Майдондан елкаларида кўтариб чиқиш учун намойишгоҳлардан югуриб келган гриффиндорчиларни, ундан сал нарида сакраб-сакраб борган Рон билан Гермионани, бурнидан қон келаётганига қарамай Роннинг «Ура! Ура!»сини эслади.

Гарри сарой ёнига келиб, ёғоч эшикка суяниб олганча, «Хогварц» қасрини, унинг кун ботаётганда кизариб кўринаётган ойналарини бир оз томоша қилиб турди.

«Гриффиндор» ютди. Гарри ғалаба қозонди, нимага қодир эканлигини анави Северусга кўрсатиб қўйди...

Айтгандай, Северус Снегг...

Эгнига плаш ташлаб, бошини қайтарма қалпоқ билан бекитиб олган аллақандай бир киши зинапоядан тез-тез одимлаганча, қасрни тарк этди. Ман этилган ўрмон томон йўл олганча, қаср ховлисини имкон қадар тезроқ кесиб ўтишга ошиқаётган киши хатти-ҳаракатларидан биров пайқаб қолишини истамаётганлиги яққол сезилиб турибди.

Музаффарият туйғуси Гаррининг вужудини бир зумда тарк этди. Ҳамма кечки овқат дастурхони атрофида тўпланиб ўтирган пайтда Ман этилган ўрмон томон бораётган ушбу ўғринча қадам сохиби Снеггни таниб қолди.

Гарри, узоқ ўйланиб ўтирмасдан шартта супургисини эгарлади-да, ҳавога кўтарилди. Шовкин солмай парвоз этиб, Ман этилган ўрмонга кириб кетган Снеггнинг ортидан кузатиб борди.

Дарахтлар тепасидаги қалин шох-барглар Снегг кетаётган йўналишни тўсиб қўйган. Гарри борган сари пастлаб, одам овози эшитилгунга қадар атрофда гир айланиб учди. Овоз эшитилган жой яқинида ўсган оқ қайин учига аста кўниб, супургисини кўлига олди-да, ерда нима бўлаётганини кўриш мақсадида дарахт шохларидан шошилмай пастроқ тушди.

Бола ўрмон ичидаги қоронғи яланглиқда Снегг билан профессор Белка турганини кўриб қолди. Гарри Белкани юзини кўрмаса-да, одатдагидан ҳам баттар дудуқланаётганидан таниди. Иккала профессорнинг бирон оғиз сўзини ўтказиб юбормаслик учун бола бор вужудини кулоққа айлантиришга зўр берди.

- Н-н-нима уч-ч-чун учр-р-р-рашувни айн-н-нан шу ер-р-рга т-т-тайинлаганингизни т-т-тушунмайман, п-п-профессор.

- Бор гапни сир саклаш чорасини кўрдим, - жавоб қайтарди Снегг, совуқ оҳангда, - Ўқувчилар Фалсафий тош ҳақида ҳеч нарсани билмасликлари шарт.

Гарри олдинга эгилди. Белка алланима дегандай бўлди-ю, Снегг унинг гапини



бўлди.

- Хагриднинг хайвони олдидан ўтиш йўлини аниқладингиз-ми?

- Сев-в-верус, м-м-мен...

- Кулоқ солинг, Белка. Агар мен душманингизга айланиб қоладиган бўлсам, бу сизга хуш келишига шубҳа қиламан, - деди Снегг, суҳбатдоши томон қадам қўйиб.

- Б-б-билмадим, сиз н-н-нимани...

- Немани назарда тутаётганимни жуда яхши биласиз.

Ёнида ўтирган бойкуш кутилмаганда баланд гурсиллаб юборганидан кўрқиб кетган Гарри дарахтдан кулаб тушишига бир баҳя қолди. У мувозанатини базўр сақлаб қолиб, Снеггнинг чала-ярим гапини эшитиб қолди

- ... сизнинг фокус-покусингиз. Кутяпман.

- Б-б- бироқ б-б-бил...

- Жуда яхши, - шартга бўлди Снегг, - Яқин орада яна суҳбатлашиш имкони бўлади. Унга қадар пухта ўйлаб олинг-да, ким томонда эканлигингизни узил-кесил ҳал қилинг.

Снегг қайтарма қалпоғини бошига ташлаб олди-да, шиддат билан нари кетди.

Қоронғи тушиб қолган бўлса ҳам, Гарри, профессор Белканинг турган жойида тошдай қотиб қолганлигини яққол кўрди.

\*\*\*

- Қаёққа йўқолиб қолдинг, Гарри? - кулоқни тешиб юборгудай чинқирди Гермиона.

- Биз ютдик! Ютдик! Сен зафар қозондинг! - бақирди Рон, Гаррининг белига муштлаб, - Мен эса Малфойни мўматалоқ қилиб ташладим. Невилль бир ўзи Краббе билан Гойлга бас кела олди! У ҳали ҳам касалхонада. Бироқ Помфри хонимнинг айтишича, у жиддий жароҳатланмаган. Невилль эса слизеринчиларга онасини учкўрғонда кўрсатиб қўяман деган гапини ҳеч қўймапти. Ҳамма сени меҳмонхонада кутяпти. Музаффариятимиз шарафига зиёфат уюштирдик! Фред билан Жорж ошхонадан пирожний ва яна аллақандай егуликлар ўғирлаб чиқишди.

- Ҳозир зиёфатнинг мавриди эмас, - деди Гарри, деярли овоз чиқармай, - Юринглар, бирор-бир бўш хона топайлик. Мен сизларга шунақа нарсалар айтиб бераман-ки... Яқин орада топилган хонада Дрюзг йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, Гарри эшикни маҳкам ёпиб, дўстларига ҳозиргина кўрган ва эшитганларини батафсил айтиб берди.

- Биз ҳақ бўлиб чиқдик. Ит кўриқлаётган нарса чиндан ҳам Фалсафий тош экан.

Снегг Белкани ўз томонига оғдирмоқчи. Снегг ундан Момиқвойнинг ҳамласини четлаб ўтиш усулини ва яна аллақандай фокус-покус тўғрисида сўради. Тош нафақат кўппак томонидан, балки аллақандай қарғиш ёки кўп қарғишлар кучи билан ҳам кўриқланмоқда. Эҳтимол ушбу қарғишлар орасида Белканинг ёвуз кучлардан сақлайдиган қарғиши ҳам бўлиб, Снегг уни енгиб ўтишга кўзи етмаётган бўлса керак...

- Айтмоқчисан-ки, Белка ўз қарғишининг сирини айтишга мажбур бўлгач, тошнинг хавфсизлиги барҳам топади, шундайми? - хижолат чекиб сўради Гермиона.

- Демак, келаси сешанба кунига қолмай тош йўқолади! - катъий оҳангда баёнот қилди Рон.

#### **XIV БОБ.                   НОРБЕРТ, ДАНДОН БЕЛЛИ НОРВЕГ АЖДАРИ**

Белка болалар тахмин қилгандай осонликча енгиладиганлардан эмас экан. Ҳафта кетидан ҳафта ўтиб, профессорнинг ранги оқариб, озиб борса ҳам, яқин орада таслим бўладиган кишига ўхшамайди.

Рон, Гарри ва Гермiona учинчи қават йўлагидан ҳар сафар ўтишар экан, ичкаридан Момиквойнинг инграши эшитилаётган-эшитилмаётганлигини билиш учун эшикка қулоқ тутиб ўтишади. Снеггининг мактабда жирканч кайфиятда юрганлиги – тош ҳалигача хавфсиз жойда эканлигининг яққол аломатидир. Белка билан рўбару келганда Гарри имкон қадар уни далда берадиган табассум-ла қарши оладиган, Рон эса дудуқ профессор устидан кулганларни уятга қўядиган бўлди.

Гермиона эса Фалсафий тошдан ташқари, бошқа ташвишлар билан банд. У ҳар хил ўқув режаларини ишлаб чиқиб, турли-туман жадваллар тузиб, дафтарларига рангли сиёҳлар билан аллақандай белгилар киритиб бормоқда. Гарри билан Рон қизалоқнинг таҳсил кўришга бундай ижодий ёндашиб боришига ҳеч қандай эътирозлари йўқ, бироқ Гермiona ўзининг табиий мижғовлиги билан болаларни ҳам шу ишларни қилишга мажбур қилмоқда.

- Гермiona, ахир имтиҳонга қадар яна юз йил бор-ку.

- Юз йил эмас, атиги ўн ҳафта қолди. Бундай муддат эса бир сониядай ўтиб кетади. Агар ҳозир Николас Фламель шу ерда бўлганда, гапимнинг маъносини жуда яхши тушунган бўлар эди.

- Бироқ бизнинг ёшимиз ҳозирча олти юзга етиб боргани йўқ, эндигина ўн бир ёшга тўлдик, - эслатиб ўтди Рон, - Нима қилганда ҳам буларнинг барини ўқиб нима қиласан, ахир шундоқ ҳам ҳамма нарсани биласан-ку.

- Ўқиб нима қиласан деганинг нимаси? Ақлингни еб қўйдинг-ми? Тушунмаяпсан-ми? Ахир имтиҳонларни муваффақиятли топшира олмасак, бизни иккинчи синфга ўтказишмайди-ку! Бу жуда масъулиятли имтиҳон. Аллақачон тайёрланиб бориш керак эди, нималар ҳақида ўйлаб юрдим, каллам қаерда эди мени...

Таассуфки, Гермionанинг нуқтаи назарини ўқитувчилар қўллаб-қувватлашмоқда. Улар болаларни ҳар хил вазифаларга шу қадар кўмиб ташлашдики, Пасха таътили Рождество таътилига нисбатан сезилмай тез ўтиб кетди (*Пасха – христианларда: Исо пайғамбарнинг тирилиш хотирасига бағишланган диний байрам*).

Гермиона мунтазам тазйик ўтказар экан, ўқиш муаммоларидан чалғишнинг иложи йўқ. Қизалоқ дам аждар конидан фойдаланишнинг йигирмата усулини такрорлайди, дам сеҳрли таёқчани силташ усулларини машқ қилиб, меъёрига етказди. Гарри билан Рон эса бўш вақтнинг аксарият қисмини Гермionанинг ёнида, кутубхонада эснаб, мингирлаб ўтказишга мажбур бўлиб, қўшимча равишда берилган вазифаларни тушуниб етишга уринишади.

- Буларнинг барини соғлом одам ёдда сақлаб қолмайди, - деди кунлардан бир кун Рон, маънос оҳангда.

У пат-қаламини столга улоқтириб, кутубхона деразасидан ташқарига қаради.

Кўчада чиндан ҳам баҳорий кун ярқирамоқда. Бўтакўз рангини касб этган осмон эса жуда мусаффо бўлиб, ёз яқинлигидан далолат бермоқда.

Филлида Споранинг «Мингта сеҳрли алаф ва кўзикоринлар»ида ёввойи арпабодиёни қидираётган Гарри бошини китобдан кўтармай ўтирибди.

- Ие, Хагрид! Сен нима қиляпсан кутубхонада?

Хагрид товонларини бир-бирига уриб юрганча, китоб жавонларининг ортидан, орқасига бир нарса яшириб, кўриниш берди. Тан олиш керакки, Хагрид, эғнидаги крот пўстини билан кутубхонада жуда ғалати кўринди.

- Шунчаки ўзим. Бир нарса кўрмоқчи бўлдим, - деди Хагрид сохта лоқайд оҳангда.

У болаларнинг эътиборини чалғитмоқчи бўлди-ю, акси бўлиб чиқди.

- Сизлар-чи, нима қилиб ўтирибсизлар бу ерда? Фламель тўғрисида маълумот қидирмаяпсизлар-ми, ишқилиб?

- Унинг кимлигини билиб олганимизга юз йилдан ошди, - салобат-ла маълум қилди Рон, - Кучукчанг нима кўриқлаб ўтирганини ҳам яхши биламиз. У фалсафий то...

- Тиши! Жим бўл! - пичирлади Хагрид атрофга қараганча, ҳеч ким эшитмаётганига ишонч ҳосил қилиб, - Нега бақиряпсан, миянгни еб кўйдинг-ми?
- Ҳа, айтгандай, Хагрид. Биз сендан ўша тошни Момиквойдан ташқари яна нима кўриқлаяётганини сўраб билмоқчи эдик, - гапга аралашди Гарри.
- Э, ЖИМ ДЕДИМ! - вишилади Хагрид, - Қулоқ солларинг, чурвақалар. Сал ўтиб кулбамга боринглар. Албатта, бор гапни айтиб бераман деб ваъда бермайман-у... Фақат ҳар қадамда, ҳар кимга бу ҳақда валдираб юрманглар. Бундай нарсаларни ўқувчилар билиши мумкин эмас. Хагрид, бор гапни чурвақаларга сайраб берибди, деб ўйлашмасин тагин.
- Ҳа, ундай бўлса, кўришгунча, - деди Гарри.  
Хагрид, оёқларини кўпол судраганча, нари кетди.
- Орқасига нимани яшириб олган эди? - ўйланиб сўради Гермiona.
- Тош ҳақида бирор-бир китоб деб ўйлайсан-ми?
- Бориб қарай-чи, қайси бўлимда тимирскиланиб юрганини, - деди Рон, бўлар-бўлмас уй вазифаларидан чалғишга баҳона топилганидан хурсанд бўлиб.  
У бир дақиқадан сўнг қайтиб, кўлидаги бир даста китобни стол устига тўқди.
- Ҳаммаси аждарлар ҳақида! - шивирлади у, кўзларини катта очиб, - Хагрид аждарлар тўғрисида китоб ўқияпти! Мана бу китобларни қаранг: «Буюк Британия ва Ирландия аждарлари», «Тухумдан чиқариб, шайтон бўлгунга қадар парвариш», «Аждарбоқар учун маълумотнома мазмунидаги кўлланма».
- Хагрид, илк бор учрашганимизда, аждарли бўлишни жуда орзу қилаётганлигини менга айтган эди, - эслади Гарри.
- Бироқ бу ғайриқонуний-ку, - деди Рон, - Аждар боқиш 1709 йилги Сеҳргарлик конвенцияси билан ман этилганлиги ҳаммага маълум. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ховлисида аждари бўлган сеҳргар маглардан қандай қилиб яширина олади? Бундан ташқари, аччиқ амалиётнинг кўрсатишича, жуда хавfli ҳайвонлар туркумига қирадиган аждарни қўлга ўргатиб бўлмайди. Акам Чарлинг тери коплмасида румин ёввойи аждарлари куйдирган жароҳатлардан қолган чандиқларни кўрмагансиз!
- Аммо Англияда ёввойи аждарлар бўлмайди-ку? - умид-ла сўради Гарри.
- Ким айтди сенга бўлмайди деб? Англияда қора тусли оддий уэльва ва гебридиан аждарлари яшайди. Мен сизга айтсам, дўстлар, ушбу аждарлар сеҳргарлик вазирлигига етарлидан ортиқ ташвиш келтиради! Афсунгарлар аждар кўриб қолган магларни сеҳрлаб, ҳозиргина кўрганини шу заҳоти унутиб юборишга мажбур қилиб юришади. Ана шунақа!
- Ундай бўлса Хагрид нима ниятда аждар боқмоқчи?
- Бир соат ўтгач, ушбу саволга ҳам жавоб топиш мақсадида мактаб қоровулининг кулбасига яқин борган болалар, кулбанинг барча деразалари батамом пардалаб ташланганлигини кўришди.
- Ким у? - бақирди Хагрид болаларни ичкарига киришдан олдин.  
Саволга жавоб бериб, ичкарига кирган учовлон ортидаги эшик Хагрид томонидан маҳкам ёпиб қўйилди. Кулба ҳаммомдек қизиқ кетган. Ташқарида ҳаво илиқ бўлишига қарамай, ўчоқдаги олов гувиллаб ёнмоқда. Хагрид чой дамлаб, эчки гўштидан бутерброд тайёрлаб бериши мумкинлигини айтди. Бироқ болалар рад этишди.
- Хўш, гапиринглар, нимани сўраб билмоқчи эдиларинг мендан?  
Гапни айлантириб ўтиришга ҳожат йўқ эди.
- Момиквойдан ташқари Фалсафий тошни яна нима кўриқлаяётганини айта оласанми?
- Айта олмайман, албатта, - шартта кесди қовоғини уйиб олган Хагрид, -

Биринчидан, ўзим билмайман. Иккинчидан, сизлар шу қадар ақлли чурвақалар-ки, билганимда ҳам айтмас эдим. Тош шу ердами, демак шундай бўлиши керак. Уни «Гринготтс»дан ўғирлаб кетишларига сал қолди. Бунга, албатта, ақллари етди. Қаранг-ки, бу чурвақалар Момиквой хақида ҳам, қолган гаплардан ҳам хабардор. - Қўйсанг-чи, Хагрид! Бизга айтиш ниятинг йўқ бўлиши мумкин-у, бироқ ҳеч нарсани билмайман дема. Сен ҳамма гапдан хабардор бўлиб юрасан. Қасрда бирор-бир ҳодиса сен билмаган ҳолда рўй бериши мумкин эмас. Тўғрими? - сўради Гермиона, ёқимтой овоз билан.

Хагриднинг улкан соқоли титраб қўйганидан, иршайгани маълум бўлди. Болалар эса Гермионанинг кизларга хос макр-хийла қўллаётганини сезиб қолишди.

- Бизга фақат Фалсафий тошни қўриқлаш тадбирлари ким томонидан таъминланганлиги ва Дамблдор, сендан бошқа бу борада яна кимдан ёрдам сўраши мумкинлиги кизиқ ҳолос, - давом этди Гермиона.

Гермионанинг сўнгги сўзларини эшитган Хагрид қўкрагини виқор-ла кериб қўйди. Гарри билан Рон эса Гермионага ҳайрат билан қараб қўйишди.

- Буни айтсам бўлади... шекилли. Қани эслаб қўрай-чи. Дамблдор мендан Момиквойни сўраб олди... кейин айрим ўқитувчилар, жумладан: профессор Сарсабил хоним, профессор Флитвик, профессор Макгонагалл, профессор Белка, афсун қўллашди. Хўш, профессор Дамблдорнинг ўзи ҳам аллақандай иш бажарди. Яна кимни айтиб ўтмадим? Ҳа-я, эсимдан чиқай дебди-ку, профессор Снегг.

- Снегг?

- Ҳа, Снегг. Нега ҳайрон бўласизлар? Қулоқ солинглар, чурвақалар, ўпкангизни босиб оласиз-ми, йўқми? Снегг тошни саклаб қолишга шахсан ўзи яқиндан ёрдам берган бўлса, нега энди уни ўғирлаши керак?!

Модомики, Снегг тош қўриқлаш тадбирларини таъминланишда шахсан ўзи иштирок этган экан, хаёлдан ўтказди Гарри, демак қолган ўқитувчилар қандай афсун қўллашганини билиб олиш унга қийин кечмайди. Эҳтимол, ўша афсунларни аниқлаб ҳам олгандир. Энди унга Момиквойнинг ёнидан ўтиш ва профессор Белка томонидан қўлланилган афсун сирини билиб олиш қолгандир ҳолос, балки. Гермиона билан Рон унинг фикрини тасдиқлашига шубҳа қилмади.

- Хагрид, Момиквой ёнидан жароҳатланмай ўтиш усулини танҳо ўзинг биласанми? - аста сўради Гарри, - Сен бу сирни ҳеч кимга, ҳатто ўқитувчиларга ҳам айтмайсан-ку, тўғрими?

- Бирор жон зотга чурқ этмаганман, айтмайман ҳам! Буни фақат Дамблдор иккаламиз биламиз ҳолос.

- Нима қилганда ҳам, йўқдан кўра бори-ку, ҳар қалай, - деди Гарри, дўстларига қараб, - Хагрид, тандирдаги нонга ўхшаб пишиб қолдим, деразаларни очиб қўйсам бўладими?

- Йўқ, мумкин эмас, Гарри, узр.

Хагрид беихтиёр бошини ўчоқ томон буриб қўйди. Гарри ҳам нигоҳини ўша томон қаради.

- Вой, Хагрид! Анави нима?

Гарри шундоқ ҳам тушуниб бўлди унинг нималигини. Ўчоқ ўртасига осиб қўйилган чойнак остидаги чўғда жуда йирик қоп-қора тухум ётибди.

- Ҳа, буми! - чўзди Хагрид, соқолини ташвишли титкилаб, - Бу... бу...

- Қаердан олдинг буни, Хагрид, - сўради Рон, ўчоқ қаршисига чўккалаб, - Жуда қиммат туради-ку, бу!

- Ютиб олдим, - деди Хагрид, - Яқиндагина. Қишлоқка чиқиб, бир-икки рюмка ўтказиб юборгач, бир киши билан қарта ўйнадик. Назаримда у, ушбу юкидан қутулганига хурсанд бўлди.

- Хўп, ёриб чиқди дейлик, кейин нима қилмоқчисан? - даҳшат-ла сўради Гермiona.  
- Нима қилар эдим... Мен... керакли китобларни варақлаб чиқдим, - деди Хагринд ёстиғи остидан катта китоб чиқариб, - Кутубхонадан олдим, мана «Томорқа хўжалигида аждар боқиш фойдаси». Тўғри, ундаги маълумотлар бир оз эскириб қолган бўлса-да, деярли ҳамма нарса ёзилган. Она аждар тухумга нафас чиқаргани боис, уни оловда сақлаш лозимлиги, ёриб чиққанидан сўнг, ҳар ярим соатда бир челак жўжа қони аралаштирилган коньяк бериб бориш кераклиги баён этилган. Ҳа, айтгандай, тухумга қараб, аждар зотини қандай аниқлаш мумкинлиги ҳам батафсил тавсифлаб берилган. Менда, демак, дандон белли норвег аждари бўлади. Мана шунақа!

Кўринишидан, ҳозир дунёда Хагринддан бахтиёр одам йўқ эди гўё. Бироқ Гермiona унинг хурсандчилигига шерик бўлмади.

- Хагринд, кулбанг ёғочдан тиклангани эсингда борми?

Бироқ аллақандай кўшиқни хиргойи қилганча, ўчоқдаги чўғни титкилаётган Хагринд, қизалокнинг гапига эътибор қаратмади.

Шундай қилиб, болалар бошидаги ташвишларга яна бир ташвиш қўшилганга ўхшайди: ишкилиб бирор-бир зот Хагринднинг кулбасида ман этилган аждар борлигидан хабар топмасин.

- Қизик, беташвиш ҳаёт қанақа бўлар экан-а? - хўрсиниб сўради Рон.

Болалар кунни кунга, кечани кечага улаганча уйга берилган бир олам вазифаларни қахрамонона бажариб боришди. Гермiona энди Гарри билан Рон учун ҳам ўқув режаларини тузиб, болаларни қутуриб кетиш даражасига етказиб қўймоқда.

Кунлардан бир кун Хедвиг Гаррига Хагринддан хат келтирди.

*Суюнчи бер! Ёриб чиқяпти!*

Рон профессор Сарсабил хонимнинг гербология дарсини ўтказиб юбориб, кулбага бориш таклифини киритди. Бироқ Гермiona бу ҳақда эшитишни ҳам истамади.

- Гермiona, нима деб ўйлайсан, аждарнинг тухумдан ёриб чиқиш жараёнини кўриш бизга яна қачон насиб қилиши мумкин?

- Биз дарсга боришимиз керак, акс ҳолда нохуш аҳволга тушиб қолишимиз аниқ.

Лекин бу нохушлик Хагриндни кутаётган нохушлик олдида ҳеч гап эмас, агар биров унинг нима билан машғуллигини билиб қолса...

- Жим! - пичирлаб кичқирди Гарри.

Малфой атиги бир неча метр нарида қотиб қолганча, болаларнинг гапига қулоқ солиб турган экан. Нимани эшитди-ю, нимани тушунди, у, ичи қора аблах? Бироқ унинг турки касб этган киёфа Гаррига ёкмади.

Рон билан Гермiona гербология хонасига етгунга қадар гап таллашиб боришди ва ниҳоят Гермiona, катта танаффус мобайнида Хагринднинг кулбасига тез бориб қайтишга розилик берди.

Дарс вақти ниҳоясига етганини англатадиган қўнғироқ зарбаси эшитилиши ҳамано, болалар, тупроқ ҳажмини ўлчаш куракчаларини ташлаб, Ман этилган ўрмон четига, Хагринднинг кулбаси томон ўқдай елиб кетишди. Мезбон меҳмонларини қувончдан кизариб кетган чехра ила қарши олди.

- Деярли ёриб чиқди! - деди у, болаларни ичкарига киритиб.

Стул устида ётган тухумнинг пўчоғи дарз кетган. Ичида нимадир қимирлаб, худди биров чертаётгандай қизик товуш эшитиляпти. Тўртовлон курсиларни столга яқин суриб, нафас олмай кузатиб ўтирди.

Томошабинларнинг ҳаммаси диққат билан кузатиб ўтиришганига қарамай, тухум каттик қарсиллаб, пўчоғи чилпарчин бўлиб кетганда қўрқиб кетди. Стул устида

чиройли деб базур айтиш мумкин бўлган жажжи аждарча қолди. Гаррининг назарида гўё симдан ясалган қанотлари серсуяк, ихчам танасига нисбатан сезиларли катта, узун тумшукчасидаги бурун катаклари жуда кенг, бошида иккита шох ўрни, юзида чакчайган тўқ сариқ кўзлари кўринаётган ушбу аждарча тахлаб қўйилиб, эзилиб кетган қора соябонга ўхшади.

Аждарча акса уриб юборган эди ҳам-ки, бурнидан учкун учиб чикди.

- Ажойиблигини қаранг-а, буни! - қуркуради Хагринд.

У қўлини узатиб, аждарчанинг бошини силаб қўймоқчи бўлди. Махлуқча эса тишларини кўрсатганча, кўрслик қилиб, Хагринднинг бармоғини тишлаб, узиб олишига сал қолди.

- Қаранг-а, чурвақача! Онасини таниди!

- Хагринд. Бу дандон белли норвег аждари деганлари қанчалик тез ўсади? - сўраб қолди Гермидона.

Хагринд жавоб бермоқчи бўлиб, оғиз жуфтлаган эди ҳам-ки, бирдан унинг юзи оқариб, дераза томон ташланди.

- Тинчликми, нима бўлди?

- Кимдир мўралаб турган экан. Аллақандай чурвақа, ана қасрга қараб қочди.

Гарри шу заҳоти эшикни очиб, ховлига қаради. Масофа қанчалик олис бўлмасин, бу киёфани Гарри яхши танийди.

- Малфой.

Кейинги ўтган ҳафта давомида Драконинг юзидаги мурдор тиржайишдан аллақандай нохушлик аломати ҳис этилмоқда. Шу боис ҳам Гарри, Рон ва Гермидона ўзларига жой топа олмай қолишди. Улар бўш вақтнинг аксарият қисмини Хагринднинг қоронғи кулбасида, уни соғлом фикр юритишга даъват қилиб ўтказишди.

- Уни қўйиб юбориш даркор, - таъкидлади Гарри, - Озодликка чиқариб юбор.

- Иложим йўқ, - ўжарлик қилди Хагринд, - У ҳали увоккина бола, ўлиб қолади.

Болалар увоккина болага қараб қўйишди. Атиги бир ҳафта ичида уч баробар ўсиб кетган чақалок бурнидан паға-паға тутун чикяпти. Хагринд унга шу қадар берилиб кетганки, хизмат мажбуриятларини бажармай қўйди. Кулба бўшаган бренди шишалари билан товуқ патларига тўлиб кетган.

- Норберт деб атайман уни, - деди аждардан нам кўзларини уза олмаётган Хагринд, меҳри товланиб, - Мени танийдиган бўлиб қолди. Қаранг. Норберт! Қани онанг? Кел ёнимга.

- Томи кетиб қолибди, - хулоса чиқариб пичирлади Рон, Гаррининг қулоғига.

- Хагринд, - овоз кўтарди Гарри, - Икки ҳафта ўтгач, Норбертинг кулбанга сиғмай қолади. Малфой эса ҳар қандай фурсатда Дамблдорга чакимчилик қилиб қўйиши мумкин.

- Мен... мен... хабарим бор... биламан уни бу ерда сақлашим мумкин эмаслигини, лекин мен усиз яшай олмайман.

- Чарли, - деди Гарри, дафъатан Ронга юзланиб.

- Сенинг ҳам томинг кетиб қолди-ми, дўстим? Мен Ронман. Рон. Эслайсан-ми мени?

- Аканг. Руминияда, аждар зотларини ўрганиб юрган Чарли аканг эсимга тушиб кетди. Норбертни унга жўнатиб юборсак бўлади. Чарли уни катта қилиб, озодликка қўйиб юборади.

- Ажойиб фикр! - хурсанд бўлиб кетди Рон, - Хагринд, сенга-чи, Гаррининг фикри ёқди-ми?

Баҳс-мунозара ўтгач, ниҳоят Хагринд фикрини билиш учун Чарлига бойқуш йўлланишига розилик берди.

Навбатдаги ҳафта жуда чўзилиб кетди. Чоршанба куни кечқурун Гермiona билан Гарри меҳмонхонада ёлғиз қолишди. Қолганлар уйқуга тарқалди. Девордаги соат бонги тун ярмига етганлигини эшиттирди. Айни шу фурсатда Семиз Хола портрети очилиб, туйнукда, устидан кўринмас плашни ечган Рон кўринди. У Норбертни боқиш ишларида Хагридга ёрдам бериб қайтди. Норберт энди ўлик каламушларни истеъмол қилмоқда. Истеъмол қилганда ҳам, бир ўтиришда бир саватини паққос туширадиган бўлиб қолган.

- Тишлаб олди нонкўр! - арз қилди Рон, қонга шимилган дастрўмол билан боғланган кўлини кўрсатиб, - Энди билмадим қанча вақтгача кўлимга пат-калам ушлай олмас эканман! Хаётимда бундай аждардан ёмон ҳайвонга рўбару бўлмаган эдим. Хагрид унинг атрофида парвона бўлиб юргани-чи. Бир куёнчам деб қолади, бир қарасанг мушукчам деб эркалайди, балиқчам дейишига бало борми? Кулбадан чиқиб кетаётганимда эса анави тасқарага алла айтиб қолди!

Шу пайт дераза аста тақиллади.

- Хедвиг! - хитоб қилди Гарри, бойқушни ичкарига киритишга ошиқиб, - Чарлидан хабар олиб келди!

Учовлон нома устида бош эгишди.

*Салом қадрдоним Рон!*

*Соғлигинг яхшими? Хат учун раҳмат. Дандон белли норвег аждарини бажонидил қабул қилиб оламан. Бироқ уни бу ерга етказиб келтириш осон кечмайди.*

*Фикримча, аждарни менинг ҳолимдан хабар олгани келиш ниятида юрган дўстларимдан бериб юборган маъқул. Аммо улар, ман этилган ҳайвонни давлат ҳудудига киритиш мобайнида муаммога йўлиқишлари мумкин.*

*Аждарчани шанба куни ярим тунда энг баланд минорага чиқара оласизми?*

*Дўстларим сизларни ўша ерда кутиб, ҳеч ким кўрмаслиги учун тунда олиб кетишади.*

*Жавобини имкон қадар тезроқ йўлланг. Эҳтиром ила, Чарли.*

Болалар бир-бирига қараб қолишди.

- Ихтиёримизда кўринмас плаш бор, - деди ниҳоят Гарри, - Назаримда бу иш у қадар мушкул кечмайди. Плаш етарлича катта. Остига Норберт билан бирга икки нафаримиз бемалол сиғамиз.

Дўстлар тез рози бўла қолишди. Бу, ўз навбатида, ўтган сўнгги ҳафта жуда ноқулай кечганидан далолат беради. Улар ўша махлук Норберт билан турки совуқ Малфой солаётган хавфдан имкон қадар тезроқ халос бўлишса бўлгани.

Режани амалга ошириш йўлида кутилмаган муаммо юзага келди. Эрталаб Роннинг жароҳатланган кўли шишиб, икки баробар катталашиб кетди. Рон Помфри хонимга мурожаат қилишга шубҳаланди. Агар у Роннинг кўлини аждар тишлаб олганини пайқаб қолса-чи? Бироқ кун ярмига келиб, мурожаат қилишдан бошқа чора қолмади. Аждар тиши жароҳатлаган жой яшил ранг касб эта бошлади. Чамаси, Норбертнинг тишчалари заҳарлига ўхшайди.

Кун ниҳоясида Гарри билан Гермiona қасрнинг касалхона жойлашган қанотига елиб бориб, Ронни жуда аянчли аҳволда кўришди.

- Гарчи кўлим оғриқдан узилиб кетаётган бўлса ҳам, бундай ҳолатга тушишимга кўлимнинг оғриғигина сабаб бўлаётгани йўқ, - пичирлади у, - Малфой мандан китоб олиш баҳонаси билан Помфри хонимни алдаб кирди-да, мени роса таҳкирлади. Аслида нима тишлаб олганини ҳаммага айтиб беришини таҳдид қилди. Ит тишлаб олганига Помфри хоним ишонмаган чамаси. Квидиш ўйинида Драко билан муштлашмаслигим керак экан. Мана энди касд оляпти.

Гарри билан Гермiona қўлларида келганча Ронга таскин беришга уринишди.

- Шанба куни ярим тунда барча ишларимиз яна ўз жойига тушиб кетади, - ишонтирди Гермiona.

Бироқ бу гап Ронга таскин бермади. Аксинча у ўрнидан ирғиб туриб, ётган ўрнига ўтирганча, совуқ терга ботиб кетди.

- Шанба куни ярим тунда! - инграб юборди у, - Йўқ! Ҳозиргина эсимга тушиб қолди. Чарлидан келган хат айна Малфой олиб кетган китоб ичида эди! Энди у Норбертни қачон, қаердан ва қаерга жўнатиб юборишимиздан ҳам хабардор бўлади. Гарри ҳам, Гермiona ҳам бирон оғиз сўз айтишга улгурмай, хонага Помфри хоним кириб келиб, Ронни ҳозир тинч қўйиш кераклигини уқтирди.

- Режага ўзгартириш киритиб бўлмайди, жуда кеч бўлди, - деди Гарри Гермionaга, - Чарлига яна битта бойқуш жўнатгани вақт йўқ. Умуман айтганда, бу энг сўнгги ва ягона имконият бўлиши мумкин. Таваккал қилишга тўғри келади. Акс ҳолда Норберт, уни эплаб бўлмайдиган даражада катта бўлиб кетади. Малфой ҳар қалай кўринмас плашдан беҳабар-ку.

Улар сўнгги янгиликлар ҳақида ҳисобот бериш учун Хагрид ҳузурига келишганда, думи боғланган Сўйлоктиш кулба ёнида ўтирган экан. Хагриднинг ўзи эса болалар билан дераза орқали гаплашди.

- Узр болалар, сизларни ичкарига кирита олмайман, - харсиллади у, - Норбертнинг балоғатга ўтиш даври бошланди. Лекин мен уни уддалаб оламан. Чарлидан хат келганини эшитгач, Хагрид йиғлаб юборишига сал қолди. Эҳтимол у хўрсинганидан эмас, айна фурсатда Норберт оёғини тишлаб олиб, жони оғриганидан йиғламсираш аҳволига тушгандир.

- Вой! Хеч қиси йўқ, бор-йўқ бошмоғимнинг товонини тишлаб олди, ўйнашяпти! Ёш бола-да ҳали, ўзингиз тушунасиз-ку.

Ёш бола думи билан деворни чунонам урди-ки, кулба деразалари титраб кетди. Гарри билан Гермiona қасрга ягона фикр, у ҳам бўлса, шанбагача бир илож қилиб етиб олиш учун сабр қилиш фикри билан қайтишди.

Агар қиладиган ишлари борасида қаттиқ ташвиш чекишмаганда, икковлон Норберт билан хайрлашаётган Хагридга раҳм қилган бўларди. Тун қоронғи, осмонни булут қоплаган. Вестибюлда ўзи билан ўзи теннис ўйнаган Дрюзгнинг нари кетишини кутган болалар бир оз кечикиб келишди.

Хагрид Норбертни сафарга ҳозирлаб, катта саватга жойлаб қўйибди.

- Мен унинг саватига каламушлар билан бренди жойлаб қўйдим, ўйлайман-ки, йўлга етади, - деди Хагрид хўнграб юборишдан ўзини базўр тутиб, - У ёқтирган ўйинчоқ айикчаси ҳам ўша ерда.

Сават ичида шатур-шутур товуш эшитилди. Чамаси айикча бошидан маҳрум бўлди.

- Хайр, Норберт! - хикиллади Хагрид, Гарри Гермionанинг ёрдами билан сават устига кўринмас плаш ташлаётганида, - Онанг сени хеч қачон унутмайди! Саватни қасргача қандай қилиб етказиб боришганини ўзлари билмайди. Тўхтовсиз ўтаётган дақиқалар тун ярмини жадал яқинлаштирмоқда. Болалар Норбертни сабот билан мрамор зинадан вестибюлга, у ердан бир нечта қоронғи йўлакларда, яна юқорига кўтариб боришди. Ҳатто Гарри яқиндагина кашф этган яқин йўл ҳам вазифани енгиллатмади.

- Деярли етиб келдик! - базўр маълум қилди Гарри, қасрнинг энг юқори минорасига ўтиш жойига етиб келгач.

Олдинда нимадир кўринган фурсатда болаларнинг қўлидаги сават чиқиб кетишига сал қолди. Кўринмас эканликларини унутиб қўйган болалар ўзларини қоронғиликка олиб, бир-бирини ушлаб кетаётган икки кишининг шарпасига разм солишди.

- Қоидабузарлик! «Слизерин»дан йигирма балл айирилади! Тун ярмида бу ерларда



санкиб юришга қандай журъат этдинг... - эшитилди Малфойнинг қулоғидан маҳкам бураб олган, эгнига катак-катак матодан тикилган халат кийиб, сочларини соч тўри ичига турмаклаб олган профессор Макгонагаллнинг қичкириғи.

- Сўзларимга қулоқ солмаяпсиз, профессор. Ҳозир бу ерга Гарри Поттер аждар олиб келиши керак!

- Қанақанги қулоқ эшитмаган бемаъни гап! Ёлгон гапиришга қандай журъат этяпсан! Юр мен билан! Сен ҳақингда профессор Северусга хабар беришим керак, Малфой!

Бундай ходисадан сўнг, минора чўкқисига олиб чиқадиган тик зина дунёдаги энг осон йўлга ўхшаб кетди. Бироқ ташқарига, туннинг совуқ хавосига чиққунга қадар болалар кўринмас плашни ечишга журъат эта олмадилар. Ечганларидан сўнг эса яна эркин нафас олиш имконидан ўзларини бахтиёр хис этдилар. Гермиона жига рақсига туша бошлади.

- Малфой жазоланди! Мен ҳозир қўшиқ айтиб юбораман! (*Жига (инг. jig, итал. giga, фран. gigie) – британияликлар, аниқроқ айтганда ирландияликлар тушган қадимий рақс, кейинчалик францияликлар орасида кенг тарқалди. Бугунги кунда ирландияликлар ва шотландияликлар орасида оммалашиб кетган*)

- Йўк-йўк, Гермиона, қўшиқ айтишнинг мавриди эмас ҳозир, - шошиб қолди Гарри. Малфой борасида қувонган болалар меҳмон кутишмоқда. Сават ичига қамалган Норберт эса қутурмоқда. Тахминан ўн дақиқа ўтгач, зимистон қаъридан тўртта супурги чиқиб келди.

Чарлининг дўстлари қувноқ йигитлар экан. Улар Норбертни тўртовлон кўтариб кетишлари учун апил-тапил ясалган ҳаво абзалини кўрсатишди. Аждар сафарга ҳозирлангач, Гарри билан Гермиона меҳмонлар билан қўл бериб хайрлашди.

- Раҳмат сизларга! Катта раҳмат! - деганча қолди икковлон.

Нихоят Норберт учиб кетди... учиб кетди... учиб кетди.

Норбертдан қутулган Гарри билан Гермиона қўлда ҳам, бошда ҳам енгиллик хис этиб, айланма зинадан аста тушиб келишди. Энди ҳеч қандай аждар йўк, ёлгончи бўлиб қолган Малфой жазоланди. Бундай бахтни нима бузиши мумкин. Эндигина йўлакка чиқишган эди ҳам-ки, қоронғилиқдан Филч чиқиб келди.

- Хўш, хўш, - аста гапирди у, - Нихоят қўлга тушдик.

Болалар хурсандликдан кўринмас плашни юқорида унутиб қолдиришган экан.

## **XV БОБ.**

## **МАН ЭТИЛГАН ЎРМОН**

Бундан баттар бўлиши мумкин эмас.

Филч қоидабузар болаларни профессор Макгонагаллнинг биринчи қаватда жойлашган хизмат хонасига бошлаб борди. Бу ерда улар бирон оғиз сўз айтмай, қисматларига битилган жазони кутиб ўтиришди. Гермиона сезилар-сезилмас қалтираб қолди. Гаррининг миясига қандайдир узрлар, важ-бахоналар, ўзини оқлаш учун рўқач қиладиган сабаблар келар эди-ю, бири иккинчисидан тутуриксиз чиқди. Бу гал у кўнгилсизликдан қутулиш йўлини кўрмади. Болалар жуда эзилган. Бундай эҳтиётсизликка улар қандай йўл қўйишди? Нима учун кўринмас плашни минорада унутиб қолдиришди? Профессор Макгонагалл олдида ўзларини оқлайдиган, тунги соатларда мактаб худуди ва айниқса, астрономия дарси ўтказилаётган вақтдан ташқари пайтда чиқиш ман этилган минорада сандироклаб юриш сабабига ойдинлик киритадиган бирон-бир важ-корсон йўк. Буларнинг барига Норберт билан кўринмас плаш қўшиладиган бўлса, бор бисотларини йиғиштириб, уйга равона бўлса бўлаверади.

Бундан баттар бўлиши мумкин эмас деган хаёлга борган Гарри бир оз адашибди.

Негаки, сал ўтиб, хонага ўзи билан Невиллни ҳам қўлга туширганча, профессор Макгонагалл кириб келди.

- Гарри! Мен сени қидириб топиб, огоҳлантирмоқчи бўлган эдим, - деди Невилль синфдошларига кўзи тушиши билан, - Малфой сени тутиб олишга уринаётганини эшитиб қолдим. Унинг гапига қараганда сенда ажда...

Гарри Невиллни мулоҳаза юритмай гапириб қўйишига йўл қўймаслик учун умидсизларча бошини силтаб қўйди. Бироқ унинг ҳаракатини сезиб қолган профессор Макгонагалл болалар қаршисига келиб, уларга шундай қараб қўйди-ки, афтидан ҳозир у Норбертдан ҳам кўра кўпроқ олов пуркаб юборадиган одамга ўхшаб кетди.

- Сизлардан бирортангиз бундай ножўя ишга қодир дейишса, ҳеч қачон бовар қилмаган бўлар эдим. Мистер Филчнинг сўзларига қараганда, сизлар ҳозир, тунги соат бирда, астрономия минорасида юрган экансиз. Хатти-ҳаракатларингиз сабабини тушунтириб беринг, - вазоҳат-ла талаб қилди профессор.

Гермиона ҳаётида биринчи бор ўқитувчининг саволига жавоб бера олмайдиган ўқувчи ҳолатига тушиб қолган. У ўз шиппакларига термилганча, хайкалдай қотиб қолди.

- Фикримча, бўлган ҳодисани ўзим шарҳлаб беришим мумкин, - деди профессор Макгонагалл, - Бунинг учун даҳо бўлиш шарт эмас. Сизлар тунги вақтда ётоғидан чиқариб, кўнгилсиз ходисага рўбару қилиш мақсадида Драко Малфойни аждар билан боғлиқ аҳмоқона гапга лакка тушишга мажбур қилгансизлар. Бунга эришгансизлар ҳам, негаки у қўлга тушди. Бироқ иш шу даражага бориб етдики, ҳатто бу гапни эшитган дўстингиз Лонгботтом ҳам тузоққа тушиб қолди. Шундайми?

Гарри руҳан тушқунликка тушган Невиллнинг кўзига қараб, ҳозир айтилган уйдирма ҳақиқатдан анча йироқ эканлигига ишора қилишга уринди. Бечора Невилль ҳеч иши юришмайдиган, хатти-ҳаракатлари ҳам доимо кўпол, ножўя бола. Дўстларини рақиб чангалидан қутқариб қолиш учун тунги соатда нималарни бошидан кечирганини Гарри жуда яхши тасаввур қилади.

- Жаҳлимни чиқардингиз, - давом этди профессор Макгонагалл, - Тунда, бир эмас, икки эмас тўрт нафар ўқувчи ухламай сандироқлаб юрса-я! Мисли кўрилмаган ҳолат! Сиз ҳақингизда, мисс Грэнжер, мен ижобий фикрда эдим. Сизга келсак, мистер Поттер, «Гриффиндор»га нисбатан ҳурматингиз баланд деб ўйлаган эканман. Учовингиз қаттиқ жазоланасиз. Ҳа-ҳа, мистер Лонгботтом, шу жумладан сиз ҳам. Бундан ташқари, мен «Гриффиндор»дан эллик балл айираман.

- Эллик балл? - нафаси бўғилиб сўради Гарри.

Квидиш ўйинида қозонилган ғалаба шарофати билан «Гриффиндор» ўзининг етакчилик мавқеидан айрилиб қоладиган бўлди.

- Ҳар бирингиз учун эллик баллдан, - кескин жавоб қайтарди баджаҳл профессор узун бурнининг катакларини ишириб.

- Профессор... илтимос...

- Сиз бундай қила олмайсиз...

- Нима қила оламан-у, нима қила олмаслигимни ўргатяпсиз-ми Поттер. Жойингизга бориб ётинг, ҳаммангиз. Гриффиндорчилар айби билан ҳеч қачон бунчалик уятда қолиб, қизармаган эдим.

Бирданига бир юз эллик очко йўқотган «Гриффиндор» энг охирги ўринга тушиб қолди. Коллежнинг мактаб кубогини қўлга киритиш умиди бир кечада пучга чиқди. Гарри худди ҳаёти хотимага етгандай ҳис этди ўзини. Энди нима қилиш керак? Гуноҳини қандай қилиб ювса бўлади?

Гарри туни билан мижжа қокмай чиқди. Невиллнинг ёстикқа юзини босиб узок

хўнграганини эшитиб ётди-ю, қандай юпатишни билмади. Невилль ҳам Гарри сингари эртага нима бўлишини ўйлаб, даҳшатдан йиғлаётган бўлса керак. Уларнинг қилмишидан хабардор бўлган гриффиндорчилар нима дейишади?

Коллеж эришган балларнинг умумий миқдорини кўрсатиб турадиган катта қум соат ёнидан эртасига эрталаб ўтган гриффиндорчилар, дастлаб, қандайдир хатолик деган фикрга боришди. Ахир бир кечанинг ўзида бир юз эллик балл йўқотиб бўладими? Ақлга сиғмайди-ку! Сал ўтиб янгилик тарқалди. Маълум бўлишича, бу ҳеч қандай хато эмас, балки квидиш ўйинининг икки карра қахрамони Гарри Поттер ва яна икки нафар биринчи синф ўқувчиларининг қилмиши экан.

Шу тариқа Гарри бир онда ҳамма сидқидилдан ёктирадиган ёкимтой боладан ҳамма нафратланадиган ёмон болага айланди қолди. Хаттоки, равенклочилар билан хуффльпуффчилар ҳам ундан аччиқланиб юришди. Негаки, кубокнинг «Слизерин»дан тортиб олиншини жамики мактаб истайди. Қаёққа бормасин ўқувчилар Гаррига бармоқ ўқтаб, очикдан-очик ҳақорат қила бошлашди. Слизеринчилар эса аксинча, уни гулдурос қарсақлар билан қарши олишадиган ва «Раҳмат, Поттер, яхшилигингизни унутмаймиз!» деб айюҳаннос солишадиган бўлди.

Фақат Ронгина унинг тарафини олди.

- Сабр қил Гарри, икки ҳафта ўтсин ҳаммаси унут бўлиб кетади. Фред билан Жорж дастидан коллеж кўп балл йўқотган, бироқ шундай бўлишига карамай, уларни ҳамма яхши кўради.

- Аммо акаларинг дастидан факультет бирданига бир юз эллик балл йўқотгани йўқ-ку, шундай эмасми? - маънос жавоб берди Гарри.

- М-м-м... Ҳа, шундайликка шундай, - рози бўлди Рон.

Юзага келган ишлар ҳолатини тавба қилиш йўли билан тузатишга киришишдан маъни бўлмаса-да, Гарри ўзига ўзи, энди ҳеч қачон бировнинг ишига бурун тикмасликка сўз берди. Ҳаваскор изқувар фаолиятига чек қўйди. У шундай уятда қолдики, ҳатто Древнинг ёнига бориб, жамоани тарк этиш ниятини маълум қилди.

- Тарк этасан? - гумбурлаб жавоб қайтарди у, - Хўш, бу ишингни нимаси яхши бўлади? Ўйин ўйнаб оз бўлса ҳам балл ишлаб олишимиз мумкин. Квидишни ҳам йиғиштириб қўядиган бўлсанг, ботқоқдан қандай чиқамиз?

Бироқ квидиш ҳам таскин бермади. Жамоа аъзолари Гарри билан гаплашмай қўйишган. Агар у ҳақда гапириш керак бўлса, исмини айтмай «Сайёд» дейишмоқда.

Гермиона билан Невиллни ҳам жабр четлаб ўтмади. Гарри сингари машҳур бўлишмагани учун ҳам, улар кўп қийналишмади, албатта. Бироқ иккови билан ҳам ҳеч ким гаплашмай қўйган. Гермиона машғулотларда ўзининг фаоллигини кўрсатмай, бошини ҳам қилиб олганча ўтирадиган, амалий ишларни эса ёлғиз ўзи бажарадиган бўлиб қолди.

Имтиҳонлар мавсуми яқинлашаётгани Гаррини қувонтирди. Ушбу синовларга тайёргарлик жараёни бошларидан ташвиш кечираётган болаларга ўз муаммоларини оз бўлса ҳам унутишга омил бўлди. Рон, Гарри ва Гермиона фақат ўзаро мулоқот қилишиб, алламаҳалгача шуғулланишди. Учовлон мураккаб дамламаларнинг таркибини эслаб қолишга ҳаракат қилиб, афсунлар-у, қарғишлар, энг муҳим сеҳргарлик кашфиётлари ва гоблинлар қўзғолонларининг саналарини ёд олишди. Имтиҳонларга бир ҳафта қолганида, Гаррининг ўзига ўзи берган сўзи, ҳеч қачон бировнинг ишига бурун тикмаслик ваъдаси қутилмаганда синовдан ўтди. Яқка ўзи кутубхонадан қайтаётган маҳалда йўлакнинг нариги бошидаги хоналардан бирида кимнинг мингирлаётгани қулоғига чалинди. Хонага яқинроқ бориб, негадир дудукланмай гапираётган профессор Белканинг овозини таниб қолди.

- Йўк-йўк, кераги йўк, илтимос...

Профессорга кимдир дўк-пўписа қилди. Гарри аста-секин хонага яқинроқ борди.

- Яхши, яхши... - эшитилди профессор Белканинг йиғламсираб гапирган сўзлари.

Шундан сўнг, юзининг ранги оппоқ, хўнграб юборишга сал қолган холатдаги Белка бошидаги салласини тўғрилаганча, шиддат билан хонадан чиқиб, шошилганча нари кетди. У шундай аянчли ахволда эдики, ҳатто Гаррини кўрмай ўтди. Бола, профессор Белканинг қадамлари эшитилмай қолгач, хонага бош суқиб қаради. У ерда ҳеч ким йўк, аммо хонанинг нариги томонидаги эшик қия очик қолган. Хона ўртасига етиб борган Гаррининг энди ҳеч қачон бировнинг ишига бурун тикмаслик аҳди эсига тушди.

Гарри, иккинчи эшиқдан Снегг чиқиб кетгани, ахволига қараганда Белка таслим бўлгани ёки яна бир боргина тазйик ўтказилса бас, руҳан синишга тайёр бўлиб қолганига анави Фалсафий тошларнинг ўн иккитасини ўртага қўйиб гаров боғлаши мумкин. Бунга шубҳа йўк.

Бола кутубхонага қайтиб борди. У ерда Гермiona Роннинг астрономияга оид билимларини синовдан ўтказиб ўтирибди. Гарри ҳозиргина кўрган-эшитганларини дўстларига айтиб берди.

- Демак Снегг қабих мақсадига эришибди-да! - хулоса чиқарди Рон, - Агар Белка ёвузлик кучларига қарши қаратилган афсунга барҳам беришни Северусга айтиб берган бўлса...

- Бироқ ҳали Момиквой бор-ку, - эслатиб ўтди Гермiona.

- Эҳтимол Снегг, Момиквойни алдаб ўтиш йўлини Хагрисиз ҳам билиб олгандир, - деди Рон, китоблар билан тўлиб-тошган тоқчаларга имо қилиб, - Уч бошли улкан ит ёнидан безарар ўтиш йўллари батафсил баён этилган бирор-бир рисола бўлса керак бу ерда. Нима қилдик энди, Гермiona?

Роннинг шўх кўзларида, янги саргузаштларга ташналикни яққол намоён қилган учқун кўринди. Гарри эндигина оғиз жуфтлаган эди ҳам-ки, қўйилган саволга Гермiona қатъий жавоб қайтарди.

- Дамблдорнинг ҳузурига боришимиз даркор. Бу ишни аллақачон қилишимиз керак эди. Агар ўзимиз мустақил чора кўрадиган бўлсак, энди мактабдан қувиб юборишлари муқаррар.

- Бироқ қўлимизда ҳеч қандай исбот-далил йўк, - деди Гарри, - Сўзларимизни тасдиқлашга эса қуён юрак Белканинг журъати етмайди. Снегг ўлиб қолса ҳам, Хэллоуин куни троллни қасрга киритиб юборгани, ҳамма ўқитувчилар ертўлага, у эса учинчи қаватга равона бўлганини тан олмайди. Хўш, шундан сўнг, кимга кўпроқ бовар қилишади? Северусга-ми, бизгами? Уни кўргани кўзимиз, отгани ўқимиз йўқлиги эса ҳеч кимга сир эмас. Шу боис, Дамблдорнинг миясига келадиган энг биринчи ўй: «Снеггнинг ишдан ҳайдалиши учун болалар роса чиранишяпти» деган фикр бўлади. Филч бизга тарафдор бўлмайди. Мактабда ўқувчи сони қанчалик кам бўлса, у шунчалик ўзини бахтиёр ҳис этади. Снегг билан Филч ўртасидан қил ўтмаслиги ўзингизга маълум. Будан ташқари, ўқитувчилар доирасида биз Фалсафий тошдан ҳам, Момиквойдан ҳам беҳабар эканлигимиз тахмин қилинади. Шундай экан, ҳар бир сўзимизни узок тушунтириб, батафсил изохлаб беришга тўғри келишини унутманг.

Бу сўзлар Гермionани тўла-тўқис қаноатлантирди, бироқ Роннинг кўнгли тўлмади.

- Агар вазиятни бир оз истихборот қилиб кўрсак-чи...

- Йўк, - ифодасиз жавоб қайтарди Гарри, - Бундай разведка амалларини етарлидан ортиқ бажариб юбордик.

У Юпитер сайёрасининг харитасини ўзига тортиб, гўё уни диққат билан ўрганишга киришиб кетди.

Эртасига, нонушта вақтида, Гарри, Гермiona ва Невилль бир хил мазмунда хат олишди:

*Сизга нисбатан қўлланиладиган жазо бугун кечки соат ўн бирда ижро этилади. Мистер Филч сизларни шу вақтда вестибюлда қарши олади. Профессор Макгонагалл.*

Бир юз эллик балл йўқотилганидан ҳали ўзига келмай юрган Гарри, алоҳида меҳнат жазоси ҳам қўлланилишини унутиб қўйган экан. Гермiona аллақандай бемаъни жазо туфайли имтиҳонга тайёргарлик кўриш учун қимматли вақтни йўқотиши ҳақида ҳозир шикоят қила бошлайди деб ўйлади Гарри. Бироқ ўзини мардларча тутган қизалоқ бир оғиз ҳам сўз айтмади. Гермiona ҳам, Гарри каби ушбу жазони мутлақо адолатли деб топди.

Кечки соат ўн бир. Болалар «Гриффиндор» меҳмонхонасида Рон билан хайрлашиб, Невиллнинг қўлидан ушлаб олганча, вестибюлга тушишди. Филчнинг ёнида турган Малфойни кўрган Гарри Дракога нисбатан ҳам жазо қўлланилганлигини эсга олди. - Ортимдан юрларинг, - ириллади Филч, қўлидаги фонусни ёкиб, кўча томон йўл олганча, - Ана энди мактабда жорий этилган қоидаларни бузишдан олдин яхшилаб ўйлаб кўрадиган бўлишасан. Шундайми? - у хусумат ила кўзини ғилайтлади, - Ҳа-ҳа... оғир меҳнат ва қаттиқ оғриқ энг яхши тарбиячидир, агар фикримни билмоқчи бўлсангиз. Муқаддам амал қилинган жазо тизими бекор қилингани яхши бўлмадида. Минг афсус. Айбдор деб топилган ўқувчининг қўлига қишан солиниб, бир-икки кунга шифтга осиб қўйилар эди. Башарти ўша тизим яна жорий этилиб қолса асқатади, деб занжирларни сақлаб қўйганман. Уларни асраб-авайлаб, зиён етмаслиги учун вақти-вақти билан мойлаб ҳам турибман. Ҳа, хўп ажиб замонлар бўлган эди-я. Қани, ортимдан юрларинг. Қочиб қолишни хаёлларингга ҳам келтиришма. Акс ҳолда беш баттар жазоланасан.

Улар қоронғи ховлига чиқишди. Невилль хикиллаб, Гарри эса қўлланиладиган жазо тури ҳақида ўйлаб борди. Анча қаттиқ жазога ўхшайди, акс ҳолда Филч ўзини бу қадар бахтиёр ҳис этмаган бўлар эди, хаёлдан ўтказди Гарри.

Ой тўлин бўлгани билан булутлар тўсиб қўйган. Шу боис болалар зулмат ичра боришмоқда. Гарри Хагриднинг деразалари ёришиб турган кулбасини кўрди.

- Келаётган сен-ми, Филч? - узоқдан эшитилди унинг овози, - Бўл тез, вақт бўлди. Хагриднинг овозини эшитган Гаррининг кўнглига ёруғлик киргандай бўлди. Филч, ўз табиати ва кечираётган ҳаёт тарзи туфайли кўзи қоронғилиқда яхши кўриши боис, боланинг кайфияти кўтарилиб кетганини пайқаб қолди.

- Анави кўриқчи билан маза қилиб сайр қиламан деб ўйласанг, адашасан бола. Гапимнинг маъносини ўрмонга кириб чиққанингдан сўнг тушунасан. Агар умуман у ердан соғ-саломат чиқсанг, албатта.

Бу гапни эшитган Невилль инграб юборди.

- Ўрмонга? - турган жойида серрайиб қолди Малфой, - Ўрмонга кириш мумкин эмас. У ерда ҳар хил махлуқ тусига қирадиганлар бор.

Бу сафар Малфойнинг овозида одатий димоғдорлик оҳанги ҳам, лоқайдлик ҳам сезилмади. Драконинг гапини эшитган Невилль Гаррининг коржомасини маҳкам ушлаб, бўғилаётган одамдай овоз чиқарди.

- Буниси энди сени муаммонг, - жавоб қайтарди Филч, ўзининг ёвуз қувончини охиригача тўкиб-сочиб, - Ўша махлуқ ҳақида қилғиликни қилишга киришишдан олдин ўйлаш керак эди.

Қоронғилик қаъридан Хагрид, унинг кетидан эса Сўйлоқтиш чиқиб келди.

Хагриднинг қўлида арбалет, елкасида ўққа тўла садок кўринди.

- Нихоят, - деди у, - Ярим соатдан буён кутаман-а. Гарри, Гермiona, ишлар жойидами?

- Уларнинг кўнглига қарашни бас қил, Хагрид, - совуқ муомала қилди Филч, - Улар бу ерга, пировардида, дўстона сухбат учун эмас, жазо ўташ учун юборилган.

- Шунинг учун ҳам кеч олиб келяпсан-ми уларни, а? Панд-насихат ўқибсан-да? - деди Хагрид ковоғини уйиб, - Ишингни бажардинг-ми, туёгингни шиқиллат. Бу ёғи билан ишинг бўлмасин. Ўзим амаллайман.

- Тонг сахар қайтаман, - деди Филч, - Улардан қолган парчаларни олиб кетгани, - кўшиб қўйди у, разилона оҳангда.

Филч ўгирилиб, қаср томон йўл олди. Унинг қўлида силтаниб бораётган фонус узок вақт кўриниб турди.

- Мен ўрмонга кирмайман, - баёнот қилди Малфой, Хагридга юзланиб. Драконинг овозида ваҳима оҳанги эшитилди.

- Агар «Хогварц»даги ўқишингни давом эттирмоқчи бўлсанг, киришингга тўғри келади, - дарғазаб жавоб қайтарди Хагрид, - У ёғини булғатиб қўйишни эплаганингдан кейин, бу ёғига жавоб беришни ҳам эплай билгин-да.

- Ўрмонга бориш малайлар иши! Ўқувчилар зиммасига бундай мажбурият юкланмаган! Бизга бирор-бир матнни кўчиришга мажбур қилишса керак деб ўйлаган эдим! Агар дадам билиб қолса борми бизни нималарга мажбур қилишаётганини...

- «Хогварц»да жорий этилган тартиб шунақа, билсанг агар, - бакириб берди Хагрид, - Қаранг-а, матн кўчириш эмиш! Маънисини нима унақанги жазонинг?! Фойдали иш қилиш ёки «Хогварц»дан туёқни шиқиллатишга тўғри келади, танла. Дадажонинг сени мактабдан ҳайдаб юборишларини маъкул деб топса, мархамат, бор, лаш-лушингни йиғиштириб, тайёр бўлиб тур. Гапимни тушундинг-ми? Жўна! Малфой ўрнидан қилт этмади. У Хагриднинг юзига нафрат билан тикилиб турди-да, бир оздан сўнг ерга қаради.

- Шундоқ бўлсин, - деди Хагрид, - Энди кулок солинг, гап мундай. Бугун қиладиган ишимиз ниҳоятда хавфли. Шахсан мен ҳаётингизни хавф остида қолдиришни мутлақо истамайман. Қани бир дақиқага бу ёққа келинг-чи. Хагрид болаларни ўрмон четига бошлаб келиб, қўлидаги фонусни баланд кўтарди. Фонуснинг хира нури дарахтларнинг қоп-қора, йирик таналари орасидан ўтиб, кўринмай кетган илон-изи йўлакни базўр ёритди. Ўрмон ичкарасига қараган болаларнинг сочлари енгил эсган шамолдан тўзғиб кетди.

- Дикқат билан қаранг, - гапини давом этди Хагрид, - Ердаги ҳў анави кумуш ранг доғни кўрдингиз-ми? Бу яккашоҳ нарвал қони. Уни кимдир яралаган... Шу ҳафтанинг ўзида бу иккинчи яраланган нарвал. Ўтган чоршанба куни биттасининг жасадини топиб олган эдим. Олдимизда турган вазифа, ушбу ярадор жониворни қидириб топиш. Топсак, эхтимол муқаррар ўлимдан қутқариб қолишга улгурармиз.

- Агар нарвалнинг қотили биринчи бўлиб бизни топиб олса-чи, унда нима бўлади? - сўради Малфой, кўрқувини идора қила олмай.

- Агар менга ёки Сўйлоқтишга яқин юрсангиз, бу ўрмонда сизга зиён етказадиган ҳеч нарса йўқ, - тинчлантирди уни Хагрид, - Энг асосийси, йўлакда чиқиб кетмай юринг. Хўш. Биз иккита гуруҳга бўлинишимиз ва жонивор изидан ҳар томон боришимиз керак. Қонли из ҳамма жойда бор. Нарвал кечадан буён шу яқин атрофда айланиб юрибди.

- Мен Сўйлоқтиш билан бораман, - тез баёнот қилди Малфой, итнинг ўткир тишларига қараб.

- Яхши, - рози бўла қолди Хагрид, - Фақат огоҳлантириб қўйишим керак. Сўлоқтишнинг гавдаси молдай келгани билан ўзи мушукдан ҳам багтар кўрок.

Демак, Гарри билан Гермiona мен билан боришади, Драко билан Невилль эса Сўйлоктишга шерик бўлишади. Энди энг мухим гап. Нарвал кимга учраса, ўша киши яшил учкун сачратади, келишдик-ми? Қани, сеҳрли таёқчаларингни чиқариб машқ қилинлар-чи. Мана шундай. Баракалла. Агар кимга ёрдам керак бўлиб қолса, қизил учкун сачратади. Биз уни дарҳол излаб топамиз. Қисқаси эҳтиёт бўлинг. Қани, олға!

Ўрмонда зулмат ва сукунат қарор топган. Ҳеч қанча юрмай, улар йўл айрилишига етиб келишди. Гарри, Гермiona ва Хагрид чап томон, Малфой, Невилль ва Сўйлоктиш эса ўнг томонга, оёқ остига қараб жим кетишди. Дам у ёқ, дам бу ёқда дарахт шохлари аро сингиб ўтган Ой нури хазон устидаги нарвал қонини кумуш-мовий тусда ялтиратиб кўрсатмоқда.

Гарри Хагриднинг хавотир олаётганини сезди.

- Эҳтимол яккашоҳ нарвалларни афсун билан бошқа тусга кирган махлук ўлдираётгандир?

- Ундай махлук нарвалларни бу қадар тез ўлдира олмайди. Яккашоҳ тутиш осон иш эмас. Нарвал табиатида ниҳоятда қудратли сеҳр кучи бўлади. Мен ҳаётимда ҳали яраланган яккашоҳ нарвални кўрмаганман.

Улар йўсин қоплаган қатта тўнка ёнидан ўтишаётганида сув овози эшитилди.

Чамаси шу яқин орада жилға оқиб ўтади, хаёлдан ўтказди Гарри. Илон изи кетган йўлакнинг ҳар ер, ҳар ерида нарвал қони кўринади.

- Ишлар қалай, Гермiona? - пичирлаб хол сўради Хагрид, - Жонивор шу даражада оғир яраланган экан, ўрмон ичига узоқ бора олмаган. Бу дегани, биз уни яқин орада... ДАРАХТ ОРТИГА БЕКИНИНГ!

Хагрид дафъатан иккала болани қатта қўли билан шартта чангаллаб кўтарди-да, тезлик билан йўлақдан олиб чиқиб, ниҳоятда улкан эман ортига яшириб қўйди.

Шундан сўнг, садокдан ўқ олиб, арбалетни ўклади-да, қуролни кўтарганча, ҳар қандай фурсатда отишга ҳозирланди. Учовлон нафас ютиб, атрофга қулоқ тутди.

Кимдир ёки нимадир яқин орада қуруқ хазон тепалаб ўтмоқда. Товуш тавсифидан худди кимнингдир эгнидаги узун кийим этаги хазонни енгил супуриб бораётгандай эшитилди. Хагрид кўзларини қисиб олиб, йўлак кетган қоронғиликка зўр бериб қаради. Бир неча сония ўтгач, овоз тинди.

- Ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим, - гудуллади Хагрид, - Бу ўрмонда аслида бўлмаслиги керак алланима бор.

- Афсун билан бошқа тусга кирган махлук ўтди-ми? - сўради Гарри.

- Йўқ, бу махлук ҳам эмас, яккашоҳ нарвал ҳам эмас, - жавоб берди Хагрид, ғамгин овоз билан, - Хўш, ортимдан юринг. Фақат бу сафар янада хушёрроқ бўлинг.

Улар секин, атрофда сал бўлса ҳам эшитилган товушга диққат билан қулоқ солиб боришди. Бирдан олдинда, торгина ялангликда ниманидир шарпаси кўринди.

Жонли шарпа эканлиги аниқ.

- Ким у? - қичқирди Хагрид, - Кўриниш бер. Мен қуролланганман!

Ялангликка чиққан одамми у ёки отми, тушуниб бўлмади. Белига қадар узун малла соч-соқол қўйган одам танаси, белидан нари эса малла думи ерга тегишига сал қолган тўриқ отнинг ялтираб турган танаси кўринди. Унга бакрайиб, ҳайрон қолган Гарри билан Гермionанинг оғзи ланг очилиб қолди.

- Ҳа, сенмисан, Ронан, ишлар қалай? - енгил тортиб сўради Хагрид, қўл бериб саломлашганча.

- Хайрли тун, Хагрид, - алик қайтарди Ронан, маъюс оҳангда, - Мени отмоқчимидинг?

- Авваламбор огоҳлик, Ронан, - деди қулиб Хагрид, арбалетни уриб-силаб, - Маконингиз бўлмиш ушбу ўрмонда аллақандай жирканч нарса пайдо бўлиб

колибди. Ҳа, айтгандай, танишинглар, Гарри Поттер ва Гермiona Грэнжер. Мактабимиз ўқувчилари. Болалар, бу Ронан. Кентавр (*Кентавр – юнон афсоналарида: ярми одам, ярми от махлук*).

- Фахмладик, - жавоб қайтарди Гермiona, охистагина.

- Хайрли тун, - салом берди Ронан, - Ўқувчи денг. Хўш, нимани ўргандингиз, мактабда?

- Эм-м-м...

- Ҳар соҳадан бир шингил, - камтаринлик-ла жавоб қайтарди Гермiona.

- Бир шингил? Ҳар қалай, йўқдан кўра бори яхши, - хўрсинди Ронан, осмонга қараганча бошини орқага ташлаб, - Миррих бугун ўзгача ярқираяпти.

- Рост айтасан, - жавоб қайтарди Хагрид осмонга қараб қўйиб, - Сени учратганимиз яхши бўлди, Ронан. Шу атрофда яраланган нарвал юрибди, кўрмадинг-ми уни? Ронан жавоб қайтаришга шошилмади. У кўзини бир бор бўлсин, пирпиратмай узок вақт осмонга қараб турди-да, яна хўрсиниб қўйди.

- Энг биринчи қурбонлар доимо бегуноҳлар бўлган, - деди у, - Илгаридан шундай бўлиб келган ва бу қонуният шундайлигича, ўзгармас қолади.

- Ҳа, шундай, - эътироз билдирмади Хагрид, - Сен бирон-бир нарсани кўрмадинг-ми? Ғайриоддий ҳолатни пайкамадинг-ми?

- Миррих бугун ўзгача ярқираяпти, - такрорлади Ронан, Хагриднинг бетоқат нигоҳига аҳамият бермай, - Ғайриоддий тарзда ярқираяпти.

- Тўғри айтяпсан. Бироқ мен, ерга яқинроқ ғайриоддий нарса хақида сўраяпман, - тушунтириш берди Хагрид, - Демак сен ҳеч нарса сезмадинг. Ронан бу сафар ҳам жавоб қайтаришга шошилмади.

- Ўрмонда сирли нарсалар жуда кўп, - деди у, ниҳоят. Дарахтлар ортида эшитилган товуш Хагридни яна қурол кўтаришга мажбур қилди. Қоронғилик қаъридан яна битта, Ронанга нисбатан янада ёввойи киёфага эга, қора танли қора соч кентавр кўринди.

- Салом, Бейн, - деди Хагрид, - Ишларинг жойидами?

- Хайрли тун, Хагрид, соғлигинг яши бўлса керак деган умиддаман.

- Соппа-соғман. Қулоқ сол, Бейн. Ҳозиргина Ронандан сўраб турган эдим. Сўнгги кунларда бирор-бир ғайриоддий нарсани кўрмадинг-ми? Кимдир яққашоҳ нарвални ярадор қилибди, эшитмадинг-ми?

- Миррих бугун ўзгача ярқираяпти, - деди Бейн осмонга қараганча, Ронаннинг ёнига яқинроқ келиб.

- Хабарим бор, - деди Хагрид, бир оз аччиқ оҳангда, - Хўп, майли. Агар бирортангиз бирор нарса кўриб қолсангиз, менга хабар беринг, яхшими? Биз эса йўлимизни давом этамиз.

Гарри билан Гермiona Хагриднинг ортидан эргашиб, иккала кентавр дарахтлар орасида кўринмай қолгунга қадар елка орқали ортга қараб-қараб боришди.

- Ҳеч қачон, - деди Хагрид энди очиқчасига ғазабланиб, - Ҳеч қачон бу ахмок кентаврлардан тўғри жавоб олиб бўлмайди. Тентак мунажжимлар. Ойдан яқинроқ ишлар уларни мутлақо қизиқтирмайди.

- Улар кўпчилик-ми? - сўради Гермiona.

- Ҳа, оз эмас... Умуман айтганда, бундай махлуклар ўзларини одамлардан четга тортиб юришади. Бироқ мен билан бир оз лақиллаб олиш учун ҳузуримга келиб туришади. Кентавр, мен сизга айтсам... жуда доно... ҳамма нарсадан бохабар махлук бўлади... фақат билганларини айтмайди.

- Муқаддам эшитилган товуш-чи, у ҳам кентаврмиди, нима деб ўйлайсан, Хагрид? - сўради Гарри.

- Туёқ товушига ўхшатдинг-ми, ўша товушни? Йўқ. У товуш нарвал қотилининг



товуши эканлиги аниқ. Мен бундай товушни муқаддам эшитмаганман. Улар зич ўсган қора дарахтлар орасидан базўр ўтиб боришди. Гарри юрган йўлида елка узра орқага қараб борди. Назарида уларни кимдир кузатганча, таъқиб қилиб келмоқда. Ёнида арбалет билан қуролланган Хагрід борлигини ўйлаган боланинг кўнгли бир оз таскин топди. Улар навбатдаги муюлишдан ўтишлари билан қутилмаганда Гермiona Хагріднинг қўлидан ушлаб, ўрмоннинг нариги томонига имо қилди.

- Хагрід! Анави томонга қара! Қизил учқун! Болалар бирон-бир фалокатга йўлиққанга ўхшайди!

- Сиз иккалангиз шу ерда қутинг! - югурганча бақирди Хагрід, - Йўлақдан чиқиб кетманг, мен тез қайтаман!

Хагріднинг ёш қарағайларни синдириб, пайхон қилиб кетаётгани эшитилиб турди. Қўрқиб кетган болалар эса бир-бирига мўлтиллаб тикилганча қолишди. Ниҳоят тўполон тиниб, қоронғилик қаърида сукунат чўкди. Фақат дарахт баргларининг бош узра шилдираши эшитилмоқда.

- Улар ярадор бўлишмагандир, нима деб ўйлайсан? - сўради Гермiona.

- Агар Малфой яраланган бўлса, тупурдим унга. Ишқилиб Невиллга бирор қор-хол бўлмасин... Ахир бу ишга уни биз тортганмиз.

Дақиқалар жуда узок чўзилди. Икковлон кулокка зўр бериб, шамолнинг сал бўлса ҳам кўтарилиши, бирор-бир новданинг тирсиллашига эътибор бериб турди. Нима гап ўзи? Қани қолганлар?

Ниҳоят, баланд эшитилган қарс-курс Хагрід яқинлашаётганидан, унинг кетидан эса тўрт мучали бут-бутун Малфой, Невилль ва Сўйлоқтиш судралиб келишаётганидан далолат берди. Хагріднинг жаҳли чиққан. Буқур одам ўлганда тузалади, деган нақл яна бир бор ўз тасдиғини топибди. Маълум бўлишича, Малфой, ўзининг жирканч табиатига хос тарзда хазиллашиб, Невиллни кўрқитиш мақсадида, унинг орқасига қутилмаганда ҳамла қилибди. Табиийки, Невилль, кўрқиб кетганидан сийиб қўйишига сал қолиб, қизил учқун сачратиб юборибди.

- Ўрмонни бошларингга кўтариб, тўполонини чиқариб юбордингиз. Бунақада ов бароридан келармиди? Хўш. Энди алмашамиз. Невилль билан Гермiona мен билан қолади. Гарри, сен Сўйлоқтиш билан мана бу аҳмоққа бошчилик қиласан. Мени маъзур сана, - қўшимча қилди Хагрід, Гаррининг қулоғига шивирлаб, - У сени кўрқитишга журъат эта олмайди. Вазифани эса бажармоқ даркор.

Шу тарика, Гарри, ўзи, Малфой ва Сўйлоқтишдан иборат кичик гуруҳга бош бўлганча, зулмат қаърига кириб кетди. Улар деярли ярим соат ўрмон ичига, йўлак торайиб, ўтиб бўлмас бўлиб қолгунга қадар кириб боришди. Гаррининг назарида бу ерлардаги қон доғлари, худди челақдан сепилгандай, нисбатан кўп кўринди.

Чамаси, жонивор жони оғриганидан ўзини хар жойга урганча, анча типирчилаган кўринади. Қадимий эманнинг бир-бирига қалин чирмашиб кетган шохлари орасидан сал наридаги кичик бир сайхонликни кўриб қолган Гарри, Малфойни тўхтатиш учун қўлини ёнига узатди.

- Тўхта, анави томонга қара.

Ерда қандайдир оппоқ нарса ялтираб кўринди. Болалар аста яқин боришди.

Бу ҳақиқатан ҳам яккашоҳ нарвал жасади экан. Гарри ҳали ҳеч қачон бундай гўзал ва айни пайтда жуда ғамгин манзарани кўрмаган. Жонивор ерга қандай йиқилган бўлса, шундай қотиб қолган. Унинг узун, хушбичим оёқлари ён томонга ғалати узатилган. Чиройли боши эса қора хазон устида ярқираб турибди.

Гарри яна бир қадам ташлаши билан нам ерда сирпанганда чиқадиган товуш турган жойида қотиб қолишга мажбур қилди. Яланглик четидаги буталар қимирлади... Бир оздан сўнг, зулмат ичидан устига қайтарма қалпоқ ташлаб олган шарпа пайт пойлаб

чиққан ҳайвон каби намоён бўлди. Уни кўрган Гарри, Малфой ва Сўйлоктиш турган жойларида тошдай қотиб қолишди. Эгнига плаш ташлаб олган махлук яккашоҳ нарвал жасадига яқин келиб, жониворнинг биқинидаги яра устига энгашди-да, қон ялай бошлади.

- ААААААААА!

Малфой жон-жаҳди билан қичқирганча, қочиб қолди. Сўйлоктиш ҳам ундан қолишмади. Қайтарма қалпоқ ташлаб олган махлук эса бошини кўтариб, Гаррининг кўзларига тик қаради. Нарвал қони унинг жағидан томиб тургани яққол кўринди. Шундан сўнг, шартта ўрнидан турди-да, шиддат билан бола томон қадам босди. Болақай кўркиб кетганидан ўрнидан қилт эта олмади.

Бирдан Гаррининг бошига ниҳоятда каттиқ оғриқ кирди. У ҳали ҳеч қачон бундай оғриқ сезмаган. Пешонасидаги чандик гўё ўт олгандай қизиб кетди. Оғриқ ва ҳароратдан кўзи деярли кўрмай қолган Гарри четга тисарилди. Бир пайт орқа томондан туёқ товуши эшитилиб, нимадир елиб келди-да, боланинг устидан сакраб ўтиб, махлукқа ҳамла қилди.

Пешонасидаги оғриқ шу қадар кучайиб кетган эдики, Гарри тиззаси билан ерга чўккалаб қолди. Хуруж тахминан бир ёки икки дақиқа давом этгач, барҳам топди. Гарри бошини кўтара олганида, махлук кўринмади. Унинг рўпарасида кентавр турибди. Бироқ бу кентавр Ронан ҳам, Бейн ҳам эмас. Нисбатан ёш, сариқ сочли, танаси оқ кентавр.

- Ҳеч қаерингга шикаст етмади-ми? - сўради у, оёққа туришга уринган Гаррига кўмаклашиб.

- Йўқ, шикаст етмади, раҳмат. У нима эди?

Кўзлари хира ёқутдай мовий кентавр Гаррини диққат билан кўздан кечириб чиқиб, нигоҳи боланинг пешонасидаги қизариб кетган чандикда тўхталиб қолди.

- Сен Поттермисан? - сўради кентавр, - Яхшиси Хагриднинг ёнига борганинг маъқул. Сутканинг тунги соатларида бу ўрмон хавфсиз эмас. Айниқса сен учун. От минганмисан? Устимга миниб ол. Шундай қилсак, иш тезроқ битади. Менинг исмим Фиренце.

Фиренце олдинги оёғига тиз чўқди-да, устига чиқаётган болага кўмаклашиб юборди. Сайхонликнинг нариги томонидан туёқ товуши эшитилиб, буталар узра сакраб ўтган, терлаган биқинлари ялтираётган Ронан билан Бейн кўринди.

- Фиренце! - қичқириб юборди Бейн, - Кўзларимга ишонмайман! Устингда одам ўтирибди-ми?! Шу қадар тубанлашиб кетдинг-ми? Хачирдан фарқинг қолмабди-ку!

- Сен бу боланинг кимлигини биласанми? - сўради Фиренце, - Бу Гарри Поттер. У ўрмонни қанчалик тез тарк этса, шунчалик яхши бўлади.

- Унга нималарни айтиб бердинг? - ўшқириб сўради Бейн, - Ёдингда бўлсин, Фиренце, биз Тангри иродасига аралашмасликка онт ичганмиз. Сайёралар ҳаракатидан яқин орада нималар содир бўлишини укмадинг-ми?

- Ишончим комилки, Фиренце фақат яхшилик тилайди, - деди асабий ер тепсиниб турган Ронан, маънос оҳангда.

- Яхшилик тилайди?! - орқа туёқлари блан шатта отди ғзаби қайнаган Бейн, - Бу ишларнинг бизга нима дахли бор? Кентаврларга фақат башорат қилинган ишлар дахл қилади! Эгарланган эшак каби яшаш бизга буюрилмаган!

Фиренце кутилмаганда олд оёқларини баланд кўтариб юборди. Гарри, кулаб тушмаслиги учун унинг елкасини маҳкам ушлаб қолишга базўр улгурди.

- Бейн, сен анави яккашоҳ нарвал қисматини кўрмайсан-ми? - ғзаб-ла қичқирди у,

- Нима мақсадда ўлдирилганини тушунмадинг-ми? Ёхуд бу гапни сайёралар сендан сир тутди-ми? Ўрмонимизга яшириниб олган душманга қарши мен, керак бўлса, одамлар билан елкама-елка туриб қурашаман.

Фиренце шартта бурилди-да, шерикларини тарк этиб, нари сакраб кетди. Гарри бор кучи билан унинг елкасини ушлаб олди. Улар Ронан билан Бейнни ортда қолдириб, чакалакзорлар орасидан ўқдай елиб кетишди.

Гарри кентаврлар суҳбатининг маъно-мазмунини мутлақо тушунмади.

- Нима сабабдан Бейн бунчалик аччиқланди, - сўради у, - Сиз нимадан қутқаряпсиз мени?

Фиренце югуришдан тўхтаб, аста одимлай кетди-да, болага паст осилган шохларга рўбару келмаслик учун бош эгиб боришни тайинлади. Лекин, Гаррининг саволига жавоб бермади. Йўл юриб боришар экан, иккаласининг орасидаги сукунат узок чўзилди. Фиренце гаплашишни истамаётган бўлса керак, хаёлдан ўтказди Гарри. Қалин чакалакзорлар орасига киргач, Фиренце такка тўхтади.

- Гарри Поттер, яккашоҳ нарвал қони нима мақсадда қўлланилишини биласанми?

- Йўқ, - жавоб қайтарди Гарри, ғалати саволдан хайрон бўлиб, - Сехрли дамламалар тайёрлаш дарсида биз фақат унинг шохи ва дум тукларидан фойдаланиш ҳақида ўқиганмиз холос.

- Негаки, яккашоҳ нарвални ўлдириш ниҳоятда оғир жиноят саналади, - деди Фиренце, - Бундай ёвузликка фақат бу дунёда йўқотадиган ҳеч нарса бўлмаган, аммо ҳамма нарсага эга бўлишни истаган кишигина қўл уриши мумкин. Яккашоҳ нарвал қони ҳалокат ёқасига келиб қолган ҳолатда ҳам, омон қолишга имкон беради...Лекин бундай мавқе ниҳоятда қиммат туради. Киши ўзини шу тарика асраб қолиши учун нарвал каби поқдомон, ожиз ҳайвонни шафқатсиз ўлдириб, қонини ичиши даркор. Лекин, нарвал қони киши лабига тегиши ҳамоно, у кечирадиган ҳаётни ҳаёт деб бўлмайди. Негаки энди у, умрининг қолган қисмини қарғиш ва лаънатлар теккан махлуқ каби ўтказди.

Бола Фиренценинг сўзларини, ойдин тунда кумуш тус касб этган бошининг орқасига қараганча, диққат билан тинглаб ўтирди.

- Ким ҳам бундай ҳаётга рози бўлиб, мудҳиш жиноятга қўл уриши мумкин. Бир умр қарғиш ва лаънатлар остида яшаб юргандан кўра муносиб ўлим афзал эмасми? - фикр билдирди у.

- Мутлақо ҳақ гап гапирдинг, Гарри, - деди Фиренце, - Фақат куч-қудрат ва чексиз ҳукм суриш имконини ато этиб, боқий умр ҳаёда этадиган яна бир ичимлик истеъмол қилишнинг имкони бўлмаса, бу гап ҳақ саналади. Болақай, мактабинг деворлари айни дамда нимани яшириб турганидан хабаринг борми?

- Фалсафий тошни! Гапингизни тушундим, Оби-Ҳаёт ҳақида айтдингиз! Аммо ким бўлиши мумкин ўша киши, ҳеч идрок эта олмаяпман.

- Нахотки сен узок йиллардан буён ўз қудрати ва ҳукмини қайтариб олишни, бунинг учун вақти-соати келишини сабрсиз кутиб юрган ҳеч кимни билмайсан?

Шу тоб боланинг юрагини аллақандай кўринмас темир панжа сиқиб олгандай бўлди. Дарахт баргларининг шитирлаши Хагриднинг, Гаррини қидириб келган куни, денгиз қояси устидаги кулбада биринчи бор учрашган пайтда айтган сўзларини ёдга солди: «Баъзилар уни ўлганга чиқаришган. Бўлмағур гап! Киши ўлиши учун кам деганда одам бўлиши керак. У эса одам-подам эмас эди. Айримлар уни шу атрофда кезиб, қандайдир пайт пойлаб юрибди дейишади».

- Айтмоқчисиз-ки, - деди Гарри, ўз фикрини дахшат-ла гапиришга ўзини базўр мажбур қилиб, - Айтмоқчисиз-ки, бу Вольде...

- Гарри! Гарри! Омонмисан, Гарри?

Уларнинг ёнига Гермiona югуриб келди. Кетидан эса халлослаганча Хагрид яқинлашди.

- Ишлар жойида, - беихтиёр жавоб қайтарди Гарри, гапирган гапининг маъносини ўзи тушунмай, - Хагрид, яккашоҳ нарвал ўлибди. Жасади ҳў анави ерда,

сайхонликда ётибди.

Хагрид яккашоҳ нарвал жасади ётган сайхонлик томон йўл олди.

- Шу ерда мен сени тарк этаман, - деди Фиренце, - Сен энди хавфсиз жойдасан.

Гарри унинг белидан сирпаниб тушди.

- Омад сенга Гарри Поттер, - тилак билдирди Фиренце, - Сайёралар ҳаракатидаги маъно-мазмун ҳатто кентаврлар томонидан ҳам янглиш талқин қилинган ҳолатлар бўлиб турган. Умид қиламанки, ҳозир айна шундай ҳолат такрорланмоқда.

У ўгирилиб, титраб турган Гаррини ортда қолдирганча, вазмин йўртиб кетди.

Дўстларининг қайтишини кутиб ўтирган Рон коллежнинг умумий меҳмонхонасида ухлаб қолган экан. Гарри уни туртганида қвидиш қоидаси бузилганлиги тўғрисида алланарса деб бақириб юборди.

Уйғонгач, Гермiona билан биргаликда Гаррининг ўрмонда бўлиб ўтган ҳодисалар тўғрисидаги ҳикоясини диққат билан тинглаб ўтирди.

Кўрган-билганини камин қаршисида у ёк, бу ёк юриб сўзлаб бераётган Гарри ҳалигача титраб, бир жойда ўтира олмади.

- Снег тошни Вольдемортнинг манфаатини кўзлаб ўғирламоқчи... Вольдеморт эса ўрмонда, ўз вақти-соатини кутиб юрибди. Биз эса Северуснинг бойиб кетиш пайига тушганлиги ҳақида янглиш хулоса чиқарган эканмиз...

- Унинг номини талаффуз этишни бас қил! - деди Рон, Вольдеморт эшитиб қолишидан кўрқиб кетганча, пичирлаб.

- Фиренце мени кутқариб қолди лекин у, бундай қилмаслиги керак экан... - деди Гарри дўстининг гапига аҳамият бермай, - Бундан хабар топган Бейннинг дарғазаб бўлиб кетганини кўрсангиз эди... Гапига қараганда, сайёралар ҳаракатидан уқиб олинадиган башоратларнинг вожиб бўлишига аралашиниш мумкин эмас эмиш... Бейннинг танқидий фикрича, мен Вольдемортнинг қўлидан ўлим топишим, Фиренце эса бунга ҳалал бермаслиги керак экан. Ўйлайман-ки, буни ҳам уларга ситоралар кўрсатиб берган.

- Унинг номини талаффуз этишни бас қилсанми-йўқми! - вишиллади Рон.

- Энди мен Снегнинг Фалсафий тошни ўғирлаб чиқишини кутиб ўтиришим қолди,

- изтироб чекиб давом этди Гарри, - Шундан сўнг, Вольдеморт ўрмондан чиқиб, мени асфаласофилинга равона эта олади... Хўш, бундан лоақал Бейннинг кўнгли таскин топади-ку, ҳар қалай.

Гермiona Гаррининг сўзларидан даҳшатга тушиб кетаётган бўлса-да, уни тинчлантиришга уриниб кўрди.

- Гарри, атрофдаги одамлар Дамблдорга ишонади. Ўзинг-Биласан-Ким фақат Дамблдордан ҳайиқади. Дамблдор ёнимизда экан Ўзинг-Биласан-Ким сенга тегишга журъат эта олмайдди. Кентаврларнинг башорати ҳар доим ҳам тўғри эканлигига ким қафолат бера олади? Бу ахир фол очиш ёки астрологиядан бошқа нарса эмас-ку. Профессор Макгонагаллнинг айтишича, булар афсунгарлик фанларининг жуда ноаниқ соҳалари экан (***Астрология – илми нужум. Инсон тақдири ва тарихий ҳодисалар осмон жисмларининг вазиятига боғлиқ деб билган ва юлдузларга қараб фол очиш билан шуғулланган таълимот***).

Осмон ёриша бошлади. Болалар эса ханузгача суҳбат қуриб ўтиришибди.

Шаштлари батамом барҳам топиб, овозлари хириллаб қолгач, ухлагани равона бўлишди. Бироқ тунги совғалар охирига етмаган экан.

Гарри аёлини очиб, батартиб тахлаб қўйилган кўринмас плаши ва унга қистириб қўйилган ёзувни топди:

*Ҳар эҳтимолга қарши. Омон бўл, Гарри!*

Вақт ўтиб, имтиҳонлар мавсумини эслаган Гарри, бугун бўлмаса эртага хонанинг эшигини шартта очиб кирган Вольдеморт, уни нобуд қилишини ўйлаб яшаш баробарида, назарий билим ва амалий кўникмалар синовидан қай тарзда муваффақиятли ўтиб олганлигини ҳеч англай олмади. Бироқ кунлар кетидан кунлар ўтар, Момиквой эса ишончли ёпилган эшик ортидаги ўз жойида, ҳамон ҳеч кимни киритмай, соғ-саломат ўтирар эди.

Нафасни қайтарадиган иссиқ кунлар бошланди. Айникса, биринчи синф ўқувчилари ёзма имтиҳон топшираётган синф хонасининг ҳавоси кишини димиқтириб юборади. Имтиҳон муносабати билан ўқувчиларга бировнинг жавобини кўчириб олишга қарши афсун қўлланилган пат-қаламлар тарқатилди. Болалар ёзма ва оғзаки имтиҳон топширишдан ташқари, амалий кўникмалар синовидан ҳам ўтишди. Профессор Флитвик ўқувчиларни синф хонасига битта-биттадан чақириб, имтиҳон олди. Бу ерда ҳар бир ўқувчи ананасни столнинг нариги бошидан бу бошига қадар рақс тушиб келишига мажбур қилди. Профессор Макгонагалл ўқувчиларнинг сичқонни тамакидонга айлантиришини кузатиб ўтирди. Айни вақтда, ушбу тамакидоннинг чиройли ва бежирим чикқанлиги учун кўшимча балл кўшиб борди. Агар тамакидоннинг, айтайлик мўйлови кўриниб қолган бўлса, аксинча, имтиҳон топшираётган ўқувчи балларнинг маълум миқдоридан маҳрум бўлди. Дам синфнинг у бошидан бу бошига тинмай юриб, дам имтиҳон топшираётган ўқувчининг орқасида пишқириб туриб олган Снегг эса имтиҳон давомида ҳамманинг асабига тегди. Сунъий равишда қарор топтирилган бундай асабий вазиятда унуттириш дамламасининг таркибини ёдга олиб бўладими. Гарри, ўша кунлари Вольдемортдан кўрқиб юрганига қарамай, бор кучи ва диққат-эътиборини имтиҳонларга сафарбар этишга уринди. Имтиҳон ташвишларидан ташқари, жазо тариқасида Ман этилган ўрмонга уюштирилган сафардан қайтгандан буён пешонасидаги, тинимсиз безовта қилаётган оғриққа бардош беришига тўғри келди. Невиллнинг фикрича, Гарри яхши ухламаётгани сабабли оғир даражадаги «имтиҳон неврози» касали билан қийналмоқда эмиш (*Невроз – марказий асаб тизимининг бузилиши натижасида юзага келадиган ва ички органлар фаолиятини сусайтирадиган касаллик*).

Аслида бунинг асосий сабаби кечалари яна босинқираётгани, тушида кўзни камаштирадиган ўша яшил чакмоқ ота-онасини ҳалок қилаётганини кўргани, кимнингдир кучли, этни жунжитадиган тарзда янграётган иблисона кулгисини эшитаётганига кўшимча, энди қайтарма қалпоқли плаш кийиб олган, оғзидан қон томаётган маҳлукни кўра бошлаганидир.

Эҳтимол алоғ-чалоғ тушлар кўришмаётгани, пешоналарида ловуллаб оғрийдиган чандиқлари бўлмагани сабаблидир, ҳар қалай Фалсафий тош энди Рон билан Гермионани Гаррига нисбатан камроқ ташвишга соладиган бўлиб қолди.

Вольдеморт ҳақидаги ўй уларни даҳшатга солиши шубҳасиз, албатта. Бироқ ўша маҳлук дўстларининг тушига кирмайди-да. Бундан ташқари, улар шу қадар қунт-ғайрат билан шуғулланмоқда-ки, Снегг ёки шунга ўхшаш бирор-бир аблахнинг режалари ҳақида маънисиз ўй суришга вақт топа олмай қолишди.

Ниҳоят энг сўнгги, сеҳргарлик тарихи бўйича топшириладиган имтиҳон санаси етиб келди. Турли даврларда яшаб ўтиб, миясини еб қўйган, ўзи аралаштирадиган қозонга ўхшаш маъни-бемаъни нарсаларни ихтиро қилиб, ўтиб кетган ҳар хил сеҳргар-у, афсунгарлар тўғрисидаги саволларга жавоб бериладиган арзимас бир соат ўтгач, озодлик! Бутун бир ҳафта давомида ҳеч қандай машғулотлар ўтказилмайдиган қойил-мақом эркинлик! Шундан сўнг, имтиҳон натижалари эълон

килинади. Сехргарлик тарихи ўқитувчиси профессор Биннзнинг арвохи ниҳоят, ўқувчилар анчадан буён орзиқиб кутган: «Пат-каламларни қўйиб, пергаментни ўранг» сўзларини талаффуз этганида, Гарри, бошқа болаларга қўшилиб, айюханнос солиб юборди.

- Имтиҳонлар мен ўйлагандан ҳам содда экан, - деди Гермiona, учовлон ўртоқ каср рўпарасидаги қуёш нурларига ботган майсазордаги шод-хуррам ўқувчилар тўдасига қўшилиб кетгач, - Айтгандай мен «Афсун билан бошқа тусга кирган ёш махлукнинг 1637 йил ор-номус кодекси»ни ҳам, «Сергайрат Эльфрик кўзголови»ни ҳам ўқишим шарт эмас экан.

Гермiona ўтган ҳар бир имтиҳондан сўнг, болаларни сўроқ қилиб, уларнинг берган жавобларини текшириб кўришни жуда хуш кўради. Бирок бу гал, Рон имтиҳонда қўйилган саволлар-у, уларга тайёрлаган жавобларини айтиб беришдан бош тортди. Учовлон қўл соҳилига бориб, ўзини дарахт соясига ташлади. У ерда эгизак Уэслилар Ли Жордан билан биргаликда илиққина саёзликда чайқалиб ётган баҳайбат кальмарнинг жиғига тегиб, пайпаслагичларини тортқилашганча, жонивор билан ўйнашаётган экан.

- Бўлди, энди ҳеч қандай машғулотлар бўлмайди, - деди майсага чўзилиб ётаётган бахтиёр Рон, - Ҳой, Гарри, бадқовоқ бўлмасанг-чи. Жавобларнинг барини нотўғри ёзганимизни эълон қилишларига ҳали бир ҳафта бор! Ҳозирча эса ҳеч нарсани ўйламасдан ётишинг мумкин.

- Ниманинг аломати экан бу, а?! - юракдан эзилиб сўради Гарри, пешонасини укалаб, - Чандигим ўлгудай оғрияпти. Илгари ҳам оғриб турар эди-ю, бунчалик тез хуруж қилмас эди.

- Помфри хоним қабулига бориб келсанг-чи, - маслаҳат берган бўлди Гермiona.

- Мен касал эмасман, - тушунтиришга уринди Гарри, - Назаримда бу аллақандай аломатга ўхшайди... Қандайдир дахшатли ходиса бўлиб ўтади чамаси.

Бирок кун жуда қизиқ кетганлиги боис, ўхшаш гаплар билан Ронни ташвишга солиб бўлмайди чоғи.

- Гарри, тинчлан. Гермiona ҳақ: Дамблдор шу ерда экан, тошга ҳеч нарса қилмайди. Бундан ташқари, Снегг Момиквой ёнидан бешикаст ўтиш усулини билиб олган дейишга ҳеч қандай асосимиз йўқ. У бир марта оёғидан маҳрум бўлишига сал қолди. Бас, шундай экан, яна ўша хонага бурун тикишига шубҳа қиламан. Хагриднинг Дамблдорга хиёнат қилиши эса Невилнинг Квидиш бўйича Англия терма жамоаси таркибида ўйнашидек гап.

Гарри ўртоғининг гапини маъқуллаб бош ирғиди. Лекин негадир уни, қандайдир муҳим иш бажарилмай, унут бўлиб кетгани ҳақидаги фикр тинч қўймаётгани билан ўртоқлашди.

- Бу имтиҳон асорати, - тинчлантирди уни Гермiona, - Ўтган кеча уйғониб кетиб, айланиш ва айлантириш курсининг ярмини такрорлаб чиққанимдан сўнггина, бу фандан имтиҳон топшириб бўлганимиз ёдимга тушди.

Аммо Гарри, уни қийнаётган ўйнинг имтиҳонга дахли йўқлигига шубҳа қилмайди. Мовий осмонда тумшуғига хат қисиб олган бойкуш кимгадир хабар олиб келаётганини кузатиб ётди. Унга эса фақат Хагрид хат ёзади. Хагрид ҳеч қачон Дамблдорга хиёнат қилмайди, ўйланиб ётди у. Хагрид Момиквойнинг ёнидан бешикаст ўтиш йўлини ҳеч қачон, ҳеч кимга айтиб бермайди... ҳеч қачон... аммо... Дафъатан Гарри ирғиб оёққа турди.

- Қаёққа отландинг? - уйқусираб сўради Рон.

- Хаёлимга бир ўй келди, - ғудуллади ранги оқариб кетган Гарри, - Хагрид билан ҳозироқ учрашишим керак

- Нега? - сўради хансираб қолган Гермiona, унинг ортидан етиб юришга ҳаракат

қилганча.

- Айтсам, сенга ҳам сал ғалати туюлса керак? - деди Гарри, майса қоплаган қиялик устига чиқар экан, - Хагрид аждарли бўлишни орзу қилса-ю, бирданига унга, чўнтагида аждар тухумини бемалол олиб юрган нотаниш киши учраб қолса. Қани, ёнида аждар тухуми билан беташвиш юрган одамни кўрсатинг-чи менга?! Агар аждар билан боғлиқ ўхшаш хатти-ҳаракатлар сеҳргарлар дунёсида ғайриқонуний эканлигини инобатга олсак, осон кечармикан бундай кишининг топилиши? Ўша одам айнан Хагридга рўбару бўлгани дўстимиз учун соф омаднинг ўзгинаси эмасми? Нима учун буни олдин тушуниб етмаган эканман?!

- Бу билан нима демоқчисан? - сўради Рон.

Ҳар қандай спринтердан қолишмайдиган Гарри, ўртоғининг саволини жавобсиз қолдирди (*Спринтер – яқин масофага югурувчи ёки сузувчи спортчи*).

Иштони билан енглари шимариб олган Хагрид кулбаси ёнидаги креслода ўтириб, катта тоғорага нўхат оқлаб ўтирибди.

- Салом, - деди у болаларга табассум қилиб, - Имтиҳонлардан эсон-омон қутулиб олдиларингми? Ширин чой кетадими?

- Йўқ демайман, - деди Рон.

Бирок Гарри Хагридни тўхтатиб қолди.

- Йўқ, Хагрид. Биз шошиб турибмиз. Бир нарсани сўраб билмоқчи эдим сендан. Норбертни қартага ютиб олган кечани эслай оласан-ми? Ўша нотаниш кишининг киёфасини тавсифлаб бера оласанми?

- Эслай олармиканман? У ҳатто эғнидаги қайтарма қалпокли плашини ҳам ечмаган эди-ку.

Унинг рўпарасига юзлари жиддий тус олган уч нафар чурвақа тик туриб олди.

- Тинчликми? Нега бунчалик хавотирланасиз? Майхўрлик қиладиган ундай каслар «Ахта чўчка калласи» қовоқхонасига жуда кўп келади. Ахир бу қишлоқ майхонаси-ку. Хўп, ноқонуний аждар сотувчиси экан нима қилибди энди? Ўша одамнинг башарасини, бошига қайтарма қалпоқ ташлаб олгани учун ҳам кўрганим йўқ. Энди осмон узилиб, ерга тушиб кетадими?

Тинкаси қуриган Гарри нўхат солинган тоғора ёнига ўтириб қолди.

- Хагрид, суҳбат мавзусини эслаб кўр-чи, нималар ҳақида гаплашиб ўтиргансизлар? «Хогварц» ҳақида бирор гап бўлганми?

- Эҳтимол бўлиб ўтгандир ҳам...

Хагрид ўша киши билан ўтган суҳбатни эшлаш учун қош чимирди.

- Ҳа, у нима иш қилишимни сўради. «Хогварц» қоровули эканлигимни айтдим...

Уррим давомида қанақанги хайвон боққаним билан қизиқди... Мен унга боққан хайвонларимнинг барини санаб бердим... Аждар боқиш орзуим ҳақида ҳам айтдишни унутмадим... кейин... Яхши эслай олмайман, ахир у менга май қуйиб, мехмон қилиб ўтирган эди-да. Хўш, яна нима... Ҳа, эсимга тушди... Ёнида аждар тухуми борлиги, уни қартага тикиши мумкинлиги, фақат аждарни нобуд қилишларини хохламаслиги ва мен уни уддалай олиш-олмаслигимга ишонч ҳосил қилмоқчи бўлганлигини айтди. Шунда мен Момиквойдай итни эплаган аждарни ҳам уддалай олишимни айтдим...

- У Момиквойга қизиқиш билдирди-ми? - имкон қадар тинчланиб сўради Гарри.

- Ҳа-да... Уч бошли хайвон ҳатто «Хогварц»дай жойда ҳам кўп учрамаслиги ҳаммага маълум-ку? Мен унга Момиквой беозор қалдирғочнинг ўзгинаси эканлиги, унга қуй чалиб ёки қўшиқ айтиб берсанг бас, тарашадек қотиб ухлаб қолишини айтиб бердим...

Хагрид бирданига даҳшатга тушиб кетди.

- Мен буни сизларга айтишим керак эмас эди! - ёрилиб кетди у, - Гапимни ҳозирок

унутинглар! Эй, чурвакалар, каёкка? Тўхтанглар!

Гарри, Рон ва Гермiona куёшли ҳовлига нисбатан анча совук вестибюлга етиб бориб, михлаб қўйилгандай туриб қолгунга қадар бирон оғиз сўз айтишмади.

- Дамблдорнинг хузурига боришимиз даркор, - қарор қилди Гарри, - Хагрид нотаниш одамга Момиквой ёнидан бешикаст ўтиш йўлини айтиб берган. Ўша киши Снегг ҳам, Вольдеморт ҳам бўлиши мумкин. Хагридни ичирган экан, демак, керакли маълумотга эга бўлиш учун зўр беришга ҳожат бўлмаган унга. Ягона бир нарсага, у ҳам бўлса, Дамблдор сўзларимизга ишоншига умид қиламан. Кентавр Фиренце гапимизни тасдиқлаши мумкин. Агар унга Бейн ижозат берса, албатта. Дамблдорнинг хонаси қаерда?

Улар, ўқув йили тамом бўлишига қарамай, Дамблдор хонаси қаерда эканини ханузгача билмасликларини илк бор идрок этишди. Мактаб директорининг хонасига ишора қилувчи кўрсаткич топмоқчи бўлиб, атрофга қарашди. Дамблдор қаерда яшашини ҳеч ким, ҳеч қачон айтмаган. Ўқувчиларнинг бирортаси мактаб директорининг хузурига олиб кирилган ҳолат ҳақида ҳам гап тарқаманган.

- Биз, - деб гап бошлаган Гаррининг гапини дахлизда акс садо билан эшитилган овоз бўлди.

- Нима қиялпсиз бу ерда?

Зинада кўлига бир даста китоб ушлаб олган профессор Макгонагалл кўринди.

- Профессор Дамблдорга учрамоқчимиз, - деди Гермiona.

Рон билан Гаррига Гермionанинг овози етарлича мардонавор эшитилгандай бўлди.

- Профессор Дамблдорга? - сўради профессор Макгонагалл.

Профессор берган савол оҳанги Дамблдор билан учрашиш гўё уят ишдек эшитилди.

- Нима ишингиз бор эди унда? - яна сўради профессор Макгонагалл.

- Бу сир... - деди Гарри нима деб жавоб бериш кераклигини билмай, ютиниб қўйиб.

Аммо, профессор Макгонагаллнинг бурун катаги ишиб кетганини кўриб, шу захоти жавобидан афсус қилди.

- Профессор Дамблдор ўн дақиқа олдин жўнаб кетди, - деди профессор

Макгонагалл совук оҳангда, - Унга Сехргарлик вазирлигидан шошилинич йўлланган бойқуш келди. Табиийки, у дарҳол Лондонга учиб кетди.

- Кетди? - умидсиз хитоб қилиб юборди Гарри, - Шундай пайтда-я?

- Профессор Дамблдор буюк сехргар, Поттер. Унинг муҳим ва шошилинич ишлари жуда кўп.

- Бироқ бу, ниҳоятда муҳим хабар!

- Сиз етказмоқчи бўлган хабар, Сехргарлик вазирлигининг ишларидан ҳам муҳимми, Поттер?

- Тушунасизми... - гап бошлади Гарри ва ҳар қандай оғохликни йиғиштириб қўйдиди, - Профессор, гап Фалсафий тош ҳақида боради...

Кўлидан тушиб кетган китобларни териб олишни хаёлига ҳам келтирмаганлигидан, профессор Макгонагалл ўқувчилардан ҳар нарса кутган бўлса ҳам, бундай гапни кутмагани аён бўлди.

- Сизлар қаердан биласизлар? - мубҳам сўради у.

- Профессор, ўйлайман-ки... йўқ, аниқ биламан-ки, Сне... аллаким тош пайига тушган. Мен профессор Дамблдор билан гаплашишим керак.

Профессорнинг нигоҳида ҳайрат ила шубҳа уйғунлашиб кетди.

- Профессор Дамблдор эртага қайтади, - деди у ниҳоят, - Тош ҳақида қандай хабардор бўлиб қолганингиз менга қоронғи-ю, уни ҳеч бир зот ўғирлай

олмаслигини аниқ биламан. Сизларни ишонтириб айтишим мумкинки, тош жуда пухта ташкиллаштирилган муҳофаза остида сақланади. Бунга шубҳа қилмасангиз ҳам бўлаверади.



- Бироқ профессор...
- Поттер, мен нима деганимни жуда яхши биламан, - боланинг гапини шартта бўлди профессор ва эгилиб, китоб теришга киришиб кетди, - Яхшиси ховлига чиқиб, куёшда тобланинг.
- Болалар профессорнинг айтганини қилишмади.
- Бу иш бугун содир бўлиши аниқ, - деди Гарри, овозини профессор Макгонагалл эшитмаётганлигига ишонч ҳосил қилгач, - Снегг омборга бугун тунда киради. У барча зарурий маълумотларни қўлга киритиб бўлди. Дамблдор унга халал бера олмайди. Бойкуш йўллаган ҳам ўша, бунга ишончим комил! Сехргарлик вазириликдагилар Дамблдорни кўриб хайрон бўлишса керак.
- Хўп, қўлимиздан нима келади...
- Гермиона баланд овоз чиқариб хайратланиб кетганини эшитган болалар кескин ўгирилиб, орқа томонда турган Снеггни кўришди.
- Салом болалар, - деди у текис овозда.
- Болалар алик қайтармай ўқитувчига тик қараб туришди.
- Куннинг ажойиблигини қаранг! Сизлар эса совуқ қасрга кириб олибсиз, - давом этди у ғалати тиржайиб.
- Сабаби... - жавоб бошлади Гарри, нимани важ қилиш мумкинлигини тасаввур ҳам қила олмай.
- Эҳтиётлик билан иш тутишингизни тавсия этаман, - огохлантирди Снегг, - Сирли киёфа ила у ёк, бу ёкка юрганингизни кўрган ҳар қандай киши хаёлида яна бирон-бир иш бошлаганингиз тўғрисида фикр туғилиши мумкин. «Гриффиндор»нинг эса балл йўқотишига ортиқ йўл қўйиб бўлмайди. Шундай эмасми?
- Гаррининг жаҳли чиқди. Болалар ўқитувчига орқа ўгириб, ташқарига равона бўлишди.
- Эсингизда бўлсин, Поттер, - кичқириб қолди Северус, ўқувчилар орқасидан - Тунги сайрларингиз ҳақида яна бир бор эшитиб қоладиган бўлсам, сизни мактабдан ҳайдаш масаласи билан шахсан ўзим шуғулланаман. Омон бўлинг, - деди-да, ўқитувчилар хонаси томон йўл олди.
- Қасрнинг соябонли пиллапоясига чикқач, Гарри дўстларига юзланди.
- Алқисса, биз қуйидагича иш тутишимиз керак, - ишонч-ла пичирлай кетди у, - Бирортамиз ўқитувчилар хонаси яқинида туриб, Снеггнинг у ердан чиқиши ва келгуси хатти-ҳаракатларини мунтазам кузатиб боришимиз лозим. Бу ишни Гермиона қилгани маъқул деб ўйлайман.
- Нега энди мен?
- Бунинг сабаби аён-ку, - тушунтира кетди Рон, - Сен ҳар қандай вақтда ўзингни профессор Флитвикни кутаётган кўйга солиб олишинг мумкин, - деди-да, чийилдок овоз билан Гермионанинг овозига таклид қилиб, гапини давом этди: - Ох, профессор Флитвик, мен шундай хаяжондаман-ки, шундай хаяжондаман-ки назаримда имтиҳон саволларининг ҳаммасига ҳам тўғри жавоб бермадим, айникса 146-...
- Бас қил, - деди Гермиона, жаҳли чиқиб.
- Бир оз ўйлаб кўргач, Гаррининг таклифига рози бўлди.
- Биз эса учинчи қаватдаги ман этилган йўлакда навбатчилик қилиб турамиз, - деди Гарри Ронга, - Кетдик.
- Бироқ режанинг ушбу қисмини ҳаётга татбиқ этишининг имкони бўлмади. Икковлон Момиквойни қасрнинг бошқа хоналаридан ажратиб турган эшик ёнига яқинлашган эди ҳам-ки, аллақердан профессор Макгонагалл пайдо бўлиб қолди.
- Бу ерда қўлланилган бир олам афсунга нисбатан сизни четлаб ўтиш ўғрига қийин кечади деб ўйлайсиз-ми, - дарғазаб кичқирди у, - Бемаъни иш билан шуғулланишни

бас қилинг! Агар бирортангиз яна шу ерга келганингиз тўғрисида эшитиб қолгудай бўлсам «Гриффиндор»дан яна эллик балл айириб юбораман! Ха-ха, Уэсли, ўз коллежимдан айираман балларни!

Гарри билан Рон факультетнинг умумий меҳмонхонаси томон аста одимлаб кетишди.

- Жилла бўлмаса, Гермiona Снегнинг қаердалигидан бохабар бўлиб туради-ку, - деди Гарри, меҳмонхонага етиб келгач.

У гапини тугатиши ҳамоно Семиз Холанинг портрети кўтарилиб, туйнук остонасида Гермiona кўринди.

- Узр, Гарри, - ҳикиллади у, - Эсанкираб қолганимдан, қўлимдан ҳеч нарса келмади! Мени кўрган Северус ўқитувчилар хонаси ёнида нима қилиб юрганимни сўради. Профессор Флитвикни кутиб турганимни эшитгач, уни чақириб берди. Мен ҳозир профессорнинг ҳузуридан қайтпман. Снег қайси томонга равона бўлганидан эса хабарим йўқ.

- Нима ҳам дердим, ишлар пачавага бориб тақалди, шундайми? - деди паришон ҳолатда Гарри.

Ўртоқлари сукут сақлаб, унга қараб қолишди. Гаррининг ранги оқариб, кўзлари талвасалаганча ялтиради.

- Тошни ўғирлашга уриниб кўраман.

- Бутунлай ақлдан озиб қолибсан! - бақириб юборди Рон.

- Снег билан Макгонагаллнинг гапидан сўнг ҳам, шу ишга қўл урмоқ бўляпсанми? - чийиллаб юборди Гермiona, - Асло ундай қила кўрма! Сени мактабдан аямай ҳайдаб юборишади.

- НИМА БЎЛСА, БЎЛСИН! - бақириб юборди Гарри, - Нахотки тушунмаётган бўлсаларинг?! Снег тошни қўлга киритадиган бўлса, Вольдеморт қайтиб келади! Хукмини қўлига деярли батамом қўлга киритиб олганида нималар бўлгани ҳақидаги гапларни унутдингиз-ми? Қоидабузар ўқувчи ҳайдаб юборилиши мумкин бўлган «Хогварц»дан эса асар ҳам қолмайди! Мактабимизни аяб ўтирмай, кунпаякун қилиб ташлайди у ёки ёвуз кучлар мактабига айлантиради. Шундай экан, бугунги кундаги «балл йўқотиш» деган тушунчаларнинг зиғирдай маънисини қоладими?! Ёки сизлар, агар «Гриффиндор» бу йил мактаб кубогини қўлга киритса Вольдеморт сиз-у, биз ва оилаларимизни аяб ўтиради деб ўйлайсиз-ми? Агар тошни қўлимга киритганга қадар мени тутиб олишса, нима ҳам қилар эдим, анави мудхиш Дурслларникига қайтиб, Вольдеморт келишини ўша ерда кутиб ўтираман. Демак, кўзланган вақтга нисбатан сал кечроқ ўламаң, фарқи шу холос... Негаки, мен ЁВУЗ КУЧЛАР ТОМОНИГА ҲЕЧ ҚАЧОН ЎТМАЙМАН! Гапим қатъий, бугун тунда ертўладаги омборга тушаман. Мени ҳеч ким ва ҳеч нарса, эшитдингиз-ми, ҳеч ким ва ҳеч нарса тўхтатиб қолмайди! Вольдеморт менинг ота-онамни ҳалок қилган, буни унутмасликни сўрайман!

Унинг кўзи янада ярақлаб кетди.

- Гапинг ҳақ, Гарри, - рози бўлди Гермiona ингичка овоз билан.

- Кўринмас плашимни ташлаб оламан, - аҳд қилди Гарри, - Уни қайтариб беришгани айни муддао бўлди.

- Учаламиз сифамизми плашингга, ишқилиб? - шубҳаланди Рон.

- Учаламиз?

- Қўйсанг-чи, Гарри, нахотки биз сени ёлғиз юборсак?

- Йўқ, албатта, - зудлик билан овоз берди Гермiona, - Бизнинг ёрдамимизсиз қандай қилиб тошга етиб олмақчисан? Хўп, майли. Яхшиси хонамга бориб, уйқудан олдин ўқиладиган енгил мавзулар дарслигини варақлаб чиқай-чи, ажаб эмас тунги тадбиримиз учун бирор-бир керакли маълумот топсам...

- Аммо дўстларим... кўлга тушиб қолсак, сизларни ҳам аяб ўтирмай, хайдаб юборишади.

- Мени хайдашмас керак, - деди Гермiona, маънос оҳангда, - Флитвик менга, унинг фанидан топширилган имтихонда бир юз ўн икки фоизга эришганимни сир сақлаш шарт билан маълум қилди. Мендай қобилиятли ўқувчини йўқотишга журъат этиша олмайди.

- Сир сақлашни қотирар экансан. Камтаринликдан эса тикилиб қолмайсан, чоғи - деди Рон, одатдагидек киноя билан.

Кечки овқатдан сўнг, учовлон коллежнинг умумий меҳмонхонасида игна устида ўтиргандай ўтирди. Хайриятки, уларга ҳеч ким тегмади. Умуман айтганда, гриффиндорчиларнинг Гарри билан гаплашадиган гапи ҳам йўқ. Бугун эса Гарри, ўша тундан сўнг, Норберт ва Малфой туфайли юзага келган бундай ҳолатни биринчи бор ноҳуш деб топмади.

Гермiona дафтарларини варақлаб, бир оздан сўнг, куч-қудратини барҳам топтириш керак бўладиган бирор-бир афсун топишга уриниб ўтирди.

Рон билан Гарри деярли чурқ этмади. Икковлон бўлғуси хавфли саргузаштни хаёлан чуқур мулоҳаза қилиб ўтирди. Аста-секин ҳамма ўз хонасига тарқалди.

- Кўринмас плашингни олиб чиқадиган вақт бўлди, - деди Рон, керишиб, эснаб олганча, хонасига кириб кетаётган Ли Жорданни нигоҳи ила кузатиб.

Гарри қоронғи ётоқхона томон югурганча, айланма зина бўйлаб кўтарилди. Плашни кўлига олгач, Хагрид Рождество байрами муносабати билан совға қилган ёғоч флейтага кўзи тушиб қолди. Айни муддао. Гарри дағал ясалган мусиқа асбобини олиб, кассасига солди. Ҳозир уч бошли Момиквойни ухлатиш учун алла айтишга кайфият йўқ.

У шошилганча меҳмонхонага қайтиб тушди.

- Келинлар, уни устимизга ташлаб учаламиз сиғиш-сиғмаслигимизни билайлик. Тагин йўлакда юрган уч жуфт оёқни кўрган бечора Филчнинг юраги ёрилиб, мушуги етим қолмасин...

Кутилмаганда хонанинг нариги бурчагидан овоз эшитилди.

- Сизлар нима қиляпсиз бу ерда?

Катта креслонинг ортидан эркесвар қурбақаси Треворни кўлига ушлаб олган Невилль кўринди.

- Ҳеч нарса, Невилль. Айтарли ҳеч нарса қилаётганимиз йўқ, - жавоб қайтарди Гарри, плашини шоша-пиша орқасига яшириб.

Невилль синфдошларига диққат билан разм солиб, айбдор қиёфаларини ўрганиб чиқди.

- Яна-ми! - ниҳоят хулоса қилди у, ниманидир фаҳмига етгандай бўлиб.

- Йўқ-йўқ-йўқ, - ишонтиришга уринди уни Гермiona, - Ўзинг нега ухламаяпсан, Невилль?

Гарри эшик олдидаги полда турадиган баланд соатга қараб қўйди. Ҳар дақиқа ғанимат. Ҳозир эса уларни зое ўтказиб бўлмайди. Эҳтимол айна дамда Снег Момиквойни ухлатишга киришгандир.

- Ташқарига чиқиш мумкин эмас, - деди Невилль, қатъий оҳангда, - Сизларни яна тутиб олишади ва яна сизларнинг дастингиздан «Гриффиндор» жабр кўради.

- Сен билмайсан, Невилль, - таъсирли овоз билан гапирди Гарри, - Бу фавқулудда муҳим масала.

Бироқ Невилль, қоида бузилишига йўл қўймаслик учун сўнгги чора кўришга шай бўлиб турибди.

- Мен сизларни чиқармайман, - баёноат қилди у ва кўпол танасига хос бўлмаган ғайриоддий абжирлик билан Семиз Хола портретининг орқа томонига ўтиб,

ўртоқларининг йўлига тўғоноқ бўлиб олди, - Мен, мен сизлар билан муштлашаман!  
- Невилль, - дарғазаб бўлди Рон, - Йўлдан қоч, аҳмоқлик қилма...  
- Мени аҳмоқ дема! - бақириб берди Невилль, - Фикримча, қоидаларни етарлидан ортиқ буздиларинг, бас! Бунинг устига, ўзингиз ўргатгансиз курашишим кераклигини!  
- Тўғри, фақат бизга қарши курашгин деб ўргатмаганмиз-ку! - деди тишини тишига қўйган Рон, тушунтиришга уриниб, - Невилль, нима қилаётганингни ўзинг идрок этмаяпсан чоғи.  
У ўртоғи томон қадам босди. Невиллнинг кўлидан чиқиб кетган Тревор вақтни йўқотмай яна қоронғиликка кириб кетди.  
- Хўш, қани яқинроқ кел бўлмаса, ур мени, қани урчи - Невилль маҳкам сиқиб олган муштчаларини кўтариб олди, - Кел, мен тайёрман!  
Гарри Гермionaга юзланди.  
- Ўзинг бирор чора кўрмасанг бўлмайди, шекилли, - иложсиз илтимос қилди у. Гермiona бир қадам олдинга чиқди.  
- Невилль, дўстим, - деди у, - Ушбу ишни қилишга мажбур эканлигимга дилсиёхлик-ла иқрор бўламан. Мени кечир.  
Қизалоқ сеҳрли таёқча ушлаган кўлини баланд кўтарди-да:  
- Петрификус Тоталус! - деганча, ўртоғига ўқтади.  
Бирдан Невиллнинг кўллари танасининг ён бошларига, қайчи сингари ёпилган оёқлари эса бир-бирига ёпишиб қолди. Вужуди суяк бўлиб қотган бола турган жойида бир оз тебраниб турди-да, ерга юзи билан тахтадай тушди.  
Тез яқинлашган Гермiona уни белига ағдарди. Невиллнинг жағлари маҳкам сиқилган бўлиб, фақат жавдираган кўзларигина ўз чанокларида гир айланди.  
- Нима қилиб қўйдинг уни? - пичирлаб сўради Гарри.  
- Тўлиқ Тана-бинт, - маънос жавоб қайтарди Гермiona, - Эҳ Невилль, виждон азоби мени қанчалик қийнаётганини билсанг эди.  
- Биз ўз ишимизни қилишимиз керак Невилль. Бироқ қанақанги иш-у, унинг сабабларини сенга тушунтириб ўтиришга вақт йўқ, узр - деди Рон ва ўртоғининг танаси устидан хатлаб ўтиб, кўринмас плаш остига яширинди.  
Ерда хода сингари ётганча қолган Невилль иш бошидаги яхши аломат бўлмади. Асабий ҳолатда юрган болалар кўзига йўлда дуч келган ҳайкал Филч, ҳар бир эсган енгил шабада эса юқоридан учиб ташланаётган полтергейст Дрюзг бўлиб кўринди. Илк зинапояннинг биринчи поғонасига етиб келишлари билан юқоридаги зина майдончасида сайр қилиб, ўз патруллик хизматини виждонан ўтаб юрган миссис Норрисга рўбару бўлишди.  
- Бир бор бўлса ҳам яхшилаб тепай уни! Хумордан чиқай! - пичирлади Рон Гаррининг қулоғига.  
Розилик бермаган Гарри бош силтади. Мушук ёнидан аста ўтишаётганда миссис Норрис фонусдай келадиган кўзларини болалар томонга бир оз бақрайтириб турди-да, ҳеч нарса қилмай, нари кетди.  
Учовлон учинчи қаватдаги зинапояга етиб келгунга қадар бошқа ҳеч кимга рўбару бўлмади. Бу ерда эса зинапоя ўртасидаги поғоналар узра чайқалиб турган Дрюзг шолчани, унинг устида юрган одам сирпаниб тушадиган қилиб тортиб қўйиш билан машғул экан.  
- Ким юрибди бу ерда? - сўради сержахл майда кўзларини қисиб олиб, атрофга олазарақ қараб чиққан полтергейст, болалар яқин келишлари ҳамоно, - Хой, сени кўрмаётган бўлсам-да, шу ерда эканлигингни сезиб турибман. Қон сўрар арвоҳмисан ёки ўқувчимисан?  
У янада баланд кўтарилиб, болалар турган жойга диққат билан қараганча, бошлари

узра гир айлана бошлади.

- Филчни чакирмасам бўлмайти шекилли, - хулоса қилди полтергейст, - Тек қўйиб берсанг, хар хил кўринмаслар кўпайиб кетадиганга ўхшайди...

Шу тоб Гаррининг хаёлига кутилмаган фикр келиб қолди.

- Дрюзг, - деди у ясама хирилдоқ овоз билан, - Қонхўр Барон кўринмас бўлиши учун сабаб бор.

Қўрқиб кетган Дрюзг полга кулаб тушишига сал қолди.

- Маъзур сананг, мистер Барон Қонхўр жаноблари, - деди ерга бир метрча қолгандагина ўзини идора қилиб олган Дрюзг, тилёгламалик қилиб, - Танимабман, танимамай қолибман, пайқамай қолибман, сезмай қолибман, қария Дрюзгни ахлоқона хазили учун кечиринг, сэр.

- Шу яқин атрофда ишим бор, - давом этди Гарри, - Бугунги тунни бу ерлардан нарида ўтказганинг маъкул. Акс холда...

- Тушунарли, сэр, албатта, сэр, - ваъда берди Дрюзг, юкорига боз кўтарилиб, - Ишингиз бароридан келади деган умиддаман. Ортиқ безовта қилишга журъат этмайман, сэр...

Дрюзг гизиллаганча гум бўлди.

- Қойил қилдинг, Гарри! - пичирлади Рон.

Яна бир неча сониядан сўнг, учовлон учинчи қаватдаги йўлакка кириш эшигига етиб келишди. Эшикнинг кулфи очик.

- Хўш, кутгандай бўлди, - аста гапирди Гарри, - Снегг Момиквой ёнидан ўтиб бўлибди.

Кулфи очик эшикни кўрган болалар уларни қандай жиддий хавф кутаётганини илк бор идрок этишди. Гарри, плаш остида турганча, дўстларига юзланди.

- Қайтишни истасангиз, қарорингизни айбга буюрмайман, - деди у, - Плашни ҳам ола кетишингиз мумкин. У энди менга керак бўлмайди.

- Бемаъни гапни қўй, гарр, - деди Рон.

- Биз сен билан, - тасдиқлади Гермиона.

Гарри туртган эшик гирчиллаб очилди. Уларнинг қулоғига йўғон, бўғик ангиллаш эшитилди. Ит болаларни кўрмаётган бўлса-да, учала бахайбат бурни эшик томон бурилиб, зўр берганча хидлай бошлади.

- Оёғи олдида нима турибди? - пичирлади Гермиона.

- Арфага ўхшайди, - жавоб қайтарди Рон, - Снегг қолдириб кетган бўлса керак (*Арфа – чертиб чалинадиган катта мусиқа асбоби*).

- Чамаси, куй тўхтаса ит уйғонади, - деди Гарри, - Хўш, бошладик бўлмаса...

У Хагриднинг флейтасини оғзига солиб пуфлашга киришди. Эшитилган товушни куй деб айтиш қийин кечса-да, илк нотани эшитган итнинг кўзлари киртайиб, юмила бошлади. Гарри флейтани деярли нафас олмай, зўр бериб пуфлади. Итнинг ириллаши аста-секин тўхтаб, бахайбат оёқларини харакатлантирганча, тиззаларини букди ва ниҳоят ёнбошлаб, тарашадек қотиб қолди.

- Мафтункор кўйингни тўхтатма, - огохлантирди Рон.

Улар плашни аста ечиб, ертўла қопқоғига яқинлаша бошлашди. Ухлаб қолган учта каллага яқин боришар экан, итнинг хушбўйи деб бўлмайдиган қайноқ нафасини ҳис этишди.

- Қопқокни очиш имкони бор, назаримда, - деди Рон, ит каллаларидан бири узра қараб, - Тарбия кўрган жентлмен, одатда, аёл кишини олдин ўтказди. Гермиона, биринчи бўлиб ўтишни хохлайсан-ми?

- Йўк, истамайман!

- Ундай бўлса, мен ўтаман.

Рон тишларини маҳкам сиқиб олиб, итнинг оёғи устидан ҳатлаб ўтди-да, эгилганча,

туйнук қопқоғига маҳкамланган халқани ушлаб тортди. Туйнук очилди.

- Бирон нима кўрдинг-ми? - хавфсираб сўради Гермиона.

- Ҳеч нарса кўринмайди, ичкари қоп-қоронғи, нарвон ҳам йўқ, сакрашга тўғри келади.

Тиришиб флейта пуфлаётган Гарри Роннинг эътиборини ўзига жалб этиш учун қўлини силтаб, ўзи сакрашини имо қилган бўлди.

- Биринчи бўлиб ўзинг сакрамоқчимисан? Ишончинг комилми? - сўради Рон Гарридан, - Қанчалик чуқур эканлиги номаълум. Хўп, яхши, ундай бўлса, флейтани Гермионага бер. Кучукчанинг уйқуси бузилмасин, тагин.

Гарри флейтани Гермионага узатди. Атиги бир-икки сония давом этган танаффус давомида ит қайрилиб, ангиллаб олишга улгурди. Гермиона куй чала бошлаши ҳамано яна ухлаб қолди.

Гарри ит устидан хатлаб ўтиб, туйнукка қаради. Чуқурлик тубининг бирор-бир аломати кўринмайди.

Туйнук четларини ушлаб олган Гарри, бармоқлари учида осилиб қолгунга қадар эҳтиётлик билан пастга тушди-да, Ронга қараб:

- Агар менга бирор қор-ҳол бўлса, ортимдан тушманглар. Тўғри бойқушхонага бориб, Дамблдорга хабар йўлланглар.

- Кўнглинг тўқ бўлсин, - ваъда берди Рон.

- Ундай бўлса, умид қиламанки, бир дакиқадан сўнг учрашамиз.

Гарри қўлини бўшатди. У пастга, совуқ ва нам зулмат қаърига тўхтовсиз туша бошлади. Нихоят...

ШАЛП. У ғалати, бўғик, юмшоқ ғарчиллаган товуш чиқариб қулади. Қандайдир мулойим нарса устида ётибди. Гарри ўтириб олди-да, атрофини пайпаслади. Кўзи қоронғиликка ҳали кўникмаган.

- Ишлар жойида! - кичкирди у, юқорида, почта маркасидай кичкина кўринаётган туйнук оғзига қараб, - Қандайдир юмшоқ ўсимлик бор экан, сакранг.

Рон шу заҳоти сакради-да, Гаррининг ёнида чўзилиб ётиб олди.

- Қанаканги ҳазил бу? - сўради у.

- Билмадим, қандайдир ўсимлик. Сакраб тушиш учун атайин тўшалган таглик бўлса керак.

Юқорида эшитилаётган мусиқа товуши тинди. Хаёл ўтмай итнинг ақиллагани эшитилди. Пастга сакрашга улгурган Гермиона Гарридан сал нарига тушди.

- Биз мактаб остига, бир неча миля чуқурликка тушиб олдик шекилли.

- Хайриятки, мана бу ўсимлик бор экан, - деди Рон.

- Хайрият дейсанми?! - чийиллаб юборди Гермиона, - Ахволларингга қаранглар!

Қизалоқ сапчиб ўрнидан турди-да, зах девор томон талпинди. У пастга тушиши билан ўсимликнинг ўрмаловчи поялари тўпиғига чирмашиб олгани боис зўр бериб ҳаракатланишига тўғри келди. Гарри билан Рон эса оёқлари маҳкам ўралганини сезмай қолишган. Ўсимлик чангалидан қутулиб қолишга улгурган Гермиона ўз таналаридан лиана пояларини узиб, ўсимлик билан қурашаётган болаларга дахшат билан қараб қолди. Болалар қанчалик жадал тўлганса ўсимлик поялари уларни шу қадар тез ва маҳкам қамраб олмоқда (*Лиана – асосан тропик ва субтропик ўрмонларда ўсадиган чирмовик ўсимликларнинг умумий номи*).

- Қимирламанг! - буюрди Гермиона, - Бу қандай ўсимлик эканлигини биламан. Бу Иблис тўри!

- Нақадар бахтиёрмиз, ўсимлик номини билиб олдик, ана энди бемалол асфаласофилингга равона бўлишимиз мумкин, - деди Рон, ғазаби қайнаб.

Бўйинини ажал келтирадиган поядан четга олган Рон хириллаган овоз чиқарди.

- Жим! Халал берма, уни қандай ўлдиришни эшлашга уриняпман! - бақирди

Гермиона.

- Тезроқ эсла, нафас олишим кийинлашиб қолди! - деди кўкрагидаги пояларни узаётган Гарри, бўғиқ овоз чиқариб.

- Иблис тўри, Иблис тўри... нима деган эди-я, профессор Сарсабил хоним? Унга қоронғи ва зах жой ёқади...

- Демак, гулхан ёқишинг керак экан! - хириллади Гарри.

- Ҳа, албатта. Лекин ўтин йўк-ку бу ерда?!

- МИЯНГНИ ЕБ ҚЎЙДИНГ-МИ, ГЕРМИОНА? СЕХРГАРМИСАН ЎЗИ ЁКИ МАСХАРАБОЗ МАГЛМИСАН?

- Ҳа-я, - қувониб кетди Гермиона.

Қизалоқ сеҳрли таёқчасини силтаб, алланарса деб пичирлади-да, бир вақтлар, квидиш ўйини пайтида Снегнинг эгнидаги ридонинг этагини ўт олдирган каби ёрқин мовий оловнинг қудратли дастасини ўсимликка йўналтирди. Икки сония ўтгач, болалар лиана пояларининг кучи бўшашиб, олов тафти ва ёруғлиқдан чекинишганини ҳис этишди. Иблис тўри уларни аста-секин халос этди.

- Хайриятки гербология фанини пухта ўзлаштириб олган экансан, - деди Гарри, девор олдидаги Гермионанинг ёнига турганча, пешонасидаги терни артиб.

- Хайриятки Гарри мураккаб вазиятда ўзини идора қила олади, - деди Рон, - Топган гапини қаранг-а, «ўтин йўк» эмиш.

- Бу томон юрамиз, - деди Гарри ягона йўл бўлмиш тош туннель томон кўрсатиб.

Ўз қадам товушларидан ташқари, болалар, ўта зах девордан ерга оқиб тушаётган сув томчиларининг товушини эшитиб боришди. Туннель ер қарига қараб кетгани боис Гарри беихтиёр «Гринготтс»ни эсга олди. Сеҳрли банкни аждарлар қўриқлаши ёдига тушгач, юраги орқага тортиб кетди. Агар ҳозир қатта аждар дуч келиб қолса-чи. Гарчи, Норбертнинг ўзи ҳам кичиклик қилмайди ҳозир.

- Эшитдинг-ми? - пичирлади Рон.

Гарри қулоғига зўр берди. Юқоридан шитир-шитир ва қурқур товуш эшитилди.

- Нима деб ўйлайсан, арвоҳми?

- Билмадим... Кўпроқ қанот товушига ўхшаб кетяпти.

Болалар туннелдан чиқиб, шифти гумбазсимон, ёрқин ёритилган залга кириб қолишди. Зал олмос сингари ялтираётган митти қушларга тўлган. Улар у ёқ, бу ёққа тартибсиз, париллаб учиб юришибди. Рўпарада эса эмандан ясалган қалин эшик кўринди.

- Залдан юриб ўтсак, ташланиб қолишармикан? - сўради Рон.

- Эҳтимол, - жавоб қайтарди Гарри, - Кўринишидан хавфлига ўхшашмайди-ю, агар ҳаммаси бирданига ташланиб қолишса... нима ҳам қила олар эдик, бошқа йўл йўк... мен югурдим бўлмаса.

Гарри чуқур нафас олди-да, юзини қўли билан бекитиб, эшик томон югурди. Ҳозир унинг баданига ўткир тумшукчалар-у, пўлатдай тирноқчалар санчилишини кутди. Бироқ ҳеч нарса рўй бермай, нариги томонга эсон-омон етиб олиб, дастани тортгач, эшик қулфланганлигига ишонч ҳосил қилди.

Ҳамроҳлари келиб, эшикни итариб ҳам, тортиб ҳам кўришди. Эшик очилмади.

Ҳатто Гермионанинг «Аллоомору»си ҳам қор бермади.

- Ҳўш, энди нима қилдик? - кизиқиб сўради Рон.

- Мана бу қушчалар... бежиз учиб юришмагандир. Бу ерда бир гап бўлиши керак... - ўйланиб қолди Гермиона.

Болалар бош узра ялтираб учиб юрган қушчаларни томоша қилиб туришди...

Ялтираб?

- Булар қуш эмас, - дафъатан хитоб қилди Гарри, - Калитлар-ку! Қанотли калитлар! Разм солиб қаранг! Бинобарин...

Дўстлари эътибор қаратгунга қадар, у атрофга кўз югуртириб чиқди.

- Тўппа-тўғри! Қаранг, супургилар! Демак, мана бу эшикка тушадиган калитни тутиб олишимиз керак экан-да!

- Ахир бу ерда юзлаб калитлар учиб юрибди-ку! Улардан қайси бирини тутиш керак? - хайратланди Гермиона.

- Бу қулфга катта, эски бичимда тайёрланган ва эшик дастасига ўхшаш кумуш калит тушади, чамаси, - фикр билдирди Рон, қулфни диққат билан ўрганиб чиқиб. Учовлон биттадан супурги эгарлаб, ўзларини калитлар галасининг қок ўртасига уришди. Калитлар шу қадар тез изғишар эдики, болалар қанчалик уринишмасин, бирорта ҳам калит тутиб олишмади.

Ҳар қалай Гарри, сўнги юз йилликнинг энг ёш Сайёди этиб бежиз тайинланмаган. Бошқалар кўрмаган нарсани кўриб, кузатиш қобилияти бор унда. Ранг-баранг қанотлар гирдобиди бир оз қўл силтаб учиб юргач, яқиндагина тутиб олиниб, дағаллик билан қулфга суқилганлигидан қаноти ён бошига эзилиб қолган йирик кумуш калитни кўриб қолди.

- Топдим, ана у! - бақирди Гарри, - Ана, йўқ у томонга эмас, бу томонга қаранглар, оч мовий қаноти ён бошига эгилган. Кўрдингиз-ми?

Рон ўзини, Гарри кўрсатган томонга ташлади ва шифтга урилиб, супургидан қулаб тушишига сал қолди.

- Қуршанг уни! - кичқирди Гарри, қаноти эзилган калитдан кўзини узмай, - Рон, сен юқоридан кел, Гермиона, сен пастда қолиб, йўлини тўс. Мен эса уни тутиб олишга уриниб кўраман. Хўш, бошладик, БОШЛАДИК!

Рон пастга шўнгида, Гермиона ракета сингари юқорига кўтарилди. Калит иккаласига ҳам чап бериб, қочди. Бироқ Гаррининг таъкиби остида қолгач, девор томон учди. Гарри олдинга энгашди-да, ўлжани деворга қарсиллатганча уриб, ёпиштириб қўйди. Залда Гермиона билан Роннинг баралла хитоби янгради. Учовлон зудлик билан ерга қўнғач, Гарри, қўлидан силтаниб чиқишга уринаётган калит билан эшик томон югурди. Эшик қулфи очилиши билан шу бугуннинг ўзиди иккинчи маротаба тутиб олинган калит қулф тешигидан отилиб чиқиб, эзилиб кетган ахволда нари учиб кетди.

- Хўш, тайёرمىсиз? - сўради Гарри, кафтини эшик дастасига қўйиб.

Дўстлар бош ирғигач, Гарри эшикни очди.

Навбатдаги зал жуда қоронғи, болаларга деярли ҳеч нарса кўринмади. Лекин ичкарига қадам қўйишлари билан хона ёришиб кетиб, уларнинг кўз ўнгида ғаройиб манзара очилди.

Болалар ниҳоятда катта шахмат тахтасининг четига чиқиб олишганча, қора тошдан ўйиб ясалган, баланд қора доналар ортида туришганини кўришди. Тахтанинг нариги томонига оқ доналар терилган. Бўйи миноралардай кўтарилиб турган оқ доналарнинг юзлари тасвирланмаган. Учовлон ўртоқ бир оз кўрқиб кетишгандай бўлди.

- Энди нима қилишимиз керак? - пичирлади Гарри.

- Аён-ку, - деди Рон, - Тахтанинг нариги томонига ўтиш учун шахмат ўйнаш керак. Оқ доналар ортида навбатдаги эшик кўриниб турибди.

- Ҳозир шахмат ўйнашимиз керакми?! - хайрон бўлиб сўради Гермиона.

- Фаҳмимча, ҳар биримиз, ушбу ўйинда, шахмат донаси сифатида иштирок этишимиз лозим, - ғудулади Рон.

У қора отга яқин бориб, узатган қўлини отга теккизди. От шу захоти жонланиб, тепсина бошлади. От устидаги дубулға кийган рицарь эгилиб, Ронга қаради.

- Нариги томонга ўтиб олиш учун биз... м-м-м... сизларга қўшилишимиз керакми? Қора рицарь бош ирғигач, Рон дўстларига юзланди.



- Ана, айтдим-ку. Ҳозир. Ўйлаб олай... - деди у, - Қора пиёдалар ўрнини эгаллашимиз керак чоғи...

Гарри билан Гермiona Ронга халақит бермай, жим туришди. Ниҳоят Рон ўйига етгандай бўлди.

- Болалар, фақат хафа бўлманглар-у, иккалангиз шахматни ниҳоятда ёмон ўйнайсиз...

- Йўқ, биз хафа эмасмиз, - Роннинг гапини бўлди Гарри, - Энг асосийси, нима қилишимиз кераклигини айтсанг бўлди.

- Гарри, сен фил ўрнини эгаллайсан, Гермiona эса ўнг томондаги рух ўрнида ўйнайди.

- Ўзинг-чи?

- Мен от бўламан, - қарор қилди Рон.

Шахмат доналари Роннинг сўзларини диққат билан эшитганга ўхшайди. Негаки, Рон гапини тугатгач, қора от, рух ва фил оқ доналарга орқа ўгиришди-да, ўз ўринларини болаларга бўшатиб беришганча, шахмат тахтасини тарк этишди.

- Одатдагидек, оқлар бошлашади, - деди Рон, рақибнинг бир текис сафига разм солиб, қараб чикқач, - Дарҳақиқат... қаранг...

Оқ пиёдалардан бири икки катак олдинга чиқди.

Рон қора доналарга рақиблик қилишга киришиб кетди. Улар болага сўзсиз бўйсуниб, тайинланган катакка қўчиб ўта бошлашди. Хавотирланган Гаррининг тиззалари қалтирай бошлади. Ютқазиб қўйишса нима бўлади?

- Гарри, диагональ бўйлаб, тўрт катак ўнгга юр.

Қораларнинг иккинчи оти бой берилганида, болалар серрайиб қолишди. Гап шундаки, оқ фарзин чавандозни ерга қулатиб, судраганча, шахмат тахтасидан ташқарига улоқтириб юборди. Бечора рицарь юзи билан ерга тушиб, қилт этмай қолди.

- Шундай қилишга мажбур бўлдим, - оқлай кетди ўзини, қилмишидан изтироб чекаётган Рон, - Энди, Гермiona, хў анави оқ филни уришинг мумкин, олға.

Ҳар сафар, қора доналар бой берилганида, оқ доналар ўз шафқатсизлигини очикдан-очик намоён қилишди. Қўп ўтмай, девор ёнида қора доналарнинг жонсиз уюми ҳосил бўлди. Гарри билан Гермiona хавфли вазиятга тушиб қолган ҳолатларни Рон икки маротаба ўтқазиб юборишига сал қолди. Ўзи эса тахта бўйлаб яшин тезлигида югуриб-елиб, оқлар нечта қора дона уришган бўлса, ёлғиз ўзи шунча оқ дона уриб борди.

- Деярли етиб келдик, - кутилмаганда ғудуллади Рон, - Шошмай турунг, ўйлаб олай...

Оқ фарзин ўзининг бўш юзини Ронга қаратди.

- Ҳа... - деди Рон, - Ягона йўл шу... Мен ўзимни қурбон қилишим керак.

- ЙЎҚ! - баралла қичкириб юборишди Гарри билан Гермiona.

- Шахмат-ку бу, ахир! - кескин бўлди уларни Рон, - Бу ўйинда доимо ниманидир қурбон қилиш керак! Агар мен навбатдаги юришимни бажарсам, оқ фарзин мени уриб, ўрнимга туриб олишга мажбур бўлади. Бунинг эвазига сен, Гарри, бориб шохни мот қиласан!

- Аммо...

- Северусни тўхтатиш ниятинг борми ёки аҳдингдан қайтдинг-ми?

- Рон...

- Қулоқ сол, агар тезроқ кимирламас экансан, ҳозир Снегг тошга эга бўлиб олади! Бошқа муқобил йўл топилмади.

- Тайёрмисиз? - қичқирди Рон, оқариб кетган қатъий юзи билан, - Мен кетдим. Мот қилишингиз билан имилламай, дадил ҳаракатланинг!

У ўз юришини бажариши билан оқ фарзин болага ташланиб, тош қўли билан бошига солди. Дахшатга тушган Гермiona қичкириб юбориб, ўзини базўр тўхтатиб қолди. Оқ фарзин ерга қулаган болани шахмат тахтасидан судраб чиқиб, четга улоқтирди. Хушини йўқотган Рон қилт этмай ётди.

Тиззаси тўхтовсиз қалтираётган Гарри диагональ бўйича чап томонга уч катак олға босди.

Ниҳоят оқ шох бошидаги тожини ечиб, Гаррининг оёғи остига ташлади. Қоралар ютди. Омон қолган оқ доналар таъзим бажо айлаганча, эшик томон йўл беришди. Ронга сўнгги бор умидсиз қараб қўйган болалар эшиқдан кириб, навбатдаги йўлакка чиқишди.

- Агар Рон...

- У тирик, - деди Гарри, ўзини ўзи ишонтиришга уриниб, - Нима деб ўйлайсан олдинда бизни яна қандай синов кутяпти?

- Биз профессор Сарсабил хонимнинг Иблис тўрини енгиб ўтдик. Калитлар профессор Флитвикнинг қилиғи бўлса керак. Профессор Макгонагалл эса шахмат доналарига жон ато этган. Олдинда профессор Белка билан Снегг тузуклари қолди...

Улар навбатдаги эшикка яқинлашди.

- Хўш? - пичирлади Гарри.

- Оч.

Гарри эшикни туртди.

Хонага жирканч ҳид уриб кетган. Коржомалари билан бурунларини бекитиб олишган болаларнинг кўзларини аччиқ бадбўй ҳид ёшлантириб юборди. Улар кўз ёшлари аро, ерда чалқанча тушиб ётган троллнинг жасадини кўришди. Бу тролль, Хэллоуин куни «қизлар хонаси»да курашган троллга нисбатан анча йирик экан. Бошида қонли жароҳат кўриниб турган тролль қотиб қолибди.

- Хайрият, у билан курашишга тўғри келмади, - пичирлади Гарри, троллнинг йирик оёғи устидан ҳатлаб ўтиб, - Юр тезроқ, нафасим қайтиб кетяпти.

Улар навбатдаги эшикни очишди. Юраги бетламай қолган болалар ичкарига қарашга ўзларини мажбур қилишди. Бироқ бирон-бир хавфли вазият юз бермади. Хона ўртасидаги кичик стол устига турли шаклда ясалган етти дона шиша идиш бир қатор терилган.

- Северус қўйган тузук, - фахмлади Гарри, - Хўш, нима қилиш керак?

Улар остона ҳатлаб ичкарига киришлари билан орқа томонда ғайриоддий қирмизи олов гувиллаб кетди. Шу фурсатнинг ўзида рўпарадаги эшик остонасидан қора олов кўринди. Болалар икки олов исканжасида, тузукка тушиб қолишди.

- Қара!

Гермiona шиша идишлар ёнида ётган пергамент ўрамини чангаллаб олди-да, унда битилган ёзувни Гарри билан бирга ўқишга киришди.

*Қаршингизда хавф бўлар, хавфсизлик ортингизда,*

*Заковатни ишлатинг – ҳаётингиз ақлингизда.*

*Иккиси ёрдам берар, уларни топмоқ даркор,*

*Еттимиздан биримиз – олға юринг берар кор,*

*Биримизни ичсангиз ортга олиб қайтармиз,*

*Ҳаммамиздан иккимиз қичитқи ўт шарбатмиз,*

*Сафимизда учовлон қотиллар, ичинг – ўлинг,*

*Қамоқда қолган кундан шу йўлни маъқул билинг,*

*Ёрдам берайлик майли, тўртта йўл кўрсатайлик:*

*Мана бири,*

Заҳар ҳарчанд уринсин, яширинсин, бекинсин,  
Шарбатдан чапда турар, ёдингиздан чиқмасин;  
Иккинчиси,  
Турли томон турганлар турлича фарқ қиларлар,  
Олга юрсангиз-да бас, душманга айланарлар;  
Учинчиси,  
Ўлчами турли бўлиб, кўзни унча алдамас,  
Баҳайбат ҳам, митти ҳам сизга ажал келтирмас;  
Тўртинчиси,  
Чапдан икки, ўнгдан икки қиёфаси ўхшамас,  
Мазасини татиб кўринг бир-биридан фарқ қилмас.

Гермиона кулиб, оҳ урди. Унинг бундай мураккаб дақиқалардаги табассуми  
Гаррини таажжублантирди.

- Жуда соз, - хитоб қилди Гермиона, - Бу афсун эмас, мантиқий топишмоқ. Аксарият  
буюк афсунгарларда зиғирдай бўлса ҳам, мантиқий фикр юритиш қобилияти  
бўлмаган. Улар чиндан ҳам бу ерда бир умр қолиб кетган бўлишар эди. Снегг буни  
яхши билади.

- Демак биз ҳам қолиб кетамиз ёки ундай эмасми?

- Йўқ, албатта, - деди Гермиона, - Бизга керак бўлган жамики ахборот шу  
сатрларнинг ўзига яширилган. Еттита шиша идиш, улардан: учтасида захар бор,  
иккита идишга шарбат қуйилган, биттаси қора оловдан ўтказса, яна бири қирмизи  
оловни енгиб ўтишга имкон беради.

- Қайси идишда нима борлигини қандай биламиз?

- Бир дақиқа ўйлаб олай.

Гермиона шеърни бир неча бор такрор ўқиб чиқди-да, шиша идишлар қатори  
ёнидан алланима пичирлаб, бармоқчасини идишларга ўқтаганча бир оз у ёқ, бу ёқка  
юриб чиқди. Ниҳоят у, қарс урди.

- Тушундим, - баёнот қилди у, - Энг кичкина идишча бизни қора оловдан ўтказиб,  
тошга олиб боради.

Гарри миттигина идишга қараб қўйди.

- Унинг ичидаги дамлама бир кишига етса ҳам катта гап, - деди у, - Қара, базўр бир  
хўплам чиқади.

Улар бир-бирига қараб қўйишди.

- Қайси бири қирмизи оловдан ўтишга ёрдам беради?

Гермиона ўнг томондан биринчи турган юмалоқ шиша идишни кўрсатди.

- Ич уни, - буюрди Гарри, - Гапларимга диққат билан қулоқ сол. Орқага қайтгин-да,  
Ронни ҳушига келтир. Иккалаларинг калитлар учиб юрган хонадаги супургиларни  
эгарланг. Супургиларда лиана узра учиб ўтиб, чуқурликдан юқорига чиқинг-да,  
Момиквой ёнидан тез ўтиб олинг. Шундан сўнг, тўғри бойқушхонага бориб,  
Хедвигни Дамблдор кетидан учиринг. Профессор бизга керак. Мен эҳтимол  
Северусни бир мунча вақт ушлаб қоларман-у, лекин мен унга бас келадиган рақиб  
эмасман.

- Бироқ Гарри, агар у ерда Ўзинг-Биласан-Ким бўлса-чи?

- Нима ҳам қилар эдим, қачонлардир мен ундан қутулганман-ку, шундай эмасми? -  
деди Гарри пешонасидаги чандиғини кўрсатиб, - Эҳтимол, бу сафар ҳам омадим  
чошиб қолар.

Гермионанинг лаблари титраб кетди. У қутилмаганда Гаррига ташланиб, қўллари  
билан бўйнини қучиб олди.

- Гермиона!

- Гарри, биласанми, сен буюк сеҳргарсан!
- Сенга етиб олишимга хали анча бор, - деди у, Гермiona кўлларини туширгач.
- Менга! - хитоб қилди Гермiona, - Мен китоб ўқиганман холос! Эҳтимол зехним нисбатан ўткирдир! Лекин бундан-да муҳимроқ – садоқат ва жасорат каби тушунчалар бор. Ох, Гарри! Ўзингни эҳтиёт қил!
- Олдин сен ич, - деди Гарри, - Қайси идишда нима борлигига ишончинг мутлако комилми?
- Мутлако, - деди Гермiona.

У юмалок идишни кўлига олдида, яхшигина хўплаб олгач, бир сесканиб олди.

- Захар эмасми? - хавотирланди Гарри.

- Йўк, музлатар экан.

- Бор, дори таъсири бархам топишидан олдин оловдан ўтиб ол.

- Омад сенга, Гарри. Ўзингни эҳтиёт қил.

- БОР!

Гермiona ўгирилиб тикка қирмизи оловга кириб кетди.

Гарри чуқур нафас олдида, энг кичкина идишни кўлига олиб, қора олов томон юзланди.

- Ҳозир етиб оламан, - деди у ва бир кўтариб, идишни бўшатди.

Ҳақиқатан ҳам бутун вужуди музга айланиб қолганини ҳис этди. Гарри идишни жойига қўйиб, олға одимлади. Бола кўллари билан ўзини қучиб олди. Олов бутун танасини қамраб олган бўлса ҳам, ҳарорати сезилмади. Қандайдир фурсат давомида боланинг кўзлари оловдан бошқа ҳеч нарсани кўрмай қолди. Яна бир неча кадам юргач, оловнинг ортига, сўнгги залга кириб борди.

У ерда яна бир киши турибди. Бироқ у, Снегг ҳам, Вольдеморт ҳам эмас.

## **XVII БОБ.**

## **ИККИ ЮЗЛИ ОДАМ**

Таажжуб, хонада Белка турибди.

- Сиз! - ҳайрон бўлди Гарри.

Одатда, титраб турадиган юзи энди титрамай қўйган Белга болага қараб қулиб қўйди.

- Мен, - хотиржам жавоб қайтарди у, - Иккаламизнинг шу ердаги учрашувимиз ҳақида ўйлаб юрар эдим доимо, Поттер.

- Бироқ ўйлашимча, бу ерда... Снегг...

- Северус-ми? - қаҳқаҳлаб юборди Белка.

Қаҳқаҳа ҳам Белканинг, одатда, асабий, титроқ кулгисидай эмас, аксинча, жуда қатъий, совуқ янгради.

- Нима ҳам дейман, - давом этди Белка, - Снеггнинг ранги-рўйи-ю, кепатасига қараганда чиндан ҳам ёвуз кишига ўхшаб кетади, шундай эмасми? Гўё йирик кўршапалак каби доимо атрофимда парвона. Унинг олдида м-м-мендай, б-б-бечора д-д-дудук п-п-профессор Б-б-белкадан к-к-ким ҳам ш-ш-шубхаланар эди?

Гарри ўз қулоқларига ўзи ишонмайди. Бўлиши мумкин эмас. Бундай бўлиши мумкин эмас.

- Ахир Снегг мени ўлдириш пайида юрган эди-ку!

- Йўк, йўк, йўк. Сени ўлдиришга Снегг эмас мен уринганман. Ўша қвидиш ўйинида дўстинг мисс Грэнжер Снеггни ёкиб юборишга шу қадар ошиқиб бордики, ҳатто мени ҳам бехос туртиб юбориб, нигоҳимни сендан узиб қўйди. Акс холда, яна икки сониядан сўнг, супургидан қулатиб, қатта кўчада босиб олинган қурбакага ўхшатиб қўйган бўлар эдим сени. Снегг... Агар у мен ўқиётган афсунга қарши афсун ўкиб ўтирмаганда, сени тинчителишга қўп вақт кетмас эди. Ўша қуни ўтирган жойида сени

жонингни сақлаш билан банд бўлган.

- Снегг мени хаётимни сақлаб ўтирди-ми?

- Албатта! - совуқ оҳангда тасдиқлади Белка, - Нима деб ўйлайсан, нега энди Снегг дабдурустдан кейинги ўйинга ҳакамлик қилишга истак билдириб қолди? Чунки у, иккинчи бор уринишимга йўл қўймаслик керак деб ўйлаган ўзича. Кулгили...

Бунчалик ташвиш чекмаса ҳам бўлар эди. Дамблдор бор жойда менинг қудратим жуда заиф... Қолган ўқитувчилар орасида эса Снегг ҳақида нотўғри фикр шаклланди. Снегг гриффиндорчилар ғолиб чиқишига тўсқинлик қилмоқчи деб ўйлашди... Бу эса ўз навбатида, унинг обрўсига путур етказди... Энг асосийси, шунча вақт-у, куч беҳуда сарф этилгани бўлди. Ахир бари-бир ҳозир ўлдираман-ку сени.

Белка бармоқларини шақиллатди. Дафъатан ҳавода арконлар пайдо бўлиб, Гаррига ўралишди-да, болани турган жойида ҳаракатсизлантириб, маҳкам боғлаб қўйди.

- Сен ҳаддан ортиқ қизиқувчиан боласан. Бундай кишилар хавфли саналиб, уларни тирик қолдириб бўлмайди. Хэллоун куни мактаб бўйлаб сандироқлаб юрганини қаранг-а! Фаҳмимча, тош қандай сақланаётганини ўрганиб чиқиш учун борганимни кўриб қолгансан, а?

- Ўша куни троллни қасрга киритган сизмидингиз?

- Албатта. Троль овига қобилиятим ўзгача. Бу ерга кириш йўлагини қўриқлаган бечора троллинг аҳолини кўриб, ишонч ҳосил қилгансан, деб ўйлайман? Бахтга қарши, ўша куни ҳамма тролль кетидан қувиб юрганда, тентак Снегг, тўғри учинчи қаватга йўл олди. У анча вақтдан буён мендан шубҳаланиб юрган. Мендан сал эртароқ ҳаракат қилди... Оқибати нима бўлди? Троль сени бир ёкли қилмагани камлик қилгандай, анави уч каллали аҳмоқ ит ҳам Снеггнинг оёғини тузук-қурук тишлаб, узиб олмади! Ҳозир эса Поттер, жим бўл! Мен мана бу кўзгуни яхшилаб ўрганиб чиқишим даркор.

Гарри профессор Белканинг ортида нима турганини энди фаҳмлади. Кўнгилдаги орзулар кўзгуси шу ерга яшириб қўйилган экан.

- Тошни мана шу кўзгу ёрдамида топиш мумкин, - ғудуллади Белка, кўзгу ромини бир четдан тақиллатиб чиқар экан, ўзи билан ўзи гаплашиб, - Дамблдордан яна нимани ҳам кутиш мумкин... У ҳозир Лондонда бўлса... Қайтиб келганида, мен бу ерлардан жуда узоқда бўламан...

Белкага халал бериш учун уни гапга солиб, хаёлини кўзгудан чалғитиш керак, ният қилди Гарри.

- Мен сиз билан Снегг иккалангизни ўрмонда кўрганман! - деди у.

- Тўғри, - истар-истамас жавоб қайтарди Белка, кўзгу ортига ўтиб, - У менга айб қўйиб, қанчалик ҳаддан ошиб кетганлигимни билишга уринди. Доимо мендан шубҳалангани-шубҳаланган. Мени кўркитиш ҳаракатини ҳеч қўймади-қўймади. Гўё ҳукми зўр унинг. Билмайди-ки, лорд Вольдемоорт мен томонда!

Белка олдинга чиқиб, кўзгуга тикилиб қолди.

- Мен тошни кўриб турибман... - деди у, яна ўзи билан ўзи гаплашиб, - Уни Сохибга топшираётганимни ҳам кўряпман... Бироқ қани ўша тош?

Гарри бор кучини ишга солиб, аркон чангалидан халос бўлишга уринди-ю, кучи етмади. Нима қилганда ҳам, Белкани кўзгудан чалғитиш керак, хаёлдан ўтказди у.

- Назаримда, Снегг, мендан жуда нафратланади.

- Ҳақ гап. У чиндан ҳам сендан нафратланади, - тасдиқлади Белка, -

Нафратланганда ҳам шундай нафратланадики, қўяверасан. Ахир у «Хогварц»да отанг билан бирга ўқиган. Билармидинг? Улар бир-бирини кўргани кўзи, отгани ўки йўқ эди. Шунга қарамай, сени ўлдириш, унинг режасига кирмаган. Бу борада кўнглинг тўқ бўлсин.

- Бир неча кун олдин қайсидир синф хонасида йиғлаганингизни эшитган бўлдим. Назаримда Снегг сизга дўк-пўписа қилгандай бўлди...

Биринчи бор кўркув хисси Белканинг юзини буриштириб юборди.

- Баъзан, - деди у, - Сохибнинг амрини бажариш менга жуда қийин кечади. У буюк сеҳргар, мен эса унинг жуда заиф қулиман...

- Айтмоқчисиз-ки, сохибингиз ўша хонада сиз билан бирга бўлган?! - хайратланиб сўради Гарри.

- Мен қаерда бўлмай, у доимо мен билан, - хотиржам жавоб қайтарди Белка, - У билан жаҳон бўйлаб саргузашт қилиб юрган кезларимда учрашиб, танишганман. Ўшанда мен эзгулик ва ёвузлик ҳақида қулгили тасаввурга эга гўр йигитча бўлган эдим. Лорд Вольдеморт, ушбу тасаввурлар қанчалик бемаъни эканлигини яхшилаб тушунтириб қўйди. Бу дунёда на эзгулик ва на ёвузлик бўлади. Ягона ҳақиқат – мутлақ ҳокимиятдир. Шундайлар борки ҳокимиятга эришиш учун жуда заифлик қилади... Ўша даврлардан эътиборан мен унга садоқат-ла, астойдил хизмат қилиб келмоқдаман. Гарчи кўп бор умидини пучга чиқариб, панд берган бўлсам-да. Бунинг учун эса Сохиб ҳақли равишда мени жазолайди, - бирдан Белка сесканиб кетди, - Сохиб хатоларни кечирадиганлардан эмас. Фалсафий тошни «Гринготтс»дан олиб чиқишга муваффақ бўлмаганимда Сохиб мендан жуда қаттиқ ранжиди. Табиийки, мени жазолаб... хатти-харакатларимга кўпроқ эътибор қаратишга аҳд қилди...

Ўзи билан ўзи гаплашаётган Белканинг овози сўниб бориб, ниҳоят уни батамом ўчиб қолди. Гарри Диагон хиёбонида ўтказган туғилган кунини эслади. Шунчалик овсар бўладими бола деган, ахир ўша куни «Тешик тош»да профессор Белка билан илк бор танишиб, қўл бериб саломлашган эди-ку!

Белканинг сўкиниши эшитилди.

- Ҳеч тушунмайман... Тош кўзгунинг ичидами, нима бало? Синдириб юбораймикан уни?

Гарри миясини яшин тезлигидай ишлата бошлади.

Ҳозир мен тошни Белкадан олдин топишни истайман, хаёлдан ўтказди у. Демак, агар мен кўзгуга қарайдиган бўлсам, тошни қидириб топганимни, яъни тош қаерга яширинганлигини кўраман! Бироқ кўзгуга қай тарзда қарасам Белка сезиб қолмас экан?

У кўзгунинг қаршисига туриш учун чап томон силжиш ва айни пайтда ўз ниятини Белкага ошқор эттириб қўймасликка уриниб кўрди. Бироқ арқонлар унинг оёқларини ниҳоятда маҳкам сиқиб қўйган. Гарри қоқилиб кетиб, ерга қулаб тушди. Профессор унга эътибор ҳам қаратмади. У ҳозир ўзи билан ўзи гаплашмоқда.

- Бу лаънати кўзгунинг сири нимада экан, а? Қандай қор кўрсатади у? Ёрдам беринг, Сохиб!

Ушбу мурожаатга жавобан гўё Белканинг ўзидан жавоб чиққанини эшитган Гарри қаттиқ кўрқиб кетди.

- Боладан фойдалан... Боладан...

- Хўп бўлади.

Белка кескин Гаррига юзланди.

- Поттер, бу ёққа кел.

У қарс урди. Болани маҳкам сиқиб турган арқонлар бўшаб, ерда қолди. Гарри аста оёққа турди.

- Бу ёққа кел, - такрор буюрди Белка, - Кўзгуга қарагин-да, нимани кўрганингни менга айт.

Гарри Белкага яқин келди.

Ёлгон гапириш керак, хаёлдан ўтказди Гарри, умидсиз аҳволга тушиб, кўзгуга

караш керак-да, бирор-бир ёлгон тўкиш керак.

Белка Гаррига яқинроқ келиб олди. Гарри салладан таралаётган ғалати хидни хис этди. Кўзини юмди-да, кўзгунинг қаршисига келиб, очди.

Дастлаб бола ўзининг юзи оқариб, кўркиб кетган аксини кўрди. Бир сония ўтгач, акси унга қараб кулиб қўйди-да, кўлини киссасига солиб, қондай кип-кизил тошни чиқариб кўрсатди. Шундан сўнг, акс кўзини кисиб қўйиб, тошни яна киссасига солди. Айни шу пайтда Гарри ўзининг ҳақиқий киссасида аллақандай оғир жисм пайдо бўлганини сезиб қолди. Тушуниб бўлмас ҳолатда у тошни кўлга киритди.

- Хўш? - сўради Белка сабрсизлик билан, - Нимани кўряпсан?

- Дамблдор билан кўл бериб сўрашаётганимни кўряпман, - тўқиди Гарри, - Мен... мен мактаб кубогини кўлга киритибман.

Белка яна сўкинди.

- Йўқол бу ердан, - ўшқирди у.

Гарри сони билан тошни хис этганча, кўзгудан нари кетди. Қочишга уришиб кўрайми?

У беш қадам нари кетишга улгурмай, Белканинг лаби қимирламаётган бўлса-да, яна ўша ғалати овоз эшитилди.

- У ёлгон гапирди... Бола ёлгон гапирди...

- Поттер, қайт! - кичқирди Белка, - Ростини гапир, нимани кўрган эдинг?

- У билан... юзма-юз гапиришга имкон ярат... - эшитилди яна ўша овоз.

- Сохиб, сиз ҳали жуда заифсиз!

- У билан гаплашиб қўйишга... қурбим етади...

Гарри, худди яна Иблис тўрига тушиб қолгандай турган жойида серрайиб, танасининг бирорта мушагини қимирлата олмай, қотиб қолди. Белка кўлини кўтариб, бошидаги салласини еча бошлади. Нима бу? Салла ерга тушгач, Белканинг калласи кичкина бўлиб қолди. Бир вақт калла, ўз ўқи атрофида бурила бошлади. Кичқириб юбормоқчи бўлган боланинг, дами чикмай қолди. Белканинг боши оркасида бўр каби оппок, кўзлари кип-кизил, бурун катаклари илонникига ўхшаш иккинчи юз кўринди. Гарри ҳаёти давомида бундай жирканч башарани ҳали кўрмаган.

- Гарри Поттер... - вишиллади юз.

Гарри оркага тисарилмоқчи бўлди-ю, оёқлари итоат қилмади.

- Кўрдинг-ми, қай аҳволга тушиб қолганлигимни? - сўради юз, - Гўё бир кўланка, арвоҳман... Фақат бировнинг танасидагина яшай оладиган аҳволдаман... Хайриятки, мени ўз танаси ва миясига киритадиганлар доимо топилади... Сўнгги кунларда яккашоҳ нарвалнинг қони жонимга оро бўлди. Ўрмонда садоқатли Белка мен учун ўша қонни ичганини кўрдинг... Ана энди, Оби-Ҳаётга эришгач, ўз танамни ўзим ярата оламан... Шундай экан... Киссангга яширган тошни бер...

Демак у билади. Гарри оёғини яна хис этгач, оркага тисарилди.

- Аҳмоқлик қилма, - дарғазаб буришди юз, - Яхшиси ўз ҳаётингни асраб, менинг тарафдорларим томонга ўт... Акс ҳолда, бошингга ота-онанг кўрган кунни соламан... Улар ўз ўлиmidан олдин узоқ шафқат сўраб, ялиниб-ёлворишди...

- ЁЛҒОН! - бирдан кичқириб юборди Гарри.

Вольдеморт кўриб туриши учун Белка Гарри томон одимлаб келмоқда.

- Уни қаранг-а... - вишиллади юз, - Довюрақларни доимо ҳурмат қилиб келганман...

Ҳа, йигитча, тан олиш керакки, ота-онанг мард кишилар бўлишган. Дастлаб қахрамонона курашган отангни ҳалок қилдим... Онанг ўлиши шарт эмас эди... У сени химоя қилди... Агар унинг ўлими зое кетмаслигини истасанг тошни бер.

- ҲЕЧ ҚАЧОН!

Гарри ловуллаб ёниб турган эшик томон сакради. Шу топда Вольдеморт чийиллаб

юборди.

- Ушла уни!

Кейинги фурсатда Белка Гаррининг билагидан тутиб олди. Боланинг пешонасидаги чандик шу қадар оғрий бошладики, гўё боши ҳозир икки бўлиниб кетадигандай. Гарри овози борича кичкириб, курашди. Таажжуб, бола Белканинг чангалидан осон қутулди. Бош оғриғи бир оз енгиллашди. У атрофга қараб, Белкани кидира кетди. Белка оғриқ азобидан букчайиб қолган, бармоқлари Гаррининг кўз ўнгида пўрсилдок бўла бошлади.

- Ушла уни! УШЛА УНИ! - такрор кичкирди Вольдеморт.

Белка яна ташланди. У Гаррини ерга йикитганча, устига чиқиб, бўйнидан бўғиб олди. Боши такрор оғригидан бола деярли ҳеч нарсани кўрмади. Лекин Белка ҳам оғриқ азобидан жон талашаётганини сизди.

- Соҳиб, мен уни тутиб қололмайман, қўлларим... қўлларим...

Белка тиззалари билан Гаррини босиб олганча, томоғини қўйиб юбориб, қафтларига тикилиб қолди. Қўлининг тери қопламаси куйиб, гўшти кўриниб қолган.

- Ундай бўлса, тезроқ ўлдир, вассалом, аҳмоқ!

Белка, ажал келтирадиган қарғиш ўқиш учун қўлини кўтарган пайтда Гарри ғайриихтиёрий равишда буралиб, рақиб тиззалари остидан чиқиб олдида, унинг юзини маҳкам ушлаб олди...

- АААААА!

Юзи куйган Белка дод-фарёд қилганча нари юмалаб кетди. Шундагина Гарри ўз устунлигини идрок этди. Белка Гаррининг танасига тегиши билан чидаб бўлмас оғриқ ҳис этмоқда. Омон қолишнинг ягона йўли – рақибни маҳкам ушлаб, қарғиш ўқишга кучи етмайдиган даражада азоб беришдир.

Гарри ирғиб турди-да, Белканинг қўлларини кучи борича маҳкам ушлаб олди. Белка уввос солиб, Гаррининг қўлидан халос бўлишга уринди. Боланинг пешонасидаги чандик эса баттар оғриб, кўзига ҳеч нарса кўринмай қолди. Шундай бўлса-да, Вольдемортнинг: «ЎЛДИР УНИ! ЎЛДИР УНИ!» деган кичкириклари, яна кимнингдир «Гарри! Гарри!» деган йиғисини эшитди.

Гарри Белканинг қўллари бўшаб чиққанини ҳис этиб, энди халок бўлиши муқаррарлигини сизди. Назарида у қандайдир тубсиз, қоронғи жарликка тушиб кетаётган бўлди. У тобора пастлар... пастлар...

Боши узра аллақандай ялтироқ нарса учиб ўтгандай бўлди. Ахир бу Тилла чакқон-ку! У коптокчани тутиб олмоқчи бўлди-ю, бироқ... қўли ниҳоятда оғирлик қилди. Кўзини пирпиратди. Ялтираган нарса ҳеч қанақанги Тилла чакқон эмас, ярим ой шаклига эга шиша кўзойнак. Қизик.

У яна кўзини пирпиратди. Худди бўшлиқдан чиқиб келгандай, Альбус Дамблдорнинг кулиб турган юзи унга қараб турибди.

- Салом, Гарри, - деди Дамблдор.

Гарри унга бир оз тикилиб турди-да, бирдан эс-хушини йиғиб олди.

- Сэр! Тош! Унинг пайига тушган аслида Белка экан! Фалсафий тош Белкада!

Тезроқ, сэр...

- Тинчлан, кадрдоним. Сенинг маълумотларинг бир оз эскириб қоди, - мулойим овоз-ла болани тинчлантирди Дамблдор, - Тош Белкада эмас.

- Кимда, сэр? Мен...

- Гарри, тинчлан, илтимос. Акс холда Помфри хоним ҳозир мени қувиб солади бу ердан.

Гарри ютиниб қўйди-да, атрофга қараб, шифохонада ётганини идрок этди. У оппоқ чойшаблар тўшалган каравотда ётибди. Каравот ёнида эса ҳар хил ширинликлар тоғдай уюб ташланган.



- Дўстлар ва сени кадрловчи кишилардан совға-саломлар, - тушунтириш берди бахтдан ёришиб турган Дамблдор, - Ер остида сен билан профессор Белка иккалангизнинг ўрталарингда бўлиб ўтган ходиса қатъий сир сақланиши керак. Шу боис ҳам, табиийки, бу сирдан бутун мактаб хабардор бўлиб, ҳамма ўз тасанносини ифода этгани ошиқмоқда. Билишимча, дўстларинг мистер Фред ва мистер Жорж сенга унитаз қопкоғини совға қилишмоқчи ва шубҳа йўқ-ки, шу тариқа сени кўнглингни кўтариб, овунтирмоқчи бўлишган. Бироқ Помфри хоним бундай совгани гигиена талабларига жавоб бермайди деб топиб, мусодара қилди.
- Бу ерда қачондан буён ётибман?
- Атиги уч кун. Мистер Рональд Уэсли ва мисс Грэнжер хушингга келганингни эшитса жуда қувониб кетишади. Улар сендан жуда хавотир олишди.
- Бироқ сэр, тош...
- Тушунишим-ча, сени бу хаёлдан чалғитиш осон кечмайди. Хўш, тош бўлса, тош-да. Профессор Белка уни сендан тортиб олишга эриша олмади. Негаки, мен вақтида келиб қолиб, бунга йўл қўймадим. Бироқ таъкидлаб ўтиш жоизки, ишни ўзинг уддалаб қўйган экансан.
- Сиз келиб қолдингиз? Гермiona йўллаган бойқуш шу қадар тез етиб борди-ми?
- Биз ҳавода учрашдик. Лондонга етиб боришим билан қаердан келган бўлсам, зудлик билан ўша ерга қайтишим кераклигини дарҳол тушундим. Воқеа жойига ўз вақтида етиб келиб, профессор Белкани сенинг устингдан ажратиб олдим.
- Ўша сиз эдингизми.
- Кеч қолдим деб қўрққан эдим.
- Тош учун курашишга кучим деярли қолмаган эди.
- Мен тош ҳақида эмас, ўғлим, сен ҳақингда гапирмоқдаман. Сени йўқотиб қўйдим деб қўрқдим. Фалсафий тош масаласига келсак, у йўқ қилинди.
- Йўқ қилинди? - сўради Гарри, ҳеч нарсани тушунмай, - Дўстингиз, Николас Фламелга нима қилади энди?
- Николасни биласанми? Демак сен ҳамма гапдан бохабар экансан-да, а? - қувонч-ла хитоб қилди Дамблдор, - Хўш, Николас иккаламиз маслаҳатлашиб, масалани ижобий ҳал этдик.
- Энди у ва унинг рафиқаси бу ҳаётни тарк этишади-ку, шундай эмасми?
- Ўз ишларини тартибга келтириб олишлари учун уларнинг ихтиёридаги Оби-Ҳаёт захираси етарли. Кейин эса тўғри айтдинг, бу дунёни тарк этиб кетишади. Гаррининг юзида ифодаланган кучли тахайюр Дамблдорни қулишга мажбур қилди.
- Ишончим комилки, сендай ёш йигитчага бу сўзлар фавқулодда маънода эшитилади-ю, бироқ ўлим, Николас билан Перенелла учун узундан узоқ чўзилиб кетган кундан кейин келган тунги уйқудек гап. Пировардида, ўлим, тўғри шакланган онг учун, янги бир ажиб саргузашт. Шундай эмас-ми? Агар билсанг, ўша Фалсафий тош у қадар қимматли нарса эмас. Ўзинг истаганча бойлик ва истаганча узоқ ҳаёт! Бунга ҳар қандай киши хоҳлайди. Ҳамма бало шундаки, одамлар доимо ўзларини ҳалокат ёқасига олиб келиб қўядиган нарсалар ҳақида орзу қилишади.
- Гарри эшитаётган гаплар мазмунини тушуниб-тушунмай, уларга жавоб топа олмай ётди. Дамблдор эса шифтга қараганча, қулиб ўтирибди.
- Сэр? - ниҳоят овоз берди Гарри, - Бир нарса ҳақида ўйланиб қолдим... Айтайлик, энди тош йўқ, Вольд... яъни Ўзингиз-Биласиз-Ким...
- Уни Вольдеморт деб айт, Гарри. Ҳамма нарсани ўз номи билан айтишга ўрган. Муайян нарсанинг номидан қўркиш, мавзуга нисбатан шакланган қўркув хиссини янада кучайтириб юборади.
- Худди шундай, сэр. Энди Вольдеморт ҳаётга қайтишнинг бошқа йўлларини

кидиради, шундайми? У ахир ўлмаган-ку, тўғрими?

- Йўк, Гарри, у ўлмади. У ҳалигача тирик. Ўзига бирон-бир янги тана кидириб юрган бўлса керак... Гап шундаки, аниқроқ айтиладиган бўлса, Вольдемоорт чинакамига тирик эмас, шу боис ҳам уни ростакамига ўлдириб бўлмайди. У, ўзинг шохид бўлдинг, Белкани ўлимга маҳкум этиб, ўзи қочиб қолди. Вольдемоорт на дўстлари ва на душманларига шафқат қилади. Ўша худбин фақат ўз мақсад ва манфаатларини кўзлайди холос. Сен унинг қайтишини номаълум вақтга кечга суриб юборган бўлсанг-да, у, келгуси ноумид жангда иштирок этишга истак билдирган бирор-бир кишини топади ва бу ҳолат такрорланаверади. Эҳтимол шу тариқа, у ҳеч қачон ўз қудратига қайта эриша олмас.

Гарри бош ирғиди, бироқ бу ҳаракати унинг бошини айлантириб юборди.

- Сэр, айрим нарсаларни сиздан сўраб билмоқчи эдим, агар мумкин бўлса, албатта... Авваламбор, бир ҳақиқатни идрок этмоқчиман...

- Ҳақиқатни, - хўрсинди Дамблдор, - Ҳақиқат жуда гўзал ва аини вақтда ниҳоятда даҳшатли қудратга эга тушунчадир. Шундай экан, у билан ниҳоятда эҳтиёткорона муомала қилмоқ даркор. Аммо, сенинг саволларингга жавоб бераман, агар менда саволингни жавобсиз қолдиришга жиддий асос бўлмаса, албатта. Демак, мени маъзур санашингга тўғри келади. Табиийки, у холда ҳам, бу холда ҳам ёлгон гапирмайман, сўра.

- Яхши... Вольдемоортнинг сўзларига қараганда у онамни ўлдиришни истамаган, бироқ мени ўлдиргани тўскинлик қилгани учун ҳам ҳалок қилишга мажбур бўлган экан. Нега энди ўшанда, Вольдемоорт, мендай чакалокни ўлдиришни истаб қолган?

- Минг афсус! - янада чуқурроқ хўрсинди Дамблдор, - Биринчи саволингни жавобсиз қолдиришга мажбурман. Бугун эмас. Ҳозир эмас, Гарри. Вақти келиб бунинг сабабини албатта билиб оласан... ҳозир эса ушбу ўй-фикрларни миянгдан чиқариб ташла, ўғлим. Бир оз улғайгач... Биламан, бу гапни эшитиш сенга осон кечмайди... Ушбу савол жавобини эшитишга тайёр бўлганингда, бор гапни билиб оласан.

Гарри баслашиш бефойда эканлигини тушунди.

- Нима учун Белка менга қўл теккиза олмади?

- Онанг сени ҳимоя қилиб, ҳалок бўлди. Бу дунёда Вольдемоорт ва унга ўхшаганлар тушуниб етмайдиган шундай бир тушунча борки, ўғлим, у ҳам бўлса, муҳаббат. Онангнинг сенга бўлган муҳаббати ва ушбу муҳаббат кучи ўз изини қолдириши мумкинлигини у ҳеч идрок эта олмайди. Бу из пешонангдаги чандиқ ҳам эмас, бирор-бир кўзга кўринадиган бошқа аломат ҳам эмас... Бироқ бирор-бир кишининг сенга бўлган муҳаббати ўта кучли бўлса, у, вафотидан сўнг ҳам, ўз муҳаббати ила сени ҳимоя қилиб боради. Сенинг жамики вужудингга онангнинг муҳаббати сингиб кетган. Шу боис ҳам ўз жон-у, танини Вольдемоорт билан баҳам кўриб, юраги нафрат, ҳасрат ва ғазабга тўлиб-тошган Белка сенга қўл теккиза олмади. Муҳаббат каби гўзал нарсага қўл кўтариш, унинг учун, том маънода, ўлим билан баробар бўлиб қолди.

Дамблдор кутилмаганда дераза тоқчасига қўнган қушчага қизиқиб қаради. Пайтдан фойдаланган Гарри чойшаб четига кўз ёшини артиб олди.

- Кўринмас плашни-чи, ким юборди менга, хабарингиз йўқми? - сўради ўзини идора қилиб олган бола.

- Ҳа, плашними... Шундай бир ҳолат бўлдими, отанг уни менга ташлаб кетди. Сенга асқатади деб ўйладим, - Дамблдор кўзини қисиб қўйди, - Фойдали буюм... Ўз вақтида отанг ўша плаш ёрдамида ошхонадан қулча ўғирлаб юрган эди.

- Яна бир савол.

- Бос.

- Белканинг сўзларига қараганда, Снегг...
- Профессор Снегг, Гарри.
- Ҳа... Белканинг сўзларига қараганда, у, дадамдан нафратлангани учун мендан ҳам нафратланар экан. Шу гап ростми?
- Айтиш жоизки, улар чиндан ҳам бир-биридан нафратланишган. Тахминан сен билан Малфой каби. Бундан ташқари, отанг шундай бир иш қилиб қўйган эдики, Снегг уни кечиришга қурби етмаган.
- Қандай иш экан у?
- Отанг Снеггнинг хаётини сақлаб қолган.
- Нима?
- Ҳа-ха... - тасдиқлади Дамблдор ўйланиб қолиб, - Инсон табиати нақадар мантуксиз яралган! Қизик, а? Профессор Снегг отанг олдида қарздор эканлигига бардош бера олмайди... Бутун ўқув йили давомида у сени ўз табиатига хос тарзда химоя қилиб юрганига ишончим комил. Шундай қилса, ўз қарзидан халос бўлишига ишонади ва отанг ҳақидаги хотиралардан ҳазар қилиб, нафратланганча яшаб ўтади...
- Гарри, ушбу сўзлар маъносини идрок этишга уриниб кўрди-ю, миясида қон урилиб, ортик ўйламасликка мажбур бўлди.
- Сэр, яна битта савол...
- Биттагина холос-ми?
- Кўзгу ичидаги тош қандай қилиб қўлимга тушиб қолди?
- Ҳа, мана бу яхши савол бўлди. Бу менинг энг ажойиб ғояларимдан бири бўлган. Гап шу ерда қолсин-у, мен камтаринлик қилмоқдаман. Ҳамма бало шундаки, Фалсафий тошни топмоқчи бўлган, тушуняпсан-ми, ундан ғараз ниятда фойдаланмоқчи бўлган эмас, фақат топмоқчи бўлган кишигина, уни қўлга кирита олиши мумкин эди. Акс ҳолда киши Кўнгилдаги орзулар кўзгусида олтин ясаётган ёки Оби-Ҳаёт ичаётган ўз аксинигина кўриши мумкин. Баъзан мен ўзимдан ўзим қойил қолиб, ўзимни ўзим лол қолдираман... Бас энди, бугунга етар. Яхшиси мана бу ширинликларга қара. Барча таъмларни ўзига мужассам этган Берти Ботт ёнғоқлари ҳам бор экан! Болалигимда омадим юришмай, қусуқ таъмли ёнғоқ теккан. Шундан сўнг, ушбу ширинликка бўлган қизиқишим сўнган эди. Умид қиламанки, мана бу гулсапсар рангли ёнғоқни есам, бирор-бир мудҳиш иш бўлмайди-а?
- У қулиб қўйди-да, айёр қиёфа билан тилла-жигар ранг ёнғоқни оғзига солиб, тикилиб қолгандай бўлди.
- Минг афсус! Қулоқ кири!
- Фельдшер Помфри хоним кўринишдан ёқимтой бўлгани билан, жуда талабчан аёл.
- Атиги беш дақиқа, - ўтинар эди Гарри.
- Йўқ дедим-ми, йўқ.
- Профессор Дамблдорни киритдингиз-ку...
- Ҳа киритдим. Ахир у директор. Фарқи катта. Сен дам олишинг керак.
- Мен нима қиляпман? Дам оляпман-ку, ётибман ва ҳоказо. Илтимос, Помфри хоним.
- Ҳўп, майли, - таслим бўлди хоним, - Фақат беш дақиқа.
- Помфри хоним Рон билан Германиони киритди.
- Гарри!
- Германиа ўзини Гаррига отишга шай эди-ю, ҳаракатини идора қилиб олди. Хайриятки Гаррининг боши ҳамон оғриётган экан.
- О, Гарри, биз кўрққан эдик-ки, сен... Дамблдор жуда хавотир олди.
- Бутун мактабда дув-дув гап, - деди Рон, - Аслида нима бўлди ўзи?

Баъзан, ҳақиқатда бўлиб ўтган воқеалар, ушбу ҳодисалар ҳақида тарқалган миш-миш гаплардан ҳам кўра сирли ва марокли эшитилади. Гаррининг ҳикояси айти шундай фавкуллода ҳолатлардан бири бўлди. Гарри дўстларига бўлиб ўтган ишларнинг ҳаммасини бирма-бир: Белка ҳақида ҳам, Кўнгилдаги орзулар кўзгуси ҳақида ҳам, Фалсафий тош ҳақида ҳам, Вольдеморт ҳақида ҳам сўзлаб берди. Рон билан Гермиона эса ўзларини жуда яхши тингловчилардай тутишди. Улар ҳикоянинг керакли жойларида оҳ уришди. Белка бошидаги саллани ечган жойда эса Гермиона балад овозда хитоб қилиб юборди.

- Демак, Фалсафий тош энди йўк, Фламел эса ўлади! - хулоса чиқарди Рон.

- Мен ҳам Дамблдорга шу саволни бердим. У менга, нима деган эди? Ҳа, эсладим: «ўлим, тўғри шакланган онг учун, янги бир ажиб саргузашт» деди.

- Қариянинг томи жойида эмаслигини сизларга доим таъкидлаб келганман, мана исботи, - деди Рон, доно киёфа ясаб.

Рон ўзи фикр юритган қаҳрамонларнинг бариси ана шундай телба эканлиги ўзига хуш келиши аён билиниб турибди.

- Сизларга нима қилди, - сўради Гарри.

- Мен қирмизи оловдан соғ-саломат ўтиб, ортга қайтиб чиқдим. Сўнг, Ронни хушига келтирдим. Бунинг учун анча вақт керак бўлди. Шундан сўнг, Дамблдорга хабар етказиш учун бойкушхона томон югурдик. Аммо улгурмадик. Ўзи вестибюлда турган ва бор гапдан хабардор экан. Бизни кўргач: «Гарри унинг кетидан кириб кетди-ми?», - деб сўраганча, учинчи қават томон югурди.

- Нима деб ўйлайсан, сен айти шундай иш тутишингни Дамблдор билганми-йўқми?

- сўради Рон, - Билиб туриб сенга кўринмас плашни юборганми?

- Бўлиши мумкин эмас, - бакириб юборди Гермиона, - Билиб туриб тек қўйиб берган бўлса, дахшат. Ахир сен ҳалок бўлишинг мумкин эди-ку.

- Йўк, дахшат эмас, - ўйланиб гапирди Гарри, - Дамблдор чиндан ҳам ғалати одам.

Назаримда у менга имкон берди. Фикримча, қария бу ерда бўлаётган барча гаплардан бохабар бўлиб боради, тушуняпсиз-ми? Билишимча, у сиз билан бизнинг режаларимизни фахмлаб юрган. Бизни тўхтатиб қолиш ўрнига ҳаётини тажрибамизни бойитишга аҳд қилган ва зарурий фурсатда ёрдамга келган.

Кўнгилдаги орзулар қандай қор беришини билиб олишим ҳам тасодиф эмас деб ўйлайман. Бунга Дамблдорнинг ўзи имкон яратиб берган. Фаҳмимча, Вольдеморт билан юзма-юз келишимга ҳақли эканлигимни у тўғри деб топган, агар мен...

- Айтдим-ку, томи жойида эмас уни деб, - виқор-ла таъкидлади Рон, - Қулоқ сол, эртага, ўқув йили тугалланганлиги муносабати билан ўтказиладиган зиёфатга сен албатта чиқишинг керак. Мактаб кубогини энг кўп балл тўплаган слизеринчилар олишади албатта. Сўнгги ўйинда иштирок этмаганинг учун «Равенкло» квидиш жамоамизни пачоқ қилиб ташлади. Хеч қиси йўк, аммо мазали таомларни еб тўйиш ҳуқуқимиз дахлсиз қолган.

Айти шу фурсатда Помфри хоним отилиб кирди.

- Ўн беш дақиқадан буён ўтирибсиз. Бўлди, жўнанг бу ердан, КЕТИНГ!

\*\*\*

Гарри тўйиб ухлаб олгач, эрталаб ўзини яхши ҳис этди.

- Мен байрам тантаналарига бормоқчиман, - деди у, Помфри хоним стол устидаги ширинликларнинг кўп сонли қутилларини тўғрилаш билан машғул бўлаётганида, - Борсам бўладими?

- Профессор Дамблдорнинг фикрича, сенга, байрам тантаналарида иштирок этишга руҳсат бериш керак эмиш, - жавоб қайтарди лабларини маҳкам қисиб олган Помфри хоним, гўё Дамблдор бундай тадбирда иштирок этиши бола учун қанчалик хавфли

эканлигини ўзига тасаввур эта олмаяпти деган фикрни айтишдан ўзини базўр тийиб олгандай, - Бундан ташқари, сени кўргани меҳмон келган.

- Зўр-ку, - хурсанд бўлди Гарри, - Ким экан?

Ушбу сўзлар айтилаётганида хонага, ёнбош томони билан эшиқдан базўр сиғиб ўтган Хагринд кириб келди. Одатдагидай, хона ичида у, жоиз бўлмаган даражада йирик кўринди. Давангир Гаррининг ёнига ўтириб, бола томон бир қараб қўйди-да, кутилмаганда хўнграб юборди.

- Жин урсин, ҳаммасига мен айбдорман! - пиқиллади у, - Момиквойни алдаб ўтишни ўзим айтиб берибман! Ўзим! Билмаган нарсаси шу қолган экан. Уни ҳам ўз оғзим билан гуллаб қўйибман! Сен ўлиб қолишинг мумкин эди-ку! Аждар тухумининг эвазига-я! Нақадар аҳмоқ эканман! Энди ҳаётда оғзимга олмаганим бўлсин, ўша лаънати ичкиликни! Мени Маглистонга қувиб солиш керак!

- Хагринд! - хитоб қилиб юборди Гарри, мактаб қоровулининг ғам-андухдан титраб йиғлаётгани ва йирик кўз ёшлари соқолларини ювиб тушаётганини кўриб, - Хагринд, у бари-бир билиб олар эди. Ахир бу Вольдеморт-ку! Сен айтмасанг ҳам билиб олган бўлар эди.

- Сен ўлиб қолишинг мумкин эди-ку! - хўнграшини қўймади Хагринд, - Унинг исмини талаффуз...

- ВОЛЬДЕМОРТ! - қичкириб юборди Гарри, Хагриндни даҳшатга солганча, хўнграшдан тўхтатиб, - Мен у билан яхши танишиб олганман ва шу боис ҳам номини талаффуз этишга журъат эта оламан. Илтимос, тинчлан, Хагринд. Биз Фалсафий тошни душманга бериб қўймадик. У йўқ қилинди ва энди Вольдеморт уни ўғирлай олмайди. Менинг шоқобақаларим жуда қўп. Улардан бирини ол-да, тинчлан.

Хагринд ўзининг катта бурнини йирик кафти билан артиб олди.

- Ҳа, айтгандай. Сенга совға олиб келган эдим.

- Така гўшtidан тайёрланган сэндвич бўлмаса керак, деб умид қиламан, - хавотирланди Гарри.

Хагринд, ниҳоят кулимсираб қўйди.

- Дамблдор мени ишдан хайдаб юбориш ўрнига... Майли, бунинг аҳамияти йўқ. Мана бу ишни охиригача етказишим учун дам олиш қуни берган эди. Мана, бу сенга.

Хагринд киссасидан чарм муқовали чиройли китобча чиқариб, болага узатди. Гарри уни кизикиб очди. Ичида сеҳрли фотосуратлар бор экан. Ҳар бир саҳифада Гаррининг ота-онаси кулиб ҳавойи ўпич йўлламоқда.

- Ота-онангнинг синфдошларига бойқушлар йўлладим. Кимда қандай фотосурат бўлса, юборишини сўрадим... Сенда бирорта ҳам йўқ-ку... Ёқди-ми?

Гарри жавоб бера олмади. Боланинг аҳволини тушунган Хагринд хафа бўлмади. Гарри пастга, байрам зиёфатига охириги бўлиб тушди. Пациентнинг аҳволини «сўнгги бор» текшириб, ишлар жойида эканлигига ишонч ҳосил қилинганча, ивирсиган Помфри хоним уни ушлаб қолди (**Пациент – шифокор ихтиёридаги бемор**).

Етти йилдан буён мактаб кубогини қўлда сақлаб қолаётган «Слизерин» факультетининг тимсоллари бўлмиш яшил ва қумуш ранглар билан безатилган Катта Зал Гарри кириб келганда одамга тўлиб бўлган экан. Мўътабар Стол ортидаги деворга «Слизерин» илонининг тасвири туширилган катта байроқ тортилган. Гарри кириб келиши билан Катта Залга сукунат чўқди. Фурсат ўтгач, ҳамма яна ўзи билан ўзи овора бўлиб, жонли суҳбат давом этди. Бола «Гриффиндор» столига яқин келиб, дўстлари Рон билан Гермионанинг ўртасига жойлашиб олди. Айни пайтда уни яна бир бор, соғ-саломат кўриш учун ҳамма қалқиб, оёққа туриб олгани,

арвоҳларнинг ҳаммаси бирма-бир устидан учиб ўтганига эътибор қаратмади. Хайриятки икки дақиқадан сўнг кириб келган Дамблдор Гаррини бундай ноқулай ҳолатдан халос этди. Говур-ғувур босилди.

- Мана, орадан яна бир йил ўтди! - қувонч-ла сўз бошлади Дамблдор, - Сизларга эса мазали таомларга тиш санчишдан олдин, мендай ақли ноқис қариянинг ваги-кути гапларига қулоқ тутиб, сабр қилишга тўғри келади. Қанақанги йил бўлди, ўтган йил?! Умид қиламанки, бошларингиз ўқув йили давомида тасарруф этилган билимлардан янада оғирлашиб кетди... Ушбу билимларни миянгиздан битта қўймай, охиргача қоқиб чиқариб юборишингиз учун эса олдинда бутун бир ёз турибди.

Дамблдор бир оз қулимсираганча, ўйланиб турди-да, гапини давом этди.

- Ҳозир, фаҳмимча, ҳамма, мактаб кубоги топширилишини кутмоқда. Тўпланган баллар қўйдагича тақсимланди: тўртинчи ўринда «Гриффиндор», уч юз ўн икки балл; учинчи ўринда «Хуффльпуфф», уч юз эллик икки балл; «Равенкло» бу йил тўрт юз йигирма олти балл тўплашга муваффақ бўлди ва ниҳоят биринчи ўринда, «Слизерин», тўрт юз етмиш икки балл.

«Слизерин» столи атрофида қарсақлар ва бақир-чақирлар янгради. Гаррининг нигоҳи қўлидаги қумуш бокални столга ураётган Драко Малфойга тушди. Қандай жирканч қилиқ.

- Жуда соз, жуда яхши «Слизерин», - мактаб қўйди Дамблдор, - Бирок бўлиб ўтган сўнгги воқеаларни инобатга олишимиз зарур.

Катта Залдаги товушлар ўчди. Слизеринчиларнинг юзидаги қулги шу захоти сўнди.

- Дикқат! - деди Дамблдор, - Менда, балларнинг муайян миқдори қолиб кетган бўлиб, уларни, кўрсатган хизматлари учун, ўз эгаларига топширишим керак. Кимдан бошласам экан... Ҳўш... Авваламбор, мистер Рональд Уэслига... Роннинг юзига қон югуриб, пишиб ўтиб кетган редискадай қизариб кетди.

- ... мактаб даргоҳида кўп йиллардан буён биринчи бор юксак маҳорат ила ғалаба қозонилган шахмат ўйини учун «Гриффиндор»га эллик балл қўшаман.

«Гриффиндор» столи атрофида Катта Залнинг сеҳрланган шифти томон қаратилган шундай қичқириклар эшитилдики, ҳатто ситоралар титраб кетди. Перси ёнида ўтирган синфбошиларга фаҳр-ла мактаниб қичқирди.

- Бу менинг укам, эшитаяспиз-ми, бу менинг кенжа укам! Йўқ, сиз фаҳмладингиз-ми! Ахир укам, кимсан – Макгонагаллнинг шахмат тахтаси устида ғалаба қозонди. Ниҳоят ҳаяжонлар бир оз босилди.

- Иккинчидан, совуқ мантиғи қизиб ёнаётган оловдан устун келган мисс Гермиона Грэнжерга... «Гриффиндор»га яна эллик балл қўшаман.

Гермиона қафти билан юзини бекитиб олди. Гаррининг назарида у йиғлаб юборгандай бўлди. Бақир-чақир қилаётган гриффиндорчилар ақл-хушини йўқотиб қўйишларига оз қолди. Ахир улар қутилмаганда юз баллга қўтарилиб кетишди-ку.

- Учунчидан... мистер Гарри Поттерга, - давом этди Дамблдор, Катта Залга сукунат чўқтиргач, - Унинг вазминлиги ва мисли қўрилмаган жасорати учун «Гриффиндор»га олтмиш балл қўшаман.

Гаррининг шарафига янграган гулдурос олқишлар қулоқни қар қилиб юборгандай бўлди. Зўр бериб чинқиришлар орасида ҳисоблаш қобилиятини йўқотмаганлар «Гриффиндор» худди «Слизерин» каби тўрт юз етмиш икки балл тўплаганини тушуниб етишди. Улар энди кубокни тенг баҳам кўрадилар. Агар Дамблдор Гаррига атиги бир балл кўпроқ қўшганда эди...

Дамблдор қўлини кўтарди. Катта Залда аста-секин жимлик қарор топди.

- Мардлик ва жасоратнинг кўриниши кўп, жаноблар, - деди Дамблдор қулиб, - Шубҳа йўқ-ки, душманга қарши қурашга қўтарилиш учун киши ниҳоятда ботир

бўлиши даркор. Бирок ўз дўстларига қарши чиқиш учун ҳам кишига анчагина куч ва шижоат керак бўлади. Шундай экан, мен мистер Невилль Лонгботтомни ўн балл билан тақдирлайман.

«Гриффиндор» столдан эшитилган олқишлар шу қадар кучли эшитилдики, агар кимдир айна шу фурсатда ташқарида бўлганида Катта Зал портлаб кетди деган хаёлга бориши муқаррар эди. Гарри, Рон ва Гермиона қичқириб, завкланганча ҳамма билан тенг сапчиб туришди. Ўз коллежига йил давомида хали бирорта бўлсин балл келтирмаган, серрайиб, ранги оқарган бечора Невилль эса уни кучоклашга ташланган болалар остида қолиб кетди. Ҳалигача айюҳаннос солаётган Гарри Роннинг қовурғасига туртиб, Малфой томон имо қилди. Эсанкираб қолган Драконинг қиёфаси тўлиқ Тана-бинт афсуни қўлланилган ҳолатдан ҳам беш баттар эди.

«Хуффлпуфф» ҳам, «Равенкло» ҳам «Слизерин»нинг қулаганидан севиниб, «Гриффиндор» билан теппа-тенг тантана қилди.

- Бу эса ўз навбатида, - мисли кўрилмаган шовқин сурондан ҳам баланд овоз билан қичқирди Дамблдор, - Катта Зал манзарасини бир оз ўзгартиришимиз кераклигини англатади.

Ушбу сўзларни қичқирган Дамблдор қарс урди. Бир сония ичида Катта Залдаги яшил ранг қирмизи тусга, кумуш тус эса тилла рангга алмашди. «Слизерин»нинг тимсоли бўлмиш улкан илон гум бўлиб, унинг ўрнини «Гриффиндор»нинг тимсоли – қудратли шер эгаллади.

Снегг зўрма-зўраки, ғайритабиий жилмайиш ясаганча, профессор Макгонагаллнинг қўлини сиқиб қўйгач, нигоҳини Гаррига қаратди. Северуснинг муносабати зиғирдай бўлса ҳам, ўзгармаганини бола дархол сезди.

Мактаб ҳаёти шиддат билан ўз изига тушгандай бўлди гўё. Келаси йил ишлари «Хогварц»да бўлиши мумкин бўлган даражада жойида бўлишига умид боғласа бўлади.

Гарри учун бу байрам ҳаётидаги энг зўр байрам бўлди. Зеро бу байрам қвидиш ўйинида қозонган ғалабасидан ҳам, Рождество байрамидан ҳам, дўстлари билан биргаликда тоғ тролли устидан қозонган ғалабасидан ҳам, зўр байрам бўлди. Бугунги окшомни у ҳеч қачон унутмайди.

Имтиҳон натижаларини эълон қилишлари лозимлигини Гарри унутиб қўйган экан. Шундай бўлса-да, натижалар эълон қилинди. Рон иккаласининг ҳайратда қолдиргани шундаки, уларнинг баҳолари ёмон бўлмади. Табиийки, Гермиона биринчи синф ўқувчилари орасида энг аълочи ўқувчи деб эътироф этилди. Ҳатто Невилль ҳам кейинги синфга ўтибди. Сехрли дамламалар тайёрлашдан олган ёмон баҳосининг ўрнини гербологиядан олган яхши баҳоси қоплаб юборди. Ҳамма ўта бефаҳм ва дарғазаб Гойл мактабдан ҳайдалишига умид боғлаган эди. Аммо бундай ҳолат содир бўлмади. Ачинарли хол, албатта, бирок Роннинг айтишича, бахт ҳеч қачон тўлиқ бўлмас эмиш.

Мана ниҳоят, жавонлар бўшаб, сандиқлар тўлди. Невиллнинг бақаси хожатхонада топилди. Жамики ўқувчиларга таътил давомида сеҳр-жоду билан шуғулланиш ман этилгани баён этилган махсус эслатмалар тарқатилди.

- Бундай эслатмаларни тарқатиш ёдларидан кўтарилиб қолишига ҳар сафар умид боғлайман, - чуқур хўрсиниб қўйди Фред Уэсли, қўлидаги эслатмани маъюс қиёфа билан киссасига солиб.

Болаларни қайиқчаларга ўтқизиб, қўлнинг нариги соҳилига олиб ўтиш учун Хагрид хозир бўлди. «Хогварц-Экспресс»га ўтирган болалар алланималар ҳақида вайсаб, қулишди, барча таъмларни ўзига мужассам этган Берти Ботт ёнғоқларини кавшаб боришди. Деразадан кўринган манзара эса тобора яшил, завкли ва батартиб

манзарага алмашиб борди. Магларнинг шаҳарларидан ўтишаётганда сеҳргарлар кийимини ечиб, магларнинг кийимини кийиб олишди ва ниҳоят Кингс-Кроссдаги тўққиз бутун тўртдан учинчи платформага етиб келишди.

Ўқувчилар платформани тарк этиб тарқалгунга қадар кўп вақт ўтди. Тўсиқ олдида турган тажрибали чиптачи магларнинг эътиборини жалб этмаслик учун болаларни иккитадан, кўпи билан учтадан ўтказди. Бир поезд бола девордан чиқиб келишса нима бўлишини тасаввур қилиб кўринг!

- Сизлар ёзда уйимизга меҳмонга келишингиз керак, иккалангиз, - деди Рон, - Мен бойқуш йўллайман.

- Раҳмат, - миннатдорлик билдирди Гарри, - Кутаман.

Учовлон ўртоқ аста-секин маглар дунёсига олиб ўтадиган дарвозага яқинлашиб боришди. «Хогварц» ўқувчилари эса улар ёнидан шоша-пиша хайрлашиб ўтишди.

- Учрашгунча, Гарри!

- Омон бўл, Поттер!

- Машхурсан, - кулиб қўйди Рон.

- Ҳа, фақат мен борадиган жойда эмас. Бунга шубҳа қилмасанг ҳам бўлади, - деди Гарри, маънос оҳангда.

Гарри, Рон ва Гермиона дарвозадан бирга чиқишди.

Кутилмаганда қизалокнинг овози эшитилди.

- Ойи, ана у, кўрдингиз-ми, ана!

- Сингилчам, Жинна, - деди Рон.

Бироқ Жинна онасига Ронни эмас, Гаррини кўрсатаётган экан.

- Гарри Поттер! - кичкирар эди у, - Қаранг, ойи! Мен...

- Секинрок, Жинна, кичкирма. Одамга бармоқ ўкташ ҳам одобдан эмас.

Миссис Уэсли болаларни кулиб қарши олди.

- Қийин ўтди-ми йил? - сўради у.

- Жуда, - жавоб қайтарди Гарри, - Ирис қандлар ва свитер учун раҳмат, миссис Уэсли.

- Қўйсанг-чи, ёқимтойгинам, арзимаиди.

- Ҳой сен, тайёرمىсан?

Бу, ҳеч кимнинг овози билан адаштириб юборилмайдиган Вернон амакининг овози.

У одатдагидай лавлагюз, одатдагидай мўйловли ва одатдагидай Гаррининг юриш-туришидан дарғазаб. Қаранг-ки, боадаб, ақли расо одамлар тўла платформада Гарри бойқуш қамалган катта қафас кўтариб юрибди. Амакининг ортида, Гаррининг қайтиб келганидан хурсанд эмаслиги яққол кўриниб турган Петунья хола билан Дудли турибди.

- Сизлар, фаҳмимча, Гаррининг қариндошлари бўлсангиз керак! - деди миссис Уэсли.

- Агар шундай дейиш керак бўлса, - жавоб қайтарди Вернон амаки, - Тез бўл, хой бола. Сени деб қуни билан сандироклаб юрмаймиз-ку, бу ерда, - деди-да, ўгирилиб нари кетди.

Гарри ўртоқлари билан хайрлашиб олиш учун бир оз ушланиб қолди.

- Ёзда учрашгунча.

- Ёзни... эсон-омон ўтказиб ол, Гарри, - деди Гермиона, Вернон амакининг кўполлигидан серрайиб.

- Ҳаракат қиламан, - деди Гарри.

Унинг юзидаги тантанавор кулгини кўрган дўстлари хайрон бўлишди.

- Улар уйда сеҳр-жоду билан шуғулланиш ман этилганидан беҳабар-ку. Дудли иккаламиз ёзни маза қилиб ўтказамиз...



